

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги
Ўзбекистон миллий университети
Бухоро давлат университети**

Ш.С.Зокиров, Х.Р.Тошов

**ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИ
IX-XVI асрлар**

Бухоро, “Дурдона” нашриёти, 2015

63.2

3-74

Зокиров Ш.С.

География тарихи. Монография / Ш.С.Зокиров, Х.Р.Тошов. –
Бухоро : ООО “Sadriddin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2015.
184 b.

КБК 63.2

Монографияда Ўрта асрлар Шарқ оламида география фанининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, унда юзага келган бир қатор илмий йўналишлар таърифланган. Ушбу йўналишларнинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшган қатор Шарқ олимларининг, жумладан Ўрта Осиёлик юртдошларимизнинг география ва табиатшуносликка оид асарлари география тарихи нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, қисқача маълумотлар берилган.

Рисола география фани тарихи билан қизиқувчи китобхонлар, ўқитувчилар, талабалар ва ўқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Х.Х. Тўраев, БухДУ, тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Ш.А.Ҳайитов БухДУ, тарих фанлари доктори, профессор

А.М.Мавлонов БухДУ, география фанлари нозоди, доцент

Монография Бухоро давлат университети илмий кенгашининг 2015 йил 10 мартағи 5-сонли йиғилиши қарорига асосан нашрга тавсия қилинган.

ISBN 978-9943-4504-4-8

КИРИШ

География қарийб йигирма икки асрлик узоқ ва мураккаб тарихга эга бўлган қадимги фанлардан биридир. У жамиятда доимо бир неча вазифаларни бажариб келган. Географик билимлар умумий таълимнинг асосларидан бирини ташкил қилиши билан бир вақтда инсоннинг ҳақиқий илмий дунёқарашининг шаклланиши учун муҳимдир. География бугунги кун фани сифатида ривожланишнинг табиатдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, жамиятнинг турли социал-иқтисодий вазифаларни тўғри ҳал этишида аҳамияти катта.

География ўзининг узоқ тарихи давомида ғайратли ва донишманд инсонларнинг шиҷоати туфайли Ер юзасининг барча қисмлари, мамлакатлари кашф қилинди, уларнинг табиий шароитлари, табиий бойликлари, ҳалқлари ва бошқа географик хусусиятларига оид кўпдан-кўп маълумотлар тўпланди. Натижада тўпланган маълумотларни ўрганиш, солиштириш, умумлаштириш ва қонуниятларни аниқлашдан иборат бўлган илмий изланишлар юзага чиқа бошлади, яъни география фанининг илмий асослари ва назарияси шакллана бошлади.

Ер юзаси ва турли қисмларининг, турли ўлка ва мамлакатларнинг табиий шароити, табиий бойликлари, хўжалиги ва аҳолисига тааллуқли маълумотлар кўпайган сари географик изланишлар ҳам мураккаблашиб, ихтисослашиб борди. Жойларнинг табиий шароитини, иқтисодий географик хусусиятларини чуқурроқ ва батафсилроқ билиш эҳтиёжи уларнинг қисмларга, компонентларга бўлиб ўрганишни тақозо эта бошлади. Бу ҳол ўз навбатида география фанининг табақаланишига ва янги географик фанларни пайдо бўлишига олиб келди. Бунинг оқибатида бир бутун фан сифатида шаклланган география эндиликда мураккаб тузилган фанлар тизимиға айланди. Бу тизимда палеогеография, тарихий география каби география тарихининг ҳам ўз ўрни бор.

География фанининг ҳозирги ҳолатини тўғри баҳолай олиш учун ҳамда келажакдаги тараққиёт йўналишларини олдиндан кўра билиш учун унинг ўтмишини ўрганишга тўғри келади. “Географияни, унинг тарихини билмай туриб, ўрганиш мумкин эмас. Бу мазкур фаннинг ўзига хос хусусиятидир. Бошқа фанларда ўз тарихини билиш фойдали бўлса, географияда бу зарурдир.” XIX аср бошида немис географи Фридрих Ратцел (1844-1904) томонидан айтилган ушбу жумлаларда географ – мутахассис учун ўз фани тарихини билиш қанчалик аҳамиятли эканлиги жиддий таъкидланган.

Айрим ҳолларда ёшларимиз география тарихини тарихий география билан чалкаштирадилар. Аслида тарихий география ўтмишдаги табиий шароит, аҳоли ва унинг хўжаликдаги фаолиятига, иқтисодига оид бўлган географик хусусиятларни ўрганадиган ва илмий таҳлил қиласидиган фан ҳисобланади. Қисқа ва аниқ қилиб айтганда, тарихий география – маълум бир тарихий даврнинг географиясидир. География тарихи эса география фанининг ўтмишдаги шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини, қўллаган тадқиқот методларини, илмий изланишлар йўналишларини, илмий ғояларни ўрганади, таҳлил қиласиди ва илмий хulosалар чиқаради. Географик саёҳатлар, экспедициялар натижасида, янги ерларни, қитъа ва океан, денгиз, тоғ тизмаси каби географик обьектларни кашф этилиш тарихи ҳам география тарихининг ўзига хос бир қисми ҳисобланади.

Географиянинг тараққиёт тарихи ҳам бошқа фанларда бўлгани каби кишилик жамиятининг тараққиёт тарихи билан боғлиқ ҳолда, баъзида сустлик билан, баъзида тез суръатлар билан босқичма босқич кечганлиги яхши маълум. Шу сабабли ҳам уни катта-кичик давраларга, босқичларга бўлиб ўрганилади. Бир қатор рус географларининг (масалан, А.Ф.Антошко, А.И.Соловьев, 1962; В.А.Дементьев, С.Ш.Андрюшенко, 1962; А.Г.Исаченко, 1971; Ю.Г.Саушкин, 1976; М.М.Голубчик, С.П.Евдокимов, Г.Н.Максимов, 1998; В.Т.Богучарсков, 2004 ва б.) география тарихига оид асарларида белгиланган босқичлар

сонида ва босқичларнинг чегараларида тафовутлар борлигини кўрамиз. Шундай бўлсада, уларнинг даврлаштириш схемаларида география тарихининг дастлабки босқичлари сифатида қадимги, яъни антик давр билан ўрта асрлар босқичлари ажратилган. Уларнинг тавсифларида эса каттагина фарқ бор. Чунончи қадимги давр география тарихи нисбатан кенгроқ, ўрта асрлар даври география тарихи эса жуда қисқа ва саёз ёритилганлигини кўрамиз. Масалан, таниқли рус географи Ю.Г.Саушкин “История и методология географической науки” (1976) номли китобида география тарихининг қадимги давр босқичи тавсифига 12 саҳифа ажратган ҳолда, ўрта асрлар географияси таърифида бир неча сатрлар билан кифояланганди. Мазкур олим ўз китобида ўрта асрларда Европада география фани чуқур таназзулда бўлганлигини эътироф этган ҳолда, бу даврда Греция ва Римнинг антик давр географияси араб мамлакатлари, Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё ўлкаларида ғамхўрона сақлангани ва бойитилганини таъкидлаш билан бирга араб географик адабиёти И.Ю.Крачковский томонидан ёрқин таҳлил қилинганини, Ўрта Осиёдаги география эса Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг докторлик десертиациясида ёритилганлигини айтиш билан чекланиб қўя қолганди (1976, 34 б.).

Ушбу жумлада номлари тилга олинган иккала олим ҳам ўрта асрлар Шарқ оламида ўз асарлари билан танилган муаллифларнинг географик меросини изчил ўрганиб, чуқур таҳлил қилганлар ва монографик асарлар яратганлар. Жумладан, И.Ю.Крачковскийнинг “Араб географик адабиёти” (Танл. асарлар 4 жилд, 1957) номли асари ҳам, Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг мавзумизга оид энг асосий “Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар (1964) ва “Сайёҳ олимлар”(1981) номли асарлари ҳам камёб, нодир асарлар сирасига кириб қолди. Улар география тарихи билан қизиқувчи китобхон қўлига кўпинча етиб бормаяпти.

Ушбу китобни ёзишдан асосий мақсадимиз IX – XVI асрларда Шарқ оламида география фанининг шаклланишига ва ривожланишига салмоқли ҳиссаларини қўшган, ўзларининг

нодир асарлари билан география фани ривожида ўчмас из қолдириб кетган донишманд олимлар, маърифатпарвар адилар, табиатшунослик ва географиядан яхши хабардор бўлган илм эгаларини, улар яратган асарларни зарофатли китобхонларга эслатиш истагидир.

Китобни ёзиш жараёнида И.Ю.Крачковский ва Ҳ.Ҳ.Ҳасановларнинг юқорида номлари тилга олинган асарлари илмий-назарий жиҳатдан кўмак берди.

Шунингдек, ўрта асрларда араб ва форс тилларида битилган қўлёзма асарларнинг шарқшунос, тарихчи, файласуф ва филолог олимларимиз амалга оширган ўзбекча таржималари ва танқидий таҳлил матнларидан, академик М.М.Хайруллаев бошчилигига тайёрланган “Маънавият юлдузлари” тўпламидан (1999-2001), Ўзбек Миллий энциклопедиясининг турли жилларида эълон қилинган қатор мақолалардан ва бошқа адабиётлардан ҳам фойдаландик. Бунда қадимги адиларимиздан қолган “Бирор нимани билмоқчи бўлсанг, китоб ёзиб кўр” деган нақлга амал қилиб, ўзимиз ҳам шу аснода ҳаминқадар илмий ва маънавий озуқа олдик. Шунингдек, ўрта асрларда Шарқ оламида ривож топган география фанининг тарихи анчагина кенг мавзу эканлигини, унда шаклланган илмий йўналишларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот бўлиши мумкинлиги фикри пайдо бўлди.

Китоб уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида ”Географик тафаккурнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихидан” сарлавҳаси остида, асосан қадимги грек географияси ва дастлабки географ олимлар ҳақида муҳтасар таъриф беришга ҳаракат қилинди. Бу қисмдаги маълумотларни иккинчи, яъни асосий қисм учун муқаддима сифат хизмат қиласи деб ҳисобладик.

Иккинчи қисмда Муҳаммад Мусо Хоразмийдан балхлик йирик олим Маҳмуд ибн Валигача бўлган даврлардаги география тарихининг қисқача баёни берилди. Бунда ушбу тарихни даврларга бўлиб эмас, балки ўзимизча умумлаштирган ҳолда,

ушбу тарихий асарларда шаклланган асосий илмий йўналишлар бўйича ёритишга ҳаракат қилдик.

Учинчи қисм эса бир неча асрлар давомида олимларнинг эътиборида бўлиб келган ва ўз ечимини анчайин кеч топган айрим географик муаммолар, яъни Ернинг шакли ва катталиги, географик координаталар, географик зоналлик каби масалалар тарихига бағишлианди. Шу қисмда ўрта асрлар Шарқ оламидаги география тарихини ўрганишда хизматлари бекиёс бўлган икки меҳнаткаш ва синчков олимлар И.Ю.Крачковский ва Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига қисқача таъриф бериб ўтилди.

Китобимиз ёш географ тадқиқотчилар, ўқитувчи ва талабаларнинг мустақил изланишларида ва илмий педагогик фаолиятларида фойдаси тегса мақсадимизга эришган бўламиз.

I. ГЕОГРАФИК ТАФАККУРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Географиянинг мустақил фан сифатида шаклланишининг илк манбалари, бошқа бир қатор фундаментал фанлар тарихида бўлгани каби қадимги грек олимларининг илмий фаолиятига бориб туташади. Аслини олганда, уларнинг географик билимлари ҳам ўз-ўзидан ва асоссиз пайдо бўлмаган, албатта.

Дастлабки, географик билимларнинг куртаклари қадимги шарқ халқларида ва айниқса, Бобилда кишиларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда юзага келганди.

Қадимги бобиллик зеҳн эгалари жуда қадим замонлардаёқ (милоддан аввалги XII – X асрлар) осмон жисмларининг ҳаракатлари билан обдон қизиққанлар, Ердаги кўпгина табиат ҳодисаларининг сабабларини Қуёш ва Ойнинг ҳаракатлари билан боғлаб тушунишга, билишга интилганлар. Кеча билан кундузнинг алмашиниб туриши, йил фаслларининг маълум вақтларда бирин-кетин такрорланиб туриши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда қуруқликда, денгизда, ҳавода, ўсимлик ва ҳайвонот оламида рўй бериб турадиган табиий ҳодиса ва воқеаларни кузатиб, ўрганиб юрганлар, уларнинг сабабларини билишга ва энг оддий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилганлар. Дарё цивилизациясининг дастлабки ҳалкасида турган Бобилда географик тасаввурлар хўжалик анъаналаридан, кузатув ва тажрибадан келиб чиққан. Дехқончилик ва чорвачилик хўжалиги учун йил фаслларининг хусусиятлари, об-ҳаво ва бошқа бир қатор табиий омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Айрим ривоятларга кўра, Ернинг шакли шарсимон бўлиши мумкинлиги ҳақидаги дастлабки тахминлар ҳам, бир вақтнинг ўзида қуёш нурларининг турли жойларда турли бурчак ҳосил қилиб тушишини ва соянинг узун-қисқалигини, қолаверса вақтни ҳам ўлчашда қўлланиб келинган энг оддий асбоб-гномон ҳам, айлананинг 360° га teng бўлиниши ҳақидаги ҳақиқат ҳам бобилликлардан қолган мерос экан. Шунингдек, кейинчалик



1-расм. Бобилликларнинг дунё харитаси ва миххатлари

археологик қазилмаларда топилган ашёвий далиллар, жумладан, қуритилган лой тахтакачга ўйиб ишланган энг дастлабки дунё харитаси билан Ой фазаларини тавсифловчи миххат ёзувлар (1-

расм) ҳам қадимги бобилликлар астрономия ва географияга оид кузатувларда юқори натижаларга эриша олганликларидан дарак беради. Бобилликларнинг ушбу ҳаритасида Ер атрофдан океан билан ўралган ясси доира кўринишида акс эттирилган бўлиб, унинг марказида Бобил жойлаштирилган. Унинг шимоли-шарқида Оссурия, шимолда эса Урарту давлатлари акс эттирилган. Етти қиррали юлдузнинг қирралари билан эса океан ортидаги номаълум олам “етти орол” кўринишида тасвирангандан.

Кўп асрлар давомида олиб борилган бундай оддий географик кузатувларнинг натижалари оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга, бир халқдан иккинчисига ўтиб келганлиги ҳам табиий. Ҳарқалай, кўп асрлар давомида авлодлардан авлодларга ўтиб келган географияга оид маълумотларни жамлаш, тартиб билан ўрганиш, дастлабки оддий умумлаштиришлар ва хulosалар чиқариш қадимги грек билимдонларига насиб қилганлиги шубҳасиз.

Географик билимларнинг натижалари бевосита амалий аҳамиятга эга эканлигини қадимги греклар жуда яхши тушунганлар. Ўзлари ҳам турли табиат ҳодисаларига оид, жумладан, вулқонлар отилиши, зилзилалар, шамоллар, денгизда сув қалқиши, йилнинг ёғин-сочинли ёки қурғоқчил келиши, куннинг турли жойларда ва турли фаслларда қанчалик узун ёки қисқа бўлишига оид маълумотларни тўплаб юрганлар. Кузатилган турли воқеа ва ҳодисаларнинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Булардан ташқари, қадимги греклар учун узоқ-яқин ўлкалар ва мамлакатларнинг табиати ва табиий бойликлари, халқлари ва уларнинг туриш-турмуши, урф-одатлари, экинлари ва чорваси, савдо-сотиғи, аҳоли манзиллари, йўллари каби турли географик маълумотлар ҳам аҳамиятли бўлган. Бу каби маълумотларни улар катта-кичик саёҳатларда, ҳарбий юришлар пайтларида тўплаб юрганлар. Бундай маълумотлардан эса ўз навбатида турли юртларга савдо карvonлари жўнатишда, ҳарбий юришлар уюштиришда амалда фойдаланганлар.

Тарихдан маълумки, қадимги греклар милоддан аввалги VIII асрларгача Болқон ярим оролидан ташқари, Эгей ва Ўрта денгизлардаги қатор оролларни эгаллаб олгандилар. Миср томонларга, Ўрта денгизнинг шарқий қирғоқларига бориб-келиб турганлар. Милоддан аввал VIII асрдан бошлаб эса қарийб уч юз йил давомида Ўрта денгиз атрофларини, Қора ҳамда Мармар денгизлари бўйларини, Шимолий Африка қирғоқларини ўз мустамлакаларига айлантириб олгандилар. Буларнинг натижасида греклар ушбу денгизларга туташ ва яқин худудларнинг табиий шароити, халқлари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётларига оид талайгина географик маълумотларга эга бўлганлар. Булардан ташқари, улар қадимги мисрликлар, финикияликлар ва карфагенлар ўз саёҳатларида тўплаган маълумотларни ҳам яхшигина ўзлаштириб олгандилар. Шу тариқа Гибралтар бўғозидан ғарбдаги улкан океан ҳақида, Канар ороллари, Пиреней ярим оролининг жануби-ғарбий чеккалари ҳақида умумий тасаввурга эга бўлгандилар.

Табиийки, бу каби маълумотларни грекларнинг ўзлари ҳам бевосита аниқлашга ҳаракат қилганлар. Масалан, милоддан аввалги IV асрда Массалиялик (хозирги Марсель) Пифей амалга оширган денгиз саёҳати натижасида Британия ороллари, Ла-Манш бўғози, Ирланд денгизи, Шимолий денгиз ва Скандинавия ярим ороли ҳақида талайгина маълумотларга эга бўлганлар.

Милоддан аввалги 334-323 йилларда эса македониялик Искандарнинг Шарқ мамлакатларига уюштирган ҳарбий босқинчилик юришлари билан боғлиқ ҳолда Фаластин, Финикия ва Миср ерларидан ташқари, Месопотамия пасттекислиги, Эрон тоғликлари, хозирги Афғонистон ерлари, Синд ва Ҳинд водийлари, Ўрта Осиёнинг шимолда Сирдарёгача бўлган ерлари билан яқиндан танишишган. Шунингдек, Ҳинdistон ва Тапробан (хозирги Шри-Ланка) ороли ҳақида ҳам хабардор бўлиб олгандилар.

Айтиш лозимки, қадимги грекларнинг борлиқ ҳақидаги, табиат ва табиат ҳодисаларига оид дастлабки фикр-мулоҳазалари

табиат фалсафаси намоёндалари томонидан билдирилган. Шу сабабдан ҳам география тарихига оид адабиётда ушбу фаннинг дастлаб табиат фалсафаси “бағрида” шаклана бошлаганлиги бирдек эътироф этиб келинмоқда. Милетлик Фалес (м.а. 624-547 йй.), Анаксимандр (м.а. 610-546 йй.), абдералик Демокрит (м.а. 460-370 йй.), стагиралик машхур Аристотел (м.а. 384-322 йй.) каби файласуфлар дастлабки география билимдонлари сифатида тилга олиниб келинмоқда. Улар билдириган фикр ва мулоҳазалар асосан умумий табиий географияга тегишли бўлиб, Ернинг шакли ва катталиги, иссиқлик минтақалари, айrim табиат компонентларига оид масалалар билан боғлиқ ҳолда юзага келганди.

Қадимги грек фанида яна бир илмий йўналиш шаклана бошлаган эдики, уни ҳозирги замон тили билан айтганда, тасвирий географиянинг ilk намунаси эди, деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу йўналиш милетлик олим Гекатейнинг (м.а. 546-480 йй.) “Periodos ges” (“Ер юзи қисмлари”) номли асарида тўлақонли акс этган бўлиб, унда Европа, Осиё ва Ливия (Африка) қитъаларининг қадимги грекларга маълум бўлган қисмлари, яъни “ойкумена” таърифлаб берилганди.

Чунончи, Гекатей ва Геродот замонида ойкумена, яъни Ернинг одамларга маълум бўлган қисмининг доираси анча тор бўлганди. Европа деганда, улар Болқон ярим оролинигина тушунганлар. Осиё деганда ҳам шундай, яъни ҳозирги Кичик Осиёнинг бир қисминигина назарда тутганлар.

Гекатейнинг ўзи географик тавсифларни ўша замонлар маромида баён қилган бўлсада, асли тарихчи олим бўлган. Тарих фани намоёндалари ҳам турли ўлкаларнинг географияси билан астойдил қизиқсанлар. Буни яна бир машхур грек тарихчиси Геродотнинг (м.а. 484-425 йй.) “Тарих” номли асаридан ҳам билиш мумкин. Ушбу асарда узок-яқин ўлкаларнинг географик таърифига катта ўрин берилганди.

Дастлабки географ олимлар

Маълумки, фандаги бирор бир кашфиёт, янги бир илмий ғоя ёки илмий йўналиш, биронта янги изланиш усули ёки термин ва атаманинг фанга кириб келиши, одатда бирорта илмий жамоа, ҳаммуаллифлар ёки бир изланувчи шахснинг номи билан боғлик бўлади. Фандаги бу каби маълум кашфиёт ёки илмий янгилик ҳақида сўз борганда, унинг муаллифини албатта тилга олишга тўғри келади. Шу йўл билан ҳар бир илмий янгилик ўз муаллифи исм шарифини фан тарихи сахифаларига муҳрлаб қўяди. Бу фаннинг ўзига хос қонуниятларидан биридир. Ана шундай янги илмий ғоя, янги атама ва тадқиқот усули туфайли география тарихи сахифаларидан мустаҳкам ўрин олган ажойиб шахслардан бири, география фанини ilk бор ўз номи билан “География” деб атаган, унинг табиат фалсафасидан ажралиб чиқиб, алоҳида фан сифатида шаклланишига асос яратган қадимги грек олими Эратосфен (м.а. 276-194 йй.) бўлган.

Эратосфен қадимги Ливиянинг Кирена шаҳрида, греклар колониясида таваллуд топган. Бошланғич маълумотни шу ерда олгач, кейинроқ Афина шаҳрида ўқиган. Бу ерда у замонасининг илфор фанларидан фалсафа, математика ва астрономияни аъло даражада ўзлаштириб олган, тарих ва филологиядан етук билимли олим бўлиб етишган. Милоддан аввалги 250 йилларда уни таниқли серқирра олим сифатида Александрия (Мисрдаги ҳозирги Искандария) шаҳридаги музейга бошлиқ этиб тайинлашган. У замонларда музей деб бир жойда барпо этилган ўқув муассасалари, кутубхона, обсерватория ва анатомия бўлимларини ўз ичига олган мажмуани атаганлар. Олимнинг қирқ йиллик умри ана шу илмий марказда, олимлар ва толиблар даврасида ўтган.

Эратосфен грек мумтоз географиясида биринчи бўлиб, астрономия, математика ва тарих усулларидан унумли фойдаланган ҳолда, географик тадқиқотлар олиб борган ва география фанининг илмий асосларини яратишга ҳаракат қилган.

Шу сабабли ҳам география тарихидан сўз юритган тадқиқотчиларнинг аксарияти уни география фанининг “ҳақиқий отаси” деб тилга оладилар.

Эратосфен ўз лавозими ва вақтидан унумли фойдалана билган изланувчан-тадқиқотчи олим бўлган. Кўп йиллар давомида турли ўлка ва вилоятлардан йифиб келинган, яrim миллиондан ортиқ қўлёзма китоблар жамланган бебаҳо илм хазинаси унинг қарамоғида бўлган. Шу ердаги обсерваторияда олиб борилаётган илмий астрономик кузатувларга бошчилик қилган. Табиийки, бундай шароитда Эратосфен ўзига замондош олимларнинг сухбатлари ва мунозараларида иштирок этишдан ташқари, анча замонлар илгари, яшаб ижод қилган олимларнинг илмий меросларидан ҳам жуда яхши хабардор бўлган. Жумладан, Фалес, Анаксимандрларнинг Ери үрганишда қўллаган математик усуллари-ю, тузган хариталаридан, Гекатейнинг саёҳатлари ва тасвирий географиясидан, Геродотнинг турли ўлкалар географиясига оид тавсиф лавҳалари билан яқиндан таниш бўлган. Айниқса, машҳур файласуф Аристотелнинг “Метеорология”, “Осмон ҳақида” номли географияга бой асарларини катта қизиқиши билан ўрганган, унинг Ери шакли ва катталиги ҳақида билдирган фикрлари Эратосфенни бефарқ қолдирмаган, илҳомлантирган.

Эратосфенни машҳур қилган “Geographica hyparrhenemata” (“Географик лавҳалар”) номли асар уч қисмдан иборат бўлган. Унинг биринчи қисмида Ери үрганиш тарихи, иккинчи қисмида умумий табиий география масалалари, жумладан, Ерининг меридиан айланаси бўйича катталигини ўлчаш ишларининг тафсилотлари келтирилган. Китобнинг учинчи қисми эса регионал, яъни мамлакатларнинг географик тавсифларига бағишиланган.

Эратосфен ўзининг ушбу асарида Евдокс, Аристотел ва Диケーархларнинг иссиқлик минтақалари ҳақидаги тасаввурларини янада аниқлаштиришга ҳаракат қилган. У мўътадил минтақанинг

шимолий чегарасини қутб доирасидан ўтказиб, жанубий чегара сифатида $12,5^0$ шимолий кенгликни белгилаган.

Қадимги даврлар географияси тарихини ўрганган тадқиқотчи Ж.Томсоннинг (1953) ёзишига қараганда, Эратосфен шимолий ярим шарнинг ўзида тўртта иссиқлик минтақасини ажратган:

1) одамлар яшамайдиган совук минтақа (шимолий қутб доирасидан шимолдаги ерлар); 2) одамлар яшайдиган мўътадил минтақа (қутб доирасидан жанубга, то $12,5^0$ шимолий кенгликгача); 3) одамлар яшамайдиган иссиқ минтақа ($12,5^0$ шимолий кенглиқдан экваториал кенгликларгача); 4) одамлар яшайдиган экваториал минтақа (иккала ярим шар учун умумий). Аввалги уч минтақа жанубий ярим шарда ҳам такрорланади ва ҳаммаси бўлиб етти иссиқлик минтақалари ажратилган.

Айрим тадқиқотчиларнинг (масалан, А.Б.Дитмар, 1980) таъкидлашларига кўра, табиий географик районлаштиришнинг биринчи тажрибаси ҳам Эратосфен номи билан боғлиқ бўлган. У тузган ойкумена харитасида маълум табиий шароитлари билан фарқланадиган ҳудудлар, яъни “сфрагида”лар ажратилган бўлиб, уларнинг айримлари иссиқлик минтақаларига бўлинган. Шунингдек, харитада Александрия шаҳридан ўтувчи меридиан ва паралелдан ташқари яна еттитадан шундай чизиқлар ўтказилганди. Буни Эратосфендан бироз кейин яшаган, ўз даврининг таниқли астроном олими Гиппарх (м.а. 190-125 йй.) учун Ер шарининг градус тўрини яратишига бир оз бўлсада асос бўлганди, деб айтиш мумкин.

Қадимги астрономияга қўшган ҳиссалари учун буюк олим сифатида тан олинган Гиппарх жойларни харитага туширишда, Эратосфен каби паралеллар ва меридианлар тўридан фойдаланиш географияга анчайин аниқлик киритиши мумкинлигини яхши билган. Фан тарихи тадқиқотчилари уни географияга биринчи бўлиб, географик кенглик ва узунлик тушунчаларини киритган ҳамда биринчи бўлиб географик координаталарни кашф этган буюк астроном олим сифатида эсга оладилар. Қуёшнинг уфқдан

баландлиги ҳамда кунларнинг узун-қисқалиги билан тавсифланадиган “иқлим”лар (грекча “клима”) ҳақидаги таълимотнинг ишлаб чиқилиши ҳам унинг номи билан боғлиқдир. Баъзилар астролябия асбобини ҳам Гиппархнинг ихтироси деб ҳисоблайдилар.

Гиппархдан кейин фалсафа, тарих, география ва айниқса, астрономия илмида таниқли бўлган грек олими Посидоний (м.а. 135-51 йй.) ни ҳам эслаб ўтиш лозим. У ҳам Ер юзасида табиий шароитни шимолдан жанубга томон, кенгликлар бўйлаб фарқланишига эътибор бериб, тўққизта иссиқлик минтақасини ажратган. Бу олим бир хил кенгликларда нафақат ўсимликлар ва ҳайвонот, балки одамлар ҳам ижтимоий ҳаёти билан бир хил бўлиши керак деган ғояни илгари сурган. У Аристотелнинг экватор атрофидаги иссиқ минтақада одамлар яшай олмайди деган фикрига қарши бу жойларда ҳам инсон яшashi мумкинлигини назарий жиҳатдан исботлаб берган.

Посидоний Родос оролида табиатшуносликдан маърузалар ўқиб юрган кезлари шарсимон Ер юзасида бир-биридан океан билан ажралиб турувчи тўртта катта қуруқлик мавжуд деган гипотеза тарафдори эканлигини намоён қилганди. Қадимги муаллифлар, жумладан Страбоннинг маълум қилишича ушбу ғоя аслида Пергама шаҳридаги кутубхона бошлиғи малослик олим Кратесга тегишли бўлган.

Маълумки, Эратосфеннинг “Географик лавҳалар” асари қадим замонлардаёқ йўқолиб кетган. Аммо унинг тузилиши ва умумий мазмуни ҳақида бошқа олимларнинг асарлари орқали хабардор бўлиш мумкин. Шундай асарлардан бири грекларнинг яна бир машҳур олими, тарихчи ва географ Страбон қаламига мансуб бўлган.

Страбон (м.а. 64-мил.20 йй.) Амасия деган жойда (ҳозирги Марказий Туркия ҳудуди) ўзига тўқ оиласалардан бирида таваллуд топган. Унинг яхшигина билим олишига ва узоқ-яқин саёҳатларга чиқишига имконияти етарли бўлган. Унинг бир неча йил Рим шаҳрида яшаганлиги, Александриядаги машҳур кутубхонада илм

билин шуғулланганлиги, Қора денгизда ва Нил дарёсида сузганлиги маълум.

Тарихчилар Страбоннинг иккита йирик асари номини қўп тилга оладилар. Улардан бири 43 жилдан иборат бўлган “Тарих” асаридир. Унда Карфагенning тугатилишидан то Гай Юлий Цезарнинг (мил.ав. 146-44 йй.) вафотигача бўлган даврлар тарихи ўз аксини топган. Ушбу асар ҳам қадим замонлардаёқ йўқ бўлиб кетган. Олимнинг 17 жилдлик “География” асари эса тўлалигича сақланиб қолган.

Страбон ўз “География”сининг дастлабки икки жилдини фойдаланган адабиёт манбаларини таърифлашга бағишилган. Уларда Гомернинг “Одисея” достонидаги географик маълумотлардан тортиб, то Посидонийнинг Ер айланасини ўлчаганлиги, иқлим минтақалари ажратганлиги ва таърифлаганларигача бўлган батафсил маълумотлар келтирилган. Асарнинг кейинги 8 жилди Европанинг, 6 жилди Осиёнинг ва охирги жилди эса Африканинг, асосан Миср билан Эфиопиянинг географик таърифига бағишиланган.

Страбон ўзидан олдинги табиатшунос олимларнинг асарларидан яхши хабардор бўлган, уларни юқори даражада илмий таҳлил қила олган. Шу сабабдан ҳам географлар уни “география тарихининг отаси” деб тилга оладилар. Афсуски, Страбоннинг “География”сидан унинг замондошлари ва кейинроқ яшаган кўпчилик бехабар қолганлар. Бу асар орадан саккиз асрга яқин вақт ўтгачгина янгидан “кашф” қилинган ва кўп замонлар оша қадимги грекларнинг мумтоз географик асари сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Ундан ҳозирги замон тарихчилари ҳам қадимга оид муҳим манба сифатида фойдаланиб келмоқдалар.

Страбон география фанининг асосий вазифаси мамлакатларни тавсифлаб беришдан иборат деб тушунган. Олим шу маънода сўз юритар экан, Ернинг шакли ва катталиги ҳақидаги маълумотларни астрономлардан, табиат ҳодисалари ҳақида эса файласуф олимлардан билиб олиш мумкинлигини,

географлар эса ойкуменани ва унинг қисмларини тавсифлаб беришлари лозимлигини ёзади. Географик изланишларда тарихий ёндашиш муҳимлигини тўғри таъкидлаган Страбон Ер юзаси табиатининг ўзгариб туриши ҳақида, жумладан, қуруқликларни денгиз босиши ва аксинча денгизлар ўрнида қуруқлик ҳосил бўлиши мумкин деган назарий фикрларни кувватлаган. Шунингдек, Нил дарёсидаги сув қўпайиш ходисасининг сабабларини, унинг юқори оқимида кўп ёғин ёғиши билан боғлаб тўғри талқин қилган.

Умуман олганда, Страбон ўзининг “География”сида Эратосфеннинг асосий ғоясини ривожлантириб, географияни мустақил фан сифатида кўрсатишга интилган. Унинг фикрига кўра, географ ўзининг кузатувларига асосланган ҳолда мамлакатларнинг географик ўрни, чегаралари, катта-кичиклиги, иқлими, тоғлари, текисликлари, дарё ва кўллари, уларнинг давлат тузуми, халқлари ва етиштирадиган маҳсулотлари, савдо-сотиғи каби хусусиятларини тасвиrlаб бериш лозим. Шунингдек, муаллиф давлат бошлиқлари ва ҳукмдорлар ўзларининг ҳаётий фаолиятларида географиянинг амалий аҳамиятини тушунган ҳолда, у келтирган географик маълумотлардан унумли фойдалана билишлари лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтган.

Страбон Гекатей асос соглан тасвирий географияни ривожлантириб, янада юқори даражага кўтарди. У Эратосфен каби Ернинг одамларга маълум қисми, яъни ойкуменани ҳар томондан денгиз суви билан ўралган орол деб тасаввур қилган. Бу ҳақда унинг ўзи “ҳиссиётларимиз гувоҳлик беришича ҳамда тажрибадан келиб чиқиб, Ернинг одамлар яшайдиган қисми оролдан иборат деган қарорга келиш мумкин. Ернинг инсон бора олган чеккаларининг ҳамма жойида биз океан деб атайдиган денгиз жойлашган” – деб ёзган эди.

Кўп юонон олимлари каби Страбон ҳам Ернинг иссиқлик минтақалари билан қизиққан, уларни тавсифлашга ҳаракат қилган. У Эратосфен каби 7 та, Посидоний каби 9 та эмас, балки Аристотел сингари 5 та иссиқлик минтақаси мавжуд деб

хисоблаган. Уларнинг чегараларини экваторга параллел бўлган чизиқлар билан акс эттириш мумкинлигини ёзган. Шунингдек, бир вақтлар Эратосфен асос солган географик районлаштириш пойдеворини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Чунончи, ўрганилаётган ҳудудларни маълум қисмларга ажратишда, чегараларни дуч келган жойдан эмас, балки табиий обьектлар (қирғоқ, сувайирғич, тоғ этаги каби) бўйлаб ўтказиш лозимлигини айтган. Ўзи ҳам географик тавсифда шу тамойилга асосланган.

Страбон астрономия, физика, математика каби фанлардан олиш мумкин бўлган маълумотларнинг айрим географик тушунчаларни асослашдаги аҳамиятини тўғри баҳолай олган. Унинг фикрича, география бошқа фанларнинг предметига чукур кириб бормаслиги ва энг зарур ҳамда муҳим бўлган маълумотларидангина фойдаланиши лозим деб ҳисоблаган.

Географиянинг мустақил фан сифатида ривожланишига катта ҳисса қўшган қадимги юонон олимларидан яна бири Клавдий Птолемейдир.

Клавдий Птолемей (милоднинг 90-168 йиллари) астрономия ва география соҳаларидағи асарлари билан ўзига “ҳайкал” қуриб кетган олим ҳисобланади. Уни қадимги Мисрнинг Птолемаид шахрида туғилганлиги, Александрия шахрида яшаб, 127-150 йилларда у ердаги машҳур кутубхонада илм билан изчил шуғулланганлиги, обсерваторияда илмий кузатувлар олиб борганлиги маълум. Манбаларда олимнинг бешта асари ўрта асрларда Шарқ оламида араб тилига таржима қилиниб, қўлланма сифатида қўлдан-қўлга ўтиб юрганлиги қайд этилган. Аммо улардан иккитаси муаллифнинг номини Шарқда ва кейинчалик Фарбда ҳам жуда машҳур қилиб юборган. Улардан биринчиси классик астрономияга оид бўлган ва 13 жилдан иборат “*Megale sintaxis*” (“Буюк тузилма”) номли асардир. Уни Шарқ олимлари араб тилига “Ал-Мажистий” (“Муҳташам тузилма”) номи билан муаллифини эса Батлимус ал-Қалавдий деб таржима қилганлар. Асар кейинчалик, 1175 йилда кремоналик Герардо томонидан

араб тилидан лотин тилига “Алмагест” номи билан таржима қилингач, Фарбда ҳам машхур бўлиб қолган.

Птолемейнинг мазкур шоҳ асари қўп асрлар давомида осмон жисмларининг ўрни ва ҳаракатлари ҳақида маълумот берадиган асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган. Олимнинг “геомарказ назария” тарафдори бўлганлиги унинг айнан шу асарида намоён бўлганди.

Птолемейнинг иккинчи машхур асари саккиз жилдан иборат бўлган “Географиядан қўлланма” эди. Унинг биринчи жилдида асосан харитаграфик проекциялар, географик координаталар ва уларни аниқлаш каби харитаграфиянинг бир қатор умумилмий масалалари ҳақида сўз юритилган. Кейинги олти жилднинг асосий мазмуни жойларнинг координаталари кўрсатилган географик тавсифларидан иборат бўлган. Охирги, саккизинчи жилд эса 94 епархиянинг координаталар жадваллари ва тавсифлари асосида тузилган дунё харитаси ва 90 тага яқин турли жойлар, ўлкаларнинг катта-кичик хариталарига ажратилганди.

Птолемейнинг “Географиядан қўлланма”, яъни қисқача “География”си билан қизиқкан тадқиқотчилар асардаги хариталарни муаллифнинг ўзи чизганлигини, аммо биттасини, яъни дунё харитасини Птолемейдан кейин яшаган Александриялик Агарфодемон исмли шахс асарда берилган маълумотлар асосида чизганлигини аниқлаганлар.

Маълумки, Птолемей шарсимон Ер юзасини текис сатҳда акс эттириш мураккаб эканлигини ва бу жараёнда ноаниқликлар рўй беришини яхши билган. Бундай ноаниқликларни бартараф этиш учун маҳсус усуллар, яъни харитаграфик проекциялардан фойдаланиш аниқликни орттириши мумкинлигини сезган олим бир қатор харитаграфик проекцияларни кашф этган. Чунончи, цилиндрик, псевдоцилиндрик, псевдоконик проекциялар унинг номи билан боғлиқ.

Птолемей ўз хариталари учун Гиппарх томонидан айлананинг 360^0 га бўлиниши ҳисобидан тузилган параллеллар ва

меридианлар тўрини асос қилиб олганди. Натижада у ер юзасининг хоҳлаган нуқтасининг географик ўрнини аниқ белгилаш имконига эга бўлган. Птолемей фойдаланган маълумотлар қанчалик аниқ бўлмасин, барибир унинг дунё ҳаритасида маълум хатоликларга йўл қўйилган. Масалан, Каспий денгизининг шакли анча ғайриоддий чиққан, яъни ғарбдан шарққа чўзилган ҳолда тасвиrlenган. Шунингдек, Африканинг жануби билан Жануб-Шарқий Осиё номаълум қуруқлик билан туташтириб юборилган ва Ҳинд океани ҳамма томондан қуруқлик билан ўралган ички денгизга ўхшаб қолган. Бундан ташқари, Птолемей Эратосфен ва Страбондан фарқли ўлароқ, қуруқликнинг кўламини анча катта олган. Унингча, 63^0 шимолий кенглиқдан $16,5^0$ жанубий кенглиқкача ва ғарбда Саодат оролларидан шарқда Олтен Херсонес (Ҳиндиҳитой ярим ороли) қирғоқларигача (яъни, 180^0 шарқий узунликкача) қуруқликдан иборат бўлган.

Птолемей ҳам Эратосфен ва Страбон каби Ернинг одамлар яшайдиган қисмини районлаштиргани ва 94 та “епархия” ва 21 зона ажратгани маълум. У географиянинг асосий вазифаси деб Ернинг маълум қисмини, ундаги барча географик обьектларни чизиқлар ёрдамида тасвиrlашни тушунган. Шу сабабли айrim тадқиқотчилар (масалан, Шой ва Крачковский) Птолемейни географдан кўра кўпроқ астроном ва математик деб, унинг “География”сини эса “Харита тузишга кириш” деб аташ тўғрироқ бўларди, деб ҳисоблаганлар.

Олимнинг “География”си унинг “Алмагест”ига нисбатан Европада анча кеч маълум бўлган. “Европаликлар Птолемейнинг “География”си борлигини Хоразмийнинг китобидан билиб олганлар ҳамда унинг эскирган ва қўп саҳифалари йўқолган қўлёзмаларини кутубхонлардан қидириб топиб, лотинчага таржима қилганлар” (Ҳ.Ҳасанов 1981, 17 б.). Асарнинг қўлёзмаларидан бир нусхаси Рим папаси Урбан V кутубхонасидан топилган бўлиб, уни Болонья шаҳрида грек тилидан дарс бериб юрган муаллим, асли византиялик бўлган

Мануел Хризолор 1409 йилда биринчи бўлиб, лотин тилига таржима қила бошлаган. Аммо у бу ишни охирига етказа олмаган ва унинг шогирди Якобус Ангелус томонидан яқунланган. Ушбу таржима нусхалари “Космография” номи билан тез орада қўлма-қўл бўлиб кетган. Асарнинг биринчи босма нашри 1475 йилда амалга оширилган бўлса, кейинги 300 йил ичida 50 марта нашр эттирилган. Ҳатто, XVI асрнинг машҳур картографи Герард Меркатор ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшган. Унинг 1578 йилда Птолемей “География”сининг қисқартирилган матни билан хариталарини нашр эттиргани, 1584 йилда эса бу асарни астайдил таҳrir қилиб, тўла матнини нашрдан чиқаргани маълум.

Птолемейнинг “География” асари схоластика ботқоғида қолиб кетган Европада, ҳали илм-фан черков чангалида бўлган даврда ўзининг маълумотларга бойлиги ва харита тузишнинг илмий асосланганлиги билан олимларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб олганди.

Птолемей астроном ва географ олимлар билан бир қаторда мунажжимлар ўртасида ҳам катта обрўга эга бўлган. Унинг осмон жисмларининг жойлашувига асосланиб кишилар тақдирини аниқлаш мавзусида ёзган, тўрт китобдан иборат “Тетрабиблос” номли асари ҳам бўлганлиги, у ҳам дастлаб араб тилига халифа Мансур даврида Абу Яҳё ал-Батрик (ваф.тахм. 800 й.) томонидан “Китоб ал-арбаъ” (“Тўрт китоб”) номи билан таржима қилинганлиги маълум. Кейинчалик, 1138 йилда триволилик Платон томонидан арабчадан лотинчага ўгирилганлиги, қолаверса, ғарб мунажжимлари ҳам бу асардан асосий қўлланма сифатида фойдаланганликлари манбаларда қайд этилган.

Умуман олганда, Птолемей асарларининг катта қисмини кўп ҳажмли жадваллар ташкил қиласди. Уларнинг аксариятида ер юзасидаги турли нуқталарнинг географик координаталари берилганди. Унинг шу мазмунда тузилган асарларидан яна бири “Машҳур шаҳарлар жадвали” деб номланган бўлиб, Хорун ар-Рашид даврида ёқ Бағдод олимларига яхши таниш бўлган. Ушбу

асарнинг арабча таржимаси “Батлимус зижи” номи билан танилганди.

Шундай қилиб, Птолемейнинг асарлари аввал Шарқ оламида, кейин Ғарбий Европада кўп асрлар давомида катта аҳамиятга эга бўлган қўлланмалар сифатида фойдаланиб келинган. Олимнинг айrim илмий қарашлари ва мулоҳазалари масалан, осмон жисмларининг Ер атрофида айланади деб ҳисоблаганлиги, қуруқлик кўламини океанга нисбатан каттароқ қўрсатганлиги ўрта асрлар дин пешволарида кўп ҳам эътиroz туғдирмаган эди.

Фанимиз тарихининг ушбу қисмига, яъни қадимги грек географиясига якун сифатида унинг қуйидаги баъзи хусусиятларини белгилаб ўтиш мумкин. Улардан бири даставвал табиат фалсафасининг таркибий қисми қўринишида намоён бўла бошлаган география, алоҳида фан сифатида шубҳасиз айнан шу даврда, Эратосфен туфайли шаклана бошлаганлиги бўлса, иккинчisi, қадимги грек географиясининг астрономия ва математика фанлари билан боғлиқликда шаклланганлигидир. Бу боғлиқлик асосан икки масалани, яъни фанимизнинг тадқиқот обьекти мужассам бўлган Ернинг шакли ҳамда катталиги масалаларини ҳал этиш асосида юзага келган эди. Бу икки, бирбири билан узвий боғлиқ бўлган, бири иккинчисини тақазо этиб келган масалаларнинг тўғри ҳал этилиши ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, географиянинг кейинги тарақиётида мислсиз катта ва йўналтирувчи роль ўйнади. Ушбу масалаларнинг ижобий ечимлари нафакат жойларнинг географик координаталарини бехато аниқлаш, географик хариталарнинг математик асосини яратиш ва илмий асосланган хариталар тузиш, балки бир қатор географик қонуниятларни аниқлаш, турли табиат ҳодисаларини география нуқтаи назаридан тўғри таҳлил қилишда муҳим илмий пойdevор вазифасини ўтайди. Бу масалаларнинг аҳамиятини тўғри талқин қила олган В.И.Вернадский ўзининг “Очерки по истории современного научного мировозрения” номли асарида “Фан тарихида Ернинг

шакли ва катталигини аниқлаш энг муҳим кашфиёт бўлди” – деб ёзган эди.

Ҳарқалай, Ернинг шарсимон шаклда эканлиги ғоясининг юзага келиши, кейинчалик унинг ўлчамларини аниқланишида, иқлим минтақалари ҳақидаги таълимотнинг юзага келиши ва ривожланишида бекиёс аҳамиятга эга бўлди. Ҳолбуки, ҳозирги кунларда ҳам бир қатор географик муаммоларни тушуниб етишда, айrim географик қонуниятларнинг моҳиятини билишда ҳам шу ҳол қониқарли ҳисобланади.

Қадимги грек географиясининг яна бир хусусияти шундан иборат бўлдики, у ҳам бўлса, ҳозирги кунларда ҳам география фанининг таркибий қисмлари сифатида тан олиб келинаётган умумий ер билими, компонентлар географияси, география тарихи, математик ёки астрономик география, тасвирий география, харитография кабиларга ўша замонлардаёқ асос солинганлигидир. Бунда Гекатей, Аристотел, Эратосфен, Страбон ва Птолемейларнинг хизматлари катта бўлди. Уларнинг мумтоз асарлари аниқ географик маълумотлар тақчил бўлган ўша замонлардаёқ география фанининг муҳим илмий ва амалий аҳамияти мавжуд эканлигини кўрсатиб берди. Уларда география фанининг мазмуни ва вазифаларини аниқлашга ҳаракатлар қилинди. Уларни ҳақиқатдан ҳам “дастлабки географ олимлар” эдилар деб эслаш мумкин.


Клавдий Птолемейнинг юқорида номлари тилга олинган асарларидан сўнг жаҳон фани тарихида ўзига хос из қолдирган қадимги грек фани, шу жумладан, грек астрономияси ҳам, географияси ҳам якун топди. Шундан сўнг фан тарихида бир неча асрлар давом этган узилиш даври бўлди. Орадан чамаси олти юз йил вақт ўтгачгина илм-фан ва маърифат янгитдан, аммо энди бошқа юртларда, асосан Шарқ оламида ривожлана бошлади. Бунинг ўзига хос сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий сабаблари бор эди.

II. ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ ОЛАМИ ГЕОГРАФИЯСИ

VIII аср ўрталарида Осиё қитъасининг катта қисми, жумладан Сурия, Ироқ, Эрон, Кавказ орти ўлкалари, Хурсон ва Мовароуннаҳр ерлари, Шимолий Африкада Ливия ва Мисрнинг шимолий қисмлари, Пиреней ярим оролининг кўп қисми, яъни ғарбда Атлантика океани соҳилларидан шарқда Хитой чегараларигача, шимолда Орол денгизи кенгликларидан жанубда Арабистон денгизи қирғоқларигача бўлган улкан ҳудудда “Араб халифалиги” деб ном олган империя юзага келганлиги тарихдан яхши маълум (2-расм).

Араб халифалигининг дастлабки йилларида истило қилинган барча мамлакатларда ерли халқларнинг дини, қадимги ёзувлари йўқ қилинди, китоблари ёқиб юборилди, илмли ва маърифатли кишилари қирғин қилинди. Ушбу воқеаларни Абу Райхон Беруний Хоразм мисолида қуидагича таърифлаганди: “Қутайба Хоразм ёзувини мукаммал билган, Хоразмнинг нақл ривоятларини яхши билган ва илмга ўргатган олимларни йўқ қилиб юборди. Энди бу ривоятлар йўқ бўлиб кетди. Энди исломиятдан аввал нима бўлганини ҳам аниқ билиб бўлмайди ... Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий Хоразм ҳаттотларини қатл этиб ва дин пешволарини қириб ташлаб, уларнинг китоблари ҳамда қўллётмаларини ёқиб юборгандан кейин, хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар, уларнинг факат ёдда сақлаб қолган хотираларигина қолди, аммо вақт ўтиши билан бу ҳам унутилиб, факат ўзлари учун мос бўлган хотираларигина сақланиб қолди” (Б.Ахмедов, 1994. 15 б.).

Босиб олинган мамлакатлар туб ахолисининг динига, тилига, тарихига ва фанига қилинган бундай аёвсиз ҳужуми билан бир вақтда истилочиларнинг дини, тили ва ёзуви ҳам қириб келди. Давлат ва идора ишлари, турли ҳужжатлар араб тилида олиб бориладиган бўлди. Илмий асарлар ҳам шу тилда ёзила бошланди.



2-расм. VIII аср ўрталарида Шарқ олами

Таниқли араб тарихчиси Ибн Халдун (1332-1406) ўзининг “Муқаддима” номли асарида “кўпчилик мусулмон олимлари ўзларининг келиб чиқишлири бўйича араб бўлмаганлар” деб таъкидлаб қўйган бўлса-да, кейинчалик айрим фан тарихи тадқиқотчилари араб тилида ёзган барча олимларни, аслини суриштирмай туриб, “араб олимлари” деб, фанни эса “араб фани” деб ёзиб юборавергандилар. Ҳақиқатда эса “араб фани”нинг фақат тили арабча бўлғанлигини, уни араблар билан бир қаторда турли миллат вакилларидан бўлган олимлар яратганлигини профессорлар X.X.Ҳасанов (1964, 1981) ва Ш.М.Шомуҳамедовлар (1981) кўп бор уқтиргандилар.

Арабшунос тарихчилар VIII асрнинг ўрталарига келиб, халифаликда ҳокимият ўзгарганлигини, тўқсон йилга яқин ҳукмронлик қилиб келган муовиялар ўрнини аббосийлар эгаллаганлигини ёзганлар. Аббосийлар сулоласининг асосчиси Абул Аббос ас-Саффоҳ 749 йилда тахтга ўтиргач, орадан беш йил ўтар-ўтмас вафот этади. Унинг ўрнига укаси Абу Жаъфар, шоҳларга хос ал-Мансур исми билан тахтни эгаллади. Кейинчалик узоқ йиллар давомида машҳур бўлган Бағдод шаҳрининг қурилиши шу халифанинг номи билан боғлик бўлганди. Унинг фармони билан 762 йилда Дажла (Тигр) дарёсининг ўнг қирғозида, қадимги карвон йўли ёқасида, эски “Бағдод бозор” деган жойда янги шаҳар қурилиши бошлаб юборилди. Келаси йилиёқ, бўлажак шаҳарга халифанинг саройи, хазина ва давлат идоралари кўчириб келтирилди.

766 йилда, тез муддатда бунёд этилган ушбу шаҳарга Мансурнинг ўзи “Мадинат ас-Салом” (“Тинчлик ва фаровонлик шаҳри”) деб ном берганини, халқ эса уни “Мадинат ал-Мансур” деб атай бошлаганларини тарихчилар ёзганлар. Дарҳақиқат, бу шаҳар кўп йиллар давомида тинчлик ва фаровонлик шаҳри бўлиб турди.

Маълумки, бу вақтларда Шарқ оламида ташқи хуружлар барҳам топган, ижтимоий-сиёсий ҳаёт анча изга тушиб қолган эди. Қадимги анъаналар бўйича ариқ ва каналлар тозаланди, экин

майдонлари яна ишга тушириб юборилди. Ижтимоий ҳаётнинг дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо ишлари, қурилиш ва меъморчилик каби тармоқлари қаторида илм-фан ва маърифат ҳам тиклана бошлади. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Марв, Исфахон, Рай, Нишопур, Дамашқ каби шаҳарларда яна ҳаёт қайнай бошлади. Халифаликнинг янги пойтахти Бағдод ҳам тез суръатлар билан ободонлашиб, Шарқ оламининг нафақат сиёсий-маъмурий, балки илм-фан ва маърифат марказига ҳам айлана бошлади.

Халифа ал-Мансур ўз саройида китоблар учун алоҳида хоналар ажратиб, нодир қўлёзма асарларни, бадиий ва илмий китобларни тўплашга қарор қилди. Унинг бундай хайрли ишларини кейинчалик, набираси Хорун ар-Рашид (786-809) давом эттириди ва ривожлантириди. Сарой кутубхонаси асосида олимлар уюшмаси “Байт ал-Ҳикма” (“Донишмандлар уйи”) ташкил этилди. Унга ўз замонасининг таниқли олимлари, моҳир таржимонлар, уста ҳаттотлар ва муқовачилар ишга жалб қилина бошланди.

“Байт ал-Ҳикма” нинг янада ривожланиб, ҳақиқий илмий марказ сифатида фаолият юритиши Хорун ар-Рашидининг ўғли ал-Маъмуннинг халифалик (813-833) йилларига тўғри келди.

Айнан шу халифанинг ҳомийлигига иккита обсерватория қурилиб, ишга туширилди, турли мамлакатлардан китоблар йиғиб келиш учун маҳсус экспедициялар ташкил қилинди. Узок-яқиндан таниқли олимлар ишга жалб қилинди.

Шарқшунос тарихчи олимлар “Байт ал-Ҳикма” нинг фаол даври IX-XI асрларга тўғри келганлигини (Б.Абдухалимов, 2001) ва бу Шарқ оламининг “Ренессанс” и, яъни “Уйғониш даври” бўлганлигини (Н.Конрад, 1966; А.Мец, 1966; М.Хайруллаев, 1971; И.Брагинский, 1974 ва б.) эътироф этганлар.

“Байт ал-Ҳикма”да тўпланган турли миллат ва халқлар вакилларидан иборат олиму-фозиллар, замонасининг етук билимдонлари математика, астрономия, география, фалсафа, тарих, тиббиёт каби фан соҳалари илми билан шуғулланганлар.

Уларнинг таркибида Ўрта Осиё ва Хурросондан келган таниқли олимлар Муҳаммад Хоразмий, Яҳё ибн Абу Мансур, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий, Ал-Аббос ибн Сайд ал-Жавҳарий, Холид ибн ал-Малик ал-Марваррудий кабилар ҳам бўлиб, илмий марказ ишларида етакчилик қилганлар ва фаол ҳисобланганлар.

“Байт ал-Ҳикма” жамоасининг дастлабки машғулотларидан бири қадимги олимларнинг илмий меросини, яъни узоқ-яқиндан олиб келинган қўлёзма асарларни синчиклаб ўрганиб, аҳамиятли деб топилганларини дарҳол араб тилига таржима қилишдан иборат бўлганди. Шу тақлид қадимги юонон олимлари Платон, Аристотел, Сократ, Гиппократ, Гален, Евклид, Птолемей кабиларнинг бир қатор асарлари араб тилига таржима қилинди. Ушбу таржималарга энг таниқли олимлар бош-қош бўлиб турганлар, муҳаррирлик қилганлар, тузатишлар киритганлар, изоҳатлар ва шарҳлар ёзганлар.

Таржимонларнинг ўzlари ҳам фаннинг турли соҳаларида илм қилганлар. Айримлари эса таниқли олимлардан бўлганлар. Жумладан, моҳир таржимон Ҳунайн ибн Исҳоқ (810-873) асли суриялик христианлардан бўлиб, грек ва сурия тилларида битилган асарларни арабчага таржима қилган. Шу билан бирга унинг ўзи ҳам юздан ортиқ (кўпчилиги тиббиётга оид) асар ёзганлиги маълум.

Яна бир таржимон Абул Ҳасан Собит ибн Курра Харроний (836-901) ҳам кўп китобларни грекчадан арабчага ўгирган. Жумладан, Евклиднинг “Геометрия асослари” (“Усул ан-Хандаса”) ва Клавдий Птоломейнинг “Географиядан қўлланма” асарини таржима қилиш билан бирга қайта ишлаган. Асли ироқлик бўлган бу олим математика, астрономия ва астрологияни “Баний Мусо” (“Мусо ўғиллари”) дан ўрганган. Китобларда унинг астрономияга оид “Осмон гумбазининг тузилиши”, “Қуёш ва Ой тутилиши сабаблари” ва тиббиётга оид “Хазина” номли асарлари бўлганлиги қайд этилган.

Бағдодда яшаб илм билан ном таратган, турли таржималар натижаларини таҳрирдан ўтказган ва шарҳлар ёзган олимлар сафида замонасининг ёрқин шахсларидан бири, қомусий олим, ўрта асрлар шарқ фалсафасининг асосчиларидан бири Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ Киндий (800-879) ҳам бўлганди. “Араблар файласуфи” лақаби билан танилган бу олим фаннинг турли соҳаларида илм қилган. Айниқса, фалсафа, математика, астрономия, физика, тиббиёт соҳаларида етук бўлган. Айрим манбаларда ал-Киндийнинг 300 дан ортиқ асар ёзганлиги, жумладан, “Расм ал-Маъмур мин ал-арз” (“Ер маъмурасининг расми”) номли географик асари бўлганлиги, географ олимлар Абу Зайд Балхий ва Аҳмад ас-Саҳахийларга устозлик қилганлиги эсга олинган.

Хуллас, “Байт ул-Ҳикма”нинг фаолият даврида Шарқ оламида юзлаб олимлар етишиб чиқдики, улар қадимги ҳинд ва юонон фанларини яхши ўзлаштириб олганликлари, ўз ватанларида яратилган бой илмий анъаналарга асосланиб, фаннинг турли соҳаларида илм қилганликлари, бу илмларни юқори даражага олиб чиққанликлари ҳозирги замон фан тарихчилари томонидан кенг эътироф этиб келинмоқда. Шарқ оламида география фанининг вужудга келиши ҳам шу маданий-маърифий ривожланишнинг, илм-фан юксалиш даврининг ижодий маҳсули бўлди. Ўрта асрлар география тарихи билимдони профессор Ҳамидулла Ҳасанов (1919-1985) томонидан Шарқда IX-X асрлар география фанининг туғилиш даври деб, алоҳида тарихий босқич сифатида ажратилганлиги ҳам бежиз эмасди. Бу давларда яратилган асарлар асосан математик география ва тасвирий география йўналишларида юзага келганди.

Шарқ олимларининг асарларида математик география йўналиши

Ушбу илмий йўналиш даставвал астрономияга оид бўлган асарлар, яъни “Зиж”лар таркибида географик маълумотларга кенг

ўрин бериш йўли билан юзага келганди. Бунга мисол тариқасида Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Марвазий, Яҳё ибн Абу Мансур, Абул Аббос Жавҳарий, Муҳаммад Фазорий, Абу Машъар Балхий, Абу Абдуллоҳ Баттоний, Абдуллоҳ ибн Амажур ат Туркий каби қатор олимлар тузган ўнлаб зижларни келтириш мумкин.

Зижлар, аслида обсерваторияларда олиб бориладиган Қуёш, Ой ва турли сайёralарнинг юлдузларга нисбатан ҳаракатларини кузатиш, турли математик амаллар ёрдамида астрономик ўлчамларни аниқлаш натижаларини жадваллар тарзида акс эттирувчи асарлар бўлган.

Зижлардаги географик маълумотлар, одатда асар муқаддимасида, маҳсус бобларда берилиб, кўп ҳолларда улар турли тақвимлар, йил ҳисоблари, Ернинг шакли ва катталиги, Ернинг маъмур қисми, унинг ўлчамлари ва етти иқлимга бўлиниши, турли мамлакатлар, вилоятлар, шаҳарлар, тоғлар, денгизлар, қўлтиқлар, ороллар, дарёлар каби географик объектларнинг иқлимлар бўйлаб жойлашиши, географик координаталарни аниқлаш каби масалаларга оид бўларди. Шунингдек, уларда катта ҳажмлик географик координаталар жадваллари ҳам бериларди. Масалан, бу каби маълумотларни Муҳаммад Хоразмийнинг машҳур “Зиж” асарининг 25-27 бобларида, Аҳмад Фарғонийнинг 30 боблик “Китоб фи ҳаракат ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум” номли астрономияга оид асарининг 9-бобида ёки Абу Абдуллоҳ Баттонийнинг “Китоб аз-зиж ас-сабий” асари муқаддимасининг 6-бобида учратиши мумкин.

Зижларнинг бир-биридан фарқи асосан асарнинг номланиши, ҳажми, жадвалларининг қамрови ва аниқлик даражалари, муқаддима қисмининг мазмуни билан ва айниқса, иқлиmlар тавсифи ва меридианлар ҳисобининг бошланиши билан боғлик бўлган.

IX асрда тузилган яна шундай зижлардан бири, нисбатан мукаммал ишланган “Аз-зиж ал-Маъмуй ал-мумтаҳон” (“Ал-

Маъмуннинг текширилган зижи") номли асар бўлганди. Муҳаммад Хоразмий раҳбарлигида ва "Байт ал-Ҳикма" нинг бир гурух астрономлари иштирокида ва айниқса, Аҳмад Марвазий, Яҳё ибн Абу Мансур, Абул Аббос Жавҳарийлар фаоллигида яратилган бу асар асосан Бағдод ва Дамашқ расадхоналарида олиб борилган астрономик кузатувларда тўпланган маълумотларга асосланганди. Шунингдек, Суриянинг шимолидаги Синжар саҳросида амалга оширилган Ер меридиани бир даражалик ёйи узунлигини ўлчаш ишларининг натижалари ҳам ҳисобга олинганди.

Ўрта асрларда пайдо бўлган илк географик асар, яъни Муҳаммад Хоразмийнинг "Китобу сурат ал-арз" ("Ернинг сурати") номли асари ҳам Бағдод "Байт ал-Ҳикма"сида, асли Зиж кўринишида яратилганди. Ушбу асарда ўша даврларда Шарқда дунёнинг кишиларга маълум бўлган қисми, яъни ғарбда "Саодат ороллари" дан шарқда 180° узунликкача, шимолда 63° шимолий кенглиқдан жанубда 15° жанубий кенглиқкача бўлган, одамлар яшайдиган обод чорак, яъни "Рубъи маскун" бир йўла қамраб олинганди. Математик география йўналишида бажарилган бу асарнинг матни жадваллардан иборат бўлиб, уларда етти иқлим бўйича, аввал шаҳарлар, кейин бирин-кетин тоғлар, денгизлар, ороллар ва дарёларнинг географик координаталари (жами 537 та) берилган.

Масалан, шаҳарларнинг бешинчи иқлим жадвалида шаҳарлар номи ва координатлари қўйидагича белгиланган: Сарахс – тули (меридиани) $83^{\circ} 20'$, арзи (параллели) $38^{\circ} 0'$, шу каби Марв $84^{\circ} 20'$ ва $38^{\circ} 35'$; Марварруд $85^{\circ} 0'$ ва $38^{\circ} 50'$; Бухоро – $87^{\circ} 20'$ ва $37^{\circ} 50'$; Балх – $88^{\circ} 35'$ ва $38^{\circ} 40'$ ва ҳ.

Тоғлар жадвалида эса тизмаларнинг бошланиши ва охири координаталаридан ташқари ранги билан йўналиши ҳам кўрсатилган.

Таникли шарқшунос олим В.В.Бартольд Муҳаммад Хоразмийнинг мазкур асарини 836-847 йиллар оралиғида яратилганлигини ва асарнинг номи грекча - "География"

сўзининг мазмунини беришини эслатиб ўтганди (асарлар 8 жилд. 1973, 112 б.). Ушбу асарнинг қай тарзда яратилганлиги ҳақида сўз борганда, асарни ўрганган ва таҳлил қилган тадқиқотчиларнинг барчалари уни халифа Маъмун топшириғи билан “Байт ал-Ҳикма” олимлари томонидан тузилган “Жаҳон ҳариталари” муносабати билан ёзилган деган қатъий фикрда бўлганлар. Бу ҳақда Ҳ.Ҳ.Ҳасанов айрим тавсилотларни баён қилар экан, халифа Маъмун олимларга осмоннинг ва жаҳоннинг батафсил ҳариталарини тузишни буюрганлиги, “Жаҳон ҳариталари” аслида дунё атласи бўлиши кераклиги, атлас тузиш иши билан 70 тача олим шуғулланганлиги, уларга Муҳаммад Хоразмий бошчилик қилганлиги, бу ҳариталар йиғиндиси “Маъмун дунё ҳаритаси” номи билан ҳам юритилганлиги ва уни тузиш 840 йилларга яқин тугалланганлигини айтганди. Шунингдек, Хоразмийнинг мазкур ҳариталар муносабати билан ёзилган “Суръат ал-арз” китоби “Хоразмий географияси” номи билан машҳур бўлган таълимотга асос бўлганлигини ҳам эслатиб ўтганди (1981, 12-13 бетлар).

Буюк ватандошимиз Муҳаммад Хоразмий ўзининг ушбу асари туфайли, кейинчалик жаҳоннинг нафақат буюк математиги ва астрономи, балки Шарқ географиясининг асосчисидир, деб ҳам эътироф этилди. Қолаверса, асарда географик координаталарнинг нисбатан аниқ ва етти иқлим бўйича маълум тартиб билан берилиши бир неча асрлар давомида Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам шу каби тадқиқотларда андаза сифат хизмат қилди, ундаги маълумотлардан кенг фойдаланилди. Асарнинг ўзи эса Шарқ географиясидаги математик-астрономик йўналишнинг ilk намунаси сифатида эътироф этилди. Хонликлар даврида (XVI-XIX асрлар) Амударё, Сирдарё, Зарафшон каби дарёлардан сунъий суғориш шахобчалари-каналлар чиқаришда дарё нишаби, тупроғи зич ва қаттиқ, мустаҳкам жойларини танлашда Муҳаммад ал-Хоразмийнинг математик географияси ҳисоб-китобларидан фойдаланилган. Бир вақтлар италиялик шарқшунос олим, Шарқ астрономияси ва географияси тарихи бўйича йирик

мутахассис К.А.Наллино (1862-1938) билдирган фикрига, кейинчалик рус шарқшунос олимлари-академиклари В.В.Бартольд (1869-1930) ва И.Ю.Крачковский (1883-1951) қўшилган ҳолда: “Европалик биронта халқ ўз илмий тараққиётининг дастлабки одимларида Муҳаммад Хоразмийнинг ушбу асари билан қиёслаш мумкин бўлган бирорта асари билан мақтанишга қодир эмасди” – деб тан бергандилар.

Муҳаммад Хоразмийнинг машҳур “Зиж” асари ҳам, “Китобу сурат ал-арз” номли географик асари ҳам қайта-қайта кўчирилган, баъзан қисман ўзгартиришлар киритилган, баъзан эса янги ном остида маълум қилиб турилган. Масалан, шарқшунос Броккелман Хоразмий “Зиж”ини андаулусиялик астроном Маслама ал-Мажритий томонидан XI аср бошларида қайта ишланганлигини бунда Хоразмий фойдаланган бош меридиан “Арин” ўрнига Кордова меридианини қўллаганлигини ёзганди. Шу маънода, Муҳаммад Хоразмийнинг “Китобу сурат ал-арз” асари ҳам ироқлик Сухроб (Ибн Серабийун) томонидан оқقا кўчирилгани, бунда ўзича таҳрир қилиб, бироз ўзгартиришлар киритиб, янги ном билан, яъни “Китоб ажойиб ал-ақолим ас-Саба” (“Етти иқлим ажойиботлари китоби”) кўринишида эълон қилгани маълум.

Тарихий манбаларда Сухробнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот учрамайди. У ўз асарини 902-945 йиллар оралиғида ёзган деб тахмин қилинади. Асарнинг кириш қисмида муаллиф Ернинг квадрат юзали харитасини тузиш усулини тавсифлайди. Ер юзасини етти иқлимга бўлинishi ҳақида сўз юритар экан, бунда Хоразмийнинг “Сурат ал-арз” китоби асос бўлганлигини ёзди.

Тадқиқотчи Т.М.Калинина (1988) Сухробнинг ушбу асарини “Китобу сурат ал-арз” билан қиёсий ўрганиб Сухробнинг ҳақиқатдан ҳам аҳоли жойлари, денгизлар, дарёлар ҳақида ва уларнинг координаталари ҳақида сўз юритганда Хоразмий асарида берилган маълумотларни қайтарганлигини, айrim ҳолларда координаталар бироз ўзгартирилганлигини ёзганди.

Масалан, Бағдоднинг географик узунлигини 70° деб (Хоразмийда эса бу кўрсаткич 78°), Фарғонанинг пойтахти Ахсикат $94^{\circ} 30'$ узунлик ва $36^{\circ} 30'$ кенглиқда деб (Хоразмийда эса $96^{\circ} 30'$ ва $36^{\circ} 40'$) кўрсатилган ва ҳоказо. Бундан ташқари Сухроб аҳоли жойлари, дарёлар, сув ҳавзалари ва тоғларнинг номларига оид ҳам бир қатор янги маълумотлар қўшган. Китобнинг боблари ҳам бошқача жойлаштирилган.

Сухроб асарининг XIV асрда кўчирилган биргина нусхаси сақланган бўлиб, уни 1930 йилда чех шарқшунос олими Ганс Мжик Хоразмийнинг “Китобу Сурат ал-арз” асари билан бирга қўшиб чоп эттирган. Унинг фикрича, бу икки асар бир-бирини шунчалик тўлдирад эканки, уларнинг бирини қўйиб, иккинчисини чоп эттириш қийин эди.

Ушбу мавзуда гап борар экан, яна бир астрономик-географик асар ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бу асар “Китоб зиж ас-собий” деб номланиб, таникли астроном Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний қаламига мансуб бўлган. Бу асарнинг яратилишида ҳам Муҳаммад Хоразмийнинг географик асари намуна бўлган.

Ал-Баттоний тахминан 858 йил атрофида Суриянинг Харрон шаҳрида собийлар намоёндаси оиласида дунёга келган. Кейинчалик у ўзини мусулмон ҳисоблаган ва 929 йилда вафот этган. Унинг 877 – 918 йилларда Ракка расадхонасида астрономик кузатишлар билан шуғулланганлиги, астрономияга оид учта асар ёзганлиги ва улардан факат номи юқорида зикр этилган асаригина бизгача етиб келганлиги маълум. Ушбу асар астрономия ва географияга бирдек тааллуқлидир.

Ал-Баттоний ўз китобида 273 та жойнинг географик координаталар жадвалини келтириб, назарий астрономия масалаларига бағишлиланган каттагина муқаддима ҳам баён қилган. Ушбу муқаддиманинг олтинчи боби қуруқлик ва денгизларнинг умумий географик тавсифига оид маълумотлардан иборат. Бундан ташқари ал-Баттонийнинг ўзи мазкур асарини ёзишда “Китобу сурат ал-арз”даги маълумотлар ва ватандоши Собит ибн

Курра томонидан таржима қилинган Птолемейнинг “Географиядан қўлланма”сидаги маълумотлар билан тўлдирганлигини таъкидлаган. Аммо жадвалларидағи етти иқлимини ёритиш тартиби Аҳмад Фарғоний асаридагига ўхшаш, яъни шарқдан гарбга томон берилган.

Ал-Баттонийнинг “Китоб зиж ас-Собий” асарида баён қилинган Ернинг маъмур қисми ҳамда денгиз ва океанларга тааллуқли маълумотлар ўрта асрларда Шарқда ҳам, Гарбда ҳам географик тасаввурларга катта таъсир кўрсатган ва ундан кенг фойдаланилган.

Ал-Баттоний асари XII асрда лотин тилига таржима қилиниб, асар муаллифи Албатегниус (Albategnius) номи билан танилганди. Ана шундай таржималардан бирини триволилик Платон 1140 йилда бажарганди. Ушбу таржиманинг XVI ва XVII асрларда чоп этилган нусхалари сақланган.

Маълумки, халифа Маъмун 819 йилда сарой аъёнлари ва уламолари билан Марвдан Бағдодга кўчган кезлари олимлар сафида яна бир машҳур сиймо, етук астроном, математик ва географ олим Аҳмад Фарғоний (такминан 797-865 йй.) ҳам бўлган. Унинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал Фарғоний бўлиб, Фарғонада туғилиб ўсган улуғ ватандошларимиздан биридир.

Бағдодга кўчиб келган олимларнинг Муҳаммад Хоразмий ва Яхё ибн Абу Мансур бошчилигидаги бир гурухи Бағдод расадхонасида, Холид ибн Абдумалик ал-Марваррудий бошчилигидаги ва Аҳмад Фарғоний иштирок этган бошқа бир гурухи Касион расадхонасида ишлаганлар. Улар Клавдий Птолемей асарларида келтирилган зиж маълумотларини текшириб, хатоларини тузатганлар, иловалар ва изоҳномалар ёзганлар. Ўзлари ҳам зижлар тузганлар.

Машҳур жамоавий асар “Маъмун зижи”ни тузишда фаол иштирок этганлар. Ер меридианининг узунлигини ўлчаш ишлари билан шуғулланганлар. Жумладан, Аҳмад Фарғонийнинг “Баний Мусо” номи билан танилган уч ака-ука олимлар Муҳаммад,

Аҳмад ва ал-Ҳасанлар билан биргаликда Суриянинг шимолидаги Синжор сахросида (Тадмур ва Ракка оралиғида) Ер меридианининг бир даражаси узунлигини ўлчаш ишларида иштирок этганлиги китобларда кайд этилган.

Аҳмад Фарғоний асосан астрономия ва геодезияга доир асарлар ёзган бўлиб, хозирги кунда улардан саккизтасининг номи маълум. Булар: “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум”, “Астурлаб ясаш ҳақида китоб”, “Астурлаб билан амал қилиш ҳақида китоб”, “Ал-Фарғоний жадваллари”, “Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола”, “Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида”, “Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб”, “Ал-Хоразмий «Зижи»нинг назарий қарашларини асослаш” асарлари бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳали ўрганилмаган” (А.Ахмедов, 1995).

Аҳмад Фарғонийнинг “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум” (“Китоб ал-ҳаракот ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум”) асари Шарқ оламида ҳам Ғарбда ҳам анча машҳур бўлган. Ундан кўп асрлар давомида астрономиядан қўлланма сифатида фойдаланилган.

Ўттиз бобдан иборат бўлган ушбу асар XII-XV асрларда бир неча маротаба лотин тилига ва Европанинг бошқа тилларига таржима килинган. Таржималарда олимнинг номи “Алфраганус” шаклида ёзилганлиги сабабли у шу ном билан Европада машҳур бўлган.

Аҳмад Фарғонийнинг мазкур асарида географияга ҳам катта ўрин берилган. Асарнинг “Ердаги маълум мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари ва ҳар бир иқлимдаги нарсалар ҳақида” деб номланган тўққизинчи боби асосан географияга оидdir. Унда Етти иқлимнинг ҳар бири улардаги мамлакатлар, вилоятлар ва шаҳарлари билан тавсифланган. Бу тавсиф Муҳаммад Хоразмийнинг “Китобу сурат ал-арз” китобида келтирилган иқлиmlар тавсифидан фарқли ўлароқ шарқдан ғарбга томон берилган. Иқлиmlарнинг чегараларида ҳам фарқлар бор. Бош меридиан ҳам бошқа танланган. Тадқиқотчиларимиз бунда ҳинд-

эрон географиясининг таъсири кучлироқ бўлган, деб баҳолайдилар.

Хаттоки, XIX асрда ҳам айрим мамлакатлар ва халқларга тааллуқли маълумотларга бўлган қизиқиши ортиши туфайли ал-Фарғоний келтирган маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Асарнинг тўққизинчи бобидан айрим қисмлари таржима қилиниб, “араб фани” тарихига оид бўлган йирик асарларда шарҳланди.

Аҳмад Фарғонийнинг ҳаёти ва илмий мероси билан қизиқкан олимларнинг кўпчилиги унинг 861 йилда халифа ал-Мутаваккилнинг буйруғи билан Мисрга борганлиги, Фустат (ҳозирги Коҳира) шаҳри яқинидаги Равзо оролида сув ўлчаш қурилмаси “Микёс ан-Нил” (Нилометр, Миқёс ал-Рудоҳ)ни лойиҳалаш ва уни қуриш ишларига бевосита раҳбарлик қилганлигини ёзадилар (Ф.Ҳ.Ҳикматов ва б., 2000).

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ҳам Аҳмад Фарғонийнинг географик меросини юқори баҳолаб, агар олимнинг геодезия, картография ва Ер юзи географияси соҳасидаги асарлари жамланса, яхлит бир географик оқим келиб чиқади, деб ёзган эди.

Аҳмад Фарғоний ва Мухаммад Хоразмийлар билан Бағдоднинг “Байт ал-Ҳикмаси”да бирга ишлашган ва Шарқ фанининг, шу жумладан астрономия ва географиянинг ривожига озми-кўпми улуш қўшган бир қатор олимларнинг ҳам исми-шарифларини эслаб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Улардан бири таникли астроном, Бағдоднинг аш-Шаммосия расадхонасининг асосчиси ва бошлиғи Яҳё ибн Абу Мансур эди. У “Байт ал-Ҳикма”даги кўпгина астрономик кузатишлар ва тадқиқот ишларига раҳбарлик қилган. У “Ал-Маъмуннинг текширилган зижи” номли ва ўз даврида жуда машҳур бўлган жамоавий асарнинг ҳаммуаллифларидан бири бўлганди.

Хурсоннинг Марв шаҳрида туғилиб ўсган Яҳё ибн Абу Мансур ўз замонаси олимлари орасида катта обрў-эътиборли астрономлардан ҳисобланган. Унинг қачон туғилганлиги номаълум, вафот этган йили ҳам аниқ эмас. Баъзи тадқиқотчилар

уни 830 ёки 831 йилда, баъзилари эса 845 йилда вафот этган деб ёзадилар.

“Ал-Маъмуннинг текширилган зижи” номли жамоавий асарнинг ҳаммуаллифларидан яна бири, замонасининг таниқли астроном олими Холид ибн Абдумалик ал-Марваррудий бўлган. У Дамашқ яқинидаги Касийун расадхонасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Кўпгина астрономик кузатишларда, Ер меридианининг бир градуси узунлигини ўлчаш ишларида фаол қатнашган. У ҳам ўз “зиж”ини тузган.

Бағдодда Муҳаммад Хоразмий билан бирга ишлаган таниқли олимлардан яна бири Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий (тахминан 770-870 йиллар) бўлган. Асли марвлик бўлган бу астроном ва математик олим географияни ҳам яхши билган. Олимлар орасида “Ҳабаш ал-Хосиб” (яъни, Ҳабаш-ҳисобчи) тахаллуси билан танилган бу сиймо асосан астрономия ва тригонометрияга оид асарлар ёзган. Унинг “Зижи ал-Ҳабаший” номли асари бўлганлиги ва ундан ўрта асрлар олимлари кенг фойдаланганликлари маълум.

Аҳмад ибн ал-Марвазийнинг ҳам 832-833 йилларда Аҳмад Фарғоний ва Холид ибн Абдумалик ал-Марваррудий ва Бани Мусолар билан бирга ер меридианининг бир даражаси узунлигини ўлчаш ишларида қатнашганлиги китобларда қайд этилган. У йигирмага яқин асарлар муаллифи бўлган.

IX асрда яшаган таниқли олимлардан яна бири Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Марвон ас-Сарахсий (835-899) (қисқача Аҳмад ас-Сарахсий) эди. У асли Туркманистоннинг Сарахс шаҳрида туғилган бўлса-да, кўпроқ Бағдодда яшаган ва фаннинг турли соҳаларида илм билан шуғулланган. Астрономия, математика, фалсафа, тиббиёт ва мусиқага оид кўп асарлар ёзган. Жумладан, “Фалсафа асослари”, “Атмосфера ҳодисалари ҳақида китоб”, “Тоғларнинг фойдаси ҳақида китоб”, “Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”, “Астрономияга кириш”, “Арифметика китоби”, “Мусиқа ҳақида китоб”, “Табобатга

кириш” кабилар Аҳмад ас-Саҳақий асарларининг бир қисми холос.

Ўрта аср манбаларида Аҳмад ас-Саҳақийнинг Бағдодга қандай қилиб бориб қолганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди, лекин унинг таржимаи холи билан боғлиқ бўлган муҳим маълумот сақланиб қолган. У ҳам бўлса, алломанинг машҳур қомусий олим ва “Арабларнинг файласуфи” деб шуҳрат қозонган Ёқуб ал-Киндийга шогирд бўлганлигидир. Устоз ва шогирд 850 йиллар атрофида Бағдодда танишгани эҳтимолга яқин. Аҳмад ас-Саҳақий ўша вактда 10-15 ёшлар атрофида бўлиши мумкин. Адабиётларда ас-Саҳақийнинг олим бўлиб шаклланишида ал-Киндийнинг хизматлари катта бўлганлиги айтилган.

IX асрнинг биринчи ярмида Бағдод ва Дамашқдаги олимлар орасида асли фороблик, астрономия ва математика соҳаларида танилган Ал-Аббос ибн Саъид ал-Жавҳарий ҳам бўлган. Бу олим ҳақида ибн ал-Қифтий шундай сатрларни келтиради: “Ал-Аббос ибн Саъид ал-Жавҳарий мунажжим бўлиб, у астрономия ва астрономик ҳисобларда моҳир мутахассис ҳисобланган. Шу билан бирга у астрономик жиҳозлардан фойдаланишда ҳам ноёб истеъдод соҳибиdir. У халифа ал-Маъмунга ҳамроҳ бўлган ва ал-Маъмун уни Бағдодда аш-Шамосия минтақасидаги тажриба ишларига масъул олимлар билан астрономик кузатишларни олиб боришига ундади. Ал-Жавҳарий баъзи сайёralар, Қуёш ва Ойнинг ўрнини аниқлаган. Натижада ушбу соҳа аҳллари орасида машҳур бўлган ўз зижини ярато олди. Унинг ўзи ва ҳамкаслари-Санад ибн Али, Холид ибн Абдулмалик ал-Марваррудий, Яҳё ибн Мансурлар мусулмон дунёсида биринчи бўлиб астрономик кузатиш ва тажрибалар олиб борган шахслардан бўлган. Ал-Жавҳарий қўйидаги асарларнинг муаллифидир: “Зиж китоб”, “Евклид китобига шарҳ”, “Евклиднинг “Негизлар” асарининг биринчи китобига у (ал-Жавҳарий) қўшган шакллар” (кўчирма Б.Абдухалимов бўйича, 2001). Китобларда ал-Жавҳарийнинг “Қуёшнинг ер марказидан узоқлигини аниқлаш” номли асари борлиги ҳамда “Ал-Маъмуннинг текширилган зижи”ни ёзишда

фаол ҳаммуаллифлардан бири бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

IX асрнинг таниқли олимларидан яна бири Абу Маъшар ал-Балхий_(вафоти 886 й.) бўлган. У Хурросоннинг Балх шаҳрида туғилиб ўсган. Дастребаки билимларни ўша ерда олган. Шариат илми ва қонуншуносликни ўзлаштириб яхши фақих бўлиб етишган.

Шарқ олами улуғ намоёндалари тўғрисида асар ёзган Ёқут Ҳамавий ўзининг етти жилдлик “Муъжам ал-удабо” (“Адиблар луғати”) номли асарида Абу Маъшар Балхий ҳақида илм қилувчилар учун ибратли бўлган бир ривоятни келтиради. Унга кўра Абу Маъшар Балхий 47 ёшлик пайтида муборак ҳаж сафарига бориш иштиёқи туғилиб, йўлга отланган. Сафарининг бошларидаёқ ўша вақтлардаги ал-Куфса вилоятига қарашли Керкери манзилида (Бағдод яқинида), одамлардан шу ерлик Али ибн Яҳё ибн Мунажжим исмли бадавлат бир кишининг хонадонида катта ва бой кутубхона борлигини, эгаси ўз кутубхонасини “Донолик хазинаси” деб атаганлигини ва унда турли мамлакатлардан келган кишилар турли фанлар бўйича илм билан шуғулланаётганликларини эшитиб қолади. Шунингдек, улар кутубхона китобларидан эркин фойдаланишлари мумкинлигидан, хонадон соҳиби эса уларга ғамхўрлик кўрсатиб, барча харажатларни ўз зиммасига олган маърифатпарвар эканлигидан ҳам хабар топади. Кутубхонани келиб кўрган Абу Маъшарни бу ердаги китобларнинг кўплиги ва ҳолати лол қолдиради. Китоблар билан яқиндан таниша бошлагач, юлдузлар илмига астойдил қизиқиб қолади. Бу қизиқиши шунчалик қучли эдики, у ҳатто ҳаж сафарини ҳам, диний илмлар билан шуғулланишни ҳам бутунлай унутади ва астрономия билан шуғуллана бошлайди. Абу Маъшар Балхий кейинчалик Бағдодда яшаб астрономия, астрология, география, фалсафа билан шуғулланган. Тадқиқотчилар унинг 30 га яқин илмий асарлар муаллифи эканлигини ва унинг “Катта муқаддима”, “Давлатлар ва динлар китоби”, “Буюк жанглар китоби”, “Зиж китоби”, “Катта

зиж”, “Астрологиядан китоб”, “Мамлакатларнинг табиий шароити ҳақида китоб”, “Ёмғирлар ва шамоллар ҳақида китоб” каби асарлари шулар жумласидан эканлигини кайд этадилар. Бундан ташқари Абу Маъшар Балхийнинг бир мунча муддат халифа Мұyttамид (870-892) даврида унинг биродари Муваффакнинг мунахжими бўлганлиги ва узоқ умр кўриб, 100 ёшлар атрофида вафот этганлиги эслатиб ўтилади.

Абу Маъшар Балхийнинг юлдузлар илмига оид асарлари ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам машхур бўлган. Унинг асарларига Мирзо Улуғбек ҳам бир неча бор мурожаат қилганлиги маълум. Фарбий Европаликлар эса уни Албумасар исми билан тилга олганлар.

IX асрда яшаб, Бағдодда илм билан шуғулланган олиму-фозилларнинг кўпчилиги астрономияга қизиқканлар, зиж тузиш илми билан астойдил шуғулланганлар. Ана шундай олимлардан яна бири Фарғонада туғилиб ўсан ватандошимиз Абу ал-Қосим Абдуллоҳ ибн Амажур ат-Туркий (IX-X аср) бўлган. Бу олим тўғрисида X асрда Бағдодда яшаган тарихчи олим Абул Фараж Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим ўзининг илмлар, олимлар ва китоблар ҳақидаги “Ал-Фахрист” номли асарида шундай деб ёзади: “У замонасининг фозил ва ўз мавқеига эга бўлган уламоларидан бўлган. Олим қуйидаги фойдали асарларнинг муаллифидир: “(Хатолардан) холис зиж китоби”, “Боғлаб турувчи зиж китоби”, “Ғаройиб зиж”, “Ўтмишлар зижи”, “Синдиҳинд зижи”, “Қулнинг зижи”, “Мусоғирга фойдали китоб”, “Форс эраси бўйича Мирриҳ (Марс) сайёраси учун зиж” (кўчирма Б.Абдухалимов бўйича, 2001). Бу асарларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган.

Тарихчиларнинг хабар беришича, Абдуллоҳ ибн Амажур ат-Туркийнинг Абу ал-Ҳасан Али ибн Абу ал-Қосим исмли ўғли ва яна бир қариндоши Али ибн Амажурлар ҳам астрономияга қизиқканлар, астрономик қузатиш ишларида фаол қатнашганлар. Уларнинг иккита қўлёзма асари: “Сайёralарнинг тутилиши ва

боғланиши ҳақида олдиндан айтиб беришлар мажмуаси” ҳамда “Тайласон зижи” сақланиб қолган.

Юқорида исм шарифлари ёдга олинган олиму-фозилларнинг кўпчилиги Мовароуннахр ва Хурросон фарзандлари бўлганлиги ва уларнинг IX асрда Бағдоддаги “Байт ал-Ҳикма” фаолияти билан боғлиқ ҳолда Ўрта асрларда Шарқ оламида математика, астрономия ва география фанларининг шаклланиши ва ривожланишида ҳиссалари мислсиз бўлганлигини қадимги манбалардан яхши хабардор бўлган тадқиқотчи олимларимиз фахр билан эътироф этиб келмоқдалар. Уларнинг ўчмас номлари маънавиятимиз юлдузлари сифатида бот-бот тилга олиниб туриди.

Умуман олганда, ўрта асрларда Шарқ олимлари зиж тузиш илми билан бир неча асрлар давомида катта қизиқиш ва масъулият билан шуғулланганлар. Улар ушбу илмий соҳанинг маҳсули кишилик жамиятини доимо зарур ва муҳим маълумотлар билан таъминлаши мумкинлигини тўла ҳис этганлар. Чунончи, халифаликнинг бошқа йирик шаҳарларида ҳам бу соҳага қизиқишган, у ерларда ҳам шундай асарлар яратиш иштиёқи бўлган. Жумладан, XI аср бошларида Мисрда фотимий халифа ал-Ҳаким Коҳира яқинидаги обсерватория асосида “Дор ал-Ҳикма” илмий марказини ташкил қилган. Фан тарихи тадқиқотчиси Сартоннинг (1953) аниқлашига кўра ушбу илмий марказ 1005-1175 йилларда фаолиятда бўлган. Марказ ташкилотчиси ва раҳбари астроном Ибн Юнус (тўлиқ исми Абул Ҳасан Али ибн Юнус ас-Садафий) 990-1009 йиллар давомида “Аз-Зиж ал Ҳакимий ал-Кабир” (“Ҳакимий катта зижи”) номли асарини яратган. 277 та жойнинг географик координаталари жадвали берилган ушбу асарнинг қисқача сўзбошисида муаллиф, қадимги юонон олимлари Гиппарх, Птолемейлар ҳамда Бағдод “Байт ал-Ҳикма”си олимлари яратган зижлардаги маълумотларни янгилаш мақсадида халифа ал-Ҳаким янги астрономик кузатувларни амалга ошириш учун кўрсатма берганлигини

эслатиб ўтган. Бу зиж муаллифи Ибн Юнус 1009 йилда вафот этган.

XI асрнинг иккинчи ярмида араблар Испаниясининг Толедо шаҳрида яна бир зиж яратилгандики, у кейинчалик XII-XIV асрларда Европада “Толедо жадваллари” номи билан машҳур бўлган. Бу асар Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яҳё ибн аз-Зарқалий (тахм. 1029-1087 йй.) бошчилигига яратилган. Ушбу олимнинг Кордова шаҳрида туғилганлиги ва асосан Толедо шаҳрида яшаганлиги маълум. Ушбу шахс “Толедо жадваллари”ни тузишда фаол иштирок этиб, асарни таҳрирдан чиқарган ва каттагина шарҳ ҳам ёзиб берган. Мазкур асарни яратилишида Птолемей асарининг арабча таржималари ҳамда Муҳаммад Хоразмийнинг асарларидан фойдаланганлиги ҳам айтиб ўтилган. Ушбу зиж асар XII асрда кремоналик Герардо томонидан арабчадан лотин тилига ўгирилгач, Европада жуда машҳур бўлиб кетган. Аз-Зарқалийнинг исми Арзахел кўринишида кенг танилган.

Ўрта асрларда яратилган зиж асарларнинг ўзига хос бир хусусияти бор эдики, у ҳам бўлса жойлардаги ҳукмдорларнинг бу каби асарлар яратилишига ҳомийлик қилганликларидир, яъни улар томонидан таникли олимларни жалб қилган ҳолда, обсерваториялар қурилиши ва уларни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, кутубхоналар ташкил этилиши каби муҳим илмий-ижодий шароитни яратиб берилишидир. Бу ҳолат ўз навбатида ҳукмдорларнинг номларини фан тарихи саҳифаларига кириб қолишига ҳам сабаб бўларди. Буни биз, юқорида халифа Маъмун, халифа ал-Ҳакимлар мисолида шоҳиди бўлгандин. Шунингдек, буюк олим Абу Райхон Берунийнинг 603 та жойнинг географик координаталари жадваллари берилган “Қонуни Масъудий” номли асари Масъуд Фазнавийга бағишлиланганлиги яхши маълум.

Бу каби зижлар сирасига яна машҳур шоир ва замонасининг тенгиз математик, астроном ва файласуф олими Умар Хайёмнинг (унинг тўлиқ исми Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим бўлиб, Хайём унинг таҳаллусидир, 1040-1122 йилларда

яшаган) Исфаҳонда салжуқий султон Жалолиддин Маликшоҳга бағишилаб тузган “Зижи Маликшоҳий” асарини, XII асрнинг биринчи чорагида Марвда олим Абдулфатҳ ал-Ҳазиний тузган ва салжуқий султон Санжарга бағишиланган “аз-Зиж ас-Санжарий ал-Мўътабар” асарини, машҳур қомусий олим Насриддин Тусий (1201-1274) бошчилигига Мароға обсерваторияси олимлари томонидан 1271 йилда мўғул ҳукмдори Халокуҳонга бағишилаб тузилган “Зижи Элҳоний” номли асарни, Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг (ваф. 1430) Ҳиротда Мирзо Шоҳрухга бағишилаб тузган ”Зижи Ҳоқоний” ва ниҳоят, 1437 йилда Самарқандда Мирзо Улуғбек томонидан Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ва Али Қушчилар ёрдамида тузилган “Зижи Кўрагоний” номли асарларини киритиш мумкин.

Охирги зиж ҳақида бир вақтлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур қисқа ва лўнда қилиб, шундай таъриф берганди: “Улуғбек Мирзо “Зижи Кўрагоний”ни битибдурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдир. Ўзга зиж била кам амал қилурлар”. Дарҳақиқат, ушбу зиж аввалги зижларга нисбатан янги маълумотлар билан бойитилган, пухта ва мукаммал ишланган бўлиб, ундан XVII – XVIII асрларга қадар фойдаланиб келинган. Жумладан, Фаридиддин Масъуд ал-Деҳлавийнинг “Зижи Шоҳ Жаҳоний” ва Жай Сингнинг “Зижи Муҳаммад шоҳий” асарларида ҳам “Зижи Кўрагоний”даги маълумотлар асос бўлган.

Умуман олганда, зижларда акс эттириладиган осмон жисмларининг, айниқса, Куёш ва Ойнинг ҳаракатларига оид маълумотлар бевосита амалий аҳамият касб этган бўлиб, ислом дини фарз қилиб қўйган амалларни бажаришда зиж маълумотларига эҳтиёж туғиларди. Чунончи, турли жойларда қиблани тўғри аниқлаб олиш, намоз вақтларини белгилаш, рўза вақтини тўғри аниқлаш имконини берарди. Қолаверса, шоҳлар, султонлар саройида доимо фаолиятда бўлган мунахжимлар учун ҳам мукаммал ишланган зиж маълумотлари ўзига хос қўлланма вазифасини бажарган. Шу сабабли ҳам ҳукмрон доираларда зиж

асарлари яратилишига хайрихоҳлик бўлган. Дин пешволарида ҳам бу каби маълумотларга нисбатан эътиroz бўлмаган.

Зиж асарларида акс эттирилган географик маълумотларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг кўп жиҳатлари нуқтаи-назаридан ҳам аҳамияти катта бўлган. Ер юзасининг тузилиши, узоқ-яқин мамлакатлар, улардаги шаҳарлар, карвон йўллари, тўхташ манзиллари ва улар орасидаги масофалар, сув ва озуқа манбалари, табиат бойликлари ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш иштиёқи географик маълумотларнинг аҳамиятини оширад эди.

Айтиш лозимки, Шарқ олимларида VI – VII асрларда ёқ Ернинг шарсимон шаклда эканлигини эътироф этиш билан бир вақтда Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ҳақида ҳам тасаввурлари бўлган кўринади. Шу маънода бухоролик таниқли адиб Садриддин Салим Бухорий ўзининг “Икки юз етмиш етти пир” китобида асли яманлик яҳудийлардан бўлган, кейинчалик мусулмонликни қабул қилган олим Каъбул Аҳбор (548-652) ҳақида Ибн Саъдан ривоят келтириб ёзишига кўра, Каъбул Аҳбор улкан олим бўлиб, ўзгаририлмаган, асл Тавротдан қиссалар айтиб берар экан. Каъбул Аҳбор “Яргучоқ ўз ўқи атрофида айлангани каби Ер ҳам ўз ўқи атрофида айланади” деган экан.

Фанимиз тарихида ўzlари зиж тузмаган бўлсаларда, зиж маълумотларидан фойдаланиб астрономик-географик асар яратган олимлар ҳам бўлган. Шундай асарлар сирасига асли марвлик бўлган, Хивада Хоразмшоҳ саройида мунахжимлик хизматида бўлган ал-Харақийнинг (вафоти 1138 й.) “Мунтаҳо ал-идрок фи тақсим ал-афлок” (“Фалакларнинг тақсими ҳақида идрокнинг ниҳояси”) номли асарини киритиш мумкин. Бу асар уч қисмлик бўлиб, биринчи қисмида коинотнинг тузилиши ва осмон жисмларининг ҳаракати ҳақида маълумотлар баён қилинган. Иккинчи қисмида Ернинг шакли, унинг обод ва нообод қисмларга бўлинниши, жойларнинг географик координаталари

тўғрисида, денгизлар ҳақида таърифлар келтирилган. Учинчи қисмида эса календарлар баён этилган.

И.Ю.Крачковский (1957) фикрига кўра, Харақийнинг ушбу асарида математик географияни тасвирий география билан боғлашга ҳаракат қилинган.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981) Юсуф Камол келтирган таъриф бўйича Харақий асарининг қуидаги тавсифини беради: “Харақий асарни ёзишда кўпроқ Жайҳоний асаридан фойдаланганлигини айтган. У Птолемейга эргашиб маъмурани экваторга паралел равища 39 та зоначага бўлган. I иқлим 5 та зоначани, II-VI иқлиmlарнинг ҳар бири иккитадан зоначани, VII иқлим бир йўла 18 та зоначани ўз ичига олган. Олим VII иқлиmdан шимолдаги, яъни 66^0 кенглиқдан шимолдаги 7 зоначани “одамлар яшайдиган” зоналар ҳисоблаган. Экватордан бошлиб чизилган бу зоначалар куннинг узун-қисқалигига қараб, бир-биридан аввало чорак соатдан, кейин ярим соатдан, шимолроқдагилари бир соатдан тафовут қилган. Харақий энг шимолдаги зоначаларни бир ой ёруғ тун бўладиган ерлар, икки ой ёруғ бўладиган ерлар, уч ой, тўрт ой, беш ой ва ниҳоят, олти ой кечаю-кундузи ёруғ бўлиб турадиган ерлар деб, Шимоий кутбгача белгилаб чиққан”. В.В.Бартольд Харақийнинг айrim ҳолларда Птолемейга эргашганлигини айтган.

Бу каби асарлардан яна бири хоразмлик астроном, математик ва географ олим Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар Чағминий ал-Хоразмийнинг (ваф. 1221) “Ал-мулаҳҳас фи ҳайъат ал-басита” (“Астрономиядан танланган қисқача баёнлар”) номли асаридир. Ушбу асар икки қисмдан иборат бўлиб, иккинчи қисмида Ернинг одамлар яшайдиган обод жойлари ва иқлиmlарга бўлиниши, ер юзида жойларнинг табиий хусусиятлари ҳамда ер юзида тун ва куннинг турлича бўлиш сабаблари баён этилган. Муаллиф юон ва Шарқ олимларининг, жумладан, Беруний асарларидан кенг фойдаланган, унинг илмий анъаналарини давом эттирган.

1440-1450 йиллар оралиғида Ҳусайн ибн Ҳусайн Хоразмий – Кубравий ёзган “Нузҳат ал-маллок фи ҳайъат ал-афлок” (“Фалак

тузилиши ҳақида севинч эгаси") номли асар ҳам шундай асарлар жумласидандир. Унинг иккинчи қисмида етти иқлим, уларнинг чегаралари, Ойнинг ҳаракати баён этилган. Аммо асарнинг бу қисми сақланмаган.

Аввалги сахифаларимиздан бирида "Зижи Кўрагоний" асарини эслаганимизда Али Қушчи исми тилга олинганди. Бу сиймо темурийлар даврининг атоқли астрономи ва математиги ҳисобланган. Уни "XV аср Батлимуси" деб атаганлар. Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг таърифлашига кўра, Али Қушчи тахаллуслик бу олимнинг исми Аловуддин Али ибн Муҳаммад Самарқандий бўлиб, 1402 йилда туғилган, унинг отаси темурийлар авлодидан бўлган, ёшлиги ва етуклиқ йиллари Самарқандда ўтган. Улугбек саройида қарчиғайлар боққани учун "Қушчи" дейишган. У Самарқанд обсерваториясининг илмий меросини сақлаб қолган ва жаҳонга машҳур қилган ватандошимиздир.

Али Қушчи ўзининг математика, астрономия, тарих, фалсафа каби фанларга оид кўпдан кўп асарлари билан Шарқ оламида жуда машҳур бўлган. Унинг "Рисола дар илми Ҳайъат" номли астрономияга оид асарида географияга ҳам катта ўрин берилган. Унда Ер шари, етти иқлим, географик координаталар ва турли мамлакатлар тўғрисида маълумотлар бор. Жумладан, дунёning доиравий ҳарита-схемаси ҳам берилган бўлиб, иқлиmlар чегаралари ҳам акс эттирилган.

IX асрнинг ўрталаридан бошлаб, математик-географияга оид асарлар билан кетма-кет, аммо бироз сустлик билан бўлса-да яна бир туркум географик асарлар пайдо бўла бошладики, уларнинг тузилиши, мазмуни ва ёзилиш услуби ўзига хос бир йўналишдан, яъни тасвирий географиядан дарак берарди.

Шарқ олимларининг асарларида тасвирий география

Тасвирий географияга оид маълумотлар даставвал шаҳарлар ёки ўлкалар тавсифига бағишланган асарлар таркибида берила бошланганди. Бундай асарлар сирасига араб адилари ва

тариҳчилари Хишом ибн ал-Қалбийнинг (ваф. 820) “Китоб ал-булдон” (“Ўлкалар китоби”), Абу Усмон ал-Жохизнинг (ваф. 869) “Китоб ал-амсар ва ажойиб ал-булдон” (“Катта шаҳарлар ва ўлкалар ажойиботлари”), Абул Аббос Аҳмад ал-Якубийнинг (ваф. 897) “Китоб ал-булдон”, Балазўрийнинг (ваф. 892) “Китоб футух ал-булдон” (“Ўлкаларнинг фатҳ этилиши китоби”) кабиларни киритиш мумкин. Бундай асарлардаги географик маълумотлар, кейинчалик бироз кенгайтирилиб, жиддийлаштирилиб ва маълум бир тартиб билан берила бошланди. Асарларнинг номи эса “Китоб ал-масолик ва-л мамолик” (“Масофалар ва мамлакатлар китоби”) кўринишида анъана тусини олди ва тасвирий географияда янги туркумни ҳосил қилди. Бундай асарларнинг юзага келиши асосан ёзувчи адилар, бадиий адабиёт аҳллари, тарихчи ва географ олимларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ бўлганди.

Тасвирий географиянинг масофалар ва мамлакатлар тармоғи

Ўрта асрларга оид айрим манбаларда, фихрист ва луғатларда айтилишига кўра, “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” номли асарларнинг учтаси, яъни ўрта осиёлик Абу Жаъфар ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий (бу шахс машҳур астроном Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазийнинг ўғли бўлган) ва Абул Аббос Аҳмад ас-Сараксий (835-899) ҳамда эронлик адаби Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбех (820-912)ларнинг асарлари энг дастлабкилардан ҳисобланган. Булардан фақат ибн Хурдодбехнинг “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”) асаригина бизгача етиб келган ва фан тарихи мутахассислари (масалан, Де Гуе, Бартольд, Крачковский) томонидан озми-кўпми таҳлил қилинган. Ушбу таҳлилларда асар муаллифининг шахси ҳақида қисқа бўлса-да маълумот бор. Улардан ибн Хурдодбехнинг 820 йилда Табаристон ҳокими оиласида таввалуд топганлиги, отасининг мавқеи туфайли яхши маълумот олиб, ўқимишли ва билимдон

бўлиб етишганлиги, халифа Мұтамид даври (870-892 йй.) да саройда обрўли надимлардан бўлганлиги ва бирмунча вақт Эроннинг Жибол вилоятида алоқа маҳкамаси бошлиғи лавозимида ишлаганлиги ҳақида билиб олиш мумкин.

Турли манбаларда ибн Хурдодбехнинг форсларнинг шажаралари ҳақида, турли ичимликлар ҳақида, таомлар ҳақида, хурсандчилик ва майшат ҳақида рисолалари, каттагина “Тарих” китоби бўлганлиги, қолаверса Птолемейнинг “География”сини арабчага таржима қилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

Адибнинг “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” номли географик асари 846 йилда ёзилган деб тахмин қилинган. Унда аввал Ернинг шакли, унинг маъмур қисми ҳақидаги умумий тасаввурлар берилгач, кўпроқ Месопотамиянинг таърифига, унинг маъмурий бўлиниши, халққа солинадиган солиқлар масалаларига кўпроқ эътибор берилган. Сўнг форс, рум, турқ, хитой подшоҳлари бирма бир тилга олиб ўтилган.

Асарнинг катта қисми йўллар таърифига оид бўлиб, аввало, Бағдоддан шимолга, Озарбайжон ва Кавказ орқали Ўрта Осиёга туташган йўллар, кейин жанубга, Хиндистонга олиб борувчи йўллар ҳақида, у ерлардаги маъмурий бирликлар, ҳалқлар ва уларнинг туриш-турмуши ҳақида турли-туман маълумотлар берилган. Хиндистон ва Хитой томонларга олиб борувчи денгиз йўллари ҳам анча жонли тасвиrlанган. Айниқса, Бағдоддан Макка ва Мадинага олиб борувчи йўллар батафсил, турли тўхташ манзиларини кўrsатган ҳолда, таърифлаб ўтилган. Умуман олганда, ибн Хурдодбехнинг ушбу асарида келтирилган кўп маълумотлар давлат архивларидағи ҳисоботларга асосланган бўлганлиги учун кўп жиҳатдан ишончли бўлган ва IX асрдаги халифаликда мавжуд бўлган иқтисодий, маъмурий ҳолатни тўғри ёрита олган. Шу сабабдан ҳам бу асар кейинги бир неча асрлар мобайнида тарих ва география бўйича ишончли манба сифатида жуда кенг фойдаланилган.

Масалан, ал-Якубий (IX аср), Ибн ал-Фақих (IX аср), Жайҳоний (X аср), Ибн Ҳавқал (X аср), ал-Маъсудий (X аср), Ибн

Руста (Х аср), ал-Муқаддасий (Х аср), Абу Абдуллоҳ ал-Идрисий (XII аср) кабилар ундан фойдаланганлар, ундан кўчирмалар келтирганлар. Ҳатто Мирхонд ва Хондамир (XV аср) лар замонасида ҳам бу асар олимларга таниш бўлган.

Тарихдан маълумки, X аср бошларида араб халифалигининг катта қисми, жумладан Миср, Сурия, Месопотамия, Ғарбий Эрон, Табаристон, Журжон каби ўлка ва вилоятлар маҳаллий ҳукмдорлар қўлига ўтиб кетди. Мовароуннаҳр ва Ҳурросонда ҳам мустақил Сомонийлар давлати ташкил топди. Пойтахт Бухорода ва Хоразм, Самарқанд, Балх, Нишопур, Марв, Исфаҳон, Дамашқ каби шаҳарларда илм-фан ривожи давом этди. Астрономия, тарих, фалсафа ва географияга оид асарлар, шу жумладан “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” туркумидаги асарлар ҳам вақти-вақти билан пайдо бўлиб турди.

Шундай асарлардан бирининг муаллифи сомоний ҳукмдор Наср ибн Аҳмаднинг вазири Абу Абдуллоҳ Жайҳоний (870-942) бўлган. Унинг етти жилдлик катта ҳажмли “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” номли географик асари бўлганлиги араб географлари ал-Маъсудий, ал-Муқаддасий, хоразмлик машҳур Абу Райҳон Беруний асарларида қайд этилган, унга мурожаатлар қилинган. Шу асарларда келтирилган маълумотларга асосланиб, И.Ю.Крачковский (1957), Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981) Жайҳоний шахси ва китобининг тузилиши ҳақида умумий тасаввур яратишга ҳаракат қилганлар. Ана шу тасаввурларга кўра, Жайҳоний фалсафа, астрономия ва астрология фанларидан яхши хабардор олим бўлган. Узоқ-яқин юртлардан келган элчилар, сайёҳлар ёки савдогарлар билан сұхбатлашиб, турли вилоятлар, ўлкалар ва уларга олиб борадиган йўллар, давлатларнинг мавқеи, юлдузларнинг баландлиги, соянинг маълум вақтларда узун-қисқалиги, осмон сфералари ва уларни ўрганувчи фанлар каби маълумотларни билиб юрган. Шунингдек, Жайҳоний ўзининг асарида дунёни етти иқлимга бўлганлиги ва ҳар бир иқлимга биттадан маълум бир сайёрани белгилаганлиги ҳам маълум. Унинг китобида юлдузлар ва аҳолидан тўпланадиган даромадлар,

турли манзиллар, ҳарбий округлар, катта-кичик шаҳарлар ташлаб кетилган довонлар ва йўллар ҳақидаги маълумотлар берилган. Шимолга ва жанубга, шарққа ва ғарбга олиб борувчи йўллар ва уларга яқин текисликлар ва тоғлар, водийлар ва тепалар, дарахтзорлар, дарёлар ҳам таърифлаб ўтилган.

Жайҳонийнинг “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” асари ҳам Ҳурдодбехнинг асари каби жуда машҳур бўлган. Ундан Муқаддасий ва Маъсудийдан бўлак Абу Райҳон Беруний, “Худуд ал-олам” асарининг муаллифи, Ибн Руста, ал-Бакрий, Гардезий, Авфий, Ҳарақий, Идрисий ва бошқалар кенг фойдаланганлар.

Жайҳоний асарида географик тавсифларнинг етти иқлим бўйича берилганлиги, унинг бир қирраси математик география йўналишига туташсада, асосий хусусиятларига кўра Ибн Ҳурдодбех, ал-Жоҳиз, Ибн ал-Фақих, Яқубий асарлари каби тасвирий географияга оидdir.

Агар В.В.Бартольднинг Жайҳонийнинг ушбу асари ҳақида билдирган: “бу китоб дому-дараксиз йўқолиб кетганга ўхшайди” – жумласини эътиборга олсан, 1990 йил эълон қилинган бир мақола география тарихи билан қизиқувчилар учун ниҳоятда аҳамиятли ҳисобланади. “Позднефеодальный город Средней Азии” номли тўпламда чоп этилган ушбу мақола тарихчи олим А.Мухторов қаламига мансуб бўлиб, “Джайхани о городах Мавераннахра” сарлавҳали эди. Унда муаллиф Кобулда Жайҳонийнинг “Ашкол ул-олам” номли асарининг қўлёзмаси топилганлиги, кейинчалик қўлёзманинг микрофильми В.Ф.Минорскийга жўнатилганлиги ва у 1948 йилда бу ноёб қўлёзма ва унинг муаллифи ҳақидаги маълумотларни чоп эттирганлиги ҳамда В.Ф.Минорский Британия музейида бу қўлёзманинг яна икки нусхаси сақланаётганлигини ва уларнинг иккаласи ҳам Кобул нусхасининг копияси эканлигини айтгани ҳақида хабар беради.

Булардан ташқари, мақолада Жайҳонийнинг “Ашкол ул-олам” асари XII асрда таржимон Али ибн Абдусалом томонидан арабчадан дари-тоҷик тилига ўгирилганлиги ва асарнинг “Кобул

нусхаси” ана шу таржиманинг 1609 йилда кўчирилган нусхаси эканлиги ҳам айтиб ўтилган.

Мақола муаллифининг ёзишига қўра, қўлёзма 84 варакдан иборат бўлиб, таркибида 19 та рангли географик харита ҳам берилган. Унинг 71-84 вараклари эса “Иқлими бистум”: зикри Маварауннахр ва тавобеи он (“Йигирманчи иқлим: Моворауннахр ва унга тобе худудлар”) сарлавҳаси остида берилган. Ушбу сарлавҳа ҳам, иқлиmlар ва хариталар сони ҳам асар муаллифи Жайҳоний эканлигига шубҳа уйғотади. Бунинг сабабларини қуйида кетириладиган айrim асарлар таърифидан пайқаб олишимиз мумкин.

Ўрта асрлар тасвирий географиясида Абу Зайд Балхий мактаби

Жайҳоний ўзининг “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” асарини ёзиб тугаллаган йиллари Ўрта Осиёда яна бир ажойиб географик асар дунёга келгандики, ўзидан кейинги қатор географик асарларга андаза сифат хизмат қилди. Ушбу асар тасвирий география йўналишида яратилган бўлсада, аввалги шу туркум асарлардан бир қатор хусусиятлари бўйича фарқ қиласди. Ушбу асар муаллифи Хуросон фарзанди Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхий (850-934 йй.) эди. Бўлажак олим бошланғич маълумотни Балхда олган ва шу ерда диний билимлардан муаллимлик қилган. Ўз билимини ошириш мақсадида Шарқ оламининг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланган Бағдодга борган. У ерда саккиз йилча яшаб, “араблар файласуфи” деб танилган машхур олим ал-Киндийга шогирдлик қилган. Фалсафа, астрономия, тиббиёт ва табиатшунослик илмларини жадал ва изчил ўрганган. Ўша ердан Маккага муқаддас ҳаж сафарига ҳам бориб келган ва ўз юрти Балхга қайтиб кетган.

Абу Зайд Балх шахрига қайтиб келгач, бироз вақт муаллимлик қилган ва шу ерда умрининг охирига қадар турғун яшаб илм билан шуғулланган. Устози каби фалсафа, астрономия

ва географияга оид асарлар ёзган. Кексалик чоғида бир йилга яқин Балх амирининг вазири бўлмиш “адаши” Аҳмад ибн Саҳлга котиблик ҳам қилган. Аммо тез орада, “ғайридиний” китоблар ёзади деб, мутаасиблар таъкиби остида ишдан четлаштирилган.

Абу Зайд Балхийнинг илмий фаолияти ҳақида сўз юритган тадқиқотчилар унинг 60 тага яқин асарлар ёзганлигини ва бу асарларнинг аксарияти бизгача етиб келмаганлигини қайд этадилар. Олимнинг “Сувор ал-ақолим” (“Иқлиmlар сурати”) номли машҳур географик асари ҳам шулар жумласидандир. Ушбу асар кейинчалик турли манбаларда “Ашкол ал-ақолим” (“Иқлиmlарнинг шакллари”), “Ашкол ал-билод” (“Ўлкаларнинг шакллари”), “Тақвим ал-булдон” (“Шаҳарларнинг тақсимланиши”) каби турлича номлар билан тилга олиниб келинганлиги сабабли И.Ю.Крачковский: “ўз даврида бу асар камёб бўлган ва қўпчиликка бевосита маълум бўлмаган, балки у изоҳлаб берилган атласдан иборат бўлгандир” – деб тахмин қилганди (1957, 196 б.). Унинг бу хил тахминга келишига машҳур араб географи Муқаддасий (946-1000 йй.) асарида келтирилган қуйидаги тавсиф ҳам асос бўлганди. Ушбу тавсифга кўра: “Абу Зайд ал-Балхий ўз китобида хариталар ва ернинг тасвирини бермоқни мақсад қилган. Ерни 20 қисмга тақсимлаб, ҳар бир тасвири қисқа-қисқа қилиб тушунтирган. У муҳим ҳолатларни эслатмаган, фойдали маълумотларни тартиб билан изчил тушунириб бермаган. Кўп муҳим шаҳарларни эътиборсиз қолдирган. Унинг ўзи саёҳат қилмаган ва кўп вилоятларда бўлмаган”. Муқаддасий ўзининг бу, анчайин танқидий тавсифини^{1*} давом эттирас экан, Хурросон ҳукмдори Абу Зайд Балхийни доно олим сифатида ўз пойтахтига таклиф қилганлигини ва у Жайхун бўйига келгач, ҳукмдорга “менинг донолигим ҳақидаги маълумотларга асосланиб таклиф қилган экансиз, бинобарин шу донолигим дарёning у бетига ўтишимга монелик қилмокда” деган мазмунда нома юборганлигини, ушбу

¹ Муқаддасийда ўзидан аввалги муаллифларга нисбатан танқидий қараш ҳамда ўз асарини мақташга мойиллик томонлари сезиларли бўлган.

номани ўқиган ҳукумдор унинг Балхга кайтиб кетишига изн берганлигини ҳам қўшиб қўйганди.

Юқорида Муқаддасий тилга олган Хуросон ҳукумдори ўша пайтларда пойтахт Бухоро тахтида ўтирган Сомоний амир Наср ибн Аҳмад эканлиги ва унинг вазири, таниқли олим Абу Абдуллоҳ Жайҳоний эса Абу Зайд Балхий билан дўстона муносабатда бўлганлиги ҳам маълум. Муқаддасийдан келтирилган ушбу тавсифлардан Абу Зайд Балхийнинг "Сувор ал-ақолим" и ҳакида етарли тасаввур ҳосил қилиш қийин, албатта.

Бунинг учун тадқиқотчи олимлар (масалан, Ж.Крамерс, Де Гуе, В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ва б.) бирмунча кейинроқ яратилган икки асарни, яъни эронлик географ Абу Исҳоқ ал-Форисий ал-Истаҳрий (850-934) ҳамда бағдодлик Абдулқосим ибн Ҳавқалнинг (ваф. 976) бир номдаги "Китоб ал-масолик вал-мамолик" деб аталган асарларини ўрганиш лозимлигини таъкидлаб ўтганлар. Чунки бирин-кетин яратилган икки асар, аслида Абу Зайд Балхийнинг "Сувор ал-ақолим" асари асосида юзага келганди. Шу маънода Ҳ.Ҳ.Ҳасанов: " хоҳ Истаҳрий, хоҳ ибн Ҳавқал асарини - улар ҳам "Китоб ал-масолик вал-мамолик" деб аталади - варакласангиз, шу китобларнинг заминида Балхийнинг қўли бор деб билаверинг. Уччала олим Балхий – Истаҳрий – ибн Ҳавқал эса Шарқ географиясида классик даврнинг кетма-кет ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамфирликда ижод қилган намоёндалари, гўё бир илм занжирининг бир-бирига боғланган ҳалқалариидир" - деб тавсиф берганди (1964, 37 б.).

Бундан бироз илгарироқ, И.Ю.Крачковский ҳам: "бир-бири билан ижодий боғлиқ, бўлган бу уч олимни ўзига хос мусулмон географиясининг "классик мактаби" деб аташга барча асослар бор" - деб ёзганди. Абу Зайд Балхийни эса шубҳасиз ана шу "классик мактаб" нинг асосчиси деб ҳисоблаш мумкин.


Мазкур мактаб намоёндаларининг асарларини бошқа, масалан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ибн Хурдодбек ва Жайҳоний асарларидан фарқлантириб турадиган хусусиятлари

бор эди. Улардан биринчиси ва энг асосийси бу асарларни "Ислом атласи" деб ном олган бир тўп хариталарга асосланиб тузилганлигидир. Даставвал Абу Зайд Балхий жамлаган ушбу атласни тарихий география билимдони, таниқли шарқшунос олим Ж. Крамерс "араб харитаграфиясининг энг олий ютуғидир" деб баҳолаганди. Унинг тавсифлашига кўра, ушбу атлас 21 дона харитадан иборат бўлиб, биттаси доира шаклида тузилган дунё харитаси, олтиласи Арабистон, Форс денгизи, Мағриб, Миср, Сурия ва Ўрта денгизга оид, қолган 14 тасида мусулмон дунёсининг марказий ва шарқий қисмидаги вилоятлар бирма-бир тасвирланган.

Иккинчи хусусияти - хариталар ва тавсифларнинг ўша даврлардаги фақат ислом мамлакатларигагина оид бўлганлигидадир. Ислом мамлакатлари деганда, ушбу олимлар Фарғонанинг шарқий чеккаларидан Хуросон, Жибол, Ироқ, Арабистон орқали Ямангача, яъни масофаси беш ойга яқин йўл бўлган ҳудудлар, кенглиги эса Рум ерларидан Сурия, ал-Жазира, Ироқ, Форс ва Кирмондан ўтиб Форс денгизигача, яъни тўрт ойлик йўл узунлигига teng. Бунга Мағриб билан Андалусия қўшилса, яъни Фарғонадан Андалусиягача деб олинса, масофаси 300 манзилга teng келади деб ҳисоблаганлар.

Учинчи хусусияти эса асарларда келтирилган доира шаклидаги дунё харитасининг ўзига хослиги ҳамда унинг кейинчалик ҳам, ҳатто XIV асрларгача географик адабиётларда анчагина оммалашганлигидир.

Тўртинчи хусусияти - асарларда қўлланилган "иқлим" тушунчасининг Шарқда анъана бўлиб келаётган "етти иқлим" тушунчасидан бутунлай фарқ қилиб, вилоятларга нисбатан қўлланилганлиги, яъни 20 та вилоятнинг ҳар бирини алоҳида, биттадан "иқлим" деб кўрсатилганлигидадир.



3-расм. Абу Зайд Балхий тузган дунё харитаси (Х.Хасанов таржимаси)

Абу Зайд Балхийнинг биринчи давомчиси Абу Исҳоқ ал-Форсий ал-Истахрий унинг тенгқур замондоши бўлган, аслида Эроннинг марказий вилояти Форсда туғилиб ўсан. Шарқ олами бўйлаб кўп саёҳат қилган. Балхда бўлган пайтида Абу Зайд билан учрашган ва унинг "Сувор ал-ақолим" асарини таҳrir килиш учун олиб кетган.

Х.Х.Хасановнинг ёзишича, Истахрий Балхий ҳаёт чоғида (тахминан 932 йилда) унинг асарини таҳrir қилиб, Форс вилояти, Хўзистон ва Шимолий Ҳиндистонга доир янги

маълумотлар билан тўлдирган ва китобни "Китоб ал-масолик вал-мамолик" деб номлаган. Асарда Ернинг маъмур қисми, унинг ўлчамлари ва денгизлари ҳақидаги умумий маълумотлардан сўнг бирин-кетин Арабистон, Форс денгизи (Ҳинд океани билан), Мағриб (Андалусия ва Сицилия билан), Миср, Сурия, Рум денгизи, ал-Жазира, Ирок, Жанубий Эрон, Ҳиндистон, Марказий ва Шимолий Эрон (Арманистон, Озарбайжон ва Хазар денгизи билан) ва Мовароуннахр каби вилоятлар баён қилинган. Ҳар бир вилоятни таърифлашда Истахрий чегаралари, шаҳарлари, улар орасидаги масофалари, йўналишлар ҳақида батафсил маълумотлар келтиради.

Етиштириладиган маҳсулотлар, савдо-сотик, ҳунармандчилик маҳсулотлари, халклари ҳақида ҳам тўхтаб ўтади.

Таъкидлаш лозимки, Истахрийнинг ушбу асари, бошқаларникига нисбатан анча кенг тарқалган. Унинг форсча таржималари ҳам бир қанча бўлган. Бу асардан XV асрда Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Абру, Мирхонд, Ҳондамир кабилар ҳам фойдаланганлар.

Истахрийнинг бевосита давомчиси Ибн Ҳавқалнинг тўлиқ исми Абул Қосим Ибн Ҳавқал ан-Нисибий бўлиб, келиб чиқиши Месопотамиянинг шимолий қисмидаги Нисибин шаҳри билан боғлиқdir. Ўзининг ёзганларига кўра кўп саёҳат қилган. У 943 йилда ўз саёҳатларини Бағдоддан бошлаган. Шимолий ва қисман Марказий Африкада, Испанияда, Неапол ва Палермо шаҳарларида бўлган. Месопотамия, Эрон, Ҳиндистоннинг бир қисмидаги географик шароит билан бевосита яхши таниш бўлган. 951 йилда Истахрий билан учрашиб, яқин сухбатда бўлган. Шунда Истахрий унга ўз китобини бериб, хатолари бўлса, тузатишини илтимос қилган. У асардаги бир неча харитани муаллифининг исмини сақлаган ҳолда тузатиб чиқсан, айримларини эса бошқатдан тузган. Сўнг барча хариталарни изоҳлар билан таъминлаб, алоҳида китоб яратишга қарор қилган. Ибн Ҳавқалнинг асари ҳам "Китоб ал-масолик ва-л-мамолик" деб номланган. Унда Истахрий асаридагига нисбатан Африкага,

жумладан Мисрга ҳамда Испания ва Сицилияга оид қисмлар жиддий ўзгартирилган ва тўлдирилган. Месопотамия, Арманистон ва Мовароуннахр қисмлари эса тубдан таҳрир қилинган. Асарнинг факат Эронга тааллуқли қисмигина ўзгартиришларсиз қолдирилган. Хариталарнинг умумий сони ҳам Балхий ва Истахрийдагидек 21 дона. Уларнинг кетма-кетлиги ҳам сақланган, яъни биринчи иқлим - Арабистон, йигирманчи иқлим сифатида эса Мовароуннахр тасвирланган.

Юқорида келтирилган Балхий – Истахрий – Ҳавқал ҳаммуаллифлигига юзага келган “Китоб ал-масолик вал-мамолик” номли асарларнинг тавсифларига асосланиб, “Кобул нусхаси” деб тилга олинган “Ашкол ул-олам” асарининг муаллифи Жайҳоний эмас деган мулоҳазага келиш мумкин. Колаверса, Кобулда топилган ва ичиди Балхийнинг дунё харитаси бўлган қўлёзма Истахрийнинг асари эканлигини В.Ф.Минорскийнинг ўзи ҳам “Мусулмон ўлкалари географияси” (1949) асарида кўрсатиб ўтганди.

Х аср географларининг классик мактаби намоёндаларининг ижодий фаолияти ва асарларининг таърифига И.Ю. Крачковский (1957) ўз асарининг алоҳида бобини (VII боб, 194-218 бетлар) ажратган. Унда ушбу мактабнинг энг сўнгги йирик намоёндаси сифатида ал-Муқаддасий ва унинг географияга оид “Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим” (“Иқлиmlарни билишнинг энг яхши тақсимоти” ёки “Иқлиmlарни ўрганиш учун энг яхши қўлланма”) номли асари батафсил таърифлаб берилган. Шу таърифлар асосида ушбу араб олими ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Унинг исми-шарифи узундан-узун, яъни Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Аҳмад ибн Абубакр ал-Банно аш-Шомий ал-Муқаддасий ал-Башшарий бўлиб, тарихчилар қисқача ал-Муқаддасий ва кам ҳолларда ал-Мақдисий деб тилга оладилар.

Муқаддасий 946 йилда Қуддус шаҳрида туғилган бўлиб, бу шаҳар араб адабиётида “Байт ал-Муқаддас” ва “Байт ал-Мақдис” деб ҳам аталган. Олимнинг нисбаси шундан. У жуда кўп саёҳат қилган, Испания, Синд ва Сижистондан ташқари ҳамма мусулмон

мамлакатларида бўлган. Саёҳатларида тўплаган, одамлардан сўраб-суришириб билиб олган маълумотлари ҳамда қўплаб турли қўлёзма асарлар ва хариталарни синчилаб ўрганиш асосида, 986 йилда ўзининг машхур асарини ёзган.

Муқаддасийнинг “Ахсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим” асари асосан муқаддима ва икки қисмдан иборат бўлиб, 14 бобни ўз ичига олган. Асар мазмун ва моҳиятига кўра Абу Зайд Балхий бошлаб берган анъанани давом эттирган. Бу ҳолат айниқса, унинг хариталарида ўз аксини топган.

Муқаддима таркибидаги бобларда китобнинг қай тарзда ёзилганлиги, аввалги китоблардан фарқлари ва ўзига хос томонлари батафсил баён этилган. Денгизлар ва дарёлар ҳақида, топонимика масалалари, иқлиmlарнинг хусусиятлари билан бир қаторда саёҳатлари вақтида бошдан кечирган воқеа ва ҳодисаларни ҳам батафсил акс эттирган.

Асарнинг мамлакатлар ва ўлкалар таърифига бағишлиланган қисмида шаҳарлар, аҳоли турар жойлари, об-ҳаво, халқлари ва уларнинг деҳқончилиги, ҳунармандчилиги, тили, урф-одатлари, савдо-сотифи, пули, сувлари, фойдали қазилмалари, муқаддас қадамжолари, масжидлари, солиқ ва жарима турлари, шаҳарлар орасидаги йўллар ва масофалар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Бу каби бой маълумотлар X аср Шарқ оламидаги сиёсий-маъмурий, тарихий ва иқтисодий географик шароитни билишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қиласди.

Умуман олганда, IX аср ва айниқса, X-XI асрларда тасвирий географияга оид “Китоб ал-масолик вал-мамолик” номи билан асар ёзиш анчагина тараққий этган бўлиб, бу жараён халифаликнинг ғарбий чеккалари Андалус ва Мисргача етиб борганди. Масалан, Мисрда Ҳасан ибн Аҳмад ал-Муҳаллибий (X аср), Андалусда Мухаммад ибн Юсуф ал-Варрок (X аср), Аҳмад ибн Умар ал Узрий (XI аср) ва унинг шогирдлари Ибн Хазм (XI аср) ва ал-Бакрий (XI аср) кабиларнинг ҳар бири шу номда асар ёзганликлари маълум.

“Ал-масолик вал-мамолик” номли асар ёзиш кейинчалик ҳам, ҳатто XIV аср (ибн Фазлуллоҳ ал-Умари, Абул Фидо) ва XV асрда ҳам (Мир Сайд Шариф Журжоний) давом этганди. Буларнинг ҳаммаси ўрта асрларда жамиятнинг тасвирий географияга оид асарларга бўлган талаби сезиларли бўлганлигидан далолат беради.

Айрим тасвирий географик асарлар ҳақида

Х аср Шарқ маданияти, фани ва хусусан географияси ҳақида сўз борганда ҳозирги замон тадқиқотчилари яна бир араб адабининг, тарихчи олим ва сайёҳ ал-Масъудийнинг (ваф. 956 й.) исмини кўп бор тилга оладилар. Унинг асарларидан ишончли манба сифатида кўп нақллар келтирадилар.

Шарқ географик адабиётини жуда яхши ўрганган Ж.Крамерс Масъудийни “Х асрнинг энг оригинал географ ёзувчиси” деб, И.Ю.Крачковский эса “Х асрда географик асар яратган адиллар ичida ҳар томонлама билимдон ва кенг қамровли шахс” деб баҳолагандилар.

Масъудийнинг тўлиқ исми-шарифи Абул Ҳасан Али ибн ал-Ҳусайн ибн Али ал-Масъудий бўлиб, X аср бошларида Бағдодда туғилган, шу ерда ўсиб, маълумотли бўлган ва замонасининг адабий анъаналарини яхши ўзлаштириб олган. Ривоятларга кўра унинг шажараси Мухаммад пайғамбарнинг Масъуд исмли саҳобасидан бошланар экан. Масъудийнинг географик тафаккури кўп китоб ўқиш, турли табакадаги кишилар билан мулоқотда бўлиш ва айниқса, саёҳатлари вақтида тўплаган маълумотлари асосида шаклланган. Унинг Ҳиндистондан Атлантика океани бўйларигача, Каспий соҳилларидан Қизил денгизгача бўлган мамлакатларни кезиб чиққанлиги маълум. Ҳатто Хитой ва Малай архипелагида ҳам бўлган деган таҳминлар бор.

Масъудий кўп асар ёзган, аммо уларнинг аксарияти номларидангина маълум. Уларнинг кўпчилиги тарихга оид бўлган. Тадқиқотчилар унинг тасвирий географияси ҳақида икки

асаридаги маълумотларга асосланиб фикр юритадилар. Булар “Муруж уз-заҳаб ва маъодин ал-жавоҳир” (“Зар ўтлоқлар ва жавоҳир маъданлари”) ҳамда “Китоб ут-танbih ва ал ишроф” (“Огоҳлантириш ва бошқариш ҳақида китоб”) асарларидир. Кейинги асарнинг кириш қисмида муаллиф олдин ёзган асарларининг умумий мазмунини қисқа-қисқа қилиб баён қилиб берган.

Масъудий асарларидаги тасвирий географияда Муҳаммад Хоразмий асос солган етти иқлим қоидаси бўйича ҳар бир иқлим батафсил таърифлаб берилган. Унда ҳозирги Ироқ ҳудудини ўз ичига олган тўртинчи иқлим нисбатан кенгрок ёритилган. Ушбу адиб асарларининг яна бир хусусияти улардаги тарихий ва географик ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда берилганлигига эди.

Тавсифланаётган даврга тааллуқли яна бир қатор асарлар яратилган эдики, уларнинг номланиши бироз бошқачарок бўлсада, тузилиши ва мазмунига кўра тасвирий географиянинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Шундай географик асарлардан бири форс - тожик тилида ёзилган “Китоб ҳудуд ал-олам минал машриқ илал мағриб” (“Оламнинг машриқдан мағрибгacha бўлган чегаралари ҳақида китоб”) дир.

Ушбу асар 983 йилда, асли хурсонлик бўлган, аммо исми-шарифи ҳанузгача номаълум муаллиф томонидан ёзилганлиги, унинг 1258 йилда қайта кўчирилган ягона нусхаси эканлиги билан тавсифлидир. Асарда келтирилган географик ва тарихий маълумотлар кўп шарқшунос тарихчи олимларни қизиқтирган. Жумладан, А.Г.Туманский, В.Р.Розен, В.А.Жуковский, В.Ф.Минорский, В.В.Бартольд ва бошқалар асарни ўргангандар. Баъзан қисқа, баъзан тўлалигича кўчирмалар қилганлар, унинг инглизча, русча таржималарини тайёрлаб чоп эттирганлар. Яқинда тарихчи олим Омонулла Бўриев (2008) асарнинг Мовароуннаҳр таърифига оид қисмини ўзбекча таржимасини, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи билан чоп эттириди.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ҳам асардан намуна парчалар келтирган ҳолда, унинг тасвирий географияга оид хусусиятларини кенг таърифлаб берганди (1981, 31-44 бетлар). Ушбу таърифга кўра “Худуд ал-олам” асари илмий аҳамияти жиҳатидан Шарқ географик адабиётининг дурдона ёдгорликларидан бири сифатида Ўрта Осиё ва Афғонистонда географик билимлар тарихи учун қимматли манба ҳисобланади.

Умумий ҳажми 30 варакдан иборат бўлган ушбу асарда ер юзининг шакли, қуруқлик чегаралари, ободонлик ва вайроналик даражаси, ер юзидағи вилоятлар ва подшоликлар, шу вилоятлардаги маълум бўлган қавмлар, подшоҳларнинг урфодатлари, расм-руслари, мазкур вилоятлардан четга чиқариладиган нарсалар, жаҳондаги шаҳарлар, улардаги аҳвол, уларнинг катта-кичиклиги, ноз-неъматлари, одамлари, ободончилиги ва вайроналиги, ҳар бир шаҳарнинг тоғ, дарё, денгиз ёки чўлга узок-яқинлиги, жаҳондаги денгизларнинг ўрни, жойлашиши, қўлтиқлари, ороллари, уларнинг ободонлиги ва вайроналиги, уларда яшайдиган одамлари, уларнинг аҳволи, ишлаб чиқараладиган нарсалари, жаҳондаги тоғлар, улардаги маъдан конлари, тоғларда яшайдиган жониворлар, жаҳондаги йирик дарёлар, уларнинг қаердан бошланиб, қаерга қўйилиши, сувининг суғоришга сарфланиши, кемачиликка ярайдиганлари, чўллар ва қумлик ерлари баён этилган.

Номалум муаллифнинг “Худуд ал-олам” асари ҳақида ўқувчида тасаввур ҳосил қилиш учун Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ундан “Ер чегаралар ободлиги ва вайроналари; тоғлар ва конлар; дарёлар; Мовароуннахр ва унинг шаҳарлари ҳақида” каби қисмларидан парчалар келтирган. Шу парчалардан бирини келтириш билан кифояланамиз.

‘Ер чегаралари, ободлиги ва вайроналари. Ер юмалоқдир (гирдаст), уни осмон муҳити ўраб туради. Икки қутби бор, бирини Шимолий қутб дейдилар, бошқасини Жанубий қутб дейдилар. Экватор - бир айланадирки, у Ернинг шарқий чеккасидан бошланиб бутун ўртасидан ўтади ва ғарбигача

боради, сўнгра яна (ғарбий ярим шарда) шарққа томон йўналади. Биз ер шарининг ярмини, одам яшайдиган палласини кўриб турамиз аммо бошқа палласи яширингандир, у бизнинг остимизда (яъни биз турган жойнинг тескари томонида). Одам яшайдиган ерларнинг жанубий чегараси - 17 даражা (жанубий кенглик) ва 180 даража узунлиkdir. Бу иккала обод ернинг (шимолий ва жанубий яримшарлардаги одам яшайдиган ерлар) майдони Ер юзининг 1/9 га тўғри келади. Жаҳондаги ҳамма шаҳарлар ва турли подшоликлар, денгизлар, тоғлар, дарёлар, жониворлар ҳамда балиқлар мавжуд жойлар Ернинг ана шу қисмидадир. Аммо шарқий вилоятларнинг энг чеккасида дарёи Сабз (Яшил денгиз) бор. Бу денгизни румияликлар (греклар) Ўқиёнуси Машриқий (Шарқий океан) дерлар, араблар (тозиён) баҳр ал-Азҳар дерлар. Аристотел “Осори Улви” (“Метеорологика”) китобида айтганки, денгизлар Ерни гўё уфқ сингари ўраб турди. Ва кемалар бу денгизларнинг ҳаммасини сузиб ўта олмаган..... Фақат обод ерларга яқин қирғоқлардагина сузиб юра оладилар. Ернинг ғарбий томонидаги энг чекка шаҳар – Сус ал-Ақси дейилади, у денгиз лабидадир, уни (денгизни) Ўқиёнуси Мағрибий (Ғарбий океан) дейдилар. Ва бу денгизнинг сувлари ранги, тами ва ҳиди (жиҳатдан) Шарқий океанга монанд. Бу океанлар шимолда ҳам, жанубда ҳам бир-бирларига туташган. Шунга кўра қиёс қилиб айтадиларки, ҳар иккала денгиз бир бўлиб, Ерни шарқ ва ғарбдан гирд ўраб турди ва иккала қутбдан ўтади ва шу сабабдан денгизнинг нариёғида нима борлигини ҳеч кимса билмайди. Экватор чизигининг энг узун жойи дарёи Азим (Буюк денгиз) устидан ўтган. Экватордан шимолда 63 даража (шимолий кенглик) гача одамлар яшайди, ундан нарида Шимолий қутбдан тарқаладиган қаттиқ совук дастидан жониворлар яшай олмайди. Экватордан жанубда эса, денгиз кенгайган жойларда, ҳаво жуда жазирамадир, занжилар, ҳабашлар ва (шу) сингарилар бор”.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов “Худуд ал-олам” муаллифининг баён қилиш услугига кўра бу асар ўз замонасида географиядан кичик бир

қўлланма, эҳтимол болалар учун дарслик сифатида фойдаланилган бўлиши ҳам мумкин деган тахминан айтиш билан бир вақтда муаллиф Ернинг обод қисмини маълум бир принцип асосида районлаштирганини ва Ернинг обод қисмини 51 вилоятга бўлганлигини, улардан 45 таси экватордан шимолда, 1 таси экватор устида, 5 таси экватордан жанубда эканлигини ва бу вилоятлар бир-биридан суви, иқлими, тупроғи жиҳатдан фарқ қилиши, уларни бир-биридан тоғлар, дарёлар ва чўллар ажратиб туриши; ҳар бир вилоят ўз навбатида амаллар (вилоятчалар)га, булар ҳам ўз ичида шаҳарларга бўлинишини эслатиб ўтади.

Умуман олганда “Худуд ал-олам” муаллифининг Ернинг шакли, тоғларнинг орографик тузилиши, дарёлар ва уларнинг тўйиниши, денгизлар ҳақидаги тушунчалари ўзига хосдир. Унинг терминлар ва тушунчаларга берган изоҳлари ҳам эътиборлидир. Муаллиф ўз асарини ёзишда Жайхоний, Балхий, Хурдодбех, Истахрий кабиларнинг ва улардан ташқари Аристотел, Птолемей асарларидан ҳам фойдаланган. Шундай бўлсада, А.Г.Туманский, В.В.Бартольд, В.Минорский, Ҳ.Ҳ.Ҳасановлар таъкидлаганидек, асарни бошқа шарқ муаллифларининг асарларидан фарқ қилиб турадиган жиҳатлари ҳам кўп.

XII аср ўрталарида гренадалик Абу Ҳамид Гарнатий (1080-1170) томонидан ёзилган “Тухфат ал албоб ва нуҳбат ал-аъжаб” (“Донолар учун тухфа ва ажойиботлар танламаси”) номли асар ҳам мазмун ва моҳиятига кўра тасвирий географияга оид асарлар сирасига киради. Муаллиф ўқувчини қизиқтириш учун ажойиботу-ғаройиботларни кўп қўшган.

Ушбу муаллифнинг Сардиния ва Сицилия орқали Мисрга борганлиги, Қоҳира ва Искандария шаҳарларида, Эронда бўлганлиги, у ердан Каспий денгизи билан Волга этакларида бўлганлиги, Волга булғорлари юртида бироз яшаганлиги, у ердан бир неча марта Хоразмга бориб келганлиги кейинчалик Бағдодда, Мосул ва Дамашқ шаҳарларида ҳам бўлганлиги маълум.

1110 йил атрофларида ёзилган “Форснома” асари ҳам шу туркум асарлардан ҳисобланади. Бу тарихий-географик асарда

Форс кўрфази атрофларидағи вилоятлар тарифланган. Ёзилиш услуби ибн Ҳавқал асаридаги шу вилоятлар таърифиға ўхшаб кетади. Бунда ҳам вилоятларнинг географик тавсифи, қабилалар, йўллар, аҳолидан олинадиган солиқлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Асарнинг муаллифи Ибн ал-Балхий ҳақида маълумот учрамайди, аммо кейинчалик бу асардан Ҳамдуллоҳ Казваний ва Хофизи Абурулар фойдаланганларни маълум.

Юқорида Мұхаммад Хоразмий географиясига тегишли сахифаларимизда унинг “Китобу сурат ал-арз” номли асари Маъмун дунё харитасига изоҳнома йўсинда юзага келганлиги қайд этилганди. Бу каби дунё хариталарини изоҳлаш билан боғлиқ ҳолда юзага келган асарлар кейин ҳам яратилганди. Аммо бу изоҳнома асарлар энди тасвирий география йўналишига тааллуқли бўлганди. Ана шундай асарлардан бири ғарбда, узоқ Сицилияда яратилган бўлиб, муаллифи ал-Идрисий (1100-1165) эди.

Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Идрисий 1100 йилда Сеута шаҳрида туғилган. Ота-боболари VIII-X асрларда Марокашда ҳукмронлик қилган араб Идрисийлар авлодидан ҳисобланади. Идрисий араблар Испаниясининг энг йирик маданий маркази Кордава шаҳрида ўқиб, маълумотли бўлган. Кўп саёҳат қилган, Марокаш ва Андалусдан ташқари Кичик Осиёда, Португалия, Франция, Англияда бўлган. 1138 йилдан 1154 йилгача Сицилияning Палермо шаҳрида қирол Рожер II саройида хизматда бўлган. Унинг “Нузхат ал-муштоқ фи ихтироқ ал-офоқ” (“Саёҳатга муштоқнинг уфқларга саргузаштлари”) номли географик асари ҳам шу масканда ёзилган.

Асарнинг сўз бошисида муаллиф қирол Рожер II нинг шахсан ўзи бу ишга ташвиқ қилганлигини ва ниҳоясига етгунча ўзи бошчилик қилиб турганлигини ёзади. Шунга кўра, қирол соғ кумушдан каттагина баркаш (Наллинонинг аниқланишига кўра диаметри 190 см бўлган) ясашни ва унга етти иқлимини, улардаги мамлакатлар, шаҳарлар, пойтахтлар, денгизлар ва қўлтиқларни, дарёларни, чўлларни, тоғларни ва асосий йўлларни туширишни

буюрган. Натижада доира шаклидаги дунё харитаси ва унинг изоҳи ҳисобланган “Нузхат ал-муштоқ ...” асари юзага келган.

Фан тарихчилари ушбу асарни 1154 йилнинг январь ойида, яъни Рожер II нинг вафотидан бир неча ҳафта олдин тугалланганлигини ёзганлар. Дунё харитасининг кумушга ўйиб ишланган асли ўша замонлардаёқ йўқолган. Аммо унинг қоғозда акс эттирилган нусхаси ва изоҳнинг айрим таҳрирлари сақланган. Баъзи таҳрирларда асар ҳомий номи билан “ал Китоб ар-Ружжар” деб номланган.

Асар бошланишида Ернинг қисқача таърифи берилган. Унда муаллиф Ерни шарсимон ҳисоблаб, айланасини 22900 мил деб белгилаган (у қўллаган мил ўлчови 1555 м га яқин бўлиб, Ер айланасининг узунлиги 35610 км атрофида бўлади). Кейин иқлимлар, денгизлар, қўлтиқлар, таърифлангач, етти иқлим бўйича ер юзасининг таърифига ўтилган. Асарда ва харитада кўрсатилган иқлимлар бир хил кенгликда олинган зоналардан иборат бўлиб, Муҳаммад Хоразмий ва Абу Райҳон Берунийлар изоҳлаб берган иқлимлардан фарқ қиласди. Бундан ташқари, ҳар бир иқлим ўз навбатида қўндалангига ўн қисмга бўлиб чиқилган ҳамда ҳар бир бўлакка харита берилган. Шу тақлид ҳосил бўлган 70 та харита бирлаштириб чиқилса, яхлит дунё харитаси ҳосил бўлган.

Муаллиф ўзи борган ва кўрган ўлкаларни анча батафсил ҳамда жонли таърифлаган. Жумладан, Сицилия, Испания, Шимолий Африка, Франция, Германия, Ирландия каби мамлакатлар таърифи маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Одатдагидек, Идрисий ҳам мавжуд адабиётлардан фойдаланган. Унинг ўзи ибн Хурдодбех, Яқубий, ибн Ҳавқал, Жайҳоний, Маъсудий кабиларнинг асарларидан фойдаланганини эслатиб ўтган. Птолемей асарларидан ҳам яқин хабардор бўлганлиги сезилиб турибди. Масалан, унинг дунё харитасида Африканинг жанубий чеккалари шарқقا томон анчагина чўзиб юборилган.

Харитадаги барча камчиликларга қарамай, Идрисийнинг атласини И.Ю.Крачковкий араб харитографиясининг энг муҳим ёдгорлиги, балки ўрта асрларда яратилган энг муҳим хариталардир деб баҳолаганди. Аммо кўпчилик тадқиқотчилар, шу жумладан, И.Ю. Крачковкий ҳам Идрисий асарининг Шарқ олами географиясига таъсири деярли сезилмаганлигини таъкидлаганлар. Ал-Идрисий кейинчалик она шахри Сеутага қайтиб келади ва 1165 йилда шу ерда вафот этади.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981) “Худуд ал-олам” асарининг топилиш тарихини баён қилганда, ушбу асар билан яна учта қўлёзма биргаликда бир муқовага жамланган ҳолда бўлганлигини ва шу қўлёзмалардан яна бири 27 варакдан иборат “Жаҳоннома” асари эканлигини айтганди. Ушбу асарнинг муаллифи Муҳаммад Нажиб Бакрон асли хурросонлик бўлиб, охирги хоразмшоҳлардан Аловиддин Муҳаммад Такаш учун 1209 йилда дунё харитасини тузиб, унга “Жаҳоннома” сарлавҳалик изоҳнома ҳам ёзиб берган.

Ушбу асадарнинг бизнинг кунларга фақат изоҳномагина етиб келган. Унинг форсча матнини Ю.Е. Боршчевский (1960) кириш сўзи ва кўрсаткичлар билан чоп эттирган. Ушбу асарнинг мазмуни ҳақидаги тафсилотлар уч саҳифа атрофида Ҳ.Ҳ. Ҳасановнинг (1981) китобида ҳам келтирилган. Унда берилган ушбу парчадан Нажиб Бакроннинг дунё харитаси ҳақида умумий тассавур ҳосил қилса бўлади. “Оlam шаклидаги чизик ва рангларнинг тасвири шундайки, олам шаклига чизилган кичик доиралар шаҳарларнинг ўрнидир. Бу доирачалар чеккасига ўша шаҳарларнинг номи ёзилган.... Баъзи шаҳарлар устидан ўтказилган қора чизиқлар вилоятлар ва ноҳияларни бир-биридан ажратиб турувчи чизиқлардир, ҳар вилоятнинг номи қизил ранг билан ёзилган. Денгизлар яшил рангда тасвирланган, ўша денгизнинг номи қизил ранг билан ёзилган. Оч қизил чизиқлар дарё ва сойлар, уларнинг номи қизил (рангда) ёзилган. Тўқ қизил (ранг) – тоғлар сариқ (ранг)лар – чўллар, баъзилари қумлик, баъзилари тошлоқ-қумлик. Оқ ранг шимолдаги қор ўлкаси, у ерда қор сира аrimайди Кўпгина ингичка қизил чизиқлар ҳам

борки, уларнинг бир қисми шарқдан ғарбга, бир қисми шимолдан жанубга ўтказилган; булар узунлик ва кенглик ёрдами билан ҳар бир шаҳарнинг ўрнини аниқлаш учун ўтказилганлар, бу эса харитага қараганда ҳамма нарсани аён қилиб туради” (1981, 146 бет)

Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг китобида “Жаҳоннома”нинг мундарижаси ҳам берилганки, ундан асарнинг тузилиши ва мазмуни ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Унга кўра асар муқаддима ва 20 бобдан иборат бўлган. Биринчи бобда китобнинг ёзилиш тарихи баён этилган. Иккинчи боб – маъмуранинг тасвири ва унинг чеккалари. Учинчи боб – олам шакли. Тўртинчи боб – олам шаклининг фойдаси (ундан фойдаланиш йўллари). Бешинчи боб – жойлар орасидаги масофалар. Олтинчи боб – денгизлар баёни. Еттинчи боб – қўллар баёни. Саккизинчи боб – ороллар баёни. Тўққизинчи боб – дарёлар баёни. Ўнинчи боб – тоғлар баёни. Ўн биринчи боб – чўллар баёни. Ўн иккинчи боб – баъзи шаҳарларнинг номи. Ўн учинчи боб – хуш ҳаво жойлар баёни. Ўн тўртинчи боб – қавмларнинг ўз жойларидан янги жойларга кўчишлари баёни. Ўн бешинчи боб – баъзи жойларнинг хусусиятлари (ҳайвоноти, кенг тарқалган касалликлар, ахолисининг урф-одатлари, жисмоний қиёфаси). Ўн олтинчи боб – баъзи ажойиботлар баёни. Ўн еттинчи боб – маъданлар, жавоҳирлар ва бошқалар. Ўн саккизинчи боб – ҳар жойдан чиқариладиган моллар. Ўн тўққизинчи боб – араблар ерининг таърифи. Йигирманчи боб – турли ҳикоялар (жумладан, Фарғонанинг таърифи) дан иборат.

Нажиб Бакрон харитани тузишда ва изоҳномани ёзишда Хурдодбех, Истахрий, Насириддий Тусий, Носир Хисрав, Беруний, Кошғарий асарларидан фойдаланган. Айниқса, Берунийнинг деярли барча географик асарларидан кенг фойдаланиб, улардаги маълумотлар жумладан, дунёнинг тузилиши ҳақидаги назарий таълимотидан ўз харитасини тузишда, изоҳномасини ёзишда унумли фойдаланган.


Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, Нажиб Бакроннинг харитасида ингичка қизил чизиқлар билан меридианлар ва параллеллар, яъни градус тўри ўтказилган. Бу ҳол Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг изланишларига кўра Шарқ хариталарида биринчи бор учрашидир. Иккита, шунга ўхшаш харита Ҳамдаллоҳ Казвиний асарида (1340 й) ва Ҳофизи Аbruuning тарихий географик асарида бўлган. Кейинги икки муаллиф Нажиб Бакроннинг асаридан кенг фойдаланганлар.

Ҳофизи Аbruuning асл исм-шарифи – Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфиллоҳ ал-Ҳавоғий (1362-1431) бўлган. Кўп йиллар мобайнида темурийларнинг сарой тарихчиси вазифасини ўтаган. Шоҳруҳ Мирзонинг ҳукмронлик (1405-1447) замонида Ҳиротда ўзининг “Зубдат ат-таворихи Бойсунқурий” номли тарихий географик асарини ёзган. Ушбу асар бир вақтлар араб тилида ёзилган “Китоб ал-масолик ва-л мамолик” номли китобни форс тилига таржима қилиш жараёнида яратилганди. Таржимага ўзи кўрган-билганларини, бошқа китоблардан ўқиганларини, шу жумладан Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномасини ҳам қўшиб янги бир асар яратганди. Бу асардан ўз даврида ва ундан кейин ҳам тарихий географик манба сифатида кенг фойдаланилган. Дастваб, Абдураззоқ Самарқандий ва у орқали Мирхонд, Хондамирлар фойдаланганлар. Шарқшунос олимлар В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, Ю.Е.Борщевскийлар ўрганганлар. Ўзбек олимларидан А.Ўринбоев, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, О.Бўриев асар қўлёзмалари билан яқиндан танишганлар. Жумладан, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Ҳофизи Аbruuning географик меросини икки соҳа (матн ва харита) бўйича таърифлаган. Унингча асар матнида дастлаб оламнинг умумий баёни, сўнг бирин-кетин етти иқлим қисмлари, океанлар, денгизлар, қўллар ва тоғлар, сўнг айрим вилоятларнинг “масофалари”, яъни ер майдони, табиий шароитлари баён этилган. Энг охирида йирик шаҳарлар (Ҳирот, Марв, Балх, Машҳад, Бухоро, Самарқанд ва б.) бирма-бир таърифланган. Дарёлардан Жайхун, Хўжанд, Мурғоб ва б.

географик координаталари, манбалари, қуишлиш жойлари, номининг келиб чиқиши кабилар баён этилган.

Асарнинг энг муҳим хусусиятларидан бири унда бир қатор вилоят ва диёрларнинг хариталари, чизмалари берилганлигидир. Бу жиҳатдан асарни Балхий – Истахрий – Ҳавқал асарларига ўхшатиш мумкин.

Асадаги дунёning доиравий харитасига (4-расм) алоҳида эътибор берган X.X.Хасанов қуидаги хулосаларга келган:



4-расм. Ҳофизи Абру тузган дунё харитаси

1) Дунё харитасини Ҳофизи Абронинг шоҳ асари деб дадил айтиш мумкин. Бу харита билан бутун Шарқ харитографияси фаҳрланса арзийди.

2) Ҳофизи Абру харитаси денгизлар ва қуруқликнинг шакли ҳамда бошқа жиҳатлардан Беруний харитасига ўхшайди демак, Беруний асаридан фойдаланган. Нажиб Бакроннинг харитасига ҳам анча яқин;

3) Беруний – Нажиб Бакрон – Ҳофизи Абру ўртасида чинакам илмий алоқа бўлган.

О.Бўриев “Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё” (1997) номли китобида Ҳофизи Абрунинг яна бир “География” номли қўлёзма асарини ҳам тилга олган. Муаллиф Марказий Осиёнинг табиати, чунончи денгиз ва қўллари, дарёлари, тоғлари, ободончилиги, шаҳарлари, айниқса, Ҳирот ва унинг атрофлари, булуклари (туманлари) Бодғис ва Мовароуннахр вилоятлари ҳақида сўз юритганда Ҳофизи Абрунинг ушбу қўлёзмасига бир неча бор мурожаат қилган.

Баъзи тарих асарларидағи тасвирий географияга оид маълумотлар

Аввал эслатиб ўтганимиздек, ўрта асрлар муаллифларининг кўпчилиги ўз замонаси фанининг бир неча соҳаларини пухта эгаллаган кенг қамровли илм эгалари бўлганлар. Уларнинг айримлари етук тарихчи сифатида танилган бўлсаларда, географияга оид алоҳида асарлар ҳам ёзганлар. Масалан, араб тарихчилари Хишом ибн ал-Қалбийнинг (в. 820) “Китоб ал-ақолим” ва “Китоб ал-булдон” ёки ал-Якубийнинг (в. 897) икки жилдлик “Тарих” асаридан ташқари “Китоб ал-булдон” номли географияга оид асарлари ҳам бўлган.

Бошқа бир гурух муаллифлар эса ўзларининг тарихга оид асарларида тасвирий географияга кенг ўрин бераб, бу йўналишда ҳам юқори савияга эга эканликларини намойиш қила олганлар. Шундай асарлар сирасига Рашидиддин Фазлуллоҳнинг “Жомъе ут-таворих” (яна бир номи ”Мажмаъ ут-таворах”), Фахриддин Банокатийнинг “Равзат улил ал-боб фи таворих ал-акобир ва ансоб”, Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворих”, Абдураззоқ Самарқандийнинг ”Матлаъ ас-саъдайн ва мажма ал-баҳрайн”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг ”Тарихи Рашидий” каби асарларини киритиш мумкин.

XIV-XVI асрларда яратилган тарих-география мазмунли ушбу асарлар тарихчилар учун ҳам, география тарихи билан қизиқувчилар учун ҳам бирдек қимматли манбалардан ҳисобланади. Жумладан, 1302-1311 йилларда ёзилган “Жомеъ ут-таворих” номли асар йирик тарихчи олим Рашидиддин Фазлуллоҳ ибн Имомуддавла Абулхайр (ваф.1318 й.) қаламига мансуб бўлиб, ўрта асрлардаёқ обрўли ва ишончли манба сифатида олимлар томонидан ўрганилган, таҳрирлар қилинган, шарҳлар ва қўшимчалар ёзилган. Асарнинг учинчи қисми тўлалигича географик мазмунда бўлган, аммо бу қисм бизгача етиб келмаган. Аввалги икки қисми эса XIV асрнинг биринчи ўн йиллигигача бўлган замонларда турк мўғул халқларининг Чингизхонгacha бўлган тарихи, Чингизхон давридаги унга қарам мамлакатлар тарихига бағишланган.

Темурий ҳукмдорларнинг сарой тарихчиси Ҳофизи Абру Рашидиддин асаридағи Эрон тарихини давом эттириб, 1371 йилгача бўлган тарихни қўшган ва “Зайли жомеъ ут-таворих” (“Жомеъ ут-таворих”га қўшимча) номи билан маълум қилган. Бошқа бир асар, яъни Фахриддин Банокатий томонидан 1317 йилда Рашидиддин ҳаётлик пайтидаёқ ёзилган “Равзат улул ал-боб фи таворих ал-акобир ва ансоб” (“Улуғ кишиларнинг тарихи ва насаби бобида донишманлар боғи”) номли асар эса ўша “Жомеъ ут-таворих”нинг қисқартирилган варианти экан. Ушбу китоб “Тарихи Банокатий” номи билан ҳам танилган бўлиб, унинг айрим қўллёзма нусхаларини ўрганган Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981)нинг ёзишига кўра, асарнинг еттинчи бобида Ҳиндистон, Арманистон, Эрон, Рум, Хитой, Мўғул, Араб ва Яхудий ерлари таърифланган. Муаллиф асарда Абу Райҳон Беруний исмини кўп бор тилга олган, унинг асарларидан фойдаланган.

“Банокатий тарихи”нинг муҳим хусусиятларидан бири унда дунё (икклиmlар) чизмасини илова қилинганилигидир. Бу китоб чамаси кўп йиллар давомида ўқувчилар эътиборида бўлиб келган, мадрасалар талабалари фойдаланиб юрганлар. Чунончи, 1556-1629 йилларда яшаб ўтган адаб Мутрабий Самарқандий ўзининг

“Тазкират уш-шуаро”(1605) номли асарида Банокатий китобидаги дунё харитаси ва Улуғбек мадрасаси деворидаги иқлимлар харитасини чизиб ҳавола этганлиги маълум (И.Бекчанов, 2009). Мутрабий асарида ушбу маълумотлар ҳақида Ҳ.Ҳ.Ҳасанов: ”Мутрабий асарида иқлимлар доираси илгари тасвирланган Банокатийнинг иқлимлар доирасига айнан ўхшайди, лекин анча соддалаштирилган. Дунё харитаси эса рангли қилиб ишланган-денгизлар сарик, ороллар қора доира ичида берилган, иқлимларнинг рақамлари ҳам қўйилган. Хаританинг тахминий ва XVII аср бошига мансуб эмаслиги шаклдан кўриниб турибди. Афтидан, Мутрабий географияни ва харитаграфияни яхши билмаган” дея баҳолаганди (1981,220-бет).

Куйида мавзумизга оид яна икки асар ҳақида айтиб ўтмоқчимиз.

Бобурнома. Бу асар қўпчиликка маълум ва машҳур. Уни ўзбек классик адабиётининг XV аср охири XVI аср бошларида яшаб ижод этган йирик намоёндаси, ғазалхон шоир, атоқли сиёсий ва маданий арбоб, подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзган. Ўша замонлар ўзбек адабий тилида ёзилган ушбу асарни муаллифнинг ўзи “Бобурия” деб номлаган. Форсий таржималарида эса ”Воқеоти Бобурий”, “Тузуки Бобурий” номлари билан ҳам танилган.

XX аср бошларида Бобурнинг ушбу асарини инглизчага таржима қилиш ва унинг илмий танқидий таҳлили билан жиддий шуғулланган олима Аннет Бевериж: “Бобурнома бутун тарихда яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳосидир ” деб ёзганди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонда вилоят ҳокими темурий Умаршайх Мирзо ва Мўғилистон хонларидан Юнусхоннинг иккинчи қизи Қутлуғ Нигорхоним оиласида таваллуд топган. Бобурнинг ёзишича, отаси Умаршайх Мирзо Абусаид Мирзонинг тўртинчи ўғли бўлган. Султон Абусаид Мирзо эса Султон Муҳаммад Мирзонинг ўғли бўлган. Султон Муҳаммад Мирзо эса

Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзонинг ўғли бўлган.

1494 йил рамазон ойининг тўртинчи куни душанбада Умаршайх Мирзо 39 ёшида жар ёқасидаги баланд Акси қўргонидан кабутар ва кабутархона билан жарга қулаб вафот этади. Шу кундан бошлаб 12 яшар Заҳириддин ота мерос Фаргона вилояти тахтига ўтиради ва қисқа умрининг охирига қадар, яъни 1530 йилга қадар унинг ҳаёти саргузаштлар, жангужадал, тахт талашиш, юрт олиш можаролари билан тавсифланади. Баъзан ғолиб бўлган, баъзида енгилиб қочишга тўғри келган. Охир оқибат ватанини ташлаб кетишга ва ўзга юртларда ватанини соғиниб яшашга тўғри келади. Ҳаётида кўп сарсон-саргардонликларни бошдан кечирган. Бундай оғир сарсонликлардан бирини унинг қизи Гулбадан ўзининг “Хумоюннома” китобида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз одамлари билан “250 га яқин киши пиёда, елкаларида чопон, оёқларида чорик, қўлларида таёқ бўлган ҳолда, беяроқ, худога таваккал қилиб, Бадахшон ва Кобулга қараб йўл олдилар” - деб ёзганди. Бунда “подшоҳнинг онаси ҳам ҳамроҳ эди. Подшоҳ мулоғимларининг кўпчилиги аҳли аёллари билан кўчмоқда эди... Маккор фалакнинг зулумкорлигига кўра ҳар бир азиз ва гавҳар каби пок кишилар учун тайёрланган жафокорлиги ва душманлиги, хорликка солишлари қанча бўлса, уларнинг ҳаммаси ана шу сафарда Бобур подшоҳнинг ва унинг сафдошлири бошларига ёғилди” (Тарихи Рашидий, 2010. 250 б.). Шундай бўлсада, Бобур дафтар ва қаламни қўймади, ижод қилди. Унинг “Бобурнома”си ҳам шу аснода юзага келганди.

Бобурнинг инсоний хислатлари ва айрим асарлари ҳақида “Бобурнома”ни оқقا кўчирган котиблардан бири ёзиб қолдирган қуийидаги муҳтасар сатрлар ҳам эътиборлидир. ”Ва маҳолдирким, ул подшоҳи қобил (яъни, Бобур)нинг яхшилиғларини айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин мужмал буким, секкиз сифати анинг зотиға муттасил эрди: бириси бу ким, нажхати баланд эрди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эрди; учумчиси,

вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ; бешимчиси, маъмурлуғ; олтимчиси, рафоҳият нияти тенгри таоло бандаларига; еттимчиси, черикни кўнгли(ни) қўлга олмоқ; секкизимчиси, адолат қилмоқ. Ва фазилат бобида камлиғи йўқ эрдиким назм ва наср ва туркий ва форсийни бебадал айтур эрди. Алал-хусус туркий девони бордурким, оти “Мубаййин”дур. Тил билур доно халқ орасида анингдек латоиф йўқтур. Ва Хожа Аҳрор айтган рисолаким, анинг оти “Волидия”дур ўшал подшоҳ Назм қилибтур. Ушбу китобким, “Бобурия”дур. Байрамхонни ўғли Мирзохонга буюрдиларким, туркийдан форсийга келтургилким, туркий билмоғон холойиққа осон бўлғай. Ул подшоҳ мусиқий илмидан ҳам хабари бор эрди... Ва ул подшоҳ аruz ва қофияга ҳам рисолалари бор ва ул жумладан, “Муфассал” деганким, ушбу фан шарҳи бўлғай, кўпдан-кўп яхши тасниф қилибтурлар...” Бобурноманинг 1989 йил нашрининг 356-357 бетларида илова қилинган бу сатрларни географ олим Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг айтган қуйидаги жумлалари янада тўлдиради: “Бобур кўргина асарлар ёзган. Унинг асарлари шу қадар қизиқарли, сермазмун, тили ва услуби ёқимлики, ўқиб, ҳеч зерикмайсиз, ҳар ўқиганингида янгилик топаверасиз. Бобур асарлари бамисоли таги йўқ хазина. Унинг асарларини кўздан кечирсангиз уларни география ва табииётга доир маълумотларга жуда бой эканлигини кўрасиз, муаллифнинг ажойиб ўлкашунос, табиатшунос олим, жасур сайёҳ бўлганлигини пайқаб оласиз” (1981, 183 б.). “Бобурнома” ёки “Бобурия” Захириддин Муҳаммад Бобурнинг энг йирик, шоҳ асаридир. Бу - Бобурнинг Фарғонадаги ёшлиқ қунларидан то Ҳиндистонда подшоҳ бўлганингача юз берган жами воқеаларнинг муфассал тавсифидир. “Бобурнома”да Бобурнинг ўзи ҳам, қавм-қариндошлари, таниш-билишлари, жанглари, кўрган ва юрган ерлари, жойларнинг табиати, бойлиги, одамлари, урф-одатлари, хайвоноти ва экиnlари, хуллас, Фарғонадан то Ҳиндистонгача бўлган кенг территория бошдан-оёқ бирма-бир тавсифланган” (1983, 11 б).

Бобурнома тарих ва этнографиядан ташқари географияга оид маълумотларга шунчалик бойки, ҳатто унинг айрим парчаларини шарқшунос Витсен 1705 йилда голланд тилига таржима қилиб, унга “Татарлар мамлакатининг шарқий ҳам шимолий қисмининг жуғрофий таърифи” деб ном берганди. Бобурнинг географик тавсиф бериш маҳоратига асарнинг бошланишидаёқ дуч келамиз. Бу Фарғона вилояти ва у ердаги шаҳар ва айрим қишлоқларнинг географик тавсифидир.

“Фарғона вилояти бешинчи иқлиминдур. Маъмуранинг канорасида воқе бўлибдур. Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли: Олмалиқ ва Олмоту ва Янги ким, кутубларда Тароскент битирлар, муғул ва ўзбек жиҳатдин бу тарихда бузулубтур, асло маъмура қолмабдур. Мухтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон. Гирдогирди тоғ воқе бўлубтур. ғарбий тарафидаким, Самарқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин қиши ёғи келаолмас. Сайхун дарёсиким, Хўжанд сўйига машҳурдур, шарқ ва шимолий тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб ғарб сари оқар, Хўжанднинг шимолий Фанокатнинг жанубий тарафидинким, ҳоло Шоҳрухияга машҳурдур, ўтуб яна шимолға майл қилиб, Туркистон сари борур. Туркистондин хейли қуйироқ бу дарё тамом қумга сингар, ҳеч дарёға қотилмас. Етти пора қасабаси бор; беши Сайхун суйининг жануб тарафига икки шимоли жонибидан. Жанубий тарафидаги қасабалар бир Андижондурким, васатта воқе бўлибтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи воғир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпоттисидан яхшироқ ношпотти бўлмас. Мовароуннахрда Самарқанд ва Кеш қўронидан сўнгра мундин улугроқ қўргон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафига воқе бўлибтур. Тўққиз тарнов сув кирап. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдо-гирди хандакнинг тош ёни сангрезалиқ шоҳроҳ тушубтур. Қалъанинг гирдо-гирди тамом

маҳоллоттур. Бу маҳалла бирла қальага фосила ушбу хандақтур ва ёқаси доғи шоҳруҳтур. Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ускунасини тўрт киши еб тугатаолмайдур. Эли турктур. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам бирла росттур... Элининг орасида ҳусн хили бордур. Юсуф Хожаким мусиқида машҳурдир, Андижонийдир. Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл-безгак кўп бўлур”.

Бу сатрлардан сўнг Ўш, Марғилон, Исфара, Хўжанд шаҳарлари, Кандибодом, Аҳси, Косон каби кичик шаҳарчалар бирин-кетин моҳирона таърифланган. Буларни ўқиган киши Фарғона водийсининг орографияси (Ер юзасининг тузилиши), географик ўрни, чегаралари, сувлари, иқлими, шаҳарлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади. Шаҳарлар таърифи ҳам табиий ва иқтисодий географик жиҳатдан равон ва қизиқарли баён қилинган. Шунингдек, ўрни келганда бошқа шаҳар ва жойларни ҳам таърифлаб ўтган. Масалан, 1497-1498 йиллар воқеалари баёнида Самарқанд ҳақида шундай ёзади: “Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлиминдур. Тули 99 рамзи нужумий 56 даража ва дақиқадур, арзи 40 даража ва 40 дақиқадур. Шахри Самарқандтур, вилоятини Мовароуннахр дерлар. Ҳеч ёғий қаҳр ва ғалаба билан мунга даст топмағон учун балдаи маҳфузда дерлар. Самарқанд ҳазрати амирулмўъминин Усмон замонида мусулмон бўлғондур. Саҳобадин Ҳусан ибн Аббос анда борғондур. Қабри Оҳанин дарвозасининг тошидадур. Ҳоло мазори Шоҳға машҳурдур. Самарқандни Искандар бино қилғондур. Мўғул ва турк улуси Семирканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилғон эмастур. Қўрғонини фаслнинг устидан буюрдумким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти... Маъмуранинг канорасида боқе бўлубтур. Шарқи Фарғона ва Қошғар, ғарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошканд ва Шоҳрухияким Шош ва Банокат битирлар, жануби Балх ва Тирмиз, Кўҳак сўйи шимолидин оқар, Самарқанддин икки курух

бўлғай. Бу сув била Самарқанд орасида бир пушта тушубдур, Кўҳак дерлар. Бу руд мунинг тубидан оқар учун Кўҳак суйи дерлар. Бу сувдин бир улуғ руд айирибтурлар, балки дарёчадур, Дарғам суйи дерлар. Самарқанднинг жанубидан оқар. Самарқанддин бир шаръий бўлғой. Самарқанднинг бағот ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув билан маъмурдур. Бухоро ва Қора кўлгачаким, ўттуз-қирқ йиғоч йўлга ёвуқлашур. Кўҳак суйи билан маъмур ва мазруъдир. Мундок улуғ дарё асло зироаттин ва имораттин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухорога сув етмас. Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси хўп бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машҳурдур: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд. Қиши маҳкам совуқтур, қори агарчи Кобул қорича тушмас. Ёзлар яхши ҳавоси бор, агарчи Кобулча йўқтур.”

Ушбу географик тавсифлар давомида Самарқанднинг Амир Темур ва темурийлар бунёд этган бинолар, мадрасаю-масжидлар, ҳаммоллар, бозорлар, Самарқанд атрофидаги ўланглар ва қуруҳлар, вилоятлар: Бухоро, Кеш, Қарши, Ғузор, Кармина, Коракўл ва Шовдор тумани қисқа-қисқа таърифлаб ўтилган.

Бобур Самарқандда Мирзо Улуғбек 1427-1429 йилларда қурдирган расадхона ҳақида ҳам шу саҳифаларда тарих учун муҳим маълумотлар келтирган, яъни: “Яна бир олий иморати пуштайи кўҳак доманасида расаддурким, зиж битимакнинг олатидур. Уч ошъёнликтур. Улуғбек мирзо бу расад била Зижи Курагонийни битибтурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар. Мундан бурун Зижи Элхоний мустаъмал эдиким, Хўжа Наср Тусий Ҳалокухон замонида Мароғада расад боғлатибтур. Ҳалокухондурким, Элхон ҳам дерлар. Голибо оламда етти-секкиз расад беш боғламайтурлар. Ул жумладин бир, Маъмун халифа расад боғлабтурким, Зижи Маъмунийни андин битибтурлар. Бир Батлимус ҳам расад боғлабтур. Яна бир Ҳиндистонда рожа Бикраможид ҳинду замонида Ўжин ва Даҳордаким, Молва мулкидур, ҳоло Мандуға машҳурдур. Яна бир расад қилибтурлар, ҳоло ҳиндуларнинг

мустаъмал Ҳиндистонда ул зиждур. Бу расадни боғлоғони минг беш юз сексон тўрт йилдур. Бу ул зижларга боқа ноқисроҳдур. ”

Айтиш лозимки, Бобур ҳаётлик йилларида Улуғбек расадхонаси ҳали мавжуд эди. Унинг кейинчалик қачон бузилгани ҳақида исбот талаб турли фикрлар билдириб келинарди. Яқинда шарқшунос- тарихчи олим Исломил Бекчанов ўзининг “Мутрабий тазкиралари муҳим адабий манба” номли илмий монографиясида ушбу масалага ойдинлик киритиб, 1586-1598 йилларда Самарқанд ҳокими бўлиб турган Ҳожибий Дўрмон ”Ул ўхшиши йўқ латиф иморатни бузиб ташлаб, ғишт ва бошқа қурилиш анжомларини Шодмулк Оқо (Соҳибқирон Амир Темур келини, Султон Халилнинг хотини) Кўҳак дарёси устига қурдирган кўприк таъмирлашига ишлаттирган” лигини ва бу воқеа 1594 йилда рўй берганлигини аниқлаб берди (2009 й. 139-140 б.).

Бобур вилоятлар ва шаҳарларга географик таъриф берар экан маълум бир тартибга амал қилганлигини кўрамиз. Бу тартиб ҳозирги замон географиясида ҳам сақланган, бироз мукаммаллашган, холос. Ушбу тартиб Фарғона вилояти ва шаҳарлари, Самарқанд, Кобул вилояти ва шаҳарлари тавсифида яққол сезилади. Бу тартиб таърифланаётган жойнинг географик ўрни ва чегарадош худудларнинг номини айтиш билан бошланади. Кейин вилоятнинг катта ёки муҳтасарлиги, ер юзасининг тузилиши, об-ҳавоси, яъни иқлими, сувлари (бунда кўл дарёлари, чашмалари таърифланади), ўсимликлари (даражатлари, ўтлари, буталари, мевалари, ҳатто ўтинларигача), ҳайвоноти (уларни бошқа вилоятларда учраши ёки учрамаслиги), ов ҳайвонлари ва қушлари, сўнгра аҳолиси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, етиштирадиган ва ишлаб чиқарадиган моллари, четга чиқариладиган ёки четдан келтирилладиганлари ҳақида қизиқарли баён қилинганлигини кўрамиз. Йўл-йўлакай ариқ ва каналлар, ҳовузлар, дарёларда қурилган банд (тўғон)лар ҳақида маълумотларни учратамиз.

Бобурномада қиёсий усул кенг қўлланилган. Жойларнинг ҳавоси, ёғин-сочин, ўсимлик ва ҳайвонот таърифларида ҳам ушбу усулни учратамиз. Тоғларнинг таърифларида эса дунё томонларига нисбатан қандай жойлашганлиги ва бунинг натижасида табиатидаги фарқларга алоҳида эътибор берилганлигини сезамиз.

Асарда топонимикага доир жумлалар ҳам анчагина. Жой номлари, ўсимлик ёки баъзи ҳайвонлар қаерда қандай аталиши сабаблари ҳам тушунтириб ўтилган. Жумладан, мана бу сатрлар эътиборга лойик: “Андароб ва Хост ва Бадахшонот тоғлари тамом арчалиқ, қалин чашмалиқ, юмшоқ пушталиқ тоғлардур. Ўти тоғининг ва пуштасининг ва жулғасининг бирдек бўлур ва хўп бўлур, аксар бутака ўти бўлур, отға бисёр созвор ўттур. Андижон вилоятида бу ўтни бутка ўти дерлар, важҳи тасмияси маълум эмас эрди. Бу вилоятларда маълум бўлди. Бу ўт бута-бута чиқар учун бутака дерлар эмиш ”. Дарвоқе, чорва учун ниҳоятда тўйимли бўлган бу ўтни геоботаник мутахассислар лотинча *Festuca sulcata* деб номлаганлар, рус адабиётида эса типчак номини олган. Чотқол, Қурама яйловларида чўпонлар уни ҳозирги кунда ҳам бетага деб, бу ўт кенг тарқалган жойларни эса Бетагалик деб атайдилар.

Бобур ўзи юрган, борган ва кўрган жойлари ҳақида ёзар экан, дуч келган табиат ҳодисалари ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтади. Асарда ҳавонинг иссиқ - совуқлиги, қор ва ёмғирлар, зилзилалар ва ҳоказолар анча жонли баён қилиб ўтилган. Масалан, 1505-1506 йил воқеалари баёнида Кобулнинг шимолида рўй берган зилзиланинг шоҳиди бўлган Бобур ҳодисани шундай таърифлаган: “Бу аснода андоқ зилзила бўлдиким, қўрғоннинг фасллари ва боғларнинг томлари аксар йиқилиб, шаҳарда ва кентларда кўп уйлар ҳамвор бўлуб, уй ва том остида қолиб, ўлган бисёр бўлди. Памғон кентининг уйлари тамом йиқилди, етмиш-сексон убдон кадхудолар том остида қолиб ўлдилар. Памғон била Бектут орасида бир парча ерким арзи биргина тош отими бўлғай, учуб, бир ўқ отуми қуйи борди. Учқан ернинг ўрнидин чашмалар

пайдо бўлди. Истарғичтин майдонғача тахминан олти етти йиғоч йўл бўлғай, ер андоқ ёрилиб эдиким баъзи тарафи белча баланд бўлур эди, баъзи тарафи белча паст, ёрилган ерга баъзи ерда киши сифар эди. Зилзила бўлғон замон жамиъ тоғларнинг бошидан гардлар қўпти. Нурулло тамбурчи қошимда соз чаладур эди, яна бир соз ҳам бор эди, ўшал замон ҳар икки созни илигига олди, андоқ беихтиёр бўлдиким, созлар бир бирига урундила... Ўшал кун ўттиз уч қатла ер тебранди. Бир ойгача ҳар кечакундузда икки ва уч қатла ер тебранур эди”.

Маълумки, Бобур 1504-йилда Кобул вилоятини эгаллагач иирик Кобул давлатини барпо этади. Бадахшон, Қундуз ва Қандахор вилоятлари ҳам унинг тасарруфида эди.

Бобурноманинг 909 йил (1503-1504) воқеалари баёнида Кобул вилояти географияси батафсил ёритиб берилган. Жумладан, унинг географик ўрни, чегарадош вилоятлар, тоғлари, чашмалари, йўллари, савдолари, иқлими, мевалари, ён-атрофдаги ялангликлар, тоғлардаги довонлар, дарёлари ва уларда сувнинг оз-кўплиги лўнда-лўнда таърифланган. Вилоят ҳалқи, уларнинг тили ҳақида ҳам айтиб ўтилган. Жумладан, “Кобул вилоятида ўн бир-ўн икки лафз билан талаффуз қилурлар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашойи, баракий, габрий, ламғоний. Мунча муҳталиф ақвом ва муғойир алфоз маълум эмаским, ҳеч вилоятта бўлғай” деб ёзганди Бобур. Шунингдек, вилоятларнинг маъмурий бўлинишини баён қиласи экан, Кобул вилояти ўн тўрт тумандан иборатлигини, виоятларнинг қисмларини бу ерда туман деб, Андижон ва Қошғарда ўрчин, Ҳиндистонда паргана деб номланишини ҳам эслатиб ўтади.

Кобулнинг шарқидаги Ламғонот вилоятини беш туман икки бўлукдан иборатлиги айтилиб, ҳар бирига қисқа-қисқа таъриф берилган. Шаҳарлари ва уларгача бўлган масофалари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Сўнг Ғазни вилояти ва бошқа туманлар ҳам шу тахлид таърифлаб берилган. Ушбу вилоятларда кийик овлаш, қуш ва балиқ овлаш усувлари батафсил ёритилган.

Бобур Кобул вилоятига географик тавсиф берар экан, вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини, бошқа вилоятдан фарқларини қўрсатишга алоҳида урғу берган. Унинг Кобул вилоятига оид таърифларидан бир-икки жумла мисол келтириш ўринлидир.

- Кобул вилояти тўртунчи иқлиминдур. Маъмуранинг ўртасида тушубдур. Шарқи Ламғонот ва Пуршовар ва Ҳашанғар ва баъзи Ҳинд вилоятидур. Фарби кўхистонлардурким, Карнуд ва Ўр ул кўхистондадур. Шимоли Қундуз ва Андароб вилоятидур. Ҳиндиқуш тоғи воситадур. Жануби Фармул ва Нағар ва Банну ва Афғонистондур. Мухтасар вилоятдур. Тулоний воқе бўлубтур. Тули машриқдин мағрибқа боқадур. Атроф ва жавониби тамом тоғдур. Қалъаси тоғқа пайвастдур.

- Бисёр латиф ҳавоси бор. Кобул ҳавосидек ҳаволик ер оламда маълум эмаским, бўлғай. Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмас. Қишлиар агарчи қори аксар улуғ тушар, vale муфрид совуғи йўқтур. Самарқанд ва Табриз ҳам хушҳаволиққа машҳурдир, vale муфрид совуқлари бордур.

- Кобул вилояти берк вилояттур; ёт ёғи бу вилоятқа кирмаги мушкулдур. Балх ва Қундуз ва Бадахшон била Кобул орасида Ҳиндиқуш тоғи тушубтур.

- Гармсер ва сардсери ёвуқдир. Кобулдан бир кунда андок ерга борса бўлурким, ҳаргиз қор ёғмас. Икки соати нужумийда андок ерга борса бўлурким ҳаргиз қори ўксумас, магар ахёнан андок ёз келгайким, қор қолмағай.

- Гармсер била сардсер орасида фосила Бодом Чашма кўталидур. Бу кўталнинг Кобул тарафида қор ёғар. Қўруқ сой ва Ламғонот тарафида қор ёғмас. Бу кўталдан ингач, киши ўзга оламе мулоҳаза қилур: йиғочлар ўзгача, ўтлар ўзгача, жониворлар ўзгача, элининг роҳу расми ўзгача.

-Кўхи Сафид Нингнаҳорнинг (Ламғон вилоятидаги туман) жанубида воқе бўлубтур. Бангаш билан Нингнаҳорга восита ушбу тоғдур. Отликқа йўл йўқтур. Тўққиз руд ушбу тоғдин

чиқар. Бу тоғдан қор ҳаргиз ўксумас. Бу жиҳатдин ғолибо Кўҳ Сафид дерлар.

- Бу вилоятларда Ғазни ва Хоразм совуқлик била машхурдир, нечукким, Ироқайн ва Озарбайжонда Султония била Табрез совуқлуқ била шухрати бор.

Кобул вилоятининг таърифига оид саҳифаларда бу каби маълумотлар анчагина. Уларда Бобур ҳар бир юрган йўли, ошиб ўтган довонлари, кечган дарёлари, тизмаларнинг ёнбағри ва сувайиричлари, тангилари ҳақида маълумотлар бериб ўтади. Ушбу саҳифаларни ўқиган киши Кобул вилояти ҳақида, унинг табиати, халқи, шаҳарлари, карвон йўллари, савдо муносабатлари, иншоотлари ва умуман тарихий географияга оид кўпдан-кўп аниқ маълумотларни топа олади.

Маълумки, Кобул Захириддин Мұхаммад Бобурнинг иккинчи ватанидек бўлиб қолган эди. Унинг оиласи ва яқинлари Кобулнинг Болоҳисор аркида яшаганлар. Бобурнинг онаси Кутлуғ Нигор хоним шу манзилда вафот этган, шу ерда - Боғи Наврўзийда дағн этилган. Ўғиллари Хумоюн ва Комрон, Аскарий Мирзоқизи Гулбадан шу шаҳарда туғилганлар. Шундай бўлсада, Бобур ўз мавқенини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ҳиндистонни ҳам фатҳ этишга қарор қилганди. Бобурнинг ўзи “Ул тарихдин бу тарихқача (яъни, 1504 йилдан 1526 йилгacha) ҳамиша Ҳиндистон ҳаваси қилинур эрди” деб ёзганди. 1519 йилдан 1526 йилгacha Ҳиндистонга беш марта юриш қилади ва ниҳоят, бешинчи навбат юришда Дехлининг шимолидаги Панипат ёнида Иброҳим Лўдий лашкарини узил-кесил енгади. Натижада шимолий Ҳиндистон фатҳ этилади. Орадан бир йилча ўтгач, яъни 1527 йилнинг март ойида Чандирий қўрғонида Четур, Мандов (Молва ҳам дейилади) вилоятлари ҳукмдори Рено Сангони ҳам енггач, Ҳиндистонда йирик бобурийлар давлати тузилади. Бу ерда Бобур авлодлари, яъни “Бобурийлар сулоласи” уч юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилганлар. Аммо Бобурнинг ўзи бу юртда кўп яшамади.

1530 йил кузида қаттиқ хасталанган Захириддин Мұхаммад Бобур таҳтни ўғли Хумоюнга топширади ва 26 декабрда пойтахт Аграда вафот этади. Уни дастлаб ўзи барпо этган Боғиоромда дағын этганлар. Кейинроқ фарзандлари Бобур васиятини бажо келтириб, унинг хокини Кобулдаги Боғи Бобурга күчирғанлар.

Бобурномада Ҳиндистоннинг табиий шароити, сиёсий-иқтисодий аҳволи, ҳалқи ва урф-одатлари, шаҳар ва бинолари таърифи йигирма сахифани эгаллаган. Асарнинг ушбу қисмини bemalol “Ҳиндистон географияси” деб номлаш мумкин. Унда баён қилинган географик тавсифлар ўзининг аниқ ва қизиқарлилиги билан эътиборга лойиқ. Ушбу таъриф ва тавсифлардан айримларини келтирамиз.

-Ҳиндустон мамолики васе ва пурмардун ва пурхосил вилоят воқе бўлибтур. Шарқи ва жануби, балки ғарби ҳам Муҳит дарёсига мунтаҳи бўлур. Шимоли бир тоғдорким Ҳиндукуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайвасттур. Ғарби шимоли Кобул ва Ғазни ва Қандаҳор воқе бўлибтур. Жамиъ Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Дехли эрмиш.

- Ҳиндустон аввалги иқлиминдун ва иккинчи иқлиминдун ва учинчи иқлиминдур. Тўртинчи иқлиминдун Ҳиндистонда йўқтур. ғарib мамлакате воқе бўлубтур. Бизнинг вилоятларга бοқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва сахроси, мавозиъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча ўзгача воқе бўлубтур.

- Ҳиндустонда уч фасл бўлур, тўрт ойи ёздур, тўрт ойи пашкол (яъни ёмғирли), тўрт ойи қиш. Ойларнинг ибтидоси ҳилоли ойларнинг истиқболидур. Ҳар уч йилда бир ойни пашкол ойларига зиёда қилурлар. Яна уч йилда қиш ойларига зиёда қилурлар. Яна уч йилда ёз ойларига.

- ...пашкол ҳаволари бисёр хўп бўладур. Гоҳ куни бўладурким, 10-15-20 қатла ёғадур. Ёғинларида бир замонда селлар келадур, ҳеч сув йўқ ерларда дарёлар оқадур. Ёғар маҳалида ва ёғибтурғон маҳалларида ғарib яхши ҳаволар бўладур... Айби бу дурким, ҳаво кўп пурнам бўладур.

“Бобурнома”да Ҳиндистонга доир бундай географик тавсифлар анчагина. Уларнинг барчаси бирма-бир келтирилса “Ҳиндистон географияси” номли китоб бўлади. Айниқса, тоғлар, дарёлар, иқлим, ҳайвонот, кушлар, сув ҳайвонлари, балиқлар ҳақида маълумотлар ниҳоятда қизиқарли баён қилинган, ўқиб зерикмайди киши. Ҳиндистон ўсимликлари, экинлари, мевали дарахтлари, гулларига доир маълумотлар ҳам шундай. Асарда ҳинд элининг вақт ўлчовлари, кеча-кундузнинг бўлиниши, ҳафта кунлари, оғирлик ва масофа ўлчов бирликлари ҳам қисқа ва лўнда баён қилинган.

Умуман олганда, “Бобурнома”даги географияга доир маълумотлар бошқа тарих асарларидаги маълумотлардан ўзининг аниқлиги, мукаммал ёритилганлиги билан ажралиб туради. Чунончи, географ олим Ҳ.Ҳ.Ҳасанов: “Бобур Фарғона ва Самарқанд, Афғонистон ва Ҳиндистон географиясини ўзбек тилида биринчи бўлиб тасвирлаган олим десак хато бўлмас” - деб ёзганди (1981, 206 б).

“Тарихи Рашидий”. Бу XIV аср ўрталаридан XV аср ўрталаригача ҳукмронлик қилган мўғул хонларининг тарихи баён қилинган йирик асардир. Унинг муаллифи Захириддин Муҳаммад Бобурнинг кичик замондоши ва қариндоши Мирзо Муҳаммад Ҳайдардир. Асар муқаддимасида муаллиф ўзини “Муҳаммад Ҳайдар ибн Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон, дўстлари орасида Мирзо Ҳайдар номи билан танилган кимса” деб таниширади. Тарихга оид адабиётда ҳам шу ном билан машҳур. Бобур билан Мирзо Ҳайдарнинг қариндошлиги тафсилотлари “Бобурнома” да ҳам “Тарихи Рашидий”да ҳам бордур. Шу маълумотларга кўра, Бобур ва Мирзо Ҳайдарнинг она томонидан боболари Юнусхон ўқимишли, билимдон, мулоҳазали ва оқил кишилардан бўлган. Ёшлик йилларида (1430-1442) машҳур “Зафарнома” асарининг муаллифи, тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий ҳузурида шогирдлик хизматида бўлган. Мирзо Ҳайдарнинг ёзишига кўра, “Юнусхон Яздий қошида шундай

билимларни эгалладики, унгача ҳам, ундан кейин ҳам мўғул хоқонлари орасидан бундай инсон чиқмади...

Юнусхон қуръонни қироат қилган ва кўчирган, шоирлик иқтидорига эга, хушсухбат, хуштабиат киши бўлган, илмий муаммодан хабардор, хушхат, мусаввир ҳам бўлган, шунингдек, факат нозик табиатли кишиларгагина хос қобилият эгаси ҳам бўлиб, чунончи, мусиқий асбобларни чалиш ва ашула айтишда ҳам мумтоз бўлган”.

Юнусхон Шерозда яшаб юрган кезлари Мовароуннахр ва Хурсон ҳукмдори темурий султон Абусайд Мирзо уни Самарқандга чақиртириб, турли шартлар ва келишувлар билан Мўғулистанга жўнатиб юборади. У ерда Юнусхон Кунжи ҳокими Мир Шер Ҳожи Кунжининг қизи Эсан Давлат бегимга уйланади. Ундан Юнусхон уч қиз фарзанд кўради. Аввалроқ, Султон Абусайд мирзо билан бўлган сұхбатдан сўнг Юнусхон: “Султон Абусайд мирзо мўғуллар билан темурийлар орасидаги душманликни дўстликка айлантириди, мен эса шу дўстликни қариндошликка айлантираман. Агар қиз фарзандим бўлса, Султон Абусайд мирзонинг ўғли бераман” деб аҳд қилганди. Шунга биноан Юнусхон катта қизи Мехр Нигор хонимни Султон Абусайд мирzonинг тўнғич ўғли Султон Аҳмад мирзога, иккинчи қизи Кутлуғ Нигор хонимни Султон Абусайд мирzonинг тўртинчи ўғли Умаршайх Мирзога, яъни Бобурнинг отасига узатган эди.

Бу орада Юнусхон Тошкентда хасталаниб, икки йилга яқин ётиб қолади ва 1487 йилда 74 ёшида вафот этади. Уни Тошкентда Шайх Хованд Тахурнинг табаррук мозори ёнига дафн этадилар. Шу йилиёқ унинг ўғли Султон Маҳмудхон мўғул хонлиги таҳтига ўтиради.

“Тарихи Рашидий”да ёзилишича Мирзо Ҳайдарнинг отаси Муҳаммад Ҳусайн Султон Маҳмудхон билан жуда яқин дўст бўлишган. Султон Маҳмудхон уйлангач, орадан бир йил ўтиб Муҳаммад Ҳусайнни ҳам ўзидан бир ёш катта бўлган опаси Хўб Нигор хонимга уйлантириб қўяди ва уни “Кўрагон” унвонига

сазовор қиласи. Уларнинг никоҳи 1493 йилда Тошкент шаҳрида ўқилган. Орадан олти йил ўтгач, яъни 1499 йилда Тошкентда шу оиласида тўртта қиздан сўнг Мирзо Ҳайдар туғилади. Аммо тез орада, яъни 1501 йилда Мирзо Ҳайдарнинг онаси Хўп Нигор хоним бетобланиб вафот этади. 1509 йилда эса Мирзо Ҳайдарнинг отаси Муҳаммад Ҳусайн ҳам Шайбонийхоннинг буйруғи билан яширинча қатл эттирилади.

Шундай қилиб, болалик даврида ота-онасиз етим қолган Мирзо Ҳайдар подшоҳ Захириддин Муҳаммад Бобур билан опасингилларнинг фарзандлари, яъни холавачча бўлганлар. Мирзо Ҳайдарнинг ҳаётида ҳам таҳликали кунлар, саргардонликлар бўлган. Жумладан, Муҳаммад Ҳусайн ҳаётлик пайтида куёви Убайдуллоҳхон (Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султоннинг ўғли) Мирзо Ҳайдарни отасининг ижозати билан Бухорога, опаси Ҳабиба Султон Хоним олдига олиб келади. Аммо Шайбонийхон Муҳаммад Ҳусайнни қатл эттиргач, Бухорога одам юбориб Мирзо Ҳайдарни Амударёга чўқтириб юбориш ҳақида буйруқ беради. Ўша ҳаёти учун таҳликали кунлардаги ўзининг аҳволини Мирзо Ҳайдар шундай баён қилганди: ”Ана шундай қаҳри қаттиқ, зулмкору қудратли хукмдор (Шайбонийхон демоқчи) мени ўлдириш қасдига тушди, ҳали ёшим болаликнинг ярмидан ҳам ўтмаган эди. Мен ҳали ўнг қўлимни чап қўлимдан, яхшиликни ёмонликдан ажрата олмасдим, ҳали овқат топиб ейишга кучим етмас, бирор нарсани ўзимча ҳал қилишга ҳали ақлим ҳам у даражада эмас эди. Ота-онасиз етим бўлиб қолдим. Амакиларим ҳар қаёққа тарқалиб кетишиган, тоғаларим шаҳид бўлган, менга ғамхўрлик қиласидиган акам ҳам, кўнглимга таскин берадиган қариндошим ҳам йўқ эди” деб ёзганди.

Шундай кунларнинг бирида Мирзо Ҳайдар устози Мавлоно Муҳаммад билан бирга Мавлоно Муҳаммад Қозининг кўрсатмасига биноан Бухородан қочиб, Ҳисори Шодмонга, у ердан Хатлоннинг Пушанг кентига, ундан сўнг Рустоқ орқали Бадахшон пойтахти Қалъаи Зафарга етиб келадилар. Бу ерда Мирзо Ҳайдар бир йилга яқин Мирзо Хон хизматида туриб

қолади. Ва ниҳоят Бобурнинг хат орқали сўровига биноан Кобул томон йўлга чиқадилар. Бунда ”Ўн олти киши менга йўлдош бўлишиди. Иккита отдан бўлак, ҳатто кечаси бошимизга қўйиб суянадиган нарсамиз ҳам йўқ эди. Отамиздек бўлиб қолган Мавлоно Муҳаммадда биттагина шойирўмол бор эди, холос, бунақасини Бадахшоннинг энг камбағал одамлари ўраб юришади. Бошқаси ҳақида шунга қараб хулоса чиқарса бўлади” деб ёзган эди Мирзо Ҳайдар.

Мирзо Ҳайдар одамлари билан Кобулга етиб келишганда уларни иззат-хурматни жойига қўйиб, жуда яхши кутиб олишади. Подшоҳ мулозаматига етишган чоғидаги ҳолатни Мирзо Ҳайдарнинг ўзи “Подшоҳнинг хизматига келганимда унинг баҳт ёғдуси балқиб турган назари менга тушган заҳоти чексиз раҳм-шафқат ва поёнсиз меҳр-муҳаббат туфайли инжулардек кўз ёшлари нурли кўзларидан ипга тизилган дурлардек тўкиларди. У меҳрибонлик билан қаради, марҳаматли қўлини мен тарафга узатди ва яқин келгин деб ишора килди. Тиз чўкиб салом бергандан кейин яқин бордим, у мени раҳм-шафқат қучоғига олиб, оталиқ меҳри билан бағрига босди. Анча вақт қучоғида ушлаб турди, мен таъзим расмини адо қилмоқчи бўлгандим, бунга йўл бермай, ёнига ўтказди, чексиз куюнчаклигидан анча вақт ўзини босолмай, кўзларидан дув-дув инжулар тўқди” деб таърифлаганди ва Бобурнинг ушбу сўзларини келтирганди: ”Сенинг отанг поччам, менинг тоғам-хон, ака-укаларинг, қариндош-уруғларинг шаҳидлик шарбатини ичиб, Аллоҳга беадад шукрки, сен ёнимга эсон-омон келдинг. Энди улардан айрилганингга ҳеч ғам чекма, чунки уларнинг ўрнини ортиғи билан босаман. Улардан қанчалик меҳр-муҳаббат ва раҳм-шафқат кутиш мумкин бўлса, шуларнинг ҳаммасини, ҳатто улардан кўпини сенга бера оламан”.

Шундай қилиб Мирзо Ҳайдар Кобулда Бобур подшоҳ ҳузурида 1508-1512 йиллар оралиғида дорул-омонликда кун кечирган, сабоқ олган. Шу ерда у Султон Саидхон билан ҳам учрашган. Кейинчалиқ, Султон Саидхон Андижондалик пайтида

унинг сўрови ва Бобурнинг ижозати билан Султон Саидхон ҳузурига келади. Шу вақтдан бошлаб Мирзо Ҳайдар 24 йил давомида, яъни Султон Саидхон вафотига (1533 й) қадар хон хизматида бўлади. Унинг топшириқларини сидқи дилдан ва бекаму-кўст бажаради. Султон Саидхон ҳам Мирзо Ҳайдарни ўзига яқин тутиб, ўз синглиси Муҳиб Султон хонимга уйлантириб қўяди ва “Кўрагонлик” мартабаси билан сийлайди, уни эъзозлаб ”ука” деб мурожаат қиласи. Кейинчалик Султон Саидхон Мирзо Ҳайдарга ҳарбий ва салтанат ишларини ҳам топшириб, унга чекланмаган ҳуқуқ беради. Бу билан у Мирзо Ҳайдарни вазир сифатида, давлат арбоби сифатида шаклланиш имконини берди. Мирзо Ҳайдарнинг бу фаолиятига оид маълумотлар ”Тарихи Рашидий” китобида анчагина. Чунончи, Султон Саидхон хизматида юрган кезларини таърифлар экан, “13 ёшимда Султон Саидхон хизматига етдим. Оталиқ шафқати бирла (мен етимни балоғатга) еткурди. 24 йил аниng хизматида таълим ва тарғиб қилмоқ бирла Фузулий китобига машғул бўлиб, айни азимат ва ҳашаматда рўзгор кечирдим. Хат, савдо, шеър, тасвир ва тахсин фанида... моҳир бўлдим. Қолган ҳунарлардан хотам бандлик, ҳаттотлик, заргарик, девонлик, дурадгорлик ва анвойи китобки, аниng шарҳи узоққа тортар эрди, муниng ҳаммасида андок эрдимки, бу ҳунарлар устозлари бу бандага шогирдлик ва ожиз келур эрдилар” деб ёзганди. Мирзо Ҳайдарнинг бу фазилатлари ҳақида Бобур ҳам: “Тойиб бўлуб яхши тариқа пайдо қилибтур. Хат ва тасвир ва ўқ ва пайкон ва зижгар ҳам нимага илиги часпондур. Табъи назми ҳам бордур. Менга арзадошли келиб эди, иншоси ҳам ёмон эмас” деган сўзларни “Бобурнома” да ёзган эди. Бинобарин “Тарихи Рашидий” Мирзо Ҳайдар исмли ана шундай ўқимишли, билимдон, ширинсухан, синчков ва сергайрат, иншоси ўткир кишининг ижод маҳсулидир.

“Тарихи Рашидий” асарида Мўғулистон, Кошфар, Тибет ва Кашмир ўлкалари тасвирида берилган географияга оид маълумотларга қараганда унинг муаллифи Мирзо Ҳайдар

географик тавсифда юқори савияга эришганлигини кўрамиз. Асарда келтирилган маълумотлар аниқлилиги, ишончлилиги, қизиқарлилиги ва турли туманлиги билан киши эътиборини тортади. Бунда муаллиф ўз замонасидаги айрим географик тушунчаларни ҳам изоҳлаб ўтади. Ўзи борган ва кўрган вилоятлари ҳақида, уларнинг чегаралари, географик ўрни, ер юзаси, майдони, иқлими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвоноти, халқи ва уларнинг урф-одатлари, савдо-сотиги, етиштирадиган моллари ҳақида кўп қизиқарли таърифлар келтирадики, уларнинг айримлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, Иssiқкўл ва Балхаш кўли (муаллифда Кўкча денгиз)нинг катталиги, оқмас кўл эканлиги, сувининг шўр ёки чучуклиги, қишда музлаш ёки музламаслиги каби хусусиятларини жонли ифодалаб берган.

Тибет ўлкасининг ҳудуди, об-ҳавоси, халқининг расм-русларини баён қилар экан, бунинг асосий сабабини шундай изоҳлайди: “Тибат шундай ерда жойлашганки, у ерга жуда кам одамларнинг қадами етган. Тибат йўлларининг беҳад ноқулайлигидан тоғлари, хавф-хатарларга тўла довонлари туфайли, шунингдек, сув, ем-хашак, ўти камлиги, босқинчиликни одатий иш деб биладиган қароқчилари туфайли у ёқларга биронта саёҳатчи бормаган ва у ерлардаги ахволни ҳам ҳеч ким билмайди. Шу сабабдан ”Мўъжам ал-булдон”, ”Жоми гитинамой”, ”Мулҳақоти суроҳ” ва бошқа тарихий китобларда ўзга юртлар сингари Тибат кенг тасвир этилмаган, уларнинг муаллифлари Тибатни бир вилоят сифатида санаб ўтишган, холос.

Шунинг учун биз Тибатни ўзимиз билганча шарҳ ва баён қилишга журъат этамиз”. Шундан сўнг Мирзо Ҳайдар асарда алоҳида фасл (боб) ларда Тибетнинг тоғ, дара, сахролари, тибетликларнинг ақида ва мазҳаблари ҳақида, Тибетдаги ғаройиб жойларининг тасвири, Тибет халқининг диний қарашларини муфассал баён қилиб берган. Жумладан, Тибет тоғ, дара ва сахролари ҳақидаги фаслда шундай сатрларни ўқиймиз: “Тибат

жуда баландда жойлашган бўлиб, барча томонларга оқадиган дарёлар унинг сувларидан ҳосил бўлади. Тибатга қайси тарафдан борилмасин баланд довонларга кўтарилишга тўғри келади, у довонлардан тушиш йўли йўқ. Довоннинг тепасига чиқилса, унинг тепаси теп-текис, айрим довонларнинггина унча-мунча ёнбағирлари бор. Юқорида жойлашгани учун Тибатнинг ҳавоси совуқ. Кўп жойларида арпа ва шолғомдан бўлак экин экишмайди. Арпаси ҳам кўпинча қирқ кун ичида пишади, агар шу муддатда пишиб етилмаса, совуқ уриб, дони пуч бўлиб қолади. Тибатнинг кўп ерларида ўтлар икки ойгина яшил бўлади, шундай жойлар борки, ёз бор йўғи қирқ кун давом этади. Шунинг учун ҳам баъзан кечанинг иккинчи ярмида ариқлардаги сув музлайди. Тибатда ҳавонинг ҳаддан ташқари совуқлигидан дарахтлар ҳам, ҳатто ўт-ўланлар ҳам баланд бўлиб ўсмайди. Тибатликлар сигир ва қўтослар гўнгини таппи-тезак, яъни ўтин қилишади. Тибатдаги кўчманчи халқнинг яшаш тарзи, одатлари ғалати, бошқа бирор халқниги ўхшамайди. Биринчиси: гўштни ва ҳар қандай бошқа овқатларни хом ҳолида ейди, пиширмайди. Иккинчиси: отларига дон ўрнига гўшт беришади. Учинчиси: оғир юкларни қўйларга юклашади, ҳар бир қўй 12 ман (10 кг) юкни кўтаради. Улар хуржун тикишиб, қўйларга айил, қуюшқон боғлашадида, хуржунни устига ортиб қўйишади, керак бўлсагина олишади, бўлмаса ёзин-қишин улар қўйнинг устида тураверади.

“Жампа”, яъни сахро халқи қишда тоғнинг Ҳиндистон жойлашган ғарбий ва шарқий тарафига тушиб, у ерларга хитойи молларни, Тибат тузи, чарм, дармана томири, қофоз, тилла ва шоҳ рўмолларни олиб бориб, Ҳиндистоннинг тоғли ўлкаларидағи ҳиндиларга сотишади ва Ҳиндистондан қўйларга ортиб, кийим-кечак, ширинликлар, гуруч, буғдой каби нарсаларни баҳорда Тибатга олиб келишади. Шошилмай, йўлларда қўйларни ўтлатиб, қишлигарга яқин Хитойга етиб келишади. Ҳинд ва Тибат молларини Хитойда алмашишади. Баҳорда Хитой молларини қўйларга юклаб Тибатга келишади, келгуси қишда Ҳиндистонга келишади. Хитойда қўйларга ортилган юкни Ҳиндистонда

туширишади, Ҳиндистонда ортилган юкни Хитойда туширишади. Шу тақлид улар бир қиши Ҳиндистонда бўлишса, иккинчи қиши Хитойда бўлишади. Барча жампаларнинг ҳаёти шу тақлид кечади. Шундай пайтлар бўладики, жампа икки мингтагача қўйларга нарса юклашади. Ҳар бир қўй устида ўн икки мангача юк бўлади, мана, қанчалик кўп молни олиб юришади! Ўша молларни бир йил Ҳиндистонда, иккинчи йил Хитойда юклашади. Қаерга боришмасин, шунча юк билан меҳнат- машаққатсиз кетаверишади. Бунаقا одат бошқа биронта халқда учрамайди, ҳатто кўплар бу гапга ишонмайди”.

Бундай тадбир савдогарлар учун жуда қулай бўлиб, савдосотик билан шуғулланувчи табақа моллари (товар)ни бир мамлакатдан иккинчисига олиб боришда транспорт-улов ташвишидан холи бўлишган. Иккинчидан, қўй-эчкилар устидаги юкларни ташиб билан бирга емишни ҳам ўзи топиб, тоғдараларда ўтлаб кетаверади. Тоғнинг чўққисига кўтарилиган сайин ҳаво босими пасайиб, ўт олдириш, нафас олиш қийинлашиб борган. Бундай пайтларда савдогарлар ва уларни кузатувчиларга қўй-эчкилар гўшти овқат вазифасини ўтаган. Айрим шарқшунос олималар (Байкова) нинг ёзишича, қўй-эчкилар устида юк узок вақт кеча-кундуз давомида туширилмаганлиги туфайли, белгиланган жойга етиб борилганда қўй ва эчкилар қорнининг икки томонидаги жунлар тўкилиб, шилиниб, қизил тусдаги пўстак бўлиб қолган. Тибет, Ҳимолай, Ҳиндикуш тоғларидан ўз моллари билан соғ-омон ошиб ўтган савдогарлар ўз йўлида давом этар, чўпон-чўлиқлар эса қўй-эчкиларини бокиб орқага қайтишарди.

Мирзо Ҳайдар Тибетдаги ажойиб жойларни тасвирлар экан, “кўзим билан кўрган ёки эшитган айрим ғаройиб нарсаларни ғайритабиийлиги туфайли тасвир этаман. Улардан бири олтин конларидир. Жампа яшайдиган кўп жойларда олтин конлари мавжуд, улар орасида иккитаси ғаройибдир: бирини мўғуллар “Олтинчи Тибат” (“Олтин етказувчи Тибат”) деб аташади, бу ерда айтиб ўтилган дулпа қавмининг бир қисми яшайди. У

ерларнинг об-хавоси беҳад совуқлигидан бир йилда қирқ кундан ортиқ ишлаб бўлмайди, текис ерларда чуқур зовлар қилинган, улар шундай қилинганки, у ерларда одам юра олади. Бундай зовлар кўп, бири иккинчисига уланиб кетган. Айтишларича уч юзта оила ана шундай зовларда жон сақлашар экан... Ўша зовларнинг ичида қундуз мойи аралаштирилмаган соғ қўй мойидан бошқа мой ёнмайди. Айтишадики, ўша коннинг бир ғалвир тупроғидан ўн мисқол олтин чиқармиш. Битта одам якка ўзи ер ковлайди, ташқарига олиб чиқади, уни ювади, бир кунда 20 ғалвир тупроқни ювади. Гарчи бунга ишониш қийин бўлсада, бу гапни мен кўплаб тибатликлардан эшигдимки, ҳаммалари бир овоздан буни маъқуллаб гапиришди, шунинг учун ёздим” - дейди.

“Тарихи Рашидий”нинг шу саҳифатларида баланд тоғларга хос кислород етишмаслиги оқибатида рўй берадиган касаллик тафсилотларини қуидагича баён қилган. “Тибатнинг ғаройиб ҳодисаларидан яна бири нафас қисиши касаллигидир, мўғуллар буни “ис” дейишади. Тибатнинг барча вилоятларида бу ҳодиса кўзга ташланади, лекин қалъя ва қишлоқлар бўлган жойларда бу камрок учрайди. Нафас қисиши ҳолати ҳар қандай одам учун ҳам ёқимсиз. Одамнинг нафаси шу қадар қисадики, бели шу қадар ачишадики, гўё у оғир юк билан баланд токқа узоқ муддат югуриб чиққандек туюлади. Белининг ачишишида одам ухлаёлмайди, мабодо уйқу элтиб қолса, кўзи уйкуга кетган заҳоти нафас қисиши, бели ва кўкрагидаги қаттиқ ачишишдан бирданига уйғониб кетади. Бундай ҳолат ҳамиша ҳамма одамларда бўлади. Агар касаллик зўрайиб кетса, бемор ҳушидан кетади, алаҳсирайди, гохида бирор оғиз сўз айтишга мажоли етмайди, юзи, қўл-оёқлари шишиб кетади. Шундай ҳолатлар юз берганда, бемор тонг билан чошгоҳ оралиғида ўлади. Баъзан эса бундай ҳолат бир неча кунга чўзилса ва шу муддат ичида ўлиб қолмаса, бир амаллаб қалъя ёки қишлоққа етиб олса, эҳтимол, яшаб қолиши мумкин, акс ҳолда албатта ўлади. Бу касалликдан Тибет аҳолиси қийналмайди, Тибет аҳолиси бу касаллик ҳақида

билишмайди ҳам, уларнинг табиблари ҳам нега бу касаллик тибатлик бўлмаган одамларда учрашини билмайди. Ҳаво совуган сари бу касаллик қўпроқ хуруж қиласди. Бу касалликни қандай даволашни ҳам ҳеч ким билмайди.

Бу касаллик фақат одамлардагина эмас, ҳар қандай тирик жониворда, шунингдек, отларда ҳам учрайди... Зарурат юзасидан босқин уюштириб, бир куни отларни чоптириб юрдик. Эрталаб қарасак, қароргоҳда отлар камгина қолган. Бир кечанинг ўзида икки мингта от ўлибди. Отхонамда йигирма тўртта сара от бор эди, улардан йигирма биттаси ўлган. Нафас қисиши касаллиги қўпроқ отларда учрайди. Бу касаллик ҳақида Тибатдан бошқа бирор жойда эшитмадим”.

Асарнинг кейинги саҳифаларида Мирзо Ҳайдар учун ўзининг биродаридай бўлиб қолган Султон Саидхоннинг шу касаллик туфайли 1533 йилнинг 9 июлида Нубрадан Ёркандга борар ўйлида вафот этганлиги ҳам айтиб ўтилган.

Маълумки, Мирзо Ҳайдар умрининг охирги ўн йилдан ортиқ қисмини Кашмирда ўтказган. Шу ерда ҳукмронлик қилган. Китобида ҳам Кашмир тафсифига кенгроқ ўрин берилган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи “...бу гўзал мамлакатнинг эгаси сифатида уни ҳар томонлама мукаммал ўргандим, бу ерда фақат қўзим билан кўриб, ўзим гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисаларни баён қиласман” деб ёзганди.

Кашмирнинг умумий тасвири (97-фасл) бобида Кашмир водийсининг текислик қисмини таърифлар экан “Узунлиги 100 куруҳ (1 куруҳ тахминан 2 км атрофида), кенглиги баъзи жойларда 20 куруҳ, камдан-кам ерларда 10 куруҳга тўғри келади. Бу юртлардаги ерлар тўрт турга бўлинади: 1-суғориладиган; 2-лалмикор; 3-боғлар; 4-кўл ва дарё соҳилларидағи текис майдонлар, бу ерларда бинафша ва бошқа ранго-ранг гуллар аралаш беда ўсиб ётади. Бу ерда намлик кучли бўлганидан экин-текин яхши бўлмайди. Шунинг учун бу майдонларга ишлов берилмайди, бўш ётади. Аммо бундай жойлар Кашмирга кўрк беради.

Ёзда Кашмирнинг ҳавоси бехад ёқимли бўлганидан елпигичга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмайди. Мудом енгил шабада эсиб, унинг ёқимли насими дилга роҳат бағишлайди... Кашмирда ҳавонинг қишки ҳарорати ниҳоятда мўтадил, қор кўп ёғишига қарамасдан пўстинга эҳтиёж бўлмайди чунки бу ердаги совуқ унинг табиий илиқлигини янада ҳис эттиради, холос...

Шаҳарда ва теварак атрофида қарағай ва сарв дарахти ёғочидан ишланган гўзал иморатлар кўп, аксарияти энг ками беш қаватлик. Уларнинг ҳар бири дабдабали сарой, турар жой хоналари, айвон, равоқлар, ғаройиб тарзда ишланган кириш йўлакларига эгаки, буларни таърифлашга қанча тиришмайин, қанча уринмайин қўлимдан келмади...

Бозор расталари орасидаги йўллар ва шаҳар кўчаларига силлиқланган тошлар қопланган. Кашмирнинг бозорлари бошқа шаҳарлардагига ўхшамайди – бозор расталарида газлама ва майда моллар дўконларидан бўлак дўконлар йўқ, ҳар бир ҳунарманд ёки косиб молларни ўз уйида тайёрлади. Одатда, бозорларнинг кўрки нон, пардоз-андоз буюмлари, ичимликлар ва турли озиқовқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар бу ерда йўқ. Кашмир шаҳрининг аҳолиси сонига кўра катта шаҳарларнинг аҳолиси билан тенглашади. Мева-чевалардан нок, шотут, гилос, қаролидан бошқа ҳамма мевалар бор, айникса, олмалари. Мевалар у ерда истаганча топилади.

Ажойиботдан бири шуки, Кашмирда барги учун тут дарахти кўп ўстирилади, барги билан пилла қурти боқиб ипак этиширилади. Лекин тут мевасини ейишмайди, уни ейиш уят саналади. Яна бири шуки, мева-чева пишган пайтда уни сотишмайди ва сотиб ҳам олишмайди, боғнинг эгаси ҳам, ўзида шундай мева йўқ одам ҳам мевалардан бирдек фойдаланаверади. Боғларга тўсиқ ўрнатилмаган, мева узишни ҳеч ким ман қилмайди ” - деб ёзади.

“Тарихи Рашидий”нинг Кашмирдаги ажойиботлар баён қилинган бобида (98 фасл) Кашмирдаги силлиқланган тошлардан мутлақо оҳакли қоришма қўшмасдан қурилган бутхоналар,

уларнинг ўлчамлари, ташқи ва ички кўринишлари, безаклари усталик билан тасвирланган. Шунингдек, Кашмирдаги Улур номли кўл ва унинг ўртасида Султон Зайнуллобиддин қурдирган иморат ҳақида, ўша сultonнинг шаҳардаги ёғочдан қурилган ўн икки қаватлик қасри ҳақида ва бошқа ажойиботлар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Айтиш лозимки, ўқимишли Мирзо Ҳайдар кўп тарих ва географияга оид китоблардан хабардор бўлган, улардан керакли маълумотларни олган. Масалан, Амир Темур ва Туғлуқ Темур билан боғлиқ воқеаларни баён қилишда муаррих Шарафиддин Али Яздининг “Зафарнома” асаридан энг ишончли манба сифатида фойдаланган. Ундан ва Отамалик Алоуддин Мухаммад Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонкушой” китобидан катта-катта кўчирмалар келтирган. Шунингдек, Ёқут Ҳамавийнинг “Мўъжам ал-булдон”, Рашидиддин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ ут-таворих”, Мирзо Улубекнинг “Тўрт улус тарихи” каби асарлари билан яхши таниш бўлган. “Тарихи гузийда”, “Сувар ал-ақолим”, “Бобурнома” каби асарлар мазмуни билан ҳам яқиндан таниш бўлган, улардан фойдаланган.

Мирзо Ҳайдар асарининг биринчи қисми кўпроқ “Зафарнома” ва “Тарихи жаҳонкушо” китобларига асосланиб ёзилган бўлса, унинг иккинчи қисми ёзилиш услуби бўйича “Бобурнома”га ўхшаб кетади. Буни “Тарихи Рашидий” билан “Бобурнома”ни қиёслаб ўрганган тадқиқотчилар ҳам бирдек эътироф этганлар. Шу масалада машҳур шарқшунос В.В.Бартольднинг “Мирзо Ҳайдарнинг асари кўп ҳолларда уни холавачаси Бобурнинг ёдномаларини эслатади. Унинг тарихий маълумотлари худди Бобурнидек ҳақонийлиги ва бетарафоналиги билан кўзга ташланади. Жуғрофий тавсифлар эса жойларни аниқ ва равshan тасвирлайди... Гарчи “Тарихи Рашидий” майда тафсилотларнинг изчиллиги, воқеалар кечган саналарнинг аниқлиги борасида “Бобурнома”дан кейинда турса ҳам, бироқ унда Мўғалистон тарихига оид шундай маълумотлар келтириладики, уларни бошқа тарихий манбалардан топиб

бўлмайди” деган фикрини ўзбек шарқшунос олими Асомиддин Ўринбоев давом эттириб: “Тарихи Рашидий”нинг маълумотлари “Бобурнома”нинг бизгача етиб келмаган ёки ўз вақтида ёзилмай қолган айрим камбут жойларини тўлатишга ҳам ёрдам беради. Ундан ташқари “Бобурномада” баён қилинган воқеаларнинг жуғрофий кенглиги Бобурнинг ўзи босиб ўтган жойлар-Мовароуннахр, Хурросон, Кобул, Бадахшон, Ҳиндистон доирасида ифодаланса, Мирзо Ҳайдар эсдаликларида бу ерлардан ташқари яна унинг ўзи юрган жойлар: Мўғалистон, Кошғар, Тибет, Кашмирлар тасвирланади. Бинобарин ҳар икки асарни бир-бирига қиёслаб ўрганиш, улардаги тарихий маълумотлар доирасини кенгайтиради ва ҳар иккала асарнинг ҳам тарихий манба сифатидаги аҳамиятини оширади” - деб ёзганди (1999).

Шундай қилиб, Тошкент шаҳрида туғилган, Мовароуннахр, Хурросон, Кошғар, Ёркент, Оқсув, Мўғалистон, Тибет, Ҳиндистон ерларида бўлган Мирзо Ҳайдар Бобур каби она шаҳридан олисда, ўзга юртда, Кашмирда 1551 йилда вафот этади. “Тарихи Рашидий” китоби ҳам шу манзилда ёзиб тугалланган. Унинг қабри ҳам шу юртда Зайнулобиддин мозоратидадир.

Ўрта асрлар Шарқ олами тасвирий географиясида “Саёҳатнома” туркум асарлар

Умуман олганда, юқорида номлари тилга олинган олимлар ва асарлар муаллифларининг кўпчилиги саёҳат қилганлар. Улар саёҳатларда тўплаган маълумотлардан ўз асарларида унумли фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Шу маълумотлар асосида аввалги муаллифларнинг хато ва камчиликларини тузатганлар ва тўлдирганлар, уларнинг асарларига янги маълумотлар қўшиб янги асарлар тузганлар. Фан тарихида бундай асарлар кўп бўлган. Аммо биз кейинги бир неча саҳифаларимизда муаллифларнинг ўз саёҳатларида кўрган-билган ва эришган маълумотлар асосида фақат “саёҳатнома” яратган олимлар, адиллар ва сайёҳлар ҳақида бироз сўз юритмоқчимиз.

Маълумки, 921-922 йилларда халифа Муқтадир Бағдоддан Волга булғорлари ўлкасига элчилар юборган вақтда элчилар сафида араб сайёхи Аҳмад ибн Аббос ибн Фадлон котиб сифатида қатнашган ва Бағдод-Эрон-Бухоро-Хоразм-Урал-Волга йўналишида саёҳатда бўлган эди. У ўзининг саёҳат таассуротларини китобида акс эттирган бўлиб, ушбу китоб Шарқ оламида тасвирий географиянинг яна бир ўзига хос тармоғининг шаклланишига олиб келди. Бу тармоқ асосан “Рихла” (“саёҳат”) туркумли асарлар яратилиши билан тавсифланади. Ана шундай асарларнинг яна бир ёрқин намунаси Ўрта Осиёда узок ўтмишдаги ҳамюртимиз Абу Муиниддин Носир Хисрав ал-Қабадиёнй томонидан яратилган “Сафарномаи Носири Хисрав” номли асардир.

Носир Хисрав 1004 йилда Қабадиён қишлоғида обрўли, маърифатпарвар инсон оиласида таваллуд топган. Унинг болалик йиллари ўз қишлоғида ўтган, бошланғич маълумотни ҳам шу ерда олган. Кейинчалик у Балх ва Марв мадрасаларида таҳсил олиб, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган, кенг маълумотли ва маърифатпарвар олим бўлиб етишган.

Носир Хисравнинг номи ҳазрат Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асарида машҳур шоирлар қаторида тилга олиниб, шундай муҳтасар таърифланганди: “Хусрав Анзорийнинг ўғли Носир Хусрав шеър санъатида моҳир, ҳикмат илмида комил эди. Аммо уни динсизлик, даҳрийлик ва кофириликда айبلاغанлар. Унинг “Сафарнома” китоби бор, у кўпчилик мамлакатларда сафар қилган ва олимлар билан қилган сұхбатларини назм қилган”

Носир Хисрав қадимги юонон файласуф ва табиатшунос олимлари Платон, Аристотел кабиларнинг асарларидан яхши хабардор бўлиши билан бирга, ўз юртдошлари Хоразмий, Фарғоний, Ибн Сино, Беруний асарларини ҳам қунт билан ўрганган. Ўзи ҳам ижодкор шоир, синчков олим сифатида қатор асарлар яратган. “Саодатнома”, “Рўшноинома”, “Жомеъ ул-ҳикматайн”, “Зод ал-мусофирин”, “Сафарномаи Носири Хисрав”

шулар жумласидандир. Олим “Хужжат” тахаллуси билан кўп яхши шеърлар ёзган. Унинг ўн бир минг байтни ўз ичига олган шеърлар девони ҳам бўлган.

Носир Хисрав кўп саёҳат қилган, дунё кезган. Кўрган-кечирган, турли кишилардан эшитиб билганларини батафсил баён қилишга уринган. Унинг “Сафарнома”си ана шу саёҳатларнинг илмий натижасидир. Ушбу асарда турли мамлакатларнинг табиати, қазилма бойликлари, халқлари, уларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, етиширирадиган деҳқончилик, боғдорчилик ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотлари, савдо-сотифи, шаҳар ва қишлоқлари, уларнинг катта кичикилиги, денгизлар ва улардаги ороллар, дарёлар ва улардаги сувнинг оз-кўплиги, кема қатнаши ёки қатнамаслиги, сув қалқиши ҳодисаси ва унинг сабаблари каби кўп географик хусусиятлар жонли тасвиirlаб берилган.

Носир Хисрав саёҳатларининг йўналиши, борган ўлкалари ва шаҳарлари ҳақида асарнинг қисқача русча таржимасида (Бертельс, 1948) ҳамда И.Ю.Крачковский ва Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг китобларида маълумотлар берилган. Масалан, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов сайёҳ олимнинг саёҳати ҳақида шундай ёзади. “1045 йил кузда Носир Хисрав ўз ватани бўйлаб биринчи бор саёҳат қилган. У Марвдан жануб томонга юриб, Мурғоб дарёсининг бошларигача етиб борган. 1046 йил баҳорида Носир Хисрав давлат хизматидан жавоб олиб, укаси Абу Сайд ва хинд хизматкори билан бирга Арабистонга сафарга жўнаган. Унинг бу саёҳати XI асрдаги энг узоқ, қизиқ ва самарали саёҳатлардан бири ҳисобланади. У Марвдан чиқиб, Эроннинг шимолий вилоятлари Арманистон, Туркиянинг жануби, Ливан ва ҳозирги Истроил ерларидан ўтиб, Мисрга етиб келган. Мисрдан ҳозирги Тунис вилоятигача борган, сўнгра Арабистоннинг маркази Макка билан Мадинага ҳам бориб келган. Ниҳоят, 1052 йили олим кемада Нил дарёси бўйига саёҳат қилган, сўнгра тужарони билан қум чўлини кесиб ўтган. Қизил денгиз орқали яна Арабистонга қайтиб, Макка орқали Ироққа жўнаган. Носир Хисрав бу сафарида Арабистоннинг энг мудҳиш

чўлларидан ўтаётганида кўп азоб чеккан, ҳолдан тойган, Ироққа (Басрага) етиб келганида ҳатто оёқ устида туролмайдиган ҳолатда бўлган..... Басрадан Эроннинг Ободон портига яна кемада борган, у ердан тужа карвони билан жўнаб кетган ва бутун Марказий Эрон орқали ўтиб, Балх шаҳрига эсон-омон қайтиб келган.”

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ушбу сатрларининг давомида Носир Хисравнинг ўз саёҳатлари вақтида салкам 15 минг км йўл босганилигини қайд этар экан, уни кейинчалик Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларида ҳам бўлган деган мулоҳазага боради. Шунингдек, Носир Хисравнинг саёҳатларини акс эттирувчи янги, аниқлаштирилган харитасини ҳам илова қилади.

Албаттa, бу саёҳатлар олим учун ажойиб таассуротлар ҳосил қилиши билан бир қаторда ўзига яраша азоб-уқубатлари ва чарчоқларини ҳам намоён қилган. Шундай бўлсада, у доим изланишда бўлган ва ижодини тўхтатмаган.

Носир Хисрав ўз саёҳатлари давомида Қоҳира шаҳрида уч йилга яқин туриб қолган. Шу сабабдан бўлса керак, асарнинг Миср ва Қоҳирага оид саҳифалари бирмунча кенгроқ ёзилган бўлиб, ўша замонлар Миср тарихи ва тарихий географияси нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим манба эканлиги тадқиқотчилар томонидан эътироф этиб келинмоқда.

Носир Хисрав Қоҳирада яшаб юрган кезлари, бу ерда фотимий халифа ал-Мустансирнинг ҳукмронлик (1036-1094) замони эди. Фотимийларнинг дин тарғиботчилари шиа мазҳаби доирасида шаклланган исмоилийлар эди. Уларнинг диний-фалсафий таълимотини яхши ўзлаштириб олган Носир Хисрав исмоилийларнинг йирик намоёндаларидан бири бўлиб етишганди. Шу сабабли ҳам у Балхда ўзининг диний-фалсафий қарашлари ва тарғиб қилган таълимоти туфайли руҳонийлар ва ҳукмдорларнинг кучли таъқиби остида қолади. Ҳаттоқи, уни кофирликда айблаб ўлимга ҳукм қилишган ҳам. Шу сабабли у Бадахшонга қочиб кетишга мажбур бўлган.

Шундай қилиб, Носир Хисрав умрининг қолган 25 йилга яқин қисмини ўша ерда Юмғон қишлоғида яшаб, 1088 йилда

вафот этган. Унинг мақбараси ўша ерда, ҳозирги Шимолий Афғонистоннинг Кўкча дарёсининг ўнг қирғоғидадир. Мақбара 1700 м баландликдаги тепаликда бўлиб, оқ гумбаз билан қопланган. Кўп асрлардан бери зиёратгоҳ ҳисобланади. Маҳаллий аҳоли уни “Мозори Шоҳ Хисрав” деб атайди.

XVII асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод қилган адаб Маҳмуд ибн Амир Вали ўзининг “Бахр ул-асрор фи маноқиб ул-аҳёр” (“Олижаноб кишиларнинг шон-шавкати ҳақидаги сирлар денгизи”) номли қомусий асарида Юмғон қишлоғини тасвирлаб, бу ерда ташлаб кетилган кумуш кони ҳамда қимматбаҳо тош қазиб олинадиган кон ҳам бўлганлигини ёзган. Шунингдек, у Муҳаммад ибн Яҳёниг “Сувор ал-ақолим саба” (“Етти иқлим манзаралари”) асарида келтирилган маълумотларга асосланиб, Носир Хисравнинг Юмғонда бир қатор бинолар, жумладан ғаройиб бир ҳаммом қурдирганлигини ёzáди. Шунингдек, бу ерда Носир Хисрав гўрининг устида чолғу асбоблари : чилдирма, сурнай, най, рубоб ва бошқа созлар қўйилганлиги, кимки соз чалишни ўрганмоқни ният қилиб бу ерга келса, созларни қўлига олиб, қоидаси билан чалса, аввал бундай созни чалмаган бўлсада, моҳир созанда бўлажаги ривоят қилинган.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Носир Хисравнинг географик асари таърифига якун ясар экан, шундай жумлаларни ёzáди: “Носир Хисравнинг “Сафарнома”сини ўқиб ва унинг дунё тўғрисидаги тасаввурини таққослаганда Абу Райҳон Берунийга бир қадар тақлид қилганлиги сезилади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки Носир Хисрав Берунийнинг ватандоши ва замондошигина бўлмай, балки унинг сиртқи шогирди ҳамдир”.

Носир Хисрав ўз саёҳатида юрган кезлари, Бағдод шаҳридан яна бир шахс саёҳат иштиёқида йўлга чиққанди. У асли боғдодлик араб христианларидан бўлган таниқли табиб ва тиббиётга оид бир қатор асарлар ёзган олим ибн Бутлан (ваф. 1066 й.) эди. Унинг ўз саёҳатларидан олган таассуротлари асосида ёзган бир рисоласи маълум. Ёқут Ҳамавий ана шу рисоладаги маълумотларга асосланиб, ибн Бутланнинг саёҳати

1049 йилда Бағдодда бошланиб, Сурия орқали Мисргача борганлигини, йўлда ўзи борган ва кўрган шаҳарлар ҳақида географик маълумотлар келтирганлигини ёзади. Аммо унинг бу саёхати Носир Хисрав саёҳатига нисбатан қисқароқ бўлган, тўплаган маълумотлари ҳам шунга яраша кенг бўлмаган.

Севильялик Абу Бакр Мұхаммад ибн Ал-Арабий (1076-1148) нинг “ар-Рихла” асари ўз номи билан саёҳатнома эди. Муаллиф 1092 йилдан 1099 йилгача Шарқ оламида саёҳатда бўлган. Дамашқ, Бағдод, Макка, Қоҳира ва Александрия каби шаҳарларда бўлиб, ўша вақтлардаги таниқли олимлардан дарс олган. Ўзининг саккиз йиллик саёҳатларида кўрган-кечирганлари асосида “ар-Рихла” асарини ёзган. Унда одамлардан эшитган турли-туман ғаройиботларни ҳам кўп қўшиб юборган.

Тасвирий географиянинг ушбу тармоғининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган адиблардан бири Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Жубайр ал-Киноний (1145-1217) бўлганди. Унинг аждодлари VIII асрдаёқ Испанияга келиб қолган қадимги араб қабиласи канонийлар вакилларидан бўлганлар. Ибн Жубайрнинг ота-онаси Валенсияда яшаганлар. Бўлажак сайёҳ ҳам шу ерда туғилган. Маълумотли бўлгач, отаси каби котиблик билан шуғулланган. Гренада хукмдорига котиблик қилган.

Ибн Жубайр қирқ ёшларга яқинлашиб қолган кезлари ҳаж сафарни ихтиёр қилиб йўлга чиққан. 1183 йилда, дастлаб, Сеута орқали кемада Сардиния ва Сицилия қирғоқлари яқинидан ўтиб, Александрияга, ундан Нил дарёси билан Қоҳирага келган. Бу ердан юқори Миср орқали Қизил денгиз бўйига, Айзоб бандаргоҳига, ундан Жидда шаҳрига ўтган. Сўнг карвон билан Маккага етиб олган. Бу ерда ярим йилга яқин яшагач, Мадина орқали Куфага борган, Бағдод ва Самаррада ҳам бўлган. Бу ердан шимолга Мосул ва Алеппо орқали Дамашққа келган. Ушбу шаҳарда бир неча ой бўлгач, яна йўлга чиққан ва Акка бандаргоҳида кемага ўтириб, Ўрта денгизда сузган. Сайёҳ Сицилияда қирғоққа тушгач, у ердан Гренадага қайтиб келган. У ўзининг ана шу икки йиллик саёҳатида олган таассуротларини

1185 йилда ёзган “Рихлат ал-Киноний” номли китобида ёзган. И.Ю.Крачковскийнинг таъкидлашича, ушбу китоб “Рихла” жанрида ёзилган асарларнинг энг юқори чўққиси ҳисобланади.

Ибн Жубайр кейинчалик яна икки марта саёҳат қилган ва 1217 йилда Александрияда вафот этган.

Бу вақтларда Шарқ оламининг узоқ чеккаларида Чингизхон бошлиқ мўғулларнинг босқинчилик юришлари бошлаб юборилган эди. Улар дастлаб Хитойнинг шимолий ҳудудларини, Еттисув ва унга яқин ҳудудларни босиб олгандилар. 1220 йилдан бошлаб эса 2-3 йил ичида Мувароуннаҳр, Хоразм, Хурасон ва Эроннинг шарқий вилоятлари, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларини ҳам эгаллаб олдилар. Бу ерларда рўй берган қирғинлар, вайронагарликлар тарихий манбаларда ёритиб берилган.

Чингизхон умрининг охирги йилида (1227 й) босиб олинган улкан ҳудудни ўзининг тўрт ўғлига тақсимлаб берганди. Шунга кўра, биз сўз юритаётган Шарқ оламининг Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистон ерлари иккинчи ўғли Чигатойга текканди. Шимолий Ҳиндистон ва Эроннинг шарқий қисмлари эса кенжা ўғли Тулуйга берилганди. Бу худдуда, кейинчалик 1256 йилдан Тулуйнинг ўғли Ҳулоку ҳукмронлик қила бошлади ва босқинчилик юришларини давом эттириди. Аввал Эроннинг қолган қисмлари, сўнг 1258 йилда Ироқни забт этди. Халифа қўшинини енгиб, Бағдодда сўнгги аббосий халифа Мустаъсимни қатл эттириди. Беш юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилиб келган Бағдод халифалиги шу тақлид якун топди. Эрон, Ироқ, Кавказ ўлкалари доирасида Элхонлар давлати ташкил топди. Бу ерда 1336 йилгача Ҳулоку авлодлари ҳукмронлик қилдилар. Бу вақтларда Хоразм, Мовароуннаҳр ва Хурасон чигатои мўғуллар қўл остида бўлди. Улар бу ерларда 1370 йилгача ҳукмронлик қилдилар.

Шу орада, аниқроғи, 1356 йилда узоқ Марокашда, мариний араблар пойтахти Фес шаҳрида янги бир саёҳатнома асар яратилади. “Тухфат ан-нуззар фи ғаройиб ал-амсар ва ажойиб ал-

афсар” (“Фаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар томошаси ҳақида тухфа”) номли бу асар атоқли араб сайёхи Ибн Баттутанинг саёҳатнома китоби эди.

Ибн Баттутанинг XIV асрнинг биринчи ярмида амалга оширган саёҳатлари ҳудудий қамрови ҳамда давомийлиги бўйича ҳам бекиёс эди. Шу сабабдан ҳам бу саёҳатнома кейинги икки аср давомида тарихий, этнографик, географик маълумотларга бой ва қизиқарли манба сифатида шарқшунос, тарихчи, географ олимларнинг эътиборида бўлиб келди. Ушбу қўлёзма асар баъзан тўлалигича, баъзан айrim қисмлар бўйича дунёнинг кўп тилларига таржима қилинди, ўрганилди. Шу маънода таниқли ўзбек шарқшунос олими Неъматулло Иброҳимовнинг “Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати” номли китобининг нашр этилиши (1993) ўрта асрлар география тарихи билан қизиқувчи китобхон учун қимматли тухфа бўлди деб, айтиш мумкин.

Ушбу монографияда Ибн Баттутанинг ҳаёти ва саёҳатлари ҳамда “Саёҳатнома”нинг ўрганилиши илмий-танқидий таҳлил қилиб берилган. Сайёҳ қадами етган ҳар бир ўлка, шаҳар тилга олинган, саёҳат йўналишлари қўрсатилган. Шунингдек, асар муқаддимасида XIII ва XIV асрнинг биринчи ярмида кечган тарихий жараёнлар қисқа, аммо ёрқин таърифлаб ўтилган. Ибн Баттута саёҳатлари баёнининг Ўрта Осиёга тегишли қисми арабчадан ўзбек тилига таржима қилиниб, алоҳида бобда келтирилган.

Ушбу китобда маълум қилинишига кўра Ибн Баттута (тўлиқ исми шарифи Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Лаватий ат-Танжий) 1304 йилнинг 24 февралида Танжа шаҳрида туғилган. Келиб чиқиши барбарларнинг лават қабиласидан бўлган бу инсон ўрта ҳол оилада ўсиб улғайган. У ўзининг кўп йиллик саёҳатларини 1325 йилнинг 14 июнь куни бошлаган.

Муқаддас Макка шаҳрига боришни мўлжаллаб чиққан сайёҳ дастлаб Шимолий Африкада Жазоир, Тунис ерларидан ўтиб Мисрга келади. Искандария ва Қоҳира шаҳарларида бироз муддат

яшайди. Шу орада Юқори Миср ва Қизил денгиз соҳиллариға ҳам бориб келади.

1326 йилнинг март ойида Ибн Баттута Қоҳирадан чиқиб, Ливия ва Сурияning ўнга яқин шаҳарларини кўриб, Дамашқ шаҳрига келади. Шу йилнинг август ойида зиёратчилар карвони билан Маккаи мукаррамага етиб келади. Бу ерда ҳаж амалларини тўлиқ бажаргач, бироз муддат яшайди. Сўнг Бағдод томон йўл олган карvon билан яна йўлга чиқади. Бағдодга боришда ва келишда Ироқнинг кўп катта-кичик шаҳарларида бўлади, қадамжоларни зиёрат қиласди. Шу орада Эронга ўтиб, Исфаҳон ва Шероз шаҳарларида ҳам бўлади. Бағдодга қайтишда яна ўндан ортиқ шаҳарларда бўлиб, Ироқ таассуротларини янада кенгайтиради. Бағдоддан зиёратчилар карвонига қўшилиб, Маккага қайтиб келади ва бу ерда икки йилга яқин яшаб қолади.

1330 йилда зиёрат фаслидан сўнг Ибн Баттута Яман сари йўлга чиқади. Яманнинг бир қатор порт шаҳарларида, пойтахт шаҳар Таизда бўлади. Сўнг кемада Могадишога ўтади. Кейин Момбас-Кулуа-Зафар-Хашк-Сур-Хормуз каби порт шаҳарларида бўлади. Форс кўрфазидаги айрим оролларни бориб кўради. Ямангача келгач, бу ердан карvon билан Маккага қайтади ва учинчи бор ҳаж амалларини бажаради. Анчадан бери Ҳиндистонга боришиштиёқида юрган Ибн Баттута 1332 йил ноябрь ойида Жиддага келади. Аммо ўзига ҳамроҳ топа олмай ва Ҳиндистон сафарига етарли маблағ бўлмаганлиги сабабли Африканинг шарқий соҳилидаги Айзаб портига ўтади ва бу ердан Нил дарёси ёқалаб юриб Қоҳира шаҳрига келади.

Шундай қилиб, Ибн Баттута Яқин Шарқ, Шимолий ва Шарқий Африка бўйлаб қилган сафарларида кўп шаҳарларни ўз кўзи билан кўради, таниқли ва машҳур кишилар билан танишади, етук ислом алломаларининг маъruzаларини тинглайди, уч бор ҳаж зиёратини ўтайди. Кўп қадамжоларни зиёрат қиласди.

Сайёҳ Қоҳирада уч кеча тунаб, саёҳатининг янги қисмини бошлайди. Бу сафар Сурия ва Анадўлидан ўтиб, Кора денгиз орқали Керч шаҳрига келади. Сўнг, Азов шаҳри орқали

Волганинг қуи этакларига, Астрахан шаҳрига ва бу ердан Олтин Ўрдага ўтади. Берке саройида бир неча кун меҳмон бўлади. Шу орада Булғорга ҳам бориб келади. 1333 йилнинг январь ойи ўрталарида жанубга, Хоразм томон йўлга чиқади. Орадан қирқ кун ўтгач Урганч шаҳрига кириб келган Ибн Баттута уч ҳафтадан сўнг Бухоро сари юради ва 18 кун деганда бу шаҳарга етиб келади.

Ибн Баттута саёҳатининг бу йўналиши Бухоро-Нахшаб-Самарқанд-Термиз-Балх-Ҳирот шаҳарлари орқали ўтиб, Эроннинг шимоли-шарқи ва Афғонистоннинг Нишопур-Машҳад-Бистом-Қобул-Ғазни шаҳарлари бўйлаб давом этади. Ва ниҳоят сайёҳ кўпдан орзу қилиб юрган Ҳиндистон юртига 1333 йилнинг 12 сентябрида етиб келади. Бу ерда уни султон Муҳаммад Тўғлок (1325-1351) яхши кутиб олади ва унга кўп ҳомийлик қиласи. Сайёҳ Ҳиндистондалигида Гоани бориб кўради, Малдив оролларида, Цейлонда бўлади ва Ҳиндистоннинг кўп шаҳар ва қишлоқларида, денгиз портларида бўлиб, табиати, ижтимоий ҳаёт билан яқиндан танишади.

Ибн Баттута ўзининг Хитой сафарини 1345 йилнинг иккинчи ярмида Бенгалиядан бошлайди. Йўл-йўлакай Суматра ва Ява оролларига тушиб ўтади. Хитойга Зайтун порти орқали кириб боради. Пекинга келган вақтида мамлакатда ички низолар ва жанглар бошланган, тартибсизликлар кучайган, мўғул хони Тўғон Темур пойтахтдан чиқиб кетган эди. Ибн Баттута ҳам Ҳиндистонга қайтишга қарор қиласи ва 1346 йил кузида Пекиндан ортга, Зайтун портига ва у ердан кемада Ҳиндистонга йўл олади. Аввал араб денгизининг шарқий қирғоғидаги Каулам портига ва у ердан Каликутга, сўнг Зафар орқали Хормузга келади. Эрондан ўтар экан Маймана, Шероз, Язд, Исфаҳон, Шустар ва Ҳувайзо шаҳарларида бўлади. Сўнг Басра, Нажаф орқали Бағдодга ва у ердан Дамашққа келади. Бу ердан у 1348 йилнинг ноябр ўрталарида тўртинчи бор ҳаж зиёратига ўтади. Ҳаж расми-удумлари адo этилгач, Фаластинга бориб, у ердан яна Қоҳирага қайтиб келади. Шу орада ватанга қайтиш истаги

туғилиб Тунисга келади. Бу ерда бироз муддат бўлиб, Сардиния оролини кўриб келади. Ибн Баттута 1349 йилнинг ноябрида Фес шаҳрига кириб келганда шаҳар ҳокими Абу Инон уни илиқ кутиб олади ва сайёҳ шарафига тантанали зиёфат беради.

Сайёҳ Танжада бўлиб онасининг қабрини зиёрат қилгач, шимолга араблар Испаниясига ўтади. У ерда Рондо, Малага, Гренада шаҳарларини кўриб, Фесга қайтиб келади. 1352 йилнинг февралида эса жанубга, Африка сафарига жўнайди. Мали давлатининг Тамбукту шаҳрига боради ва 1353 йилнинг 12 сентябрида тоғлик, чўллик ҳудудларидан ўтиб, Фесга қайтиб ўзининг 28 йил давом этган машҳур саёҳатларини якунлайди. Охирги икки саёҳат Абу Иноннинг топшириғи билан бажарилган эди. Ушбу сафарлар ҳақидаги ҳикоялари Абу Инон ва унинг яқинларида катта таассурот қолдиради. Шунинг учун султон сарой тарихчиси, ёзувчи Ибн Жузай ал-Қалбийга Ибн Баттутанинг ҳикоялари ва эсдаликларини ёзиб олиб, китоб тузишни буюради. Китоб 1356 йилнинг февраль ойида тайёр бўлади.

Ибн Баттутанинг ушбу саёҳатномасини ўрганган XX аср олимлари Ибн Баттутани ҳақли равишда Магелланга қадар ўтган энг буюк сайёҳлардан бири сифатида эътироф этганлар.

Саёҳатномалар ҳақида сўз борар экан, Ўрта Осиёда XV асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган яна бир икки асар ҳақида айтиб ўтиш лозим бўлади. Бу даврда Хурросон ва Моворауннаҳрда илм-фан, маданият юксалишда эди. Хурросон Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ хукмронлиги остида, Моварауннаҳр эса Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Мирзо Улуғбек тасарруфида бўлиб, пойтахт шаҳарлар Ҳирот ҳам, Самарқанд ҳам илм-маърифат марказлари эди. Қурилиш, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик, элчилик муносабатлари ривожланган, кўп узоқ-яқин мамлакатлардан элчилар келиб-кетиб юрган вақтлар эди. Жумладан, 1409 йилда Хитой элчилари ҳам келиб кетган эди. Бунга жавобан Хитой императори Дой-Минг таклифига биноан 1419 йилда Шоҳруҳ Мирзо Шодихожа

бошчилигидаги әлчиларни Хитой мамлакатига боришига тайин қиласы. Ҳиротдан чиққан әлчилар гурухы Балх йўли билан Самарқандга келгач, әлчиларнинг қолган вакиллари тўплангунга қадар кутиб турганлар ва ниҳоят, 1420 йилнинг 25 февралида Самарқанддан йўлга чиққанлар. Элчилар билан бирга баъзи савдогарлар ҳам жами 530 нафар кишилик гурухда Темурийлар давлатининг турли вилоятларидан вакиллар бўлган. Шу жумладан, Бойсунғур Мирзо номидан Султон Аҳмад билан Ғиёсиддин Наққош ҳам қатнашганлар. Улар икки йилу тўққиз ой деганда, яъни 1422 йилнинг август ойи охирларида Ҳиротга қайтиб келганлар. Уларнинг сафар таассуротлари Ғиёсиддин Наққошнинг сафар кундалигига муфассал таърифланган. Унда айтилишига кўра, “Мирзо Бойсунғур ўз элчиси Хожа Ғиёсиддинга доруссалтана Ҳиротдан чиқиш кунидан то қайтиб келиш кунигача ҳар бир шаҳар ва вилоятда йўлларнинг қандайлиги, вилоят ва иморатларнинг сифати, шаҳарларнинг қонун-қоидалари, подшоҳларнинг куч-қудрати ва уларнинг давлатни бошқариш, сиёsat услуби, шаҳар ва диёрларнинг ажойиботлари ва номдор мамлакатларнинг феъл-атворига оид нимаики кўриб билса, ҳаммасини кундалик тарзида кунма кун ёзиб бориши лозимлигини таъкидлаган эди”.

Ғиёсиддин Наққош бу топшириқни бажариб, сафар кундалигини Бойсунғур Мирзога топширган. У киши ўз навбатида кундаликни сарой тарихчиси Ҳофизи Абруга берган. Кундаликдаги маълумотлар ишончли ва қизиқарли бўлгани учун Ҳофизи Аbru ўзининг “Зубдат ал-таворах” номли асарига киритган. Ушбу асаддан фойдаланган Абдураззоқ Самарқандий сафарнома матнини айрим қисқартиришлар билан ўзининг “Матлаи саъдайн” китобига қўшган. Бу китобни таниқли шарқшунос олим А. Ўринбоев (1969) форс-тожик тилидан ўзбекчага таржимасини, кириш сўзи ва изоҳлар луғати билан чоп эттирган. Шу асосда кейинчалик А.Ўринбоев, О.Бўриев “Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси” номли китоб (1991) тайёрлаб, нашр эттирилар. Унда кириш сўзи таржима

матни ва изоҳлар билан Ғиёсиддин Наққошнинг саёҳат йўли харитаси ҳам берилган. Бу биринчи сафарнома эди.

Ғиёсиддин Наққошнинг сафарномаси матнида кўп жойлар, шаҳар ва қишлоқлар, дарёлар, тоғлар, довонлар, чўллар, яйловлар, манзиллар, қалъалар, бутхоналар, саройлар таърифланган. Халқининг урф-одатлари, меҳмон кутишлари, кўшклари, иморатлари ва ҳоказолар ёрқин тасвирлаб берилган.

Саёҳатномада айтилишига кўра элчилар карвони Самарқанд-Тошкент-Сайрам-Ашпара-Урумчи-Қораҳожа- Қумул -Сўфиота-Қоровул-Самжў-Комжў-Хуснобод-Пинлон-Жаҳдин-фу йўли билан Хитой пойтахти Хонбалиқ шаҳрига етиб борганлар. Қайтишда эса шу йўл билан Қоровулга келгач, йўлдаги нотинчликлар сабабли жануб йўли билан чўл орқали Хўтанд-Ёрканд-Қошғар-Андижон йўли билан Андижон довонига келганлар. Шу орада карвон иккига бўлинниб, бир қисми Самарқанд-Балх-Ҳирот йўналишида, иккинчи қисм эса Қоратегин-Бадахшон-Ҳисори-Шодмон-Балх йўли билан Ҳиротга етиб келган.

Иккинчи саёҳатнома Абдураззоқ Самарқандийнинг “Ҳиндистон сафарномаси”дир. Асарнинг форсчадан ўзбекчага таржимаси, кириш сўзи ва изоҳлар билан “Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси” номида шарқшунос олим А.Ўринбоев томонидан 1960 йилда алоҳида китоб қилинган. Шу китобга асосланган ҳолда Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Абдураззоқ Самарқандий саёҳатини географик жиҳатдан таърифлаб берган. Шу манбаларга кўра, Абдураззоқ Самарқандий 1413 йил 8 ноябрда Ҳиротда туғилган. Бир қанча вақт Самарқандда ҳам яшаган. Унинг тўлиқ исми Камолуддин Абдураззоқ бўлиб, ўқимишли, тарих ва географиядан пухта билимли ёзувчи бўлиб етишган. Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қилган. 1482 йилда у 71 ёшида Ҳирот шаҳрида вафот этган.

Абдураззоқ Самарқандийни кўрган ҳазрат Алишер Навоий у киши ҳақида шундай ёзганди: “Мавлоно Абдураззоқ - ... ҳуш муҳовара киши эрди, зоҳир улуми тахмил қилиб (дунёвий

илмларни мукаммал ўрганиб) эрди. Фазлиёти ҳам яхши эрди, батаҳсиси (айниқса) тарих илмиким анда мусаннафоти (асарлари) бор, машҳурдир” (Мажолис ун-Нафоис).

Абдураззоқ Самарқандий Шоҳруҳ Мирзонинг расмий элчиси сифатида Ҳиндистонга бориб келган ва сафар хотираларини кўрган кечирғанларини алоҳида боб қилиб ўзининг тарихга оид “Матла ас-саъдайн ва мажма ал-баҳрайн” (“Икки саодатли (юлдуз)нинг балқиши ва икки денгизнинг қўшилиши”) номли асарига киритган.

Асарда айтилишига кўра, муаллиф 1441 йили Ҳиндистонга Кўхистон йўли билан юрган ва Форс кўрфазидаги Ҳўрмуз бандарига келган. У ердан кемада Ҳиндистоннинг жануби-ғарбидаги Коликут бандарига 18 кун деганда етиб келган. У ердан Бажанагар шаҳрига ўтиб, шаҳар ҳокими билан учрашган ва элчилик вазифасини бажарган. Бу ердан яна денгиз орқали ортга қайтган. Кўп азоб-уқубатлар билан 75 кун деганда Ҳўрмузга етиб келган, сўнг Кирмон йўли билан юриб Ҳиротга қайтиб келган. Унинг бу саёҳати уч йил давом этган. Саёҳат пайтида юрган йўллари, бўлган шаҳар ва манзиллар, порт шаҳарлар, савдо моллари ҳақида, ҳиндларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, у ерларнинг ўсимлик ва ҳайвонот олами ва ажойиботлари кабиларни ўхшатишлар билан ёрқин ифода этиб берган. Масалан, Ҳўрмуз портини қуидагича таърифлаган “Бу Жарун деб (ҳам) аталувчи Ҳўрмуз шаҳри денгиз ўртасида жойлашган бир бандардирки, етти иқлиминг савдогарлари Миср, Шом, Рум, Озарбайжон, Араб ва Ажам Ироқлари, ҳамда Форс, Хурросон, Мовароуннахр ва Туркистон мамлакатлари, Даشت Қипчоқ мамлакатлари, Қалмоқ тарафларидан барча шарқ мамлакатлари, Чину Мочин ва Ҳонбалиқдан бу шаҳарга юзланадилар. Денгиз соҳилларидаги мамлакатларнинг кишилари Чин, Жова, Бангола, Силондан, Таносири, Зирбод шаҳарлари, Сўқутра, Шаҳри Нав ва Дива Маҳал оролларидан тортиб, ҳатто Балибор диёридан, Ҳабаша ва Зангибордан ҳамда Бижанагар бандарлари, Гулбарга, Гужарот, Канботдан, Арабистон қитъаси соҳиллари, ҳатто Адан,

Жудда ва Янбулардан қуёш ва ой (нурлари) ва мўл ёмғир сувлари обитоб бериб денгиз юзига чиқарилишига лойиқ қилиб (етилтирган) қимматбаҳо ва гўзал нарсаларни бу шаҳарда олиб келадилар”. Асарда Коликут порти ҳам шу тарзда таърифланган. Шунингдек, Ҳиндистонда филларни тутиш, ўргатиш ва боқиш ҳақида ҳам қизиқарли тасвирлар бор. 20 киши таркибида булган ва 1442-1445 йилларда Ҳиндистон сафарида иштирок этганларни Шоҳруҳ Мирзо шахсан Ҳирот ташқарисида оёқлари остига поёндозлар ташлаб кутиб олган. Чунки Шоҳруҳ Мирзонинг бундан олдин Ҳиндистонга юборган элчиларининг сафарлари муваффақиятсиз тугаганди. Элчилар сафар таассуротларини кунма-кун ёзиб борган Абдураззоқ Самарқандий маълумотлари асосида бу элчилик тарихга “Шоҳруҳ элтихонаси” номи билан кириб қолган.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981) Абдураззоқ Самарқандийнинг саёҳатини таърифлар экан, рус сайёҳи Афанасий Никитининг 1466-1472 йилларда Ҳиндистонга қилган саёҳати билан қиёсий баҳолашга ҳаракат қилган. Бу икки сайёҳнинг сафар йўналишини акс эттирган харитасини ҳам берганди. Маълумки, А.Никитин Ҳиндистондаги давлатлардан бири ҳисобланган Малабара саёҳат қилганди. XVIII аср Россия тарихчиси Карамзин бу ҳақда: “Х.Колумб болалик даврида Америка ҳақида тасаввур қилмаган пайтда бизнинг тверлик А.Никитин Малабара қирғоқларида саёҳат қиласди” - деб ёзган.

Форс тилида битилган шундай асарлардан яна бири машҳур Али Қушчи қаламига мансуб бўлиб, олимнинг 1438 йилда Мирзо Улуғбек томонидан Хитойга элчилик вазифаси билан юборилганлиги натижасида юзага келганди. “Хитойнома” номли ушбу асарда асосан Хитойнинг табиий шароити, аҳолисининг яшаш шароити, урф-одатлари ва хўжалигига оид маълумотлар баён этилганди. Айрим манбаларда ушбу асар “Тарихи хоқони Чин” номи билан ҳам тилга олинган.

Шарқ олами географиясида луғатчилик йўналиши

Х асрда Шарқ оламида яна бир илмий географик йўналиш шаклана бошлиди, уни луғатчилик йўналиши деб номлаш мумкин. Ушбу йўналишда яратилган асарларнинг дастлабкиларидан бири “Мафотих ал-улум” (“Илмлар калити”) дир. Асарнинг муаллифи яна бир улуғ ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий эди. Айрим ҳолларда бўлгани каби бу олимнинг ҳам туғилган йили номаълум, ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар ниҳоятда кам. Унинг 997 йилда вафот этгани ва биргина асари бизгача етиб келганлиги маълум.

Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ёшлиқ йиллари она юртида, Хива, Замахшар ва Кот шаҳарларида ўтган. Бу вақтларда Кот Хоразмнинг пойтахти эди. “Худуд ал-олам”да ёзилишига кўра, бу шаҳар Турк, Туркистон, Мовароуннаҳр ва Хазарнинг савдо маркази бўлган. Унинг ҳокими Хоразмшоҳ деб аталган. Маъмур шаҳар бўлган. И.Ю.Крачковскийнинг ёзишича, Абу Абдуллоҳ Хоразмий 975-991 йилларда Хуросоннинг марказий шаҳри Нишопурда яшаган ва сомоний ҳукмдор Нуҳ II ибн Мансурнинг вазири Абул Ҳасан Убайдуллоҳ ал-Утбийнинг котиби бўлиб хизмат қилган. Унинг машхур асари ҳам айнан Нишопурда шу вазирга атаб ёзилганди.

Олимнинг “Мафотих ал-улум” (“Илмлар калити”) асари кўп шарқшунос файласуф ва тарихчиларни қизиқтирган. Жумладан, голланд шарқшуноси Ван Флотен, немис олимлари К.Броккелман, Е.Видеман, американлик олим Г.Сартон, рус манбашунос олимлари В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский кабилар ушбу асар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Масалан, Е.Видеман Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг китобини “Биринчи мусулмон энциклопедияларидан биридир” деб, Г.Сартон (1953) эса “Мусулмон фани ва маданиятини ўрганишнинг бош манбаларидан биридир” деб, Хоразмийни ўзини эса X аср иккинчи ярмининг энциклопедист олими, деб ҳисоблайдилар.

Олимларимиз М.М.Хайруллаев ва Р.М.Баҳодировлар (1988) Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг илмий фаолияти ва унинг асари юзасидан монографик тадқиқот ўтказганлар. Олимнинг илмий фалсафий қарашларини қадимги юонон ва шарқ олимларининг асарлари таъсирида шаклланган деб, асарни эса табиий, илмий ва фалсафий тафаккур, хусусан фанлар таснифи бўйича энг муҳим манбалардан биридир, деб ёзгандилар.

И.Ю.Крачковский (1957) ҳам ушбу асарни “Барча билимлар доирасини қамраган терминлар изоҳли луғатидир ва унинг фан ва маданият тарихи учун аҳамияти “ал-Фаҳрист” асариникидан қолишмайди” деб баҳолаганди.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981) Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарини математик ва астрономик географиянинг муҳим манбаларидан бири сифатида ўрганиб, бу китобни икки қисмдан иборат бир нав қомус ёки терминологик луғатдир деб тавсифлайди. Унинг фикрича, бундай мураккаб луғат тузиш учун Абу Абдуллоҳ Хоразмий араб ва форс тилларидан ташқари, юонон, сурия ва бошқа тилларни ҳам яхши билган бўлиши керак.

“Мафотиҳ ал-улум” асари X асрнинг охирги чорагида ёзилган бўлиб, унинг биринчи қисмида араб фанлари, яъни фикҳ, калом, грамматика, иш юритиш, шеърият ва тарих фанлари тавсифланган. Иккинчи қисм эса араб бўлмаган ёки юонон ва бошқа халқлар фанларига бағишлиланган. Уларга асосан фалсафа, мантиқ, медицина, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа, кимё фанлари киритилган. Олимнинг географияга оид тасаввурлари асарнинг астрономия бўлимида келтирилган. Бу бўлимнинг ўзи тўрт бобдан иборат бўлиб, иккинчи бобида Ер юзасининг тузилиши, иқлиmlари тасвирланган. Шунингдек, йил фасллари, экватор, узунлик, кенглик, шарқ билан ғарб тушунчалари, тоғлар, дарёлар, шаҳарлар ҳақида маълумотлар берилган.

Асарнинг “Ернинг тузилиши ва иқлиmlари” қисмида шундай жумлаларни кўрамиз: “Ердаги экватор чизиги осмон экваторига рўпара туради. Айнан шу экваторда осмоннинг жанубий ва

шимолий қисмлари кўрилади. Экваторда тун ва кун доимо баробардир. Шаҳарнинг кенглиги (арзи) унинг экватордан узоқлигидир. Шаҳарнинг узунлиги (тули) унинг шарқдан ғарбгача масофасидир. Ҳақиқатда ғарб билан шарқнинг ниҳояси (чеккаси) йўқдир. Чунки астрономиядан маълумки, экватор доирасининг ҳар бир нуқтаси бир жойга нисбатан шарқийдир, иккинчи жойга нисбатан ғарбийдир. Аммо шарқ деб тўппа-тўғри айтилганда маъмуранинг шарқий чеккаси тушунилади, шунингдек, “ғарб” деганда ҳам маъмуранинг ғарбий чеккаси тушунилади. Шу икки нуқта (шарқ билан ғарб) орасида Ернинг ярми узунлик бўйлаб жойлашган. Ернинг маъмураси “обод” қисми (экватордан) шимол томонда. Ер қисмларга тақсим қилинган, бир қисми денгизлар билан қопланган ва бепоёндир, унинг четига етиб бўлмайди. Чунки Мұхит денгизлари ерни ўраб туради.

Экватордан шимолда одамлар яшагани учун “маъмураси” деб аталади. Канкадиз шаҳри энг шарқда бўлиб, Син (Чин) мамлакати ва Воқвоқнинг чеккасидадир.

Сус ал-Ақси маъмуранинг ғарбий чеккасидаги шаҳар, Андалуснинг нари ёғида, Рум денгизининг жанубий томонида. Шу иккала шаҳар орасида, Ернинг ярми узунасига жойлашган.... Ернинг қуббаси Ернинг марказидадир.

Хўжанд билан Шопуркон бир меридиандадир. Бу чизик Ернинг шарқий палласини ғарбий палладан ажратиб туради. Бу чизикдан юқоридаги (шарқдаги) шаҳарлар, масалан, Фарғона ва Қошғар ва Син ҳамда Воқвоққача бўлғанлари – шарқий шаҳарлардир. У чизикдан қўйидаги (ғарбдаги) шаҳарлар, масалан, Шош, Илоқ, Усрушона, Самарқанд ва Бухоро; то Суси Ақсигача – ғарбий шаҳарлардир” (Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, 1981, 45-46 б.).

Тарихчи олим Ш.С.Камолиддинов (1997) Ўрта Осиё тарихи ва маданияти тарихига оид ажойиб ёзма ёдгорликлардан бири, марвлик ҳадисшунос ва қонуншунос олим, тарих ва филология билимдони Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг (1113-1167) "Китоб ал-ансоб" ("Нисбалар китоби") асари

юзасидан монографик тадкиқот ўтказиб, ундаги Ўрта Осиёга оид барча маълумотларни ҳар томонлама таҳлил қилиб берган.

Жумладан, бизнинг мавзумизга тааллуқли бир қатор хуносаларга келган. Унинг ёзишига кўра, хоразмлик қомусий олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий ал-Барахий (Х аср), Самъоний бўйича Бухорода сомонийлар ва қораҳонийлар даврида таниқли олимлар авлодининг асосчиси бўлган. Хусусан, унинг катта ўғли Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Барахий ал-Хоразмий (ваф. 986 й.) таниқли сўфий, қонуншунос, филолог, сомоний ҳукмдор Нуҳ ибн Мансурнинг сарой шоири ва машҳур Абу Али ибн Синонинг адабиёт ўқитувчиси бўлган. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг иккинчи ўғли Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ас-Барахий ал-Хоразмий ҳам сўфий, қонуншунос ва шоир бўлган. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг набираси Абу Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Барахий ал-Хоразмий (XI аср) Бухоронинг олий қозиси, кейин қораҳоний Тамғачхон Иброҳимнинг (ҳукмронлик йиллари 1052-1068) бош вазири, сўнг Бухоро ҳокими бўлган, лақаби Шароф ар-Руъаса бўлган. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ал-Барахий нисбаси Самъонийга кўра, "барах" сўзидан олинган бўлиб, форсчада "қўзичноқ" маъносини англатади ва илгарилари қўзи савдоси билан шуғулланганлигига ишора қиласди.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий машҳур қонуншунос, шоир, файласуф, филолог ва араб тили грамматикаси бўйича йирик олим бўлган. Илмий мақсадларда Ироқ шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар килган. Ҳаж сафарини адо этиб, Маккада ҳам бўлган.

Шу орада Шарқ оламида яна бир ноёб луғат яратилган эдики, уни оддий луғат эмас, балки ўзига хос энциклопедия дейиш мумкин эди. Ушбу шоҳ асар “Девону луғатит турк” (“Туркий сўзлар девони”) деб номланиб, муаллифи Ўрта Осиёлик мутафаккир, туркшунослик, қиёсий тилшунослик, терминшунослик илмларининг асосчиси, лингвист, этнограф ва географ олим Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Кошғарий эди.

Олимнинг туғилган жойи Иссиқкўл бўйидаги қадимги Барсғон шаҳри ҳисобланади. Унинг буваси ва отаси ҳам шу ерлик бўлганлар. Кейинчалик Маҳмуднинг отаси оиласи билан қорахонийлар пойтахти Кошғарга кўчган ва ўша ерда яшаб қолишган. Маҳмуднинг Кошғарий нисбаси шундан.

Бўлажак олим бошланғич маълумотни Барсғонда олган. Кошғарда давом эттирган. Кейинчалик Мовароуннаҳр ва Хурсоннинг йирик илм марказлари Самарқанд, Бухоро, Марв, Нишопур шаҳарларида билимини оширган. Бирмунча муддат халифалик пойтахти Бағдодда ҳам бўлган. Натижада ўнга яқин тилни биладиган, замонасининг кўп фанларини ўзлаштирган қомусий олим бўлиб етишган.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони” асосан саккиз бўлимдан иборат бўлиб, унда етти ярим мингдан зиёд туркий сўзлар, иборалар, терминлар, жой номлари, кишиларнинг исмлари тилга олинган. Ўлкалар шаҳарлар, катта-кичик аҳоли манзиллари, халқлар, элатлар, қабилалар, денгизлар, кўллар, дарёлар, тоғлар, довонлар, даралар, водийлар, об-ҳаво ва иқлим, тупроқ ва ўсимликларга оид терминлар изоҳлаб берилган. Муаллиф тили билан айтганда, бу асар олдин ҳеч ким тузмаган ва ҳеч кимга маълум бўлмаган алоҳида бир тартибда тузилган.

Маҳмуд Кошғарий чамаси 15 йилга яқин илм излаб, бўлажак асарига этнографик, лингвистик, географик маълумотлар тўплаган. Қора денгиз бўйларидан Хитойгача бўлган юртларни кезганлиги, турли ўлка ва шаҳарларда бўлганлиги, турли халқлар, қабилалар билан яқиндан танишиб ўрганганлиги, географик жой номлари ва атамаларга оид катта ҳажмли маълумотлар тўплаганлиги асарда айтиб ўтилган. Унда турклар, туркманлар, ўғизлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарлари, қишлоқлари ва яйловларини кўп кезганлигини, луғатларини тўплаганлигини, сўз хусусиятларини ўрганганлигини ва аниқлаганлигини олимнинг ўзи ҳам эслатиб ўтган.


“Девону луғатит турк” асарида шу қадар катта ҳажмли, бой тарихий маълумотлар бўлганки, қатор тадқиқотчи олимлар уни

бебаҳо қўлёзма манба сифатида эъзоз билан тилга оладилар. Шарқшунос, тарихчи, тилчи, этнограф, географлар асарнинг ўз соҳаларига оид жиҳатларини тадқиқ қилганлар, ундаги маълумотлардан фойдаланганлар, мақолалар, китоблар ёзганлар. Бу борада ўзбек тилшунос олими Солих Муталибовнинг тадқиқотлари эътиборлидир. Олим “Девон”ни ўзбек тилига таржима қилиб, сўз боши билан нашр эттирган, асар эса араб тили ва имлосидан бехабар ўқувчилар ва тадқиқотчилар учун бебаҳо тухфа бўлган (1960-63 й).

Географ олим Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ҳам ўрта асрлардаги Ўрта Осиё ва Хуросондан етишиб чиқкан олимларнинг географик меросини ўрганишда Маҳмуд Кошғарийнинг ушбу асарини ва унинг айрим тавсифларига доир ёзилган турли мақолалар, уларда билдирилган фикр-мулҳазаларни синчиклаб таҳлил қилган ҳолда, асарнинг географик жиҳатларини илмий таърифлаб берган (1963, 1981). Ҳ.Ҳ.Ҳасанов бўйича “Девон”даги географик маълумотлар қуидагилардан иборатdir: 1) табиий географик терминлар ва уларнинг изоҳи; 2) доира шаклидаги дунё харитаси (5-расм); 3) жой номлари ва уларнинг изоҳи 4) айрим қабилаларнинг жойлашиши ҳақидаги маълумотлар; 5) астрономик маълумотлар, календарь системаси – мучаллар ва уларнинг тарихи.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981) “Девон”даги маълумотларни ушбу бандлар бўйича таҳлил қилас, асадаги географик терминлар ва айниқса, доира шаклида берилган дунё харитаси ва ундаги жой номларининг таҳлилига катта эътибор берганди. Жумладан, харитадаги жой номларини асар матнидаги номлар билан бирма-бир солиштирган ҳолда, Ўрта Осиё, Марказий Осиё, Жанубий Осиё, Европа ва Шимолий Осиё ўлкалари бўйича алоҳида-алоҳида тасвирлаб берганди. Бундан ташқари, олим “Девон”даги жой номларини Абу Райҳон Беруний асарларидаги ҳамда “Худуд ал-олам” асаридаги географик маълумотлар билан таққослар экан, уларнинг бир-бирига яқинлиги, кетма-кет келиши, бир мазмунда баён этилиши, баъзи номларнинг бошқа бирон-бир шарқ географининг асарларида учрамаганлигини

инобатга олиб, Маҳмуд Кошғарийни география соҳасида улув Берунийнинг муҳлиси, шогирди деб баҳолаганди. Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг фикрича, Маҳмуд Кошғарий луғатини ва ундаги дунё харитасини кўп жиҳатлари ҳали синчиклаб ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчисини кутмоқда. Чунончи, география фанлари номзоди М.Миракмалов (2009) “Халқ табиий географик терминлари” номли монографиясида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон”ини ўзбек (туркий) географик терминшунослигига оид илк манба сифатида ўрганиб, унда келтирилган қўплаб халқ терминларини, иборалари ва изоҳларини таърифлаб ўтган.



5-расм. Маҳмуд Кошғарий тузган дунё харитаси

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида (5-жилд, 77-78 б.) берилган маълумотга қўра, Маҳмуд Кошғарий 1080 йилда (ёки 1118 йилда) ватанига қайтиб келиб, Ўпал ноҳиясидаги Азиқ қишлоғида, Ҳазрати Муллом тоғи этагидаги тепаликда жойлашган мадрасада дарс берган ва илмий ижод билан машғул бўлган. Маҳмуд Кошғарий 1105 йилда (ёки 1126 й.да) 97 ёшида вафот этиб, Ўпалдаги унинг аждодлари мақбарасига дафн этилган. Мақбара ҳозиргacha “Ҳазрати Муллом мозори” номи билан машҳур.

Луғатчилик йўналишида яратилган асарлардан бири, фан тарихи тадқиқотчилари кўп фойдаланиб келаётган, улар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилаётган машҳур “Ал-Фиҳрист” асариdir. Ушбу библиографик луғат 988 йилгача араб тилида ёзилган ва турли фанларга оид китоблар ва уларнинг муаллифлари ҳақида қимматли маълумотлар жамланган ноёб асарлардан биридир. Ушбу асарнинг муаллифи асли бағдодлик бўлган Абул Фараж Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим ҳисобланади. Унинг туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Асарнинг 988 йилда ёзила бошлаганлиги ва XI аср бошларида тугалланганлиги маълум. Мазкур асар билан танишиб чиқсан В.В. Бартольд уни “исломнинг аввалги тўрт асридаги фан ва адабиёти ҳақидаги маълумотларнинг доимо энг асосий манбай бўлиб қолади” деб баҳолаганди.

Асар муқаддимасида муалифнинг ўзи араб ва араб бўлмаган олимларнинг турли фанлар бўйича араб тилида ёзган асарларини кўрсатиб, муаллифларнинг келиб чиқиши, туғилган ва вафот этган саналари, истиқомат қилган юртлари, асарларининг асосий хусусиятлари, ютуқ ва камчиликларини ёритиб беришга ҳаракат қилганлигини айтган.

Юқорида “Китоб ал-масолик ва-л мамолик” туркумидаги асарлар ҳақида сўз борганда, ал-Бакрий исми ҳам эсга олинганди. Бу шахснинг тўлиқ исми Абу Убайд Абдуллоҳ ал-Бакрий бўлиб (вафоти 1094 й), нисбаси арабларнинг бакрит қабиласидан

бўлганлигига ишора қиласи. XIX асрдаги европалик айрим фан тарихчилари ал-Бакрий шахсини юқори баҳолаб, уни энциклопедист олим, араблар Испаниясининг буюк географи деб ҳисоблаганлар. Аслида у серқирра билимли адаб эди. Унинг географияга оид яна бир асари “Муъжам мастожам” номли географик луғатдан иборат бўлган. Унда муаллиф Қуръонда, ҳадисларда, ҳикояларда, шеърларда, тарих ва адабий асарларда учраган ва асосан Арабистон ярим оролига тааллукли бўлган аҳоли яшаш жойлари, шаҳар ва қишлоқлари, қумликлари, қудуқлари кабиларга оид маълумотларни тўплаб, араб алфавити тартиби билан изоҳлаб берган.

Шунга ўхшашиб, яъни асосан Арабистон ярим оролидаги географик обьектларни қамраган географик луғат “Китоб ал-жибол вал-амкина вал-мийоҳ” (“Тоғлар, жойлар ва сувлар хақидаги китоб”) номли асар, ватандошимиз, араб тили ва грамматикасига оид қимматли асарлар муаллифи, серқирра олим Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1075-1144) томонидан тузилганди. Замахшарий қадимги Хоразмнинг Замахшар қишлоғида, тақводор бир оиласи туғилган. Бирламчи саводини уйида, ўз отаси ёрдамида чиқарган. Сўнгра Журжон мадрасасида ўқиб, қатор диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаб олган. Бир неча йил Бухорода бўлиб, билимларни оширган. Кейинчалик Хурросон, Сурия, Ироқ, Ҳижоз томонларга саёҳат қилган. Марв, Нишопур, Исфаҳон, Бағдод каби илм марказларида замонасиининг машҳур олимлари сұхбатларидан, илмларидан баҳраманд бўлган. Маккада ҳам бир неча йил яшаб, илм билан шуғулланган. Ўзининг географик луғатини ҳам шу ерда, Макка ҳокимиининг таклифи билан ёзган. Замахшарий ўзининг ушбу луғатида Арабистон ярим оролидаги шаҳарлар, аҳоли манзиллари, зиёратгоҳлари, мақбаралар, мачитлар, тоғлар, водийлар, сув манбалари ва ҳоказоларни алфавит тартибида бериб, изоҳларини баён қилиб берган. Изоҳларда жой номларининг келиб чиқишига доир қизиқарли маълумотлар ҳам келтирилган. Луғатдаги айрим жойларнинг номлари изоҳсиз

бўлганлигини инобатга олган тадқиқотчилар (масалан, И.Ю.Крачковский) асарни поёнига етказилмаган ёки чала таҳрир қилинган деб ҳисоблаганлар.

Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида тарихчи олим Убайдулло Уватовнинг қатор асарларида кенг маълумотлар баён қилинган.

XII асрнинг ўрталарида Самарқанд шаҳрида яна бир ўзига хос луғат яратилгандики, у ҳозирги кунларга қадар географик, этнографик ва тарихий манба сифатида фан ва маърифат тарихчиларининг эътиборида бўлиб келмоқда. Асар “Китоб ал-Ансоб” (“Нисбалар китоби”) деб номланиб замонасининг таниқли олими Абу Саъд Абдулкарим ибн Мухаммад ас-Самъоний ал-Марвазий (1113-1167) томонидан тайёрланганди. Муаллифнинг ота-боболари арабларнинг самъон қабиласидан бўлиб, Марвда яшаганлар. Абу Саъд ҳам шу ерда туғилган.

Самъоний яшаган даврда Марв шаҳри Хурросон, Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудлари доирасидаги Шарқий Салжук давлатининг пойтахти эди. Бу шаҳар қадимдан Шарқ оламида кўплаб олиму-фозил марвазийларни етиштириб берган илм-фан ва маърифат ўчоғи бўлган. Бу анъана охирги салжуқий ҳукмдор султон Санжар (1118-1157) даврида ҳам давом этди. Кўплаб мадрасалар ва кутубхоналар фаолиятда бўлиб, илм-фан тараққий этди.

Самъонийлар оиласи ҳам шаҳарнинг зиёли, маърифатли ва қатор олимлар авлодини етиштириб берган оиласалардан эди. Абу Саъд ҳам дастлабки маълумотни оиласида, отасидан олди. Сўнг оила тасарруфида бўлган мадрасада фаннинг турли соҳалари бўйича пухта билимга эга бўлиб етишди. Кўп китоб мутолаа қилди. Кейинчалик илм излаб Шарқ оламининг кўпгина йирик илмий марказларига саёҳат қилди. Бухоро, Нишопур, Исфаҳон, Бағдод, Алеппо, Ҳалаб, Дамашқ, Қуддус шаҳарларида бўлиб, замонанинг етук ва таниқли олимлари билан учрашган, илмий сұхбатларидан баҳраманд бўлган. Бир мунча муддат Хижозда ҳам яшаган. Бўлажак асарлари учун қимматли маълумотлар тўплаган.

Самъонийнинг “Китоб ал-ансоб” асари саккиз жилдан иборат бўлиб, унда Шарқ оламида яшаб ўтган тарихий шахслар, олимлар ҳукмдорлар ва қабила бошликлари, турли ўлкалар, шаҳар ва қишлоқлар ва бошқа қатор географик жойларнинг номлари алфавит тартибида берилиб, батафсил изоҳлари баён қилинган. Жойлар номларининг транскрипцияси ва топономик жиҳатларига ҳам катта эътибор қаратилган. Мовароуннахр, Хурсон ва Эрон худудларидаги географик номларга кенгрок ўрин берилган. Асарда кўплаб Шарқ олимларининг биографиясига оид маълумотларнинг берилганлиги, улар ёзган асарларини бирма-бир санаб ўтилганлиги ҳам ундаги маълумотларнинг қимматини оширган.

Самъонийнинг “Китоб ал-ансоб” асари кейинги асрлардаги китобхонларга ҳажми жиҳатдан фойдаланишга ноқулай сезилган чамаси, уни қисқартирилган нусхаларини яратишга ҳаракат қилганлар. Аввал, 1219 йилда араб олими ибн ал-Асир, кейин 1469 йилда олим ас-Суютийлар асарни икки бор қисқартирганлар ва “ал-Лубоб” сарлавҳаси остида маълум қилганлар. И.Ю.Крачковскийнинг (1957) таъкидлашига кўра, ушбу қисқартма нусхалар ҳозирда маълум миқдорда ўзининг илмий аҳамиятини йўқотган, аммо “Китоб ал-ансоб”нинг асли Ўрта Осиё билан боғлиқ тарихий географик масалалар бўйича бир умрга фойдали маълумотнома бўлиб қолаверади.

Самъонийнинг элликка яқин илмий асар ёзганлиги, жумладан унинг 20 жилдлик “Марв тарихи” номли асари бўлганлиги манбаларда қайд этилган. Жумладан, машхур луғатнавис олим Ёқут Ҳамавий Самъоний ва унинг оиласида вужудга келган олимлар ҳақида ва умуман XII асрдаги Марв шаҳри ва бу ердаги илмий шароит ҳақида, бу ерда туғилиб ўсган, замонасининг етук олиму фозиллари ва уларнинг асарлари ҳақида кўп тарихий маълумотларни ёзиб қолдирган.

Фан тарихчилари Ёқут Ҳамавийнинг иккита луғатини кўп бор тилга оладилар. Улардаги одил ва ишончли маълумотлардан кенг фойдаланадилар. Ушбу луғатлардан бири ўн жилдлик

“Муъжам ал-булдон” (“Мамлакатлар луғати”) бўлиб, том маънодаги географик луғат ҳисобланади. Иккинчи луғати эса “Муъжам ал-удабо” (“Адиблар луғати”) деб номланиб, машҳур шахслар, ҳукмдорлар, олимлар, адиблар ҳақида кўп қимматли тарихий маълумотлар жамланган асар ҳисобланади.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981) Ёқут Ҳамавийнинг келиб чиқиши ва Марвдаги ҳаёти ҳақида, унинг 1229 йилда Сурияниг Ҳалаб шаҳрида 50 ёшида вафот этганлиги ҳақида маълумот берар экан, олимнинг “Муъжам ал-булдон” асарида ҳар бир мамлакатга, шаҳар, тоғ, дарё ва қишлоққа берилган изоҳлар билан бир қаторда, ахолига доир, шу ерда яшаган атоқли шахслар, шу ердаги зиёратгоҳлар, ёдгорликлар, об-ҳаво шароитлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўплигини айтганди.

XIII аср бошларида Ёқут Ҳамавийнинг замондоши Жамолиддин ибн Юсуф ал-Қифтий (1172-1239) томонидан ёзилган “Тарихул Ҳукамо” (“Донолар тарихи”) китоби ҳам бир нав луғат эди.

Ўрта асрлар Шарқ олами географиясидаги луғатчилик йўналиши кейинчалик ҳам бир неча асрлар давомида мавжуд бўлди. Бу йўналишда яратилган асарлар қаторига XIV асрда Журжоний тузган терминологик луғатни, XVII асрда турк шарқшунос олими Ҳожи Ҳалфа Котиб Чалабийнинг “Кашф аз-Зунун” номли асарини киритиш мумкин. Кейинги асар Шарқдаги машҳур шахсларнинг, жумладан астроном, географ олимларнинг ҳам таржимаи ҳоли, илмий фаолияти ва ёзган асарлари ҳақидаги турк алифбосининг 18 та ҳарфи бўйича маълумотлар тўпланган бир нав энциклопедик луғат эди. Шу каби асарлар қаторига XVII асрнинг биринчи ярмида яшаган балхлик қомусий олим Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал-асрор фи муноқиб ал-ахёр” (“Хайрли кишиларнинг юқори хислатлари тўғрисидаги сирлар денгизи”) номли асарини ҳам қўшиш мумкин.

Маҳмуд ибн Вали 1004 ҳижрийда, яъни 1595-1596 йилда Балхда, асли Наманганинг Косон қишлоғидан бўлган Мир Муҳаммад Вали оиласида туғилган. Отаси Балхда юксак

маълумотли кишилардан ҳисобланган, “Мир Хислат” тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг катта ўғли Амир Абулборий ўқимишли фақих ва табиб бўлган. Маҳмуд ҳам дастлаб оиласда, сўнг поччаси, йирик шайх Сайид Миракшоҳ Ҳусайнин қўлида 1604-1625 йиларда ҳадис, фикх ва тиб илмларидан билим олган. Устозининг бой кутубхонасида астрономия, география ва тарихга оид кўп асарларни ўрганган. Миракшоҳ вафотидан сўнг, 1625 йилда Маҳмуд ибн Вали дунё ажойиботларини ўз кўзи билан қўриш ва билимини ошириш ниятида карвонга қўшилиб, Ҳиндистонга сафар қиласди. У ерларда етти йил мобайнида мамлакатнинг табиати, вилоят ва шаҳарлари, ҳалқи, урфодатлари, хўжалиги билан яқиндан танишади. Лахор, Пешавор, Дехли, Агра, Радж-Маҳал, Голконда, Ҳайдаробод, Вижаянагар, Калкут, Бикар шаҳарларида бўлиб, бу шаҳарлар ҳақида қимматли маълумотлар тўплайди.

Маҳмуд ибн Вали 1631 йилда Балхга қайтиб келгач, Балх ҳукмдори аштархоний Нодир Муҳаммадхоннинг сарой кутубхонасида китобдор вазифасида ишлай бошлайди ва умрининг охиригача илм билан шуғулланади. Кўп асарлар ёзади, 50 минг байтлик шеърлар девони ҳам бўлган. Унинг энг йирик асари “Баҳр ал-асрор...” Нодир Муҳаммадхоннинг топшириги билан 1634-1641 йилларда ёзилган. Форс тилида ёзилган ушбу асар етти жилдан иборат бўлиб, ҳар бир жилди тўрт қисмга бўлинган. Ҳозирги кунда асарнинг фақат биринчи ва олтинчи жилдлари мавжуд.

Биринчи жилднинг кириш қисмида муаллифнинг Ернинг шакли, сайёralарнинг ҳаракати ва борлиқнинг асоси тўрт унсур ҳақидаги мулоҳазалари берилган. Олимнинг сув унсури ва ер унсури ҳақидаги маълумотлари анча кенг таърифланган. Масалан, сув унсурига оид сахифаларда дарёлар, кўллар, булоқлар алфавит тартибида изоҳланган. Дарёларнинг суғоришдаги аҳамияти, булоқларнинг шифобахш хусусиятлари ҳам айтиб ўтилган.

Ер унсури қисмида муаллиф ернинг тузилиши, рубъи маскун ва етти иқлим ҳақида маълумотлар беради.

Биринчи жилдинг биринчи қисми мамлакатлар ва шаҳарлар тавсифига бағишлиланган. Унда Мовароуннахр, Хурсон, Эрон ва Ҳиндистонга оид қимматли маълумотлар бор. Шаҳарлар таърифи ҳам алфавит тартибида баён қилинган.

Иккинчи қисмида қисқа кириш қисмидан сўнг тоғлар ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ва айниқса, табиий ресурслари ҳақида сўз юритилади.

Учинчи қисм қимматбаҳо металлар ва 180 дан ортиқ қимматбаҳо тошлар ҳақидадир.

Тўртинчи қисмда эса мевали ва манзарали дарахтлар, донли ва сабзавот экинлари, ҳайвонот ва қушлар ҳақида сўз боради.

Олтинчи жилдини ўрганган В.В.Бартольд унинг мазмунини қисқача баён қилиб берган. Ушбу жилд асосан Чингизхондан то Нодир Муҳаммадхонгача бўлган давр тарихига оид бўлиб, охирида муаллифнинг Ҳиндистонга қилган саёҳати таърифланган.

Умуман олганда, Маҳмуд ибн Вали ўз асарини ёзишда Ибн ал-Фақих Истахрий, Ибн Ҳавқал, Яқубий, Абу Дулаф, Масъудий, Муқаддасий каби бир қанча географларнинг айниқса, Абу Райҳон Беруний асарларидан кенг фойдаланган. Шунингдек, Ҳофизи Аbru, Абдураззок Самарқандий, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар асарларидан ҳам маълумотлар олган. Шу сабабдан Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал-асрор”ини ўрта аср географиясига доир сўнгги асарлардан бири деб ҳисоблаганди.

Асар биринчи жилдининг географияга оид каттагина қисмини тарихчи олим Б.Аҳмедов форсчадан русчага таржима қилган ва сўзбоши, изоҳлар билан 1977 йилда “Фан” нашриётида чоп эттирган.

Ўрта асрлар Шарқ олами географияси тарихида Беруний даври

Географ олим Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981) Ўрта Осиё ва Хурросонда география фанининг тараққиётида ажралиб турадиган иккинчи даврни асосан XI асрга тўғри келишини ва қисман XII-XIII асргача давом этганлигини белгилаб, уни Беруний география мактаби деб номлаганди. Америкалик олим Сартон (1953) ҳам XI асрнинг биринчи ярмини борича дунё фани тараққиётидаги Беруний даври деб атаганди. Дарҳақиқат, бу давр ўрта осиёлик буюк олим Абу Райхон Берунийнинг илмий фаолияти, ажойиб асарлари билан жаҳон фани тараққиётига қўшган ҳиссалари билан белгиланади. Олим ўзининг пухта ва ишончлиликда тенги йўқ асарлари билан ўз ҳалқини, юртини жаҳонга машхур қилганди. Шарқ оламида фан тараққиётининг Абу Райхон Беруний бошлаб берган янги даври, яъни аввалги асарларда мавжуд бўлган камчилик ва хатоликларни тузатиш, тўпланган маълумотларни илмий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, қонуниятларини аниқлаш, бевосита илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларнинг ечимларини излаш даври айнан шу олимнинг номи билан боғлиқ бўлди. География фанининг тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам шундай.

“Беруний ўрта аср шароитида ҳақиқий илмий табиатшуносликка асос солди, унинг турли соҳаларда ўз даври учун таажжубга соловчи шундай фикр ва илмий фаразларни олға сурдики, улар бир неча асрлардан сўнг Европа илмида ўз исботини топди. Беруний ўрта аср шароитида ҳақиқий тажрибага, кузатиш, экспериментга асосланувчи аниқ илмий тафаккурни бошлаб берувчилардандир” (А. Шарипов, 1999. 97 б.). Шу маънода Беруний қолдирган географик мероснинг ҳам аҳамияти бекиёсdir.

Абу Райхон Берунийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, у яратган илмий асарлар фан аҳлини доимо қизиқтириб келган. Бу ҳақда жуда кўп, турли мазмун ва ҳажмдаги мақолалар, монографик

асарлар, рисолалар мавжуд. Тарихий биографик роман ҳам (И.Тимофеев, 1986) ёзилган. Абу Райхон Берунийнинг инсонийлик ва олимлик хусусиятлари, айрим асарлари ҳақида ўрта асрлар олимлари ҳам кўп яхши фикрларни ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Ёқут Ҳамавий ўзининг “Муъжам ал-удабо” номли лугатида Беруний ҳақида: нафси пок, сухбати ширин, хушмаишат, ширин сухан, иффатли, номусли, ростгўй ва дангалчи одам бўлган, асло ножўя ишлар қилмаган деб, унинг инсоний хислатларини ёритиб берган бўлса, Шахрирзўрий олимнинг ташқи қиёфасини: “У қизилмағиз, оппоқ узун соқолли, паст бўйли, қорни катта одам эди” деб таърифлаганди.

Абу Райхон Берунийнинг олимлик сифатлари ҳақида XIII асрда яшаган Сурия адабиётининг классик шоири, адиби ва қомусий билим эгаси, тиббиёт, тарих ва фалсафага оид асарлар муаллифи Абул Фараж (асли исми Григорий Иоан Бар Эбрай) (1226-1286) ўзининг “Мароқли ривоятлар” китобида : “Ўша ўтган йилларда юонон ва ҳинд фалсафаси денгизини кечиб ўтган Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал Беруний ўтмиш илмларида шухрат қозонди. У математика илмларида мутахассис бўлиб, бу соҳада қатор муҳим китоблар яратди. Ҳиндистонга бориб, у ерда бир неча йил яшади, ҳинд файласуфларидан уларнинг санъатини ўрганди ва уларга юонон фалсафасини ўргатди. Унинг асарлари ниҳоятда кўп, етук ва ниҳоятда ишончлидир. Бир сўз билан айтганда, ўз даврида, ундан сўнг ва ҳозирга қадар ҳам ҳамкаслари орасида астрономия илмида бундай билимдон ва бу илмнинг асосини ҳамда нозик томонларини чуқур биладиган одам бўлмаган” – деб ёзганди.

Абу Райхон Берунийнинг билимдонлиги, тўғри сўзлиги, хушомадгўйлик ва лаганбардорликдан узоқлиги каби инсоний хусусиятлари Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чор мақола” номли китобида келтирилган ривоятларда ўз аксини топган. Жумладан, уларда (3-боб, 2-3 ҳикоялар) Абу Райхон Берунийнинг султон Маҳмуд Ғазнавийнинг раъийига қарши гапириб, унинг ғазабига учраб, томдан ташланганлиги-ю, олти ой Ғазни

қальасига қамаб қўйилгани ривоят қилинган. Бунда олимнинг жон сақлаб қолишида вазир Хўжа Аҳмад ибн Ҳасан ал-Маймандийнинг ёрдами ҳам таъкидлаб ўтилган.

Абу Райҳон Берунийнинг олимлик сифатларини ҳозирги замон олимлари ҳам холисона баҳолашга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақда Ҳ.Ҳ.Ҳасанов билдирган фикрлар бизда аниқ тасаввур ҳосил қиласди: “Берунийнинг ёзиш услуби, ўз фикрини усталик билан китобхонга манзур тарзда баён эта билиши ҳар бир масалага, ҳодисага илмий қўз билан ва танқидий қараганлиги, мустақил хулоса чиқарганлиги, қисқаси, олимнинг ижодий йўли ҳозирги замон олимларини қойил қолдирмоқда.

Унинг бутун дунё фанига қўшган бебаҳо ҳиссасини фан аҳллари ҳурмат билан тилга олганлар ва олмоқдалар, уни юксак чўққига, зўр ёритгичга тенглаштириб: “У Ўрта Осиё илмий тоғликларида жуда кўп тепалар орасида бамисоли энг баланд чўққи”, “Ўрта Осиё юлдузлар туркумидаги зўр ёритгич”, “Араб тилида яратилган асрлар океанидан кўкка мағруронга бўй чўзган чўққи”, “ўз даврининг ақл-идроқини мужассам этибина қолмай, келажак авлодга ҳам илм-фаннынг янги шуълаларини тарқатган олим”, демоқдалар. Абу Райҳон Беруний XI асрнинг энг улуғ олими бўлиши билан бирга фан тарихида чуқур из қолдирган сиймодир ҳам”.

Шу ўринда 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шахрида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро анжуманида ҳам “Маъмун академияси”, “Байт ул-Ҳикма” да самарали меҳнат қилган олимларнинг илмий меросига катта баҳо берилди.

Абу Райҳон Беруний 973 йил 4 сентябрда Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳри чеккасидаги қишлоқларнинг бирида туғилган. У болалик йиллариданоқ таниқли риёзиётчи ва фалакиётшунос олим Абу Наср Мансур ибн Ироқ (948-1036) қўлида тарбияланади.

Абу Наср ибн Ироқ афригий хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқнинг амакиваччаси бўлиб, ўз замонасидағи математика ва астрономия илмларида етук бўлган, шу илмларга оид асарлари билан машҳур бу сиймо “Батлимуси соний”, яъни “иккинчи Птолемей” номи билан танилганди. Бу кишини таниқли шоир, математик ва астроном Умар Хайём эса “математика билан шуғулланганлар ичида энг улуғи” деб баҳолаганди. Ибн Ироқнинг ўз шогирди Абу Райҳон Берунийга атаб ўндан ортиқ қўлланма, илмий асарлар ёзиб бергани ҳам маълум.

Шогирд Абу Райҳоннинг ўзи ҳам ақл-идрокли, билимга чанқоқ ва тиришқоқ бўлганлиги сабабли тез орада замона илмларини жадал ва пухта эгаллаб олган. Бу ҳақда унинг ўзи ҳам “ёшлигимданоқ қандоқ бўлсан ҳам маърифат олишга қаттиқ берилган ва шундан лаззатланган эдим” – деб ёзганди.

Беруний қадимги юонон олимлари Аристотел, Платон, Птолемей, Евклид кабиларнинг, шарқ олимлари ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Маъшар Балхий, Абу Зайд Балхий, Жайҳоний асарларини яхши ўрганган, астрономик кузатувлар олиб борган. Ўзининг “Мубайилар ва қарматлар ҳақида хабарлар” ва “Юлдузлар хукмидан огоҳлантириш китоби” каби дастлабки асарларини ҳам шу ерда ёзган. Аммо бу орада, айрим сиёсий воқеалар туфайли олим ўз илмий кузатишларини тўхтатишига ва охир-оқибат Хоразмдан чиқиб кетишга мажбур бўлган.

Маълумки, 995 йилда Жанубий Хоразм ҳокими Маъмун ибн Муҳаммад Шимолий Хоразмнинг пойтахти Котни ишғол қиласди. Сўнгги афрағий хукумдор Абу Абдуллоҳ ибн Ироқ қатл қилиниб, иккала Хоразм бирлаштирилади ва пойтахт Гурганж (ҳозирги Кўҳна Урганч) да Маъмун ибн Муҳаммад ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қиласди.

Хоразмдан чиқиб кетган Абу Райҳон, дастлаб Рай шаҳрига келади. Ўрта асрларда Эроннинг иирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган бу шаҳарда олим кўп моддий қийинчиликларга дуч келади ва 998 йилда Каспий денгизининг

жануби-шарқида жойлашган Журжон шаҳрига кўчиб ўтади. Бу ерда унга Журжон вилоят ҳокими зиёрийлар сулоласидан бўлган Шамс Маоли Қобус Вашмгир ўз саройидан бошпана беради, илм билан шуғулланишига шароит яратади, маош тайин қиласди.

Орадан икки йил ўтиб, Беруний ўзининг йирик асари “Ал осор ал боқия ан ал-Қурун ал-Ҳолия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) ни ёзиб тугатади.

Қобус ибн Вашмгирга бағишланган ушбу асарда юнонлар, эронийлар, сўғдийлар, хоразмийлар, араблар, яхудийлар каби турли халқларнинг урф-одатлари, йил ҳисоблари, ой ва мучал номлари, байрамлари, ой манзиллари каби кўп тарихий, географик маълумотлар келтирилган бўлиб, Берунийга катта шухрат келтирди, уни фаннинг ҳамма соҳаларини яхши биладиган етук олим эканлигини элга танитди. Муаллифнинг ўзи асар ҳақида “Ер шари ва унинг устки тузилиши ҳақидаги бу китобимда ёзилган сўзлар менинг ўз фикрим ва пухта текширишларим натижасидир” – деб ёзган эди. Шу маънода, ёш Берунийга “ўзидан илгари ўтган олимларнинг китобларидан сочилган дурларга ўхаш нафис масалаларни териб, таърифга тузган ва шарҳ қилган” деб, бошқа бир манбада ҳам юқори баҳо берилганди.

Журжондаги мавжуд шароитдан унумли фойдаланган Абу Райҳон бу ерда астрономияга оид яна ўнга яқин асарлар ёзган.

Маълумки, 997 йилнинг бошларида Хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад вафот этади ва тахтга унинг ўғли Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун ўтиради. Янги хоразмшоҳ билимли, илмга ва маърифатга хайриҳоҳ бўлиб, ўзининг доно вазири Абул Ҳасан ал-Саҳлий билан биргаликда саройга кўплаб олиму-фозилларни, фаннинг турли соҳаларида элга танилган илм намоёндаларини таклиф қилиб, уларга зарур ижодий шароит яратиб берадилар.

Абу Райҳон Беруний ҳам 1004 йилда Хоразмга қайтиб, бу ерда тўпланган олимлар қаторига келиб қўшилади. Шу тариқа Гурганжда “Дорул-ҳикма ва маориф” (айрим манбаларда “Мажлиси уламо”) номли илмий муассаса, ҳозирги замон тили

билан айтганда “Хоразм Маъмун академияси” шаклланади. Ушбу илм маркази тўлақонли фаолият юрита бошлайди. Бунга илмга қизиқувчан олимларга эътиборли хоразмшоҳ Маъмун, оқил ва доно вазир ва етук олим Абу Райхон Беруний бош-қош бўлдилар. Шу маънода XII аср адиби Низомий Арузий Самарқандий: “Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмуннинг вазири бор эди, исми Абу Ҳасан Аҳмад Муҳаммад ас-Суҳайлий эди, фалсафий тафаккур, олийжаноб қалб эгаси, маърифатли инсон эди. Хоразмшоҳнинг ўзи ҳам фалсафага мойил ва маърифатчиларга муруватли эди. Улар туфайли саройда кўп файласуфлар ва олимлар тўпланди”- деб ёзганди.

Беруний ўзининг илмлилиги, поклиги ва тўғрисўзлиги каби олийжаноб инсоний хислатлари билан хоразмшоҳнинг эътиборини қозонганди. Бу ҳақда “Номаи донишварон” китобида: “Абу Райхон Беруний Хоразмшоҳ саройида кўп вақт бўлди. Унинг ҳузурида шунча маҳрам бўлдики, ҳамиша унга ҳамдам бўлиб яшади. Шунчалик ишонч орттиридиким, Хоразмшоҳнинг ҳамма ишида маслаҳатчи ва ҳар бир сирига ишончли ошна бўлиб қолди” – деб ёзилганди (Ҳ.Ҳ.Ҳасанов 1981, 51 б)

Бу вақтда Хоразмшоҳ Маъмун “Мажлис уламо”сида замонанинг кўп етук ва машҳур олимлари илм билан шуғуллана бошладилар. Жумладан, Берунийнинг устози ибн Ироқ, машҳур табиб, мантиқ ва фалсафа билимдони Абулхайр ибн Ҳаммор, машҳур табиб ва аллома Абу Али ибн Сино ва унинг устози табиб Абу Сахл Масихий, Абу Саид ибн Аҳмад ибн Мискавайх, Абу Мансур ас-Саолибий каби олимлар ва адиблар фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатганлар.

Хоразмда бундай илмий муҳитнинг ташкил этилганлиги Абу Райхон Берунийнинг илмий фаолиятида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг ихтиёрида керакли илмий анжомлар, зарур асбоблар етарли бўлган. Жумладан, диаметри 3 метр келадиган, оралиқ минутларга тақсимланган квадрант ҳам бўлган. Машҳур “Беруний глобуси” ҳам шу даврда ясалган бўлиши мумкин. Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг фикрича, “Шарқ оламидаги дастлабки глобус

бўлиши билан бирга, энг биринчи бўртма рельефли глобус ҳам бўлган. Эҳтимол, харитография тарихида математик география принципларига асосан ясалган биринчи глобус ҳамдир” (1981, 95 б.).

Беруний ўзининг “Тасдих ас-сувар ва тадбиқ ал-қувар” номли рисоласини шу ерда ёзиб, Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмунга бағишлиған. Ушбу асарда астрономия, харитография ва географиянинг амалий аҳамияти, фойдаланилган манбалар, улардаги хатоликлар ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, астролябия асбоби, унинг хиллари, градус тўри, харитографик проекциялар, географик харита ва осмон глобусини ясаш тўғрисида ўз фикрларини баён қилган.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Абу Райхон Берунийнинг ушбу асарини қисқача қилиб “Харитография” деб аташни таклиф қилиб, ундан қўйидаги парчаларни келтиради. “Осмонни зийнатлаб турган, эътибор билан қаровчилар учун ҳужжат, чўллар ва денгизларда адашганлар учун аломат ва нишон бўлган юлдузлар орасида (расадхоналарда) кузатиладиган ҳамма ёритгичларнинг суратшаклларини танишнинг, астрономиянинг иккала қисмида ҳам манфаат ва фойдаси оз эмас.

Шунингдек, йилга тегишли билимларда, яъни фаслларнинг бирин-кетин келуви сабаби йил мавсумларининг ўзгаришини аниқлашда, асрлар бўйи барча йилларда бир-бирига яқин ва ўхшаш тартибда қуруқлик ва денгизда юз берувчи табиий ҳолларни: қурғоқчилик, намгарчилик ва мўътадиллик пайдо бўлишини, буларнинг буғлар сабабли вужудга келиб, мамлакатлар, жойлар ўзгаришлари бўлмаса ўзгармасликларини, масалан: ёғинлар ёғишини, гармселлар, ўт чиқишлиар, ҳавонинг дафъатан исиб ёки совиб кетиши, аямажузлар вақтини, урчиши пайлари, ҳайвонларни қочириш, кўчатлар ўтказиш, экинлар экиш лозим бўладиган вақтларни билишда - у ишлар маълум вақтлардан бошқада натижасиз бўлади, денгизлар қўзғалиб, уларда юриб бўлмайдиган вақтларни билишда; ер юзидаги мамлакатларнинг бир-биридан қандай вазиятда эканини, тоғлар,

денгизлар ва дарёларнинг вазиятларини, яқин йўллардан юришни, аскарларни юрғизиш, карvonларни жўнатиш учун яқин йўллар топишни билишда; жой ва мамлакатлардан қай бири қай бирининг рўбарўсида эканини билишда ҳам манфаат фойдаси оз эмас” (61 б). Ушбу жумлалардан кўриниб турибдики, Беруний ўз асарларида астрономия ва географиянинг амалий аҳамиятига катта эътибор берган. Шунингдек, ушбу рисолада географик харита ва уни ясаш тўғрисида шундай фикрлар билдиради: “Ер курасини сатҳга ўтказишида эса шаҳар ва қишлоқларнинг узунлик ва кенгликларини, денгизлар, булоқлар, дарёлар, қумликлар, тоғлар, конлар, тепаликлар, қияликлар ва сойликларни баён этадиган “Жуғрофия” китобига эҳтиёж тушади ва бу китобдагига қараб уларнинг (белгилари) ишланади. “Йўллар ва мамлакатлар” ҳақида ёзилган китобларнинг эгалари Ернинг иккала сурати-кура ва сатҳ суратида шундай иш юритганлар: денгизлар пистамаиз ранг билан, оқар сувлар қаҳрабо ва осмоний рангда, қумлар заъфаронсимон сариқ рангда, тоғлар озгина қизил аралашган гунафша рангда, шаҳарлар тўртбурчак шаклда, қирмизи қизил рангда, йўллар кулранг ва тўқ жигарранг билан кўрсатилган”. Асарда яна астрономия асбобининг турлари, географик узунлик ва кенгликлар, харитаграфик проекциялар, шарни текис қофозга кўчириш, осмон глобусини ясаш тўғрисида ҳам гапирилган.

Хоразмдаги сиёсий, ижтимоий шароит тез орада ўзгариб, Абу Райхон Беруний учун қулай илмий шароит яна барҳам топди. “Маъмун академия”си ҳам тарқаб кетди. Бунинг асосий сабаби 1017 йил бошларида Абул Аббос Маъмуннинг ўлдирилиши ва Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий томонидан босиб олингани бўлди. Натижада бу ердан илмий маскан топган баъзи олиму-уламолар ватанини ташлаб, ўзга юртларда яшириниб яшашга мажбур бўлдилар. Қолганлари эса шу жумладан, Абу Райхон Беруний ҳам, мажбуран Ғазни шаҳрига, ғазнавийлар пойтахтига олиб кетилди. Олимнинг бундан кейинги то вафотига қадар бўлган ҳаёти асосан шу шаҳарда ўтган ва анча оғир ҳамда турли кечинмаларга бой бўлган. Аммо шунга қарамай, Берунийнинг бу

даврдаги илмий фаолияти жуда самарали бўлган. Унинг бир қатор машхур асарлари айнан шу ерда яратилган. Шундай асарлардан бири астрономия ва географияга оид бўлиб, 1025 йил ёзиб тугатилган ва “Китобу таҳди迪 ниҳоёт ал-амокин ли тасҳих масофат ал-масокин” (“Тураг жойларнинг ораларидағи масофаларни аниқлаш учун жойларнинг чегараларини белгилаш ҳақида китоб”) деб номлаган. Уни 1966 йилда биринчи маротаба рус тилига таржима қилишди, қисқача “Геодезия” деб номланганлар ва шу ном билан аталиб келинмоқда.

Китобнинг қисқача мазмуни X.Х.Ҳасанов тавсифлаши бўйича қуидагилардан иборат, яъни унинг кириш қисмида жаҳолатпарастлик ва алдамчилик қораланган, фан ва маърифатнинг фойдаси тушунтирилган, геометрия, медицина, музика, астрономия, логика, география, тарих каби фанларни вужудга келиши ва аҳамияти баён этилган.

Асарнинг географияга оид қисмида денгизчи Мағаннанинг (Х аср) Хитойга кемаларда боргани ҳикоя қилинган, ўзининг Хоразмда глобус тайёрлагани эслатилган. Хоразм воҳасининг ўтмиши батафсил изоҳлаб берилган. Китоб битта назарий бобдан иборат бўлиб, унга кўп масала ва мисоллар илова килинган.

Иккинчи бобда "Устурлоб ва бўлак асбоблар ясашда ўз замонасининг энг моҳир устаси" ўрта осиёлик Аҳмуд Ҳамид ибн Хизр Хўжандий ихтиро қилган ва Рай расадхонасига ўрнатилган Фахри сектанти ҳам батафсил тасвирланган.

Китобнинг учинчи боби дунё географиясига бағишлиланган. Унда шаҳарларнинг кенгликларини аниқлаш, иклиmlарга бўлиш, уларнинг чегаралари, океанлар, денгизлар ва оролларнинг тақсимланиши баён этилган.


Абу Райхон Беруний Фазни шаҳрида ўзининг яна бир машҳур асари “Китоби таҳқиқ мо ли-л-Ҳинд мин маъқуда мақбула фи-л-акл ав марзула” (“Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби”) ни ёзган ва устози, дўсти Абу Саҳл Тифлисийга бағишилаган. Ушбу асар 1020 йилда ёза бошланиб, 1030 йилда тугалланган ва тадқиқотчилар уни қисқача

қилиб “Хиндистон тарихи” ёки “Хиндистон” деб тилга оладилар. Бу шоҳ асарда ҳиндларнинг тарихи, адабиёти, фалсафаси, ҳинд ёзувлари ҳақида, аниқ фанларга доир кўплаб ишончли маълумотлар берилган. Географияга оид маълумотлар ҳам кенг келтирилган. Масалан, Ер тўғрисидаги тасавурлар, қуруқликларнинг чегаралари, денгиз ва қуруқликлар, сув кўтарилиши ва қайтиши, бошланғич меридиан тарихи каби умумий географик маълумотлар билан бирга, Хиндистоннинг табиий географик шароити (тоғлари, дарёлари, шаҳарлари, қабилалари, ўсимлиги, ҳайвонлари ва ҳ.к.) мукаммал ёритиб берилган.

Берунийнинг ушбу асарига рус шарқшунос олимларидан бири академик В. Розен: “Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта аср китоблари орасида тенги йўқ асар” – деб жуда юқори баҳо берган эди. Унда баён этилган айrim фикрлари билан Беруний ўз замондошларидан бир неча юз йилларга илгарилаб кетган. Ана шундай фикрларидан бири қуйидагича баён этилган: “Балки сен Ҳинд ерини кузатиб, қазиб борулгунча чукурликда учратиладиган силлиқ, тошларни ўз кўзинг билан кўриб, ўйлаб қарасанг тоғ этакларида ва шарқирама дарёлар ёнида тошлар каттароқ, тоғлардан узоқдаги (жойларда) ва дарёлар сусайиши билан тошлар кичикроқ; дарёлар секин оқадиган ва (уларнинг) кўллар-тўқайлар ҳамда денгизга қуйилиш жойига келганда қумлар учрайдики, Ҳинд ери қадимги денгиз бўлган-у, селлар оқизиб келтирган ётқизиқлар билан тўлган деб тасаввур этсан” каби фикрини аллювиал ётқизиқларнинг ҳосил бўлиш назариясига мос келишини илғаб олиш қийин эмас. Буни геолог олим О.И.Исломов, 1948 йилда тўртламчи давр ётқизиқлари геологиясига бағишлиланган анжуманда, “Беруний қонуни” деб аташни таклиф этгани ҳам бежиз эмас.

Абу Райхон Беруний 1030 йилда ўзининг яна бир асарини ёзиб тугатган. Бу асар “ат-Тафхим ли авоили синоат ат-танжим” (“Нужум санъатининг аввалини тушунтириш”, яъни “астрономия илмидан бошланғич маълумотлар”) деб номланган. Хоразмлик

Райхона Ҳасан қизининг илтимосига биноан ёзилган ушбу китоб, 530 та саволлар ва жавоблар кўринишида бўлиб, унда ҳисоб, геометрия, астрономия, календарь, география масалалари баён этилган. География учун муҳим бўлган яна бир ҳолат, унда доира шаклидаги дунё харитасининг берилганлигидир (6-расм). Ҳ.Ҳ.Ҳасанов мазкур харитани китобнинг турли нусхаларида турлича вариант (8 вариант)да учраганлигини ва улардан биттаси Берунийнинг ўзи чизган асл нусхага энг ўхшашини аниқлаган. Бу вариантдаги хаританинг диаметри 12,5 см бўлиб, қуйидаги кўринишга эгадир.



6-расм. Беруний тузган дунё харитаси (Ҳ.Ҳасанов таржимаси)

Китобнинг “Маъмура ва обод ерларнинг чегаралари” номли сарлавҳа остида берилган тўртинчи боби географияга оидdir.

Унда, “Ернинг катталиги қандай?”, “Ернинг маъмурा (кишилар яшайдиган обод) қисмининг чегаралари қандай?”, “Ернинг маъмурा қисмида денгизлар қандай жойлашган?”, “Экватор қаерда ва унинг хосиятлари нимада?”, “Шаҳарларнинг кенглиги қандай?”, “Иқлиmlар нима?” каби 35 та саволга жавоб берилган.

Бу орада саройда вазият ўзгарди, яъни 1030 йил апрелда Маҳмуд Ғазнавий вафот этди. Тахтга ўтирган кичик ўғил Муҳаммаднинг султонлиги узоққа бормади. Орадан ярим йил ўтар-ўтмас Ғазни тахтини катта ўғил Масъуд эгаллади. Султон Масъуд отасига нисбатан бирмунча маърифатпарвар бўлиб, илм-фанга кўпроқ эътибор берган, олимларнинг яشاши ва ишлаши учун шароит яратиб берган. Унинг ўзи ҳам математика ва астрономияга оид китобларни мутолаа қилиб турган. Берунийга катта ихлос билан муомала қилган, алоҳида маош ҳам тайинлаган. Беруний ҳам султон Масъуддан беҳад миннатдор бўлган, у ҳақда: “Ҳаётимнинг қолган кунларида фанга хизмат килишим учун имконият туғдирди; менга ғамхурлик қилиб, мени ўз паноҳига олди”- деб ёзганлари олимнинг “Қонуни Масъудий” китобида бор. Бу китоб Берунийнинг Султон Масъуд топшириғига биноан ёзган шоҳ асаридир. Асарнинг тўлиқ номи “ал-Қонун ал-Масъудий фил хайъа ван нужум”, яъни “Астрономия фанида Масъуд исмига ёзилган қонун” бўлиб, 1036-1037 йилларда ёзиб тугалланган деб тахмин қилинади.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Берунийнинг “Қонуни Масъудий” китобини астрономия ва география қомуси ҳисоблаб, унинг тузилиши ҳақида куйидаги тавсифларни келтиради: "Асар жаъми 12 мақоладан иборат бўлиб, ҳар мақола бир неча бобга бўлинган (бу ерда “мақола” сўзи бир бутун китоб маъносида ишлатилади).

Биринчи мақолада оламнинг геоцентрик тузилиши Птолемей фикрича баён этилган, иккинчи мақолада – йиллар ва календарлар, учинчи мақолада – тригонометрия маълумотлари, тўртинчи мақолада – сферик астрономия ва жойларнинг кенгликларини белгилаш усуслари, бешинчи – мақола жойларнинг узунликларини белгилаш усуслари, олтинчи

мақолада – Қуёшнинг ҳаракати, етти ва саккизинчи мақолаларда – Ойнинг ҳаракати, тўққиз – ўн биринчи мақолаларда юлдузлар ва планеталар ҳаракати баён этилган, ўн иккинчи – мақолада эса мунажжимларнинг йил ҳисоби таҳлил қилинган.

Бешинчи мақоланинг 9-10 боблари география учун жуда муҳимдир. Бу бобларда денгиз ва қуруқликлар чегаралари, етти иқлим тақсимоти ҳамда дунёдаги 603 та жойнинг географик координаталари берилган”.

Ёқут Ҳамавий ўзининг 7 жилдлик “Муъжам ал-удабо” (“Адиблар луғати”) номли асарида Абу Райхон Берунийнинг “Масъуд қонуни” китоби математика ва астрономия бўйича унгача ёзилган ҳамма китоблар изини ўчириб юборди”- деб юқори баҳо берганлиги маълум.

Беруний умрининг сўнгги йилида яна иккита муҳим асарини ёзиб тугатган. Улардан бири “Китоб ал-жамоҳир фи-маърифат ал-жавоҳир” (“Жавоҳирларни таниш учун жам китоб”), қисқача “Минералогия” 1048 йилда ёзилган. Унда асосан фойдали қазилма конларининг географик тарқалиши, қимматбаҳо тошлар, уларнинг қаердан қазиб олиниши, уларнинг баҳоси каби маълумотлар берилган. Абу Райхон Беруний ушбу китобидаги етти харитадан бири – Шарқ дунёси, хусусан Ўрта Осиёдаги фойдали қазилмалар жойлари кўрсатилган харита бўлган. Афсуски бу харита бизгача сақланмаган, агар замонамизга етиб келганида геологлар иши бир қадар енгиллашарди. Берунийнинг тарихда биринчи бўлиб қимматбаҳо тошларнинг солиштирма оғирлигини аниқлашга киришгани шу асаридан маълум. Иккинчи асари эса “Китоб ас-сайдана фит-тибб” (“Доривор ўсимликлар ҳақида китоб”), қисқача “Сайдана” ёки “Фармакогнозия” номи билан машҳур. Бу китоб ўсимликлар ва ҳайвонот географиясидан қимматли маълумотлар жамланган манба бўлиб, унда ер юзасида учрайдиган 1116 хил доривор ўсимликлар, дорилар, мевалар, ҳайвонлар ва уларнинг таъсири тўғрисида маълумотлар берилган. Асарда жуда кўп тоғ, дарё, ороллар, шаҳарлар ва қишлоқлар номлари ҳам тилга олинган.

Абу Райхон Беруний шогирди Абу Фадл ас-Сарабхий маълумоти бўйича 1048 йил 11 декабрда Газнида вафот этган. У умр бўйи изланишда бўлган, ижод қилган, китоб ёзган. Тадқиқотчиларнинг тахмини бўйича Беруний 10 минг қўлёзма варақ асар ёзган. Агар уларнинг ҳаммаси босма усулда нашр этилса, ҳар бири 35 табоқдан иборат бўлган 40 жилдлик "Беруний асарлари" тўплами ҳосил бўлар экан ("Беруний" тўплами, 1950). Алломанинг ўз қўли билан тузган асарлари рўйхати ҳам бўлган. Бу библиографик рўйхат, тахминан "Қонуни Масъудий" асари тугалланган йиллари тузилган бўлиб, "Фихрист" номи билан танилган. Унда олимнинг 113 та асарининг номи, ким учун ва не боисдан ёзилганлиги, 70 та асарнинг эса ҳажми ҳам кўрсатилган. Рўйхатга унинг кейинги ёзган асарлари ҳам қўшилса, ҳаммаси бўлиб 162 та асар ёзганлиги маълум бўлади. Ушбу асарларни шарқшунослар фан соҳалари бўйича тақсимлаб кўрганларида, унинг 70 та асари астрономияга, 20 таси математикага, 12 таси география ва геодезияга, 4 таси харитографияга, 3 таси об-ҳаво ва иқлимга, 3 таси минералогияга, 4 таси фалсафага, 1 таси физикага, 2 таси доришуносликка, 15 таси тарих ва этнографияга, 28 таси эса адабиётга оид эканлиги маълум бўлган.

Абу Райхон Берунийнинг юқорида номлари тилга олинган асарларида берилган астрономия, география, геология, геоморфология, об-ҳаво ва иқлимшунослик, харитография, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига оид жуда кўп маълумотлар асосли ва тўғри тасвиirlанган. Унинг айрим худудларнинг геологик ўтмиши ҳақида билдирган илмий муроҳазалари, жойларда рўй берадиган табиат ҳодисаларини ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан тўғри тушунтириб берганлиги орадан 1000 йил ўтиб, ҳақиқатга жуда яқин эканлиги исботланди.

Ўрта асрлар Шарқ олами фани ва маданиятининг ривожига улкан хисса қўшган буюк мутаффакир ва забардаст, машҳур олимлардан яна бири Абу Али Ибн Сино бўлган. Тўлиқ исмишарифи Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али бўлган бу мўътабар зот 980 йилнинг август ойида Бухоронинг

Афшона қишлоғида амалдор Абдуллоҳ ибн Ҳасан оиласида таваллуд топган. Ҳусайн 5 ёшга тўлгач, бу оила Бухорога кўчиб ўтади. Болалигиданоқ иродали, зеҳни ўткир ва илмга чанқоқ бўлган Ибн Синога бу ерда таниқли ҳаким ва файласуф олим Абу Абдуллоҳ ибн Иброҳим Нотилий устозлик қилган.

XVI аср адибларидан бири, бухоролик шоир Ҳасанхожа Нисорий “Музаккири аҳбоб” номли тазкирасида Ибн Синога оид айrim тавсифларни шундай баён қилади. “Назар аҳлининг сардори шайхурраис (Ибн Сино) Бухоро қишлоқларидан бири бўлган Афшонадандир. Дейдиларки, ислом Бухородан кейин Самарқандга етган ва ва у ердан сўнг Ҳирот исломни қабул қилган. Шайх Абу Али Ибн Синонинг туғилиш юлдизи Саратон бўлиб, ўн саккиз даража кенгликда экан. Муштарий эса Саратон устида, Ой ва Уторуд Сунбулада, Баҳром Ақрабда ва Қуёш Асад буржида, Рас ва Шеъро Ямоний толье даражасида экан. Ўн ёшга етганда ғариба илмларни бутунлай қўлга киритган ва ўн икки ёшида ҳазрат имоми аъзам Абу Ҳанифа Куфийнинг - унга тангри раҳмати бўлсин – мазҳаби бўйича фатво ёза олган, 16 ёшида эса “Тиб қонуни”ни тасниф қилган. 24 ёшида барча илмларни эгаллаган. Таваллуди 370 йили содир бўлган, отаси Балх аҳлидан ҳаётининг охирида тавба қилишни лозим топган, барча молумларни фуқарога улашиб берган, ғуломларини озод қилган. Унинг (Ибн Синонинг) энг ажойиб фазилатидан бири шу бўлганки, Қуръонни уч кун ичида ёддан хатм қила олган. Шайхурраис, ҳужжатул-ҳақ Абу Али Ибн Синонинг вафоти 427 йили рамазон ойининг бошида жума куни рўй берган ва Ҳамадон шаҳрига дағн этилган. Ҳамадон Ажам Ироқидаги шаҳарлардан бири. Шаҳар бино қилувчисининг номи билан аталиб, унинг исми Ҳамадон бин Қулух бин Сом бин Нуҳ алайҳиссаломдир”.

Ибн Сино математика, астрономия, мантиқ, фалсафа, фикҳ каби фанларни жадал ўзлаштириб, тиб илми билан ҳам астойидил шуғуллана бошлайди. Бу фан сирларини бухоролик таниқли табиб Абу Мансур ал-Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрийдан ўрганади ва тез орада тиб илмида катта муваффақиятларга эришади.

Эгаллаган билимлари асосида беморларни ҳам даволай бошлайди ва халқ орасида моҳир табиб сифатида танилади. 997 йилда у сомоний ҳукмдор амир Нуҳ II ибн Мансурни даволаб, дардан ҳалос қилгани учун мукофот тариқасида сомонийларнинг сарой кутубхонасига кириб ишлаш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу кутубхона ўша даврлардаги катта ва бой кутубхоналардан саналарди. Бу борада Ибн Сино ўзининг таржимаи ҳолида: “Мен у ерда шундай китобларни кўрдимки, қўпчилик ҳатто уларнинг номини ҳам билмайди. Мен бунаقا китобларни бундан аввал ҳам, кейин ҳам кўрган эмасман. Мен ўша китобларни ўқидим ва ўзим учун кўп фойда олдим, ҳар бир олимнинг илм-фандаги ўрнини аниқладим... Менинг олдимда илм эшиклари кенг очилди. Кейин тиб илми билан шуғулланишни истаб қолдим ва шу соҳага оид китобларни ўқишига киришдим. Тиб қийин илмлардан эмас, шу сабабли мен қисқа муддат ичидан бу соҳада шундай ютуқларга эриша олдимки, ҳатто фозил табиблар ҳам келиб мендан тиб илмини ўрганадиган бўлдилар. Беморларга ҳам қатнар эдим. Орттирган тажрибаларим ёрдамида даволаш эшиклари менинг олдимда шундай кенг очилдики, уни таърифлаб бўлмайди... Бу вақтда мен 16 ёшга кирган эдим. Кейин яна бир яrim йил илм ўқишига берилдим. Мантиқ ва фалсафанинг ҳамма бўлимларини (асосли равишда) қайтадан ўқиб чиқдим. Бу кезларда бирон кеча ҳам бутун тун давомида ухламасдим, кундузлари ҳам илмдан бошка нарса билан шуғулланмас эдим... Ёшим ўн саккизга борганда бор илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим”- деб ёзади. Ушбу сатрлардан олимнинг ниҳоятда илмга қизиқувчан, толмас мутолаачи, тинимсиз изланувчан илм соҳиби бўлганлигини билиб олиш қийин эмас.

Бу орада Мовароуннахрда катта сиёсий ўзгаришлар бўлиб ўтди. 100 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилиб келган сомонийлар сулоласи бутунлай инқирозга учради. 1005 йилда Мовароуннахр тўлалигича қораҳонийлар қўлига ўтиб қолди. Олимнинг ҳаётида ҳам оғир ва ташвишли кунлар бошланди. Жоҳил ҳукмдорлар ва мутаасиблар таъқибига учраган Ибн Сино Бухородан чиқиб

кетишга мажбур бўлади ва унинг кейинги ҳаёти асосан дарбадарликда кечади. Олимнинг даставвал қорахонийлар хуружидан холироқ бўлган Хоразмга борганлиги маълум. Бу ерда у “Хоразм Маъмун академияси”да фаолият олиб бораётган таниқли олимлар сафига келиб қўшилган, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райхон Беруний, Абу-л-Ҳайр Ҳаммор каби уламолар билан яқиндан танишган. Таниқли табиб ва файласуф олим Абу Сахл Масиҳийдан тиббиёт масалаларида сабоқ олган. Аммо тобора кучайиб бораётган Махмуд Фазнавий таъқиби Ибн Синони яширинча Хоразмдан чиқиб кетишга мажбур қилади ва у устози Абу Сахл Масиҳий билан бирга Журжонга йўл оладилар. Аммо йўл қийинчиликлари туфайли Абу Сахл Масиҳий вафот этади (1010 й), Ибн Сино эса бир амаллаб Нисо шаҳрига етиб олади. Ундан Обивард, Тус, Журжон, Рай шаҳарларида бўлиб, сўнг Ҳамадон шаҳрига келади ва у ерда 1023 йилгача яшайди. Айрим сиёсий вазиятлар туфайли олим шу йили Исфаҳон шаҳрига кўчиб ўтишга мажбур бўлади ва умрининг қолган қисмини шу ерда ўтказади. 1037 йил 18 июнда Исфаҳон ҳокими Алоуддавланинг Ҳамадонга юриши вактида у билан бирга сафарга чиқсан Ибн Сино 57 ёшида вафот этади ва Ҳамадонда дафн этилади.

Ибн Сино ўзининг кўп тармоқли маҳсулдор ижоди, бой мероси билан бутун жаҳон маданияти тараққиётида катта роль ўйнади. Ўз ижоди, илмий фаолиятида у Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидағи маданий кўтаринкилик, маданий “уйғониш”нинг маънавий ютуқларини мужассамлаштира олди, бу билан бутун Шарқ ва Европадаги маърифат, маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатди. У ўз даврида Шарқ ва Европада “Шайх ур-раис” (“донишманлар сардори, алломалар бошлиғи”), “Олимлар бошлиғи”, “Табиблар подшоҳи” каби энг буюк номларга сазовор бўлди” (М.М. Хайруллаев, 1999). Ушбу фахрий номлар Ибн Синонинг буюк файласуф, машҳур табиб ва тиббиёт олими эканлигига ишора бўлсада, у фаннинг деярли барча соҳаларида ижод қилганлиги, кўп ва хўб ёзганлиги маълум. Тадқиқотчилар олимнинг 450 дан ортиқ илмий асарлар

ёзганлигини ва улардан атиги 160 тасигина бизгача етиб келганлигини қайд этганлар.

Иbn Синонинг энг йирик асарларидан бири “Китоб аш-шифо”, яъни “Шифо китоби” 22 жилдан иборат бўлиб, асосан мантиқ, табиат, математика, метафизика масалаларини ўз ичига олган. Иккинчи йирик асари эса “Китоб ал-қонун фит-тиб”, яъни “Тиб қонунлари китоби”дир. Бу катта қомусий асарнинг ўзи бешта катта китоблардан иборат бўлиб, Иbn Синонинг шоҳ асари ҳисобланади. Унинг XII асрда кремоналик Герардо томонидан лотин тилига қилинган таржима нусхалари Европада жуда машҳур бўлган, муаллифи эса “Авиценна” номи билан дунёга танилган.

Иbn Синонинг биология, геология, география ва иқлимшуносликка оид ўз замонасига яраша илғор фикрлари ва илмий мулоҳазалари унинг “Китоб аш-шифо” асарининг табиий фанларга тааллуқли қисмида берилган. Олимнинг айrim табиий географик ва геологик жараёнларга оид илдам фикр-мулоҳазалари, жумладан вулқонлар, тектоник ҳаракатлар, зилзилалар, тоғларнинг пайдо бўлиши, баъзи ерларнинг чўкиши, бир замонлар дengiz ости бўлган жойлар қуруқликка айланиши каби мулоҳазалари ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан тўғри талқин қилинган.

Иbn Синонинг иқлим, атмосфера ва метеорологик элементлар тўғрисидаги изоҳлари ҳам илмий нуқтаи назардан жуда тўғри эканлигини таъкидлаган X.X.Ҳасанов (1981) Иbn Синонинг ушбу жумлаларини мисол келтиради: “Бизни ўраб турган ҳаво (атмосфера)нинг ерга яқин турган қисми қўпроқ исиди. Ердан баландроқ қисми эса совукроқ бўлади. Экваторнинг ўзи энг иссиқ жой эмас. Энг иссиқ жойлар экватордан шимолроқда-шимолий тропикка яқин жойларда ва экватордан жануброқда-жанубий тропик доирасига яқин жойдадир... Кеча-кундуз ичida ҳам энг иссиқ вақт аср намозидан кейинроқ бўлади. Шунингдек, энг иссиқ ой июнь эмас, балки июлга тўғри келади... Жойнинг иқлими шаҳарларнинг географик

кенглигига, жойларнинг баланд-пастлигига, тоғ ва денгизларга яқинлигига, шамоллар йўлида турганлигига ва тупроққа (яъни, ер юзасига) боғлиқ". Ибн Синонинг ушбу изоҳлари ҳозирги замон иқлимшунослик фани қоидаларига мос келади.

Олимнинг "Китоб аш - шифо" асарида яна ўсимликлар географиясига, минералогияга, астрономияга оид қизиқарли ва ушбу фанлар учун аҳамиятли ҳисобланган янги фикрлар ҳам кўп. Масалан, Ибн Сино Журжон шахрининг географик узунлигини ўз даври учун бутунлай янги бўлган усул - Ойнинг энг баланд нуқтасини кузатиш орқали аниқлаганлигини ва Абу Райхон Беруний бу усулнинг тўғрилиги хақида гапириб, уни фақат Ибн Сино номи билан боғлаганлигини, бу усул Европада 500 йилдан кейин астроном Вернер томонидан (1514 й.) янгидан кашф қилингандигини С. Каримова (2002) ҳам ёзган.

Абу Райхон Беруний ва Ибн Синолар асрида яшаб ижод килган, ўз билим ва иқтидорлари, ёзган асарлари билан элга танилган бир қатор олим-фозиллар, гарчи математика, астрономия, тарих ёки бошқа соҳаларда мутахассис бўлсаларда, географиядан пухта билимларга эга бўлган ана шундай билим эгаларидан бири Абу Сайд Абдулхай аз-Захҳак бин Маҳмуд Гардезий эди. Нисбасига кўра, унинг асли Газни шаҳридан жануброкда, Ҳиндистонга олиб борадиган йўл ёқасида жойлашган Гардез шаҳарчасидан бўлган. Бу шаҳарча Афғонистоннинг ҳозирги Пактия вилоятининг маркази ҳисобланади.

Гардезий машҳур олим Берунийни кўрган, сұхбатидан баҳраманд бўлган. У ўзининг 1050 йилда форс тилида ёзган "Зайн ал-ахбор" ("Ахборот кўрки") номли асари билан танилган. Асар асосан тарихга оид бўлиб, кўпроқ форс подшоҳлари, Муҳаммад пайғамбар ва халифалар тарихидан ҳикоя қиласи. Хуросон тарихи эса араблар истилосидан то 1041 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олган.

Асарда географик маълумотлар ҳам анчагина. Унда Ўрта Осиё, Шарқий Европа, Сибир, Ҳиндистон ва Хитой ҳудудлари

табиати, шаҳарлари, йўллари, масофалари, ҳалклари ва уларнинг туриш-турмуши, урф-одатлари ҳақида кўплаб маълумотларни учратиш мумкин.

Гардезий ушбу асарни ёзишида Беруний, ибн Ҳурдодбех, Жайҳоний, ибн Руста асарларидан ҳам фойдаланган. Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Гардезий ҳақида сўз юритганда уни улуғ Берунийнинг замондошларидан ва шогирдларидан бири ҳисоблаб, билим даражаси жуда кенг географ, олим деб тавсифлаганди.

III. АЙРИМ ГЕОГРАФИК МУАММОЛАР ТАРИХИДАН

1. Ернинг шакли ҳамда катталигини аниқлаш тарихи

Фан тарихида биринчи географик асар шу фаннинг тадқиқот обьекти мужассам бўлган Ернинг шакли ва катталигини аниқлаш асосида юзага келганигини юқорида эслатиб ўтган эдик. Бу икки бир бири билан узвий боғлиқ бўлган, бири иккинчисини тақозо этадиган масалаларнинг тўғри ҳал этилиши ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, фанизмнинг кейинги тараққиётида мислсиз катта ва йўналтирувчи аҳамиятга эга бўлди. Ушбу масалаларнинг ижобий ечимлари нафақат жойларнинг географик координаталарини бехато аниқлаш, географик хариталарнинг математик асосини яратиш ва илмий асосланган хариталар тузиш, балки бир қатор географик қонуниятларни аниқлаш, турли табиат ҳодисаларини география нуқтаи назаридан тўғри таҳлил қилишда муҳим пойdevor вазифасини ўтади.

Ернинг шакли ва катталиги масалалари қадим замонлардаёқ, хали у ёки бу фан юзага келмасидан анча илгари, табиат ва борлик билан айниқса, осмон жисмларининг ҳаракатлари билан қизиқувчиларнинг эътиборини жалб қилган. Чунончи, улар Ердаги кўпгина табиат ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари Қуёш ва Ойнинг ҳаракатлари билан боғлиқ эканлигини тўғри ҳис қилганлар. Шу маънода, айrim тарихий манбаларда (масалан, К.Вейле, 1896) милоддан аввалги XVIII асрлардаёқ бобилликларда Ернинг шарсимон эканлиги ҳақида тасаввурлар бўлган деган тахминлар айтилган. Аммо бу ҳақда ёзма манбалар бўлмаганлиги сабабли у тахминлар тахминлигича қолаверган.

Агарда қадимги грек файласуфларининг, милоддан аввалги VII-VI асрларда юзага келган, Ер ҳамма томонидан денгиз билан ўралган доира, диск, овал, столсимон ёки цилиндр кўринишидадир каби асоссиз тасаввурларини ҳамда Ернинг айланаси 24 минг милга (бир мил туюнинг тўрт минг қадамига тенг деб ҳисобланган) тенг ва уни одам пиёда юриб, бир йилда

айланиб чиқиши мумкин қабилидаги тахминларини ҳисобга олмаганда, Ернинг шакли ва катталигини аниқлашга қаратилган изланишлар бир неча асрлар давом этганки, унинг тарихини асосан уч босқичга ажратиб тавсифлаш мумкин.

Биринчи босқич, милоддан аввалги V асрнинг биринчи ярмидан бошланиб, то XVII асрнинг иккинчи ярмигача давом этган ва Ернинг шарсимон шаклда эканлиги ғоясининг юзага келиши, исботланиши ҳамда Ернинг катталигини аниқлашга оид ўлчаш ишларининг натижалари билан тавсифланади.

Қадимги даврлар география тарихи билан шуғулланган айрим тадқиқотчиларнинг (масалан, Д.О.Томсон, 1950; А.Б.Дитмар, 1980) фикрича, Ернинг шакли шарсимон бўлиши керак деган дастлабки тахмин Пифагор мактаби намоёндаси, ёш олим Парменидга (мил. авв. 480-450 йиллар) тегишли бўлган. Ҳарқалай, унинг мантиқан тўғри фикр юритиб, бундай тахминга келиши учун зарур ҳисобланган астрономия ва математикадан етарли тажрибаси бўлган кўринади. Қолаверса, ушбу мактаб аъзоларининг айримлари, ҳатто Пифагорнинг (мил. авв. 570-500 йиллар) ўзи ҳам шундай фикрда бўлганликлари ҳақида ривоятлар бор.

Пармениднинг Ер шарсимон шаклда бўлиши керак деган ғоясини, кейинчалик қадимги грек фани тарихида машҳур бўлган табиатшунос олим, файласуф Аристотел ривожлантириб, исботлашга ва илмий асослашга ҳаракат қилди. У қадимги грек олимларидан биринчи бўлиб, Ой тутилган пайтда унга Ернинг доира соя беришини Ер шарсимон шаклда эканлигининг энг муҳим исботи деб ҳисоблаган.

Фан тарихида, кейинги бир неча асрлар давомида Парменид ва Аристотелнинг бу ғоясини илмий асосланган ҳолда инкор этадиган бошқа бирорта ғоя билдирилмади.

Ернинг ўлчамларини аниқлашга қаратилган уринишлар тарихда кўп маротаба бўлган. Бу борада қадимги грек олимларидан Евдокс (мил. авв. 409-356 йиллар), Аристотел, Диケーарх (мил. авв. 345-285 йиллар), Эратосфен (мил. авв. 276-194

йиллар), Гиппарх (мил. авв. 190-125 йиллар) Посидоний (мил. авв. 135-51 йиллар), Птолемей (90-168 йиллар)лар шуғулланганликлари ва турли натижаларга эришганликлари маълум. Масалан, Аристотелнинг Ер шари айланасининг узунлигини 400 минг стадия (тажминан 74 минг км) деб, ёки унинг шогирдларидан бири, мессиналик Диқеархнинг 300 минг стадия деб ҳисоблаганликларини эслаш мумкин. Аммо уларнинг қайси усул билан бундай кўрсаткичларни аниқлаганликлари мавҳум қолган. Ҳарқалай, бу кўрсаткичлар ўша замон табиатшуносларида умумий тасаввур ҳосил қилган бўлиши ва шу билан бирга уларни аниқлаштиришга унданаган бўлиши керак.

Юқорида номлари санаб ўтилган олимлардан энг аниқ натижага фақат Эратосфенгина эриша олган. Унинг меридиан узунлигини ўлчашда қўллаган усули эса, кейинги бир неча асрлар давомида шу каби изланишларда асосий усул сифатида фойдаланила бошланди. Шу сабабли ҳам бу ўлчашлар тафсилоти ҳақида қисқача мулоҳаза билдириш лозим бўлади.

Эратосфен ўзининг милоддан аввалги 240 йилларда олиб борган бу тадқиқотида, Қуёш ёзда энг тиккага келганда, унинг нурлари қадимги Сиена шахри яқинида, Нил дарёсидаги оролчада тўғри бурчак ҳосил қилиб тушишини билгач, бир вақтнинг ўзида Александрия музейи ҳовлисидағи ёдгорлик устун $7^{\circ}12'$ лик оғма соя беришини ҳам аниқлаган. Бир меридианда ётади деб тажмин қилинган бу икки нуқта оралиғидаги масофани 5 минг стадия эканлигини ўлчагач, Ер меридиани узунлиги ундан 50 марта ортиқлигини, яъни 250 минг стадия эканлигини топган. Ўлчаш ишларида айрим ноаниқликлар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, яна 2 минг стадия қўшган ва 252 минг стадия деб белгилаган. Бу ўша замонлардаги мисрликлар стадияси (158,3 м) бўйича ҳисоблаганда 39891 км га тўғри келади ва ҳақиқий ўлчам (39992 км) га жуда яқин ҳисобланади.

Кейинчалик грек астрономи Посидоний ҳам шу усулни қўллаб, бир вақтлар Гиппарх танлаган Александрия шахри ва Родос ороли меридиани бўйлаб ўлчаш ишларини амалга оширган

ва меридиан узунлигини 180 минг стадия деб, бироз кичикроқ натижани аниқлаган. Шунингдек, машхур Птолемей ҳам Шимолий Месопотамияда Ҳаррон шахри якинида меридиан бир градуслик ёйини ўлчаб $66 \frac{2}{3}$ мил деб аниқлаганлиги маълум. Аммо у фойдаланган узунлик ўлчови мил ҳозирги ўлчов бирликлари бўйича қанчага тўғри келиши бизга номаълум.

Маълумки, Клавдий Птолемей вафотидан сўнг Ернинг катталигини ўлчаш ишлари ҳам барҳам топди. Фақат VIII асрнинг ўрталаридан бошлабгина илм-фан ва маърифат янгидан, аммо энди бошқа юртларда, асосан Шарқ оламида куртак ота бошлади. Мавзуумизга оид изланишлар эса асосан IX асрнинг биринчи чорагидан кейингина амалга оширилди. Бу вақтда Бағдоддаги "Байт ул-ҳикма" тўлақонли фаолият юрита бошлаган, унда тўпланган олимлар фаннинг турли соҳаларида, жумладан астрономия ва географияда ҳам маълум натижаларга эриша бошлаган эдилар. Бу ердаги илмий изланишларда ўрта осиёлик Муҳаммад Хоразмий, Яҳё ибн Абу Мансур, Холид ибн Абдумалик Марваррудий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий, Аббос ибн Саид Жавҳарий каби етук олимлар фаол иштирок этганликлари ҳам маълум.

Ер меридиани бир градуслик ёйининг узунлигини ўлчаш ишлари ҳам айнан шу олимларнинг "бош-қош"лигига амалга оширилган. Ушбу изланишларнинг тафсилотлари ва натижаларини Ҳ.Ҳ.Ҳасанов И.Ю.Крачковскийдан нақл келтириб, қуидаги тавсифлаган эди: "Олимлар 827 йилда икки гуруҳга бўлинib, экспедицияга чикдилар. Бир гуруҳ - Сурия чўлида, Ракка ва Пальмира (Тадмур) шаҳарлари орасида (Фрот дарёси ёқасида), иккинчи гуруҳ; шимолий Ироқдаги Жабали Синжор (Синнор) тоғи этагида ишлади. Иккала жой ҳам 36^0 шимолий кенглик ёнида эди. Икки экспедициянинг кузатишлари бирбиридан сал тафовут қилиб қолди - 57 ва $56 \frac{1}{4}$ мил. Ривоятга кўра, Халифа Маъмун бу икки хил рақамнинг ўртачасини $-56 \frac{2}{3}$ милни белгилаб берган" (1964, 17 бет). Аслини олганда, бу тафсилотлар И.Ю.Крачковский (1957) асарига Наллино (1892) ва

Шой (1927)ларнинг асарларидан ўтган. Уларнинг ушбу масала юзасидан маҳсус изланишлар ўтказганликлари яхши маълум. Масалан, ўрта асрлар олимлари қўллаган бир араб милининг 1973,2 м эканлиги ва бу ҳолда меридиан бир градуслик ёйининг узунлиги 111814,67 м бўлиши кераклигини ҳам Наллино аниқлаб берганди.

Юқорида келтирилган узунлик кўрсаткичини $35\text{--}36^{\circ}$ шимолий кенгликлар учун аниқланган энг сўнгги маълумот (110095,10 м) билан таққосланса, IX аср Шарқ олимларининг қанчалик аниқ натижага эришганликлари маълум бўлади. Ҳарқалай, улар эришган натижалар, кейинги 700 йилга яқин вақт давомида нафақат Шарқда, балки Ғарбий Европа фанида ҳам доимий асос сифатида фойдаланиб келинди.

Шу маънода Ҳ.Ҳ.Ҳасанов: "Кейинчалик Маъмун Хоразмий давридаги бу кузатишларнинг якуни IX асрдан кейинги барча географик ва харитографик асарларга андаза бўлди, ҳатто лотинчага таржима килиниб, европа фанига ҳам кўчди..." - деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, XVI аср бошларига келиб, бу тариқа ўлчаш ишлари ғарбий европаликларнинг ўзларини ҳам қизиқтириб қолди.

Уларда ҳам ўз юртларида меридиан бир градуслик ёйининг узунлигини ўлчаб кўриш, аниқлаштириш иштиёқи туғилди. Бу масалада биринчи бўлиб французлар фаоллик кўрсата бошладилар. Масалан, француз врачи Фернелнинг Париж шахрининг географик кенглигини аниқлаб олиб, шимол томонга, то қутб юлдузининг баландлиги 1° га ортгунча, ўз от-араваси ғилдираги неча марта айланганлигига қараб, тасодифан аниқ натижага эришганлиги, яъни масофани 57.070 туаз (1 туаз 1,9 м га teng бўлган) деб аниқлаганлиги маълум.

Кейинги ўлчаш ишлари 1615 йилда голланд математиги Снеллиус томонидан амалга оширилган. У ўзи муаллиф бўлган янги, триангуляция методини қўллаган бўлса ҳам, бироз кичикроқ кўрсаткичга (55.021 туаз) эришди. Орадан 50 йилдан

зиёд вакт ўтиб, француз математиги Пикар шу методни қўллаб, бирмунча аниқроқ натижани (57.060 туаз) қайд этди. Бу Ер шари меридиан айланасининг узунлиги 39029 км teng дегани бўлади.

Шундай қилиб, Ернинг шакли ва катталигини аниқлашлар тарихининг биринчи босқичини якунласак бўлади.

Иккинчи босқичнинг бошланишини эса машҳур инглиз олими Исаак Ньютоннинг (1642-1727 йиллар) Ернинг эллипсоид шаклда эканлиги ҳақидаги таълимотининг юзага келиши билан боғлаш мумкин. Бу таълимотга кўра, бир меридианда ётган ва бир градусга фарқланадиган икки нуқта орасидаги масофа қутбларга томон ортиб, экваторга томон кичрайиб бориши керак. Яъни, Ер ўз ўқи атрофида айланishi туфайли, қутблар томонидан сикиқ ҳолдаги эллипсоид шаклдалиги ғоясининг юзага келиши, унинг исботланиши ҳамда градус ўлчовларининг янги натижалари билан тавсифланади.

Навбатдаги, кенг миқёсли градус ўлчовлари 1680-1718 йиллар оралиғида француз астрономлари Кассини билан Лагир томонидан Дюнкирхен ва Кольэр шаҳарлари оралиғида амалга оширилди. Олинган натижалар эса Ньютон таълимоти нуқтай назаридан ғайриоддий эди. Бу ўлчаш ишларининг натижалари меридиан бир градусли ёйининг узунлиги шимолдан жанубга томон ошиб бораётганлигини кўрсатарди, яъни Ер эллипсоиди шимолдан жанубга чўзилган деган фикрни тасдиқламоқда эди. Табиийки, бу ҳол олимлар ва шу масалага қизиқувчилар орасида тортишувлар ва мунозараларда сабаб бўлди. Ва ниҳоят, бу тортишувларга чек кўйиш, Ернинг шакли ҳакида тўғри тасаввурга эга бўлиш мақсадида француз Фанлар Академияси иккита экспедиция уюштиришга қарор қиласди.

Натижалари тарихий аҳамиятга эга бўлган бу экспедицияларнинг бири Лакондамин билан Бугер бошчилигига Жанубий Америкага, Мопертюн ҳамда Клеро бошчилигидаги иккинчи экспедиция эса шимолга, Лапландияга йўл олдилар. XVIII асрнинг ўттизинчи йилларида ишлаган бу экспедицияларнинг бири экваторга яқин жойда Перу билан

Эквадор чегарасида, баланд платода градус ўлчовлари ўтказиб, меридиан бир градуслик ёйининг узунлигини 56753 туз деб аниқладилар. Лапландияда ишлаган экспедиция эса 57437 туз деб аниқладилар. Иккала экспедиция маълумотларидағи фарқ 684 тузага teng бўлиб, Ньютон назариясини ёрқин тасдиқлаб берди, яъни Ер қутблари сиқиқ ҳолдаги эллипсоид шаклда эканлигини аниқ исботлаб берди.

Кейинчалик XVIII аср давомида ва XIX асрнинг биринчи ярмида турли мамлакатларда турли тадқиқотчилар амалга оширган катта миқёсдаги ўлчаш ишлари ҳам юқоридаги фикри тасдиқлади. Қолаверса, бу ўлчаш ишларининг айримлари (масалан, XVIII аср охирларида Франциянинг шимолий қирғоғидаги Дюнкирхен шахридан Испаниянинг Барселона шахригача Мешен ва Деламбр бажарган ҳамда XIX аср бошларида Био ва Араго давом эттирган, қарийб 1300 км лик градус ўлчовлари) муайян амалий максадларни кўзлаб бажарилган эди.

Маълумки, ўша пайтларда Француз Фанлар Академияси танлаган таникли олимлар комиссияси узунлик, ҳажм ва оғирлик ўлчовларига Ер меридиани чорагининг ўн миллиондан бир қисмини, яъни метрни асос қилиб олишга қарор қилгандилар. Бу изланишларнинг тафсилотлари ва кейинги ўлчов ишлари ҳақида тўхтаб ўтирумай, иккинчи босқични ҳам якунласак бўлади.

Учинчи босқич эса асосан XIX асрнинг учинчи чораги охирларидан, яъни 1873 йилдан бошланади. Шу йили немис физик олими Листинг, Ер юзаси рельефидаги фарқлар 20 км га яқинлашиб қолишини ҳисобга олиб, Ернинг шаклини геоид деб аташни тавсия этди. Геоид юзаси дунё океани сувларининг сокин юзасига мос бўлиб, бу юза хаёлан қитъалар остида ҳам давом эттирилади. Геоид юзаси аслида уч ўқлик эллипсоид юзасига яқин бўлиб, ундан 100-150 метрга фарқ қиласди.

Ҳозирги вақтда барча геодезия ўлчов ишларида Ф.Н.Красовский эллипсоидини қўллаш тавсия этилган бўлиб,

унинг ўлчамлари қуидагида кўринишга эга: Ер экваториал ўқининг ярми – 6378245,0 м.

Кутбий ўқининг ярми – 6356863,0 м

Кутбий сикиқлик – 1:298,3

Кейинги йилларда Ер сунъий йулдошлари ва орбитал станциялар ёрдамида олинган маълумотлар ҳам ушбу ўлчамларнинг аниқ эканлигини кўрсатди.

2. Географик координаталар тарихидан бир лавҳа

Ер юзидағи турли обьектларнинг ўрнини аниқлашда асосан географик кенглик, узунлик ва координата тушунчаларидан фойдаланиши, уларнинг инсон фаолиятида қанчалик муҳимлиги барчамизга яхши маълум. Уларнинг нотўғри аниқланиши ёки хато кўрсатилишини оқибатларини ҳам тассавур қилса бўлади. Шунингдек, геодезияга оид ўлчов ишларини амалга оширишда, географик хариталар яратишда ҳам градус тўри ва координаталарнинг аҳамияти бекиёсdir. Буларни тўғри тушунадиган ўқувчиларимизнинг ҳаммалари ҳам географик координаталар тарихидан бирдек хабардор бўлмасалар керак.

Бу тарих география тарихи билан деярли бир вақтда бошланган ва ҳозирги биз билган ҳолатга келгунга қадар кўп англашилмовчилик ва тузатишларга дуч келган. Бундай англашилмовчиликларнинг айримлари ўлчаш ишларида йўл қўйилган хатоликлар билан боғлиқ бўлса, кўпчилиги географик узунликлар ҳисобини турли меридиандан бошланиши билан боғлиқ бўлганди. Қуида ана шу географик координаталар тарихидан мулоҳазалар юритилади.

Параллеллар ва меридианлар, географик кенглик ва узунлик ҳамда улар билан боғлиқ ҳолда координата тушунчасининг фанга кириб келиши, қадимги юнонларнинг буюк олими, астрономия ва математик география асосчиларидан бири, родослик Гиппарх (мил.ав.190-126 йй.) номи билан боғлиқдир.

Гиппарх қадимги Александрия шахри обсерваториясида астрономик кузатувлар олиб борган ва шу ердаги машхур кутубхонада илм билан шуғулланган кезлари Ернинг шакли шарсимон эканлиги ҳақида, машхур Эратосфен сингари, аниқ тасаввурга эга бўлган ва бу масалада мутлақо иккиланмаган. Ҳолбуки, бундан тўғри илмий хулоса чиқарган олим, қуёш нурлари таъсирида турли минтақалар турли фаслларда турлича исишини яхши билган ва фанга иссиқлик минтақаси мазмунли “клима” атамасини киритган. Маълумки, ушбу атама кейинчалик “иқлим” ва “климат” атамаларининг ўзагини ташкил қилган.

Гиппарх шарсимон Ернинг айланаси экватор бўйича ҳам, меридиан бўйича ҳам 360^0 га teng эканлигидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар бир градусидан, ҳатто минут ва секундлари бўйича ҳам параллел ва меридиан чизиқлари ўтказиш мумкинлигини тавсифлаб берганди. Бундай параллел ва меридиан тўридан фойдаланиш географияга анчайин аниқлик киритиши мумкинлигини олдиндан тасаввур қила билганди. Унинг кўринишдан учалик мураккаб бўлмаган бу илмий кашфиёти географиянинг ва айниқса, харитаграфия соҳасининг кейинги тараққиёт йўлинни белгилаб берди деб айтиш мумкин.

Градус тўри ва географик координаталарининг асл моҳияти ва амалий аҳамиятини яхши тушунган, амалда кўллаб ижобий натижага эришган дастлабки тадқиқотчи, машхур юонон олими, етук астроном, математик ва географ Клавдий Птолемей бўлганди. Унинг Эратосфен ва Гиппарх асарларини яхши ўзлаштирганлиги, улар каби Александрияда астрономик кузатувлар олиб борганлиги, шу ердаги кутубхонада илм билан шуғулланиб, астрономия, астрология, оптика ва географияга оид қатор асарлар яратганлиги яхши маълум. Унинг “География”сида 4530 та шаҳар, 200 дан ортиқ тоғлар, дарёлар, кўллар, денгизлар ва оролларга тегишли координаталар берилгандики, уларни фандаги координата жадвалларининг дастлабкиси эди, деб ҳисоблаш мумкин.

Птолемей асаридаги географик узунликлар хисоби “Саодат ороллари”дан бошланган бўлиб, бу ороллар X.X.Ҳасанов ёзганидек, ўша замонлардаёқ тахминий бўлган ва деярли афсонавий ороллар эди.

Жойларнинг географик координаталарига кенг ўрин бериладиган астрономик жадвалларнинг навбатдагиси Птолемейдан сўнг, орадан беш аср яқин вақт ўтгач, қадимги Эронда охирги сосоний подшоҳ Ездигерд III даврида пайдо бўлган. “Шатројр зижи” номли форс тилида битилган бу асар VII-VIII асрларда эронлик мунажжимлар эътиборида анча машҳур бўлган. Ушбу асардан ва унинг “Шоҳ зижи” номи билан таржима қилинган араб тилидаги нусхаларидан Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Марвазий, Абу Маъшар Балхий каби олимлар яхши хабардор бўлганлар. Жумладан, ўша форсча асар асосида Абу Маъшар Балхий “Зиж” номли каттагина китоб ёзган. Унинг китобидаги жадвалларда келтирилган географик узунликлар маъмуранинг энг шарқий чеккасида, экваторда деб тахмин қилинган Жамкут оролидаги Канкадиз қалъаси меридианидан бошлаб ҳисобланган.

Айтиш лозимки, ушбу орол ҳам, қалъа ҳам Птолемейнинг ғарбдаги “Саодат ороллари” каби афсонавий бўлган. Шундай бўлсада, ўрта асрлар араб ва форс тилларидаги асарларда ўқтин-ўқтин тилга олиниб, мавжуд саналган.

Ўрта асрларда Шарқ олами олимлари яратган астрономия ва географияга доир асарлар тарихи билимдонлари, таниқли тадқиқотчи олимлар (масалан, Наллино, Хонигман, Крачковский кабилар)нинг таъкидлашларига кўра, қадимги эронликларнинг зижи аслида ҳиндларнинг астрономик кузатувлари ва улар тузган жадваллар асосида юзага келган экан. Ҳарқалай, эронликлар туфайли ўрта асрлар Шарқ олами фанига “Зиж” атамаси кириб қолди. Шундан сўнг астрономик жадваллари бўлган асарларнинг барчаси “зиж” деб атала бошланди. Бинобарин, Птолемейнинг астрономик жадваллар тўпламидан бири ҳам араб тилига “Батлимус зижи” деб таржима қилинганди.

Зиж тузиш илми юқорида айтилганидек, IX-X асрларда Бағдодда, қадимги илмий марказ “Байт ал-Хикма” фаолияти даврида авж олди. Машхур математик ва астроном олимлар Мұхаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Марвазийлар Бағдоддаги илмий фаолиятларини шу тарзда, яъни зиж тузиш билан бошлагандилар. Уларни зиж тузишга рағбатлантирган асарлардан бири “Китоб ас-Синдиҳинд” бўлганди. Бу асар аслида ҳинд олими Брамагупта томонидан 628 йилда битилган “Брамаспута сидданта” китобининг 773 йилда Бағдодда халифа ал-Мансур топшириғи билан астроном олим ал-Фазорий томонидан бажарилган арабча таржимаси эди. Асарда қисқача кириш сўзидан сўнг, осмон ёритқичларининг ҳаракатларига, бурж белгиларининг чиқиши ва ботишига доир маълумотлар ҳамда жойларнинг географик координаталари акс эттирилган жадваллар берилганди. Аммо асарда тушуниш қийин жойлари, хато ва камчиликлари ҳам бўлганди. Шуларни инобатга олган Мұхаммад Хоразмий бу асарни таҳрир қилиш жараёнида уни деярли қайта ишлаб, “Синдиҳинд ас-Сафир” (“Кичик Синдиҳинд”) номли асарини яратганди. Аҳмад Марвазий ҳам худди шу йўсинда “Дамашқ зижи” номли асарини тайёрлаган. Аҳмад Фарғоний ҳам зиж мазмунли жадваллар тузгани маълум. Ушбу асарлар қаторига олим ва таржимон Иброҳим ал-Фазорий “Зиж”ини, Абдуллоҳ ибн Амажур ат-Туркийнинг “Синдиҳинд зижи” китобини, ҳамда Абу Маъшар Балхийнинг каттагина “Зиж” китобини киритиш мумкин. Ушбу “Зиж” асарларнинг барчасида географик координаталар ҳинд анъаналари бўйича берилганди. Ушбу анъаналарга асосланиб тузилган зижлар, қамраб олинган маълумотлар бўйича бир-биридан фарқлансада, уларнинг барчасида битта асосий хусусият, яъни географик узунликлар ҳисобининг доимо шарқ томондан бошланиши сақланган. Шунингдек, Ракка расадхонасида ишлаган астроном ал-Баттоний (852-929) ўзининг “аз-Зиж ас-Собий” асарида етти иқлим жадвалларини Аҳмад Фарғоний жадвалларига мос тузган. Мисрда фотимий ҳукмдорлар замонида Қоҳира яқинидаги

расадхонада ишлаган астроном ибн Юнус (ваф.1009) нинг, 1126 йилда Марв шаҳрида яратилган ал-Ҳазинийнинг ва 1230 йилда Шимолий Африкада Абу Али ал-Ҳасан ал-Марракуший (ваф. 1262)нинг астрономик жадвалларида ҳам ҳинд анъаналари сақланган эди.

Қадимги ҳинд астрономларининг ғоясига кўра, географик узунликлар ҳисоби маъмуранинг қоқ ўртасидан ўтувчи меридиандан бошланиши лозим эди. Шундай меридиан сифатида улар ўзларининг расадхоналаридан бири жойлашган Ужжайн шаҳридан ва бир вақтнинг ўзида Ланка (ҳозирги Шри Ланка) оролидан ўтувчи меридианни танлашган эди. Ушбу меридиан ҳинд астрономлари тасаввурида Ланка оролида экватор билан кесишиб, шимолий ва жанубий қутблардан ҳамда маъмуранинг энг ғарбий ва шарқий чекаларидан teng узоқликда жойлашган нуқтани ҳосил қилиши лозим бўлган. Аммо бу нуқта ва бош меридиан араб географик асарларига “Куббат ал-арз” (“Ернинг қуббаси”) ва Арин номлари билан кириб келди. Бу тушунчаларнинг келиб чиқиши билан қизиқкан И.Ю.Крачковский (1957) италиялик машҳур шарқшунос, астроном олим К.Наллинонинг тадқиқотларига асосланган ҳолда Ужжайн номи арабча талаффузда дастлаб Узайн, сўнг араб имлосида Аринга ўзгартирилганлигини, оролни эса асли номи арабчада сақланмаганлигини ва анчайин ғарбга, Абиссиния билан Хиндистон оралиғига, экватордаги оролга кўчирилганлигини ёзган.

Умуман олганда, ушбу тушунчаларни ўрта асрлардаёқ таърифлашга ва изоҳлашга ҳаракатлар бўлган. Масалан, X аср бошларида номи юқорида зикр этилган Абу Абдуллоҳ ал-Баттоний ўзининг зиж асарида: “Айтишларича, ерда экватор ал-Ҳинд билан ал-Ҳабаш оралиғида, экватордан жануброқдаги оролда ғарб билан шарқقا бўлинади. Экваторни шимолдан жанубга томон кесувчи чизиқ эса Фарбий океандаги “абадий” деб аталадиган ороллар билан ас-Сина (Хитой) нинг одам яшайдиган энг чеккалари ўртасидан ўтади. Бу –“Ернинг қуббаси”дир. Унинг

жойи-ўзаро кесишадиган жойдир” – деб ёзган. Бу каби маълумотлар Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” китобида ҳам бор эди. Унинг асарида тилга олинган Хўжанд билан Шопуркон меридианини Ҳ.Ҳ.Ҳасанов харитаграфия тарихи учун қимматли кашфиёт ҳисоблаб, бошланғич меридианлар рўйхатига яна бир номни – Хўжанд меридианини қўшиш керак бўлади, деб ёзганди. Бизнингча, ушбу меридиан ҳам ўша Абиссния ва Ҳиндистон ўртасидан ўтган Арин меридианига тўғри келади.

“Ер куббаси” ва “Арин” тушунчаларидан буюк олим Абу Райхон Беруний ҳам яхши хабардор бўлган. У ўзининг астрономик жадвалларга оид асарларида, жумладан “Ҳиндистон” китобида (1030 й.) бу тушунчаларни изоҳлаб ўтган. Шу каби изоҳлар Ёқут Ҳамавий (XII аср) ва ал-Журжоний (XIV аср) тузган луғатларда ҳам бўлган.

Маълумки, XI аср охиrlари ва XII асрда Испаниянинг Толедо ва Италиянинг Палермо шаҳарларида йирик таржима марказлари фаолият юритган. Бу ерларда бир қатор моҳир таржимонлар Шарқ олимларининг асарларини, шунингдек, бир вақтлар Бағдод таржимонлари арабчага ўгирган қадимги юон олимларининг асарларини ҳам лотинчага катта қизиқиши билан таржималар қилганлар. Жумладан, келиб чиқиши Англиянинг Бат шахридан бўлган таржимон ва сайёҳ олим Аделард қадимги қўлёзма асарларни излаб Греция, Сицилия, Миср ва Арабистон томонларга 1110-1114 йилларда махсус саёҳатга ҳам чиққан ва анчагина грекча ва арабча илмий қўлёзма асарлар билан қайтиб келган. Унинг Муҳаммад Хоразмийнинг “Зиж”ини, Евклиднинг “Негизлар” асарини араб тилидан лотин тилига таржима қилганлиги яхши маълум. Шарқ олимлари асарларидаги “Ер куббаси” ва “Арин” ғояларини ўрганиб, ер юзасининг Арин меридианидан гарб ва шарқ томонидаги қисмлари симметрик тузилган ва нок шаклига ўхшайди, деган тасаввурга эга бўлган. Унинг бу тасаввурини бошқа таржимон, Птолемейнинг “Ал-Мажистий”, Фарғонийнинг “Жавоми илм ан-Нужум...” асарини,

Ибн Синонинг “Тиб қонуни”ни, аз-Зарқалийнинг “Толедо жадвалларини” арабчадан лотинчага ўгирган кремоналик таржимон Герардо ҳам тарғиб қилган. Шу тариқа шарқ олимлари асарларидаги Ер қуббаси ва Арин тушунчалари европаликларнинг географик адабиётига ҳам кириб келди. Дастлаб, инглиз қомусий олими Рожер Бекон (1219-1292) ўзининг “Катта асар”ида бу тушунчаларни таърифлашга ҳаракат қилган. Сўнг, унинг бу асарига асосланган француз олими Пьер д’Эйи (лотинча манбаларида Петр Аллиак) (1350-1420) ўзининг “Имаго мунди” (“Дунё тасвири”) асарини ёзди. Орадан етмиш йилча вақт ўтгач, “Имаго мунди”ни ўқиган Христофор Колумб қандай хулосага келганлиги ўқувчига яхши маълум.

Шундай қилиб, беш аср мобайнида астроном ва географлар эътиборида бўлиб келган “Ер қуббаси” ва “Арин” меридиани ғоялари кейинчалик, буюк географик кашфиётлар туфайли илмий муомаладан тушиб, фақат тарихий аҳамиятгагина эга бўлиб қолди. Аммо, географик координаталарни ҳисобини олишдаги бош меридиан масаласида ҳали муҳим бир тўхтамга келинмаганди. Меридианлар ҳисобини маъмуранинг ғарб томонидан бошлишда ҳам турлилик мавжуд эди. Жумладан, Клавдий Птолемейнинг “География”сида бошланғич меридиан сифатида “Саодат ороллари” меридиани олинганди. Кейинчалик Муҳаммад Хоразмий, Сухроб ҳам шу меридианни бош ҳисоблаганлар. Қадимги юнон олимлари ердаги жаннатни Канар оролларида деб тусмоллаганлар ва бу оролларни “Жаннат ороллари”, “Саодат ороллари” деб атаганлар.

Маълумки, Канар архипелагида йигирмага яқин катта-кичик ороллар бўлиб, энг катталари Тенериф, Фуэртевентура, Гранд-Канария ҳисобланади. Қолганлари Лансароте, Пальма, Гомера, Грасьоса, Ферро, Монтанья-Клара, Лобос, Алегранса каби майда ороллар, айримлари алоҳида қоялардан иборат. Архипелагнинг энг чеккасидаги Ферро оролидан ўтувчи меридианни европалик ҳаритаграфлар XIX аср охирларигача, аниқроғи 1884 йилда халқаро келишувга кўра Лондон шахрининг шарқий чеккасида

жойлашган кўхна Гринвич обсеваторияси (1675 й.) дан ўтувчи меридиан бошланғич деб қабул қилингунга қадар бош меридиан хисоблаб келганлар.

Х.Х.Ҳасановнинг таҳлилларига кўра Птолемейнинг “Саодат ороллари”, Беруний жадвалларидағи “Фарбий океан соҳили”, ўрта асрлар Шарқ олимлари асарларидағи “Жазоири ас-Саъда”ларнинг барчаси ана шу Ферро ороли меридианига тўғри келади.

Бошқа бир қатор зижларда, географик асарларда бош меридиан сифатида Холидот ороллари меридиани олинган. Масалан, Насриддин Тусий, Мирзо Улуғбек зижларида, XVI-XVII асрларда ёзилган айrim тарих ва адабиётга оид асарларда ҳам координаталар ҳисоби Холидот оролларидан бошланган. Жумладан, адаб Ҳасанхожа Нисорий (1516-1597) нинг 1566 йилда ёзилган “Музаккири аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) номли тазкирасида Ҳирот, Бухоро, Самарқанд ва Балх шаҳарлари таърифида кўрсатилган координаталар Холидот оролларидан ҳисобланган. Балхлик олим Маҳмуд ибн Вали (XVII) ҳам Балх, Жом, Жузжон, Ғазни шаҳарлар координаталарини Холидот оролларидан деб кўрсатган.

Х.Х.Ҳасановнинг ёзишига кўра, бу оролларнинг географик ўрни тўғрисида ўрта асрларда ҳам, ҳозир ҳам тайинли бир фикр айтилмаган, “Холидот ороллари” ва “ас-Саъда ороллари” тушунчалари аралаштириб юборилган. Шунинг учун ҳам “Холидот ороллари”ни ҳозирги Канар ороллари деб аташ расм бўлган. Олим Абу Райхон Беруний, Али Қушчи ва “Зижи Кўрагоний”га 1523 йилда шарҳ ёзган тарихчи олим Мавлоно Абдуали Биржандий маълумотларига асосланиб, Холидот ороллари асло Канар ороллари эмас, балки Африка қирғоқларидан 10° ғарброкда, яъни Канар (Саодат) оролларидан анчагина (7° атрофида) ғарбда жойлашган Яшил бурун ёки Азор ороллари бўлиши мумкин” деган хulosага келганди (1981, 174-177 б.).

3. Етти иқлим ва географик зоналлик ҳақида

Китобимизнинг ўрта асрлар Шарқ олами географияси тарихига оид саҳифаларида “иқлимлар”, “етти иқлим” тушунчаларидан кенг фойдаланилганининг шоҳиди бўлгандик. Дастраслабки географик асар “Сурат ал-арз”даёқ Муҳаммад Хоразмий Ернинг обод қисмидаги шаҳарлар, тоғлар, дарёларнинг координаталарини алоҳида-алоҳида иқлимлар бўйича кўрсатган эди. Унинг “етти иқлим” тўғрисидаги таълимотини Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ўша замон географиясидаги оригинал янгилик деб ҳисоблаганди. “Етти иқлим” тушунчаси Муҳаммад Хоразмийдан кейин ҳам, кўп асрлар давомида географиянинг фундаментал тушунчаси сифатида қўлланиб келинди.

“Етти иқлим” ёки “иқлимлар” (“ақолим”) терминларидан кейинчалик қатор муаллифлар ўз асарларини номлашда ёки айрим бобларини сарлавҳалашда ҳам қўллайбошлаганлар. Шу маънода, Аҳмад Фарғонийнинг “Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида”, ироқлик Сухробнинг “Етти иқлим ажойиботлари китоби”, хурросонлик Абу Зайд Балхийнинг “Иқлимлар сурати”, араб географи Муқаддасийнинг “Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма”, машҳур Абу Райхон Берунийнинг бизгача етиб келмаган “Иқлимлар тақсимоти”, эронлик адаб Амин Аҳмад Розийнинг 1594 йилда Ҳиндистонда бобурий подшоҳ Акбарга бағишлиб ёзган “Етти иқлим” каби асарларни эслаш кифоя. Ушбу асарларда муаллифлар “етти иқлим” ёки “иқлимлар” терминини дунё ёки ер юзасининг одамларга маълум қисми сўзларининг муқобили сифатида ишлатганлар. Баъзан дунёнинг доиравий хариталари иқлимлар харитаси деб ҳам ҳисобланган.

Аввалроқ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг “Бобурнома” асари ҳақида сўз юритган саҳифаларимизда Бобурнинг Фарғона ҳамда Кобул вилоятларини тўртинчи иқлимдандир деб, ёки Ҳиндистонни биринчи, иккинчи ва учинчи иқлимлардан эканлигини ёзганида “иқлим” тушунчаси вилоятлар

ва ўлканинг географик ўрнини акс эттирувчи тушунча сифат хизмат қилган.

“Етти иқлим” тушунчаси регионал тасвирий географияга оид асарларда ҳам кенг ишлатилган. Масалан, “масофалар ва мамлакатлар” туркум асарларда Шарқ оламининг географик тавсифлари иқлиmlар бўйича баён қилинганини кўрамиз. Аммо уларнинг ҳаммасида ҳам “иқлим” тушунчасининг мазмуни, иқлиmlарнинг чегаралари ва уларга қарашли мамлакатлар бир хил эмас. Бу ҳолга ўз даврида Беруний ҳам эътибор берганди. “Иқлиmlар баёни муҳим нарса. Бу тўғрида ихтилоф бўлмаслиги керак”- деб ёзганди у. Шу сабабдан ҳам Беруний ўзининг асарларида иқлиmlар ва уларнинг таърифига кўп бор тўхталган. Унинг “Иқлиmlар тақсимоти” номли алоҳида асари ҳам бўлган. Абу Райхон Берунийнинг ҳаёти, ижоди ва географик мероси билан астойдил қизиққан Ҳ.Ҳ.Ҳасанов буюк олимнинг “ат-Тафҳим”, “Геодезия” ва “Қонуни Маъсудий” асарларида келтирилган иқлиmlар тарихи ва таърифи баёнидан танлаб олинган кўчирмалар келтирилганки, улардан ўқувчи “етти иқлим” тушунчаси ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Берунийнинг “Қонуни Маъсудий” китобида айтилишича “Ернинг турли тоифадаги кишилар яшайдиган жойларига қараб қисмларга бўлиниши ҳар миллат қошида ҳар хилдир”. Бунга “ат-Тафҳим” асарида мисол келтириб шундай ёзади: “Қадим замоннинг афсонавий қаҳрамони Афридун дунёни уч қисмга тақсимлаган: бир ўғлига Шарқ (Хитой ва Турк ерлари)ни, иккинчисига – Рум ва Мағриб (Кичик Осиё билан Африканинг шимоли-гарби)ни ва учинчисига – ўрта ерлар (Эрон, Туron, Ҳинд)ни ажратиб берган экан.

Юнонлар ҳам Ерни учга бўлиб, шарқдаги, катта қисмига Осиё, Ғарбдаги кичикроқ қисмларига Уруба (Европа) ва Либия (Ливия, Шимолий Африка) деб ном берганлар. Қадимги эронликлар Ерни етти қисмга бўлган эдилар, ҳар бир қисмни Кишвар деб атаганлар”. Шу ўринда, ўрта асрлардаги айrim муаррихларнинг Одам Атодан бошланган тарих асарларида

(масалан, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” китобида) Нух алайхиссаломнинг ўз ўғиллари Ёфас, Хом ва Сомларга оламни бўлиб берганлиги ҳақидаги ривоятни ҳам ёзганликларини ёдга олиш мумкин.

Берунийнинг “Геодезия” асарида эронликларнинг “етти Кишвар”и ҳам таърифлаб берилган. Унингча, “кишвар” форсча “ҳад” маъносидаги сўздир. Гўё чегара белгилар бир-биридан ажралиб тургандек, бу қисмлар ҳам бир-биридан бўлак-бўлак ҳолда демоқчи бўлганлар. Уларнинг биринчиси - восита, у ҳам бўлса Эронشاҳрдир (Ирок, Форс, Жибол, Хуросон). Лекин улар уни восита бўлсин учун санашда тўртинчи ўринга қўйганлар... Албатта бу тақсимлашнинг табиий шароитлар ҳолатига, ҳайъат илми қонунларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу инсонлар суратлари, аҳлоқлари, тил ва динлари турлича бўлишига асосан бир-биридан фарқ қиласиган мамлакатлар бўйича ёки (халқларни) бўйсундириш сабабли бўлгандир. Аммо юнонлар ва бошқа шулар каби Мағриб аҳллари уринган ҳамма нарсаларида тўғрироқ ва ҳақиқатга яқинроқ йўлларни қўллаганлари учун улар Машриқ билан Мағриб орасида мувозанат қилиш йўлига тушиб, иттифоқо тоғлар, дengизлар ва шу иккаласига шамолнинг эсадиган ерлари жиҳатидангина ихтилоф борлигини топганлар. Шимолий қутб томонга ва ундан юришда аҳволни мулоҳаза қилганда ҳавонинг иссиқ ва совуқлиги, қуёш ва юлдузларнинг азимут устидан оғиши, қутб ва унинг атрофидаги юлдузларнинг юқорига кўтарилиши ва ўша юришга мувофиқ кечанинг кундузга ўралишида ихтилоф борлигини топганлар. Улар одам яшайдиган ерни аниқроқ бўлган ихтилофга мувофиқ, шу (у ҳам бўлса, кеча ва кундуз орасидаги) бир-бирига рўбарў бўлган чизиклар билан етти иқлимга бўлганлар. У чизиклар Машриқда маъмур ерларнинг энг узоғидан тортиб, Мағрибнинг охирига боради. Улар биринчи иқлимининг ўртасидан бошлаб унинг энг узуни ўн уч соат бўладиган ёз куни, иккинчи иқлимининг ўртасини энг узуни ўн уч ярим соат бўладиган ёзнинг кунига илаштирдилар. Шундай қилиб, иқлимининг ўртасини ярим соатдан ошириб-

ошириб бориб, энг узуни 16 соат бўладиган ёз кунига илаштирилар”.

Берунийнинг “Конуни Масъудий” китобидаги иқлиmlар тақсимоти қуйидагича кўринишда бўлган.


Иқлиmlар	Жанубий чегараси	Шимолий чегараси	Энг узун кун
Биринчи иқлиm	12 ⁰ 40 ¹	20 ⁰ 27 ¹	12с 45мин
Иккинчи иқлиm	20 ⁰ 27 ¹	27 ⁰ 30 ¹	13с 15мин
Учинчи иқлиm	27 ⁰ 30 ¹	33 ⁰ 38 ¹	13с 45мин
Тўртинчи иқлиm	33 ⁰ 38 ¹	38 ⁰ 54 ¹	14с 15мин
Бешинчи иқлиm	38 ⁰ 54 ¹	43 ⁰ 22 ¹	14с 45мин
Олтинчи иқлиm	43 ⁰ 22 ¹	47 ⁰ 12 ¹	15с 15мин
Еттинчи иқлиm	47 ⁰ 12 ¹	50 ⁰ 20 ¹	15с 45мин

Шунга кўра “етти иқлиmning ўртаси тўртинчи иқлиm ҳисобланади. Иқлиmlар ўртасидаги яrim соатдан фарқ бўлиб, бир иқлиmning ўзи боши билан охири ўртасида чорак соатдан фарқ қиласди”.

Шундай қилиб, мамлакатларнинг иқлиmlар бўйича тақсимоти қуйидагича кўринишга эга бўлган. Биринчи иқлиmга Судан, Яман, Уммон, Жанубий Ҳиндистон, Ҳиндихитой; иккинчи иқлиmга Мағриб (Марокаш), Ифриқий (Тунис, Ливия), Миср ва Асвон, Ўрта Арабистон, Макрон, Синд, Ўрта Ҳиндистон, Жанубий Хитой; учинчи иқлиmга Африканинг энг шимоли, Искандария ва Нил делтаси, Фаластин, Иордания, Сурия, Ирок, Форс (Жанубий Эрон), Сейистон, Шимолий Ҳиндистон; тўртинчи иқлиmга Зуқоқ (Гибралтар), Андалус (Жанубий Испания), Греция ороллари, Рум (Кичик Осиё), Озарбайжон (Табриз), Дайлам ва Табаристон (Каспий жануби), Хуресон, Балх ва Тўхористон(Термиз атрофлари), Бадахшон, Кобул, Кашмир, Тибет, Ўрта Хитой; бешинчи иқлиmга Галисия

(Шимолий Испания), Шимолий Рум, Армания, Дарбанд, Хазар денгизи (Каспий), Хоразм, Бухоро, Сўғд (Самарқанд), Шош (Тошкент), Фарғона, Исфижоб (Чимкент-Сайрам), Кашкар; олтинчи иқлимга Франк (Ўрта Европа), Хазарлар (Волга этаги), Турклар мамлакати ва еттинчи иқлимга Варанг (Балтика), сақлоб (славян) лар ери, руслар ери, Булғор ва Сувор (Ўрта Волга), бажанак ва ғузлар ери киритилган.

Юқорида Беруний асарларидан олинган күчирмалар X.X.Хасанов бўйича берилди (1981, 84-87 бетлар). Ушбу асарда келтирилган қуидаги иқлиmlар чизмаси ҳам эътиборга лойик (7-расм).



7-расм. Берунийнинг иқлимлар чизмаси

Ушбу чизмада олтита иқлим восита ҳисобланган тўртинчи иқлим атрофига концентрик жойлаштирилган. Агар бу иқлиmlарни жадвалда кўрсатилгандек жанубий ва шимолий чегараларини шарқий яримшар харитасининг экватордан шимолда бўлган қисмига туширилса паралеллар бўйлаб узунасига чўзилган зоналар ҳосил бўлади.

Ўрта асрларда тузилган айrim дунё хариталарида шундай қилинган ҳам, яъни паралеллар ва меридианлар билан бир вақтда иқлиmlар ҳам акс эттирилган.

“Қонуни Масъудий”да айтилган: “... кенглик бўйлаб (жанубдан шимолга) юрганда (иқлиmlар) тупроғи, суви, нознеъматлари ва халқи жиҳатидан фарқ қиласи” жумласига асослансан, шарқликларнинг иқлиmlарини табиат зоналарига ўхшатиш мумкин. Аммо уларнинг сони, чегаралари ҳам ҳозирги табиат зоналарининг сони ва чегараларига тўғри келмайди.

XX асрнинг иккинchi ярмида, катта ҳажмдаги маълумотларнинг таҳлили асосида тузилган хариталарда Шарқий яримшарнинг экватордан шимолдаги қисмида 30 дан ортиқ табиат зоналари ажратилган.

Таниқли табиатшунос олимлар А. Гумболт, В.В.Докучаев, А.А.Григорьев, С.В.Калесник, Л.С.Берг ва бошқаларнинг илмий изланишлари туфайли барча табиат компонентлари ҳамда табиий ландшафтларнинг кенгликлар бўйлаб, яъни экватордан кутбларга томон қонуний ўзгариб бориши географик зоналлик қонуни деб аталди. Бир турдаги ландшафт зоналарининг турли географик минтақаларда қайталаниши эса географик зоналликнинг даврий қонуни эканлиги аниқланди ва зарурий микдор кўрсаткичлари билан исботлаб берилди (А.А.Григорьев ва М.И.Будыко, 1956). Шундай қилиб, Шарқ олами географиясида кенг қўлланиб келинган “етти иқлим” тушунчаси тарихий аҳамиятгагина эга бўлиб қолди.

Ўрта асрлар география тарихининг икки тадқиқотчиси

Ушбу китоб саҳифаларида икки олимнинг исм-шарифлари ва айrim асарларининг номи кўп бор тилга олинди, улардан кўчирмалар келтирилди. Булар ўрта асрлар Шарқ олами география фани тарихини ўрганишга улкан ҳисса қўшган, Шарқда география фанининг ривожига даҳли бўлган ёзма манбаларни ўрганиб, илмий таҳлилдан ўтказган арабшунос олим, академик Игнатий Юлианович Крачковский (1883-1951) ва унинг “Арабская географическая литература” (1957) асари ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, география фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Ҳасанович Ҳасанов (1919-1985) ва унинг “Сайёҳ олимлар” китоби эди.

Ўзбекистон географлар жамоаси география тарихи билимдони, иқтидори баланд ва камтарин олим, олий ва ўрта таълимда география ўқитишининг жонкуяр сохиби, ўз танлаган фаннинг фаол тарғиботчиси, моҳир педагог Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг исми-шарифини катта ҳурмат ва эҳтиром билан зикр этадилар. Бунинг шоҳиди бўлиш учун Ўзбекистон география жамияти ахбороти тўпламларининг олим таваллудини 80, 85 ва 90 йиллик саналарига бағишлиланган маҳсус жилдларидаги мақолаларни бир карра кўздан кечириб қўйишининг ўзи кифоя. Шундай бўлсада, устоз домламиз Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ҳақларида яна бир бор ёзишни лозим деб билдик.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов 1919 йилнинг 19 январида Тошкент шаҳрида ўқимишли оиласда таваллуд топган. 1926-1936 йилларда ўрта мактабда, 1936-1941 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг геология-тупроқшунослик-география факултетида ўқиган. Иккинчи курсда ўқиб юрган кезларида ёқ ўрта мактабда географиядан дарс берган. 1941-1946 йилларда ҳарбий хизматда бўлиб, Тошкентга қайтгач, собиқ “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги Ўзбекистон овози) газетаси таҳририятида адабий ходим, педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида

илмий ходим лавозимида ишлаган. Матбуотда географияга оид қатор мақолалар эълон қилиб турган.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов 1950-1953 йилларда Москва шаҳрида собиқ Иттифоқ Фанлар Академиясининг География илмий-тадқиқот институтида аспирантурада таҳсил олган. 1953 йилда таниқли географ Э.М.Мурзаев (1908-1997) раҳбарлигига номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгач Тошкентга қайтади. Бу ерда бир ўқув йили муддатида Тошкент Давлат педагогика институтида дарс бергач, Ўрта Осиё давлат университетининг География факультетига Табиий география кафедрасининг доценти лавозимига ишга ўтади. Олимнинг кейинги илмий педагогик фаолияти, географ кадрлар тайёрлашдаги мاشаққатли меҳнатлари, жамоат ишларидаги фаол ва ҳалол хизматлари шу кафедрада ўтган бўлса-да, университетнинг таниқли шарқшунос, тилчи, адабиётчи, тарихчи олимлари билан, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти илмий ходимлари билан яқин илмий алоқада бўлганлар, айрим мунозарали масалаларда маслаҳатли сұхбатлар уюштирганлар.

Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг кўп йиллик илмий изланишларининг самарали натижаси сифатида “Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар”(1964) номли монографияси чоп этилди, география фанлари доктори илмий даражаси учун дессертация ҳимоя қилинди (1967), профессор унвонига эга бўлинди (1970). География тарихи бўйича Ўрта Осиёда пешқадам, забардаст олим бўлиб етишди. Шу соҳа йўналишида ёзилган Мухаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Заҳириддин Бобурларнинг географик мероси таҳлил қилинган ва кенг китобхонларга мўлжалланган асарлари ҳам алоҳида-алоҳида нашр қилинганди.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов факат табиий география ва география тарихи доирасидагина чекланиб қолмай, топонимика, географик терминология, имло луғатчилиги соҳаларида ҳам қўпдан-қўп китоблар ва илмий мақолалар ёзган, муҳим дарслик ва

қўлланмалар таржимаси билан ҳам шуғулланган. География фанининг илмий, маънавий имкониятларини тарғиб ва ташвиқ қилишда чарчамаган. Олимнинг “Географик номлар имлоси” (1962), “Географик терминлар луғати” (1964), “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан”(1965), “Ер тили”(1977), “Географик номлар сири”(1985) каби китоблари географ ҳамкасбларимизга яқиндан таниш.

Олимнинг қайси асарини варақламанг, ундаги жумлалар ниҳоятда ”пишитилганлиги” ва лўндалигини, ўқишли эканлигини ва ўта саводли тузилганлигини гувоҳи бўласиз. Саводхонлик масаласида бу инсон талабаларга нисбатан ҳам, факултетдаги ҳамкасбларига нисбатан ҳам талабчан устоз эди.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ўзининг кейинги машҳур асарини “Сайёҳ олимлар” деб номлаган пайтларида, ўзлари ҳам шундай олимлар қаторига кириб қолганликларини хаёлларига ҳам келтирмаган бўлсалар ажаб эмас. Чунончи, ўзлари ҳам дунё кезган, қўплаб хориж мамлакатларида бўлган, географик таассуротларга бой, зийрак ва синчков, билим доираси ниҳоятда кенг инсон эдилар. Камтарлик ва олийжаноблик хислатлари зиёда эди.

Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг “Сайёҳ олимлар” китоби, гарчи оммабоп тилда кенг китобхонлар оммасига мўлжаллаб чоп этилган бўлсада, тузилиши, мазмуни ва моҳиятига кўра монографик асар ҳисобланади. Уни ёзишдан асосий мақсад, муаллифининг таъбири билан айтганда: “Ўрта Осиё ва Хурсонда туғилиб ўсган, шу ерларда хизмат қилган ёки турли сабаблар билан узок ўлкаларга кетиб қолиб, у ерларда ҳам обрў қозонган, умуман, Шарқ оламида донишмандликлари билан донг чиқарган, дунё фанида ёрқин из қолдирган муҳтарам ватандошларимизнинг илмий фаолиятини ўрганиш ва қисқача баён этишдан” иборат бўлганди. Ушбу мақсадга муаллиф олий даражада эришди деб баҳолаш мумкин. Китобни тайёрлашда муаллиф асосан Ўбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондидаги асарлардан, Санк-Петербург, Москва, Душанбе ҳамда Париж, Лондон, Нью-Йорк кутубхоналаридаги

эски ўзбек тилида, тожик, форс ва араб тилларида ёзилган асарларнинг микрофильмларидан фойдаланган. Шунингдек, турли даврларда нашр этилган ва муаллифлари таниқли шарқшунослардан В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, Б.Н.Заходер, В.Минорский, Юсуф Камол, И.Лелевель ва бошқалар асарларидан ҳам фойдаланган. Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ушбу асарининг муқаддима қисмида: “Мархум академик шарқшунос-географ Игнатий Юлианович Крачковский ишимизда бизга ғойибона маслаҳатгўй ва раҳнамо бўлдилар десам, муболага бўлмас. Асарни ёзишда биз асосан И.Ю.Крачковский йўлидан боришига интилдик, унинг фикрларига эргашдик, асарларидан керагича фойдаландик. Ўрта Осиё ва Хурросон географиясига оид сўзларини баъзан айнан такрорлашга ҳам журъат этдик. Агар ушбу китобимиз: ”Шарқ географияси тарихи” тўпламига, яъни И.Ю.Крачковский асарларининг тўртинчи томига кичик бир қўшимча бўла олса ўзимизни баҳтиёр ҳисоблар эдик”- деб ёзганди (1981, 9 б.).

Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг И.Ю.Крачковский шаънига ва унинг “Арабская географическая литература” (1957) номли асарига нисбатан билдирган бундай катта ҳурмат ва эҳтироми фан билан шуғулланувчилар учун ибратлидир. Шунингдек, ўкувчида бу асарга ва унинг муаллифи И.Ю.Крачковскийга нисбатан қизиқиш уйғотади, бу ажойиб инсон, атоқли арабшунос, моҳир таржимон, тинимсиз илм билан шуғулланган тадқиқотчи олим ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўз айтиб ўтишга ундейди.

И.Ю.Крачковский аслида болтиқбўйиликдир, 1883 йили 4 марта Вильно (ҳозирги Вильнюс) шаҳрида туғилган. Унинг болалик йиллари шу ерда ўтган, дастлабки маълумотни ҳам Вильнодаги биринчи шаҳар гимназиясида олган. Гимназияда ўқиб юрган кезларида ёқ Шарқ адабиётига қизиқиши уйғонган. Ҳатто ўзича, мустақил ҳолда араб тилини ўрганмоқчи бўлиб, машҳур француз шарқшуноси Сильвестр де Сасининг икки томли араб грамматикасини доим ўзи билан олиб юрган.

Бўлажак олим ўн саккиз ёшида гимназияни олтин медал билан тугатиб, Петербург университетининг Шарқ тиллари факультетига ўқишга кирган. Университетни муваффақиятли тугатган ёш И.Ю.Крачковскийни араб тили кафедрасида профессорлик фаолиятига тайёрланиш учун олиб қолинганлиги ва унга ўша вақтлардаги таникли арабшунос олим В.Р.Розен (1849-1908) илмий раҳбар этиб тайинланганлиги маълум.

Ёш мутахассис И.Ю.Крачковский араб тили ва адабиётини чуқурроқ ўрганиш ва шу халқнинг ўзидан эшишиш мақсадида 1908-1910 йиллар оралиғида Сурия ва Мисрга боради, Байрут ва Қоҳира университетларида араб адабиёти ва тарихидан бир қатор маъruzалар тинглайди, араб тилида сўзлашишни ҳам яхши ўрганиб олади. Унда, айниқса, 1909 йилдаги Қоҳира университетида тинглаган италиялик шарқшунос олим, Шарқ астрономияси ва математик географияси тарихи бўйича йирик мутахассис К.А.Наллинонинг (1862-1938) маъruzалари катта таассурот қолдиради ва кейинчалик ўз илмий фаолиятида бу олимнинг асарларига кўп бор мурожаат қиласди. Балки И.Ю.Крачковский ўз илмий фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ араб географик адабиёти билан қизиқиб қолишига шу олимнинг ўзига жалб қилувчи маъruzалари туртки бўлгандир.

Маълумки, ўз илмий-педагогик фаолиятини ўзи ўқиган кафедрада приват-доцентликдан бошлаган И.Ю.Крачковский шу кафедранинг профессори ҳам бўлди (1918). 1929-1938 йилларда Ленинград Шарқшунослик институтининг араб тили кафедрасига мудирик ҳам қилди. 1921 йилда эса 38 ёшлик бу профессор Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлиб сайланади. Унинг ижодий фаолиятидан хабардор бўлганларнинг айтишига кўра, И.Ю.Крачковскийнинг илмий қизиқишилари қамрови ниҳоятда кенг бўлган. Уни универсал шарқшунос, қомусчи олим деб тилга олиниши ҳам шундан. Мумтоз (классик) ва замонавий араб адабиёти билан бирдек қизиқиб шуғулланган бу олим рус ва араб тилларидан ташқари форс, турк, лотин, ҳабаш ва яна бир қатор ғарб тилларини ҳам билган. Таржима соҳасида ҳам юксак

маҳорат эгаси бўлган. У бажарган мисрлик ёзувчи Қосим Аминнинг “Янги аёл” номли китоби (1912), ливанлик машҳур ёзувчи Амин Райхоннинг “Танланган асрлари”(1917), машҳур “Калила ва Димна” (1934), таниқли араб ёзувчиси, Қоҳира университети профессор Таха Ҳусайннинг “Кунлар” асари (1958) ва ниҳоят, “ Куръони Карим”нинг русча (1963) таржималари жуда юқори савияда бажарилганини соҳа мутахассислари тан олганлар.

И.Ю.Крачковскийнинг ўзи катта завқ билан шуғулланган араб тили ва адабиётига, унинг тарихига оид асрларининг умумий сони 400 дан ошади. Уларнинг кўпчилиги ҳажми ва мазмунига кўра йирик ва қимматли асрлардир, шу жумладан, “Араб географик адабиёти” монографик асари ҳам. Ушбу асар ўрта асрлардаги Шарқ олами олимлари, уларнинг илмий асрлари ҳақида, ўрта асрлар тарихий географияси ва география фани тарихига оид бой ва рангба-ранг маълумотлар олиш мумкин бўлган қимматли ва нодир манба сифатида географларнинг ҳам, шарқшунос ва тарихчи олимларнинг ҳам эътиборини бирдек қозониб келмоқда.

Умумий ҳажми 40 босма табоққа етадиган ушбу асадарда VI асрдан тортиб то XIX асргача бўлган даврлардаги Шарқ оламининг турли вилоятларида яшаб ўтган ижод ахлининг географияга оид асрлари филология нуқтаи назаридан таҳлил қилинган, мавриди бор жойларида олимларнинг ўзларига ҳам тавсифлар бериб ўтилган.

Асар 24 бобдан иборат бўлиб, 1938-1943 йиллар оралиғида ёзилган. Унга муаллифнинг 1910 йилдан бошлаб, бир неча йиллар мобайнида Петербург университетида “Араб тарихий географик адабиёти” ўқув фанидан ўқиган маъruzalар материаллари асос бўлган. Олим ўзининг бу асарини то вафотига (24.01.1951) қадар, узоқ йиллар мобайнида янги маълумотлар билан бойитиб, такомиллаштириб борган.

Олимнинг бир неча бор таъкидлашларига кўра, бу асарини яратишда у ўз олдига арабларнинг география фани ва географик

кашфиётлар тарихини эмас, балки озми-кўпми география билан боғлиқ бўлган илмий-оммабоп адабиётларни ўрганишни асосий мақсад қилиб қўйган ва бу мақсадни юқори даражада амалга оширган. Қолаверса, олим араб географик адабиётига умуман араб адабиёти ва араб маданиятининг ажралмас қисми сифатида қараган. Китобда “Араб адабиёти”, “Араб маданияти” тушунчалари маълум қадар шартли қабул қилингандиги, аслида бу адабиёт ва маданиятни яратишда араблар билан бирга Ўрта Осиё, Кавказ халқлари, эронликлар, суряликлар, турклар ва бошқалар фаол иштирок этганликларини китоб муҳаррири ҳам таъкидлаб ўтган.

Икки сахифа юқорида Ҳ.Ҳ.Ҳасановдан келтирилган кўчирмада устознинг И.Ю.Крачковский асарининг номини бироз ўзгартириб, “Шарқ географияси тарихи” деб тузатганликлари ҳам шундан.

Биз муҳтасар ҳолда таърифламоқчи бўлган таникли олим И.Ю.Крачковский ҳам, уни ўзига ғойибона устоз деб билган камтарин олим Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ҳам географларимиз томонидан ботбот эсга олиб туриладиган, мавриди келганда асарларига мурожаат қилиб туриладиган сиймолардан эдилар. Бу икки билимдон олимнинг асарларидан нафақат география фани тарихидан, балки тарихий география учун ҳам аҳамиятли бўлган кўплаб маълумотлар топишимиз мумкин. Бу сўзимизнинг исботи тариқасида Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг “Сайёҳ олимлар” китобининг 228 бетидаги маълумотлардан яна бир кўчирма келтирамиз. Бу каттагина кўчирма Мунис Хоразмий (1778-1829) асаридан олинган бўлиб, унда келтирилган XVIII-XIX асрларга тааллуқли маълумотлар таникли археолог олим академик Яхё Гуломов таҳлилида берилган. Унда Қорақалпоғистондаги Давқара (Тавқара) ҳавзаси ҳақида сўз боради. Яъни: ”Тавқара-улуғ денгиз эди, даврасининг кенглиги тахминан 30 фарсанг бўла олғай. Кўх узакнинг кўпроқ суви анга оқар эрди... Қангли ва қипчоқ улуси анга оқатурғон сувларни боғлаб эрди. Ул тенгизнинг суви (1790-

1804 йилларда) туганиб, экин экадиган ер бўлди. Алҳол Оқёқиши ахлиниңг аксари зироат ва маҳсулоти андин ҳосил бўлур”.

Орол денгизи ҳақида: “Ани баҳираи Хоразм атарлар. “Равзат ас-сафо” (китоби) хотимасида унинг даврасини юз фарсанг битибтурлар, алҳол икки юз фарсангдан кўпроқ дерлар. Хоразм... бўлмасдан бурун Амуяким, Балх ва Хоразм дарёсига ва Жайҳунга машҳурдир, Урганч қадимнинг остидан ўтиб, Болхон тоғнинг шарқий этагига тегиб, жануб тарафидан ғарбга уйрулиб, Ўғирчидан Мозандарон тенгизига қуяр эрди... Хўжанд дарёсиким, ани Сайхун ва Сир дерлар, анга қуяр икки дарё Қуванч сувким, Сайхуннинг шохобчаларидандур... Бу мазкур бўлғон дарёлардан бошқа катта анҳор Даҳти Қипчоқдан келиб анга қўшилади. Аммо (Оролнинг) суви бағоят шўрдир. Мунча чучук сувлик дарёлар анга оқмоқ била таъмега ҳаргиз тафовут етмас. Ҳатто дарё қуйғон мавзеидан бир қадам илгарироқ сув ичиб бўлмас, ғолибон бу жиҳатдан ани Аччиқ тенгиз дерлар ва аксари мавзеининг қаъри (чуқурлиги) маълум эрмас...”. Ушбу кўчирманинг мазмунидан кўриниб турибдики, ундаги маълумотлар асосан тарихий географияга тааллуқлидир.

ХУЛОСА

Қадимги грек фани яқун топғаң, дунё фани тарихида узоқ давомли узилиш, турғунлик рўй берди. Фақат IX аср бошларидағина фан, шу жумладан, астрономия билан география ҳам янгидан күртак отабошлади. Бу ҳол дастлаб “Араб халифалиги” деб ном олган Шарқ оламида, унинг сиёсий, илмий ва маданий маркази бўлган пойтахт Боғдодда рўй берди.

Боғдодда “Байт ал-Ҳикма” номи билан машҳур бўлган илмий марказнинг ташкил этилиши фанларнинг, шу жумладан, астрономия ва географиянинг ривож топишидаги муҳим омиллардан бири бўлган. Ушбу илмий марказга халифаликнинг Сурия, Ироқ, Эрон, Хурросон ва Мовароуннаҳр каби узоқ-яқин ўлкаларидан жалб этилган кўплаб олиму фозиллар фаннинг турли соҳаларида илм билан изчил шуғулландилар.

Дастлаб қадимги юонон, Сурия, хинд, форс тилларида яратилган асарлар араб тилига таржималар қилинди ва ўрганилди, расадхоналар қурилиб, ишга туширилди. Кенг миқёсда астрономик кузатувлар йўлга қўйилди, Ер меридиани бир даражалик узунлигини ўлчаш ишлари тажрибадан ўтказилди, қатор илмий асарлар яратилди.

Астрономия ва географияга доир илмий изланишлар натижасида таркибида жойларнинг географик координаталари жадваллари бўлган “Зиж” лар тузилди, “Маъмун дунё ҳаритаси” номи билан танилган ҳариталар жамланмаси ҳамда унга изоҳнома тарзида “Суръат ал-арз” номли дастлабки географик асар яратилди. Ушбу асардаги жойларнинг географик координаталари Шарқ анъаналарига асосланган ҳолда “етти иқлим” бўйича тартибланган бўлиб, кейинги астрономия ва географияга оид асарларда андаза сифатда фойдаланилди. Асар муаллифи Шарқнинг буюк математиги ва астрономи Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий эса кейинчалик Шарқ географиясининг асосчиси сифатида эътибор қозонди.

“Байт ал-Ҳикма” да Мухаммад Ҳоразмий билан бирга ишлаган Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Марвазий, Яхё ибн Абу Мансур, Абул Аббос ал-Жавҳарий, Абдуллоҳ ибн Амажур ат-Туркийлар ўша пайтларда энг мукаммал ҳисобланган “Ал-Маъмуннинг текширилган зижи” ни тузища ҳаммуаллифлик қилганлар ва ўзлари ҳам мустақил зижлар яратганлар.

Китобда эсга олингандек, зиж тузиш ишлари кейинчалик ҳам давом этган. Ироқлик Суҳроб (Х аср), ҳарронлик ал-Баттоний (Х аср), мисрлик ибн Юнус (XI аср), андалуслик аз-Зарқалий (XI аср), нишопурлик Умар Хайём (XI аср) лар тузган зижлар шулар жумласидандир. Маълумотлари анчагина янгиланиб, аниқлаштирилган ва бойитилиб тузилган зижлардан яна Мароғада Насриддин Тусий бошчилигига XIII асрнинг иккинчи ярмида (1271 йил) ва Самарқандда Мирзо Улуғбек раҳбарлигига XV асрнинг биринчи ярмида (1437 йил) яратилган зижлар мисол бўлади. Зижларда ва “Суръат ал-арз” асарида берилган географик маълумотлар асосан математик ҳисоб-китоблар ёрдамида аниқланганлиги сабабли уларни математик география йўналишида бажарилган деб баҳолаш мумкин.

IX асрнинг иккинчи ярмида ва айниқса, X-XI асрларда Шарқ оламида тасвирий география йўналишида шундай асарлар яратилди-ки, улар фақат Шарқ географиясига хос бўлган туркумни ташкил қиласиди. Бу “ал-масолик ва ал-мамолик” номли асарлар туркуми эди. Ушбу йўналишнинг асосчилари хурсонлик Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий, Абдул Аббос ас-Саҳсий ва Эронлик адаб Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Хурдодбехлар эди. Кейинчалик Бухорода Абу Абдуллоҳ Жайҳоний, Балхда Абу Зайд Балхий, Эронда ал-Истаҳрий, Ироқда ибн Ҳавқал, Мисрда ал-Муҳаллибий, Андалусда Муҳаммад ибн Юсуф ал-Варроқ, Аҳмад ибн Умар ал-Узрий, ибн Ҳазм, ал-Бакрийлар ҳам шу номда асарлар ёзганлар.

Асарлари бошқача номланган бўлсада, машҳур ал-Муқаддасий ва ал-Масъудийлар ҳам тасвирий география намоёндалари ҳисобланади. Муаллифи номаълум “Худуд ул-

олам” китоби ҳам, ал-Идрисий, ал-Гарнатий, Нажиб Бакрон, Ҳофизи Абру асарлари ҳам шу йўналишда ёзилгандир.

Шарқ олами тасвирий географиясида, унинг ривожланишида “Саёҳатнома” туркум асарлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Тасвирий географиянинг бу тармоғини шаклланиши ва ривожланишида ибн Фадлон, Носир Хисрав, ал-Арабий, ал-Киноний, ибн Баттута, Ғиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий асарлари аҳамиятли бўлди.

Шарқ олами географиясида ўзига хос бўлган яна бир йўналиш шакллангандики, уни шартли равишда луғатчилик деб аташ мумкин. Бу йўналишда яратилган асарлар сирасига Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотик ал-улум”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк”, ан-Надимнинг “Ал-Фихрист”, ал-Бакрийнинг “Муъжам маствоҷам”, аз-Замахшарийнинг “Китоб ал-Жибол ва амкина вал мийёҳ”, ас-Самъонийнинг “Китоб ал-Ансоб”, Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжам ал-булдон” ва “Муъжам ал-удабо”, ал-Қифтийнинг “Тарихи ҳукама” қаби қатор асарларни киритиш мумкин. Кейинчалик, XVII асрда Балхда Маҳмуд ибн Вали ёзган “Бахрул-асрор...” ҳамда Истамбулда турк шарқшунос олими Ҳожи Ҳалфа тузган “Кашф аз-Зунун” номли асарлар ҳам шу йўналиш намуналариdir.

Ўрта асрлар Шарқ фанининг, шу жумладан, астрономия ва географиянинг тараққиёт тарихида Абу Райҳон Беруний асарларининг ўрни ниҳоятда салмоқлидир. Юқорида таърифлаб ўтилган барча йўналишларга унинг у ёки бу асари даҳлдордир. Олимнинг география ва бошқа бир қатор табиатшунослик фанларига тааллуқли асарлари ўзининг қамрови ва илмийлиги жиҳатдан биз ўрганган даврлардаги асарлар орасида бекиёс ҳисобланади.

Китобда тилга олинган асарларнинг кўпчилигида географик хариталар мавжуд бўлиб, улардан айниқса, дунёнинг доира шаклда чизилган хариталари эътиборга лойикдир. Абу Зайд Балхий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Нажиб Бакрон,

Ҳофизи Абру, Али Қушчи асарларида келтирилган бундай хариталар алоҳида, яъни Шарқ харитаграфияси тарихи нуқтаи назаридан илмий таҳлилга муносабидир. Масалан, Ҳофизи Абрунинг градус тўри ўтказилган, иқлиmlарнинг чегаралари кўрсатилган дунё харитаси ҳақида Ҳ.Ҳ.Ҳасанов: “Бу дунё харитаси – Ҳофизи Абрунинг шоҳ асари... Бу харита билан бутун Шарқ харитаграфияси фахрланса арзийди” – деб ёзганди. Айтиш лозимки, Ҳофизи Абру ўз даврининг етук муаррихларидан ҳисобланган. Асарининг номи ҳам “Тарихлар қаймоғи”, аммо мазмунан тарихий географиядир. Шу каби тарихга оид, аммо географик маълумотларга бой асарлар кўп бўлган. Бунга Абу Бакр Мухаммад Наршахий, Гардезий, Рашидиддин Фазлухлоҳ, Фахриддин Банокатий, Абдураззок Самарқандий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Мирзо Ҳайдар асарларини киритиш мумкин.

Айтиш лозимки, география тарихининг аввалги катта қисмида бир қатор масалалар ҳали исботини топмаган ёки аниқ далиллар бўлмаган ва турлича талқин қилиб келинган. Шундай масалалардан учтасини, яъни Ернинг шакли ва катталиги, географик координаталар ҳамда “иқлиmlар” тарихини алоҳида сарлавҳалар сифатида беришга, улар қаторида ўтмишда асосан араб тилида, қисман форс ва туркий тилларда битилган ёзма манбаларни географик таҳлил қилишда хизматлари катта бўлган таникли олимлар – шарқшунос И.Ю.Крачковский ва географ Ҳ.Ҳ.Ҳасановлар илмий фаолиятига оид қисқача маълумот беришга харакат қилдик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи Саъдайн ва мажмаъи баҳрайн. Форс-тожик тилидан таржима, кириш, сўз боши ва изоҳли луғатлар А.Ўринбоевники. Т., 1969.

Абдуҳалимов Б. Аббос ал-Жавҳарий. Маънавият юлдузлари. Т., 2001.

Антошко Я.Ф., Соловьев А.И. История географического изучения Земли. М., 1962.

Аҳмедов А. Аҳмад ал-Фарғоний. Маънавият юлдузлари. Т., 1999.

Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., 1994.

Бартольд В.В. Соченения. Т. 1, 1963.

Бартольд В.В. Соченения. Т. 8, 1973.

Бекчанов И. Мутрабий тазкиралари муҳим адабий манба. Т., 2009

Богучарков В.Т. История географии. М.-Ростов на Дону. 2004.

Боднарский М.С. Античная география. М., 1953.

Болтаев М. Носир Хисрав. Маънавият юлдузлари. Т., 1999.

Борщеский Ю.Е. Наджиб Бакран. «Жаханнаме». М., 1960.

Брагинский И.С. Проблемы Востоковедения. М., 1974.

Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (тарихий-географик лавҳалар). Т., 1977.

Голубчик М.М., Евдокимов С.П., Максимов Г.Н. История географии. М., 1998.

Дементьев В.А., Андрющенко С.К. История географии. Минск. 1962.

Дитмар А.Б. География в античное время. М., 1980.

Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., 1989.

Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Т., 1993.

Исаченко А.Т. Развитие географических идей. М., 1971.

Калинина Т.М. Сведения ранних ученых Арабского халифата. М., 1988.

- Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-ансаб” Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Т., 1993.
- Каримова С. Ибн Сино. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд, Т., 2002.
- Конрад Н. Запад и Восток. М., 1966.
- Мец А. Мусульманский Ренессанс. М., 1973.
- Миракмалов М. Халқ табиий географик терминлари. Т., 2009.
- Мухтаров А. Джейхани о городах Мавераннахра. В сб. Актуальные проблемы исторической науки. Т., 1990.
- Мұхаммад Ҳайдар мірзо. Тарихи Рашидий. Т., 2010.
- Саушкин Ю.Г. История и методология географической науки (курс лекций). М., 1976.
- Тимофеев И. Бируни. М., 1986.
- Толстов С.П. По следам древне-хорезмийской цивилизации. М., 1948.
- Томсон Дж. История древней географии. М., 1950.
- Хайруллаев М.М. Эпоха Возрождения и мыслитель Востока. Т., 1971.
- Хайруллаев М.М., Бахадиров Р.М. Абу Абдуллах ал-Хоразми. М., 1988.
- Хайруллаев М.М. Абу Али ибн Сино. Маънавият ўлдузлари. Т., 1999.
- Шарипов А. Абу Райхон Беруний. Маънавият ўлдузлари. Т., 1999.
- Шомухamedов Ш.М. Хазиналар жилоси. Т., 1981.
- Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. Т., 1960.
- Ўринбоев А., Бўриев О. Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. Т., 1991.
- Ҳасанов Ҳ.Ҳ. Ўрта Осиёлик географ сайёҳлар. Т., 1964.
- Ҳасанов Ҳ.Ҳ. Сайёҳ олимлар. Т., 1981.
- Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. Т., 1993.
- Ҳикматов Ф., Айтбоев Д., Шожалилов Ш. Сув илми тарихидан. Т., 2000.

Мундарижа

Кириш.....	3
I. Географик тафаккурнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихидан.....	8
Дастлабки географ олимлар.....	13
II. Ўрта асрлар Шарқ олами географияси	25
Шарқ олимларининг асарларида математик география йўналиши	30
Шарқ олимларининг асарларида тасвирий география.....	48
Тасвирий географиянинг масофалар ва мамлакатлар тармоғи.	49
Ўрта асрлар тасвирий географиясида Абу Зайд Балхий мактаби	53
Айрим тасвирий географик асарлар ҳақида.....	61
Баъзи тарих асарларидаги тасвирий географияга оид маълумотлар	72
Ўрта асрлар Шарқ олами тасвирий географиясида “Саёхатнома” туркум асарлар	98
Шарқ олами географиясида лугатчилик йўналиши	113
Ўрта асрлар Шарқ олами географияси тарихида Беруний даври	127
III. Айрим географик муаммолар тарихидан	147
Ернинг шакли ҳамда катталигини аниқлаш тарихи.....	147
Географик координаталар тарихидан бир лавҳа	154
Етти иқлим ва географик зоналлик ҳақида	162
Хулоса	176
Фойдаланилган адабиётлар	180

Зокиров Шухрат Салихович
Тошов Худойназар Рамазонович
География тарихи
IX – XVI асрлар

MUHARRIR: *Sh. Farmonov*
TEXNIK MUHARRIR: *A.Qalandarov*
MUSAHHIH: *M.Bafoyeva*
SAHIFALOVCHI: *M.Ortiqova*

Nashriyot litsenziyasi A-1 № 118 08.12. 2010. Original –
maketdan bosishga ruxsat etildi. 10.04.2015. Bichimi
60x84. Kegli 16 shponli. «Times» garn. Ofset bosma
usulida bosildi. Ofset qog`ozи. Bosma tabog`и 11.5 Adadi 150.
Buyurtma №33. Bahosi kelishilgan narxda.
Buxoro Matbuot va axborot boshqarmasi
“Durdon” nashriyoti: Buxoro shahri, Namozgoh
ko`chasi, 97.

“Sharq-Buxoro” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri, M.Iqbol ko`chasi, 11